


Ф.Н. Мақсудов
Г.И. Каримова
М.М. Перпер

**БОЗОР
ВА
ОЧИҚ
ИҚТИСОДИЁТ**

"БИЗНЕС КАТАЛОГ" КОМПАНИЯСИ ТАКДИМ ЭТАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚўМИТАСИННИГ НАШРИ

**Демократик давлат курриклининг
нахаријаси ва амалийти**



**Ф.Н. Мақсудов
Г.И. Каримова
М.М. Перпер**

**БОЗОР
ВА
ОЧИҚ
ИҚТИСОДИЁТ**

4

**Лойиҳанинг муаллиф-раҳбари
Иқтисод фанлари доктори - Чжен Виктор Анатольевич**

Муаллифлар жамоаси:
Иқтисод фанлари доктори - Чжен Виктор Анатольевич
Иқтисод фанлари номзоди - Ф.Н. Мақсудов
Сиёсий фанлар номзоди - Г.И. Каримова
Иқтисод фанлари номзоди - М.М. Переир.

Нашрга С.Н. Аманов
тайёрлаган

© “Бизнес Каталог” компанияси нашри
© Материалларни нашрга “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”
нашриёт уйи тайёрлаган

◆ БОЗОР ВА ОЦИҚ ИҚТИСОДИЁТ ◆

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, халқаро муносабатлар субъектига айланыди. Ўзбекистон Олий Конграши 1991 йил 31 августда қабул қылған давлат мустақиллiği тұғрисидеги баёноста “Ўзбекистон Республикасы халқаро ҳамжамияттнинг тенг ҳукуқлы аязоси бўлиб, халқаро муносабатларда суверен давлат, халқаро ҳукуқ субъекти бўлиб майдонга чиқади”, дейилади. Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳукуқли субъекти сифатидаги мақоми мустақилликнинг дастлабки беш йили ичиди конкрет мазмун касб этди. Ўзбекистонни 150 дан ортиқ давлат тан олди, 70 дан ортиқ мамлакат билан дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Республика БМТ аязоси бўлди, Хельсиники битимларига кўшиди, Европа Иттифоқи билан щерикчилик ва ҳамкорлик тұғрисидеги Битимни имзолади. Қисқа вақт ичиди Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ҳамкорликнинг нуфузли халқаро ташкилотлари бўлган Халқаро валюта фонди, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё Тараккиёт Банки, Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро электр алоқаси итифоқи, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси ва бошқа кўплаб ташкилотларга қабул қилинди. Жаҳон ҳамжамияттнинг суверен Ўзбекистонни тан олиши, унинг турли халқаро ташкилотлар ишида фаол қатн-

ашиши бирнече ўн йилликлар давом этиб келган республика иқтисодининг ташқи биққиқтипици бартараф этиш учун зарур шартдир. Очик турлари иқтисодиётни курмай туриб, мамлакат жаҳон хўжалик алоқаларида муносаб иштирок этмай туриб, ижтимоий йўналиригидан бозор иқтисодигини шакллантиришни барқарор иқтисодий ва ижтимоий тараққиётни таъминлашиб бўлмайди.

Очик иқтисодиёт сари ҳаракат қилиш мувоффик унбу китоб учун асос қилиб олиниди. Бозор иқтисодиётни ўз мувоффиктига кўра очик иқтисодиёти зизим бўлиб, унга автаркия ва ўзини ўзи таъминлаши қонулалари ётдир. Бозор хўжалиги қонувлари катта жўкрофий майдонларда амал қиласли, рақобатининг забтини оширади ва иштраб чиқарувчилар қайси мамлакатда жойлашган бўлишидан қатъий назар, уларни чиқимларни камайтиришга, сифатни оширишга, истеъмолчи ҳақида замонхўрлиқ қилишга мажбур этади. Китобнинг биринчи бўлими очик бозор тизимининг аҳамияти ва афзалликларини қараб чиқпира га бағишланган. Китобхон ҳаққаро савдоининг иқтисодий асослари тўғрисидаги фикрлар билан танинилди, ташқи иқтисодий алоқаларнинг миллӣ лўхжаликка таъсир кўрсатиш механизмини англаб олади. Бу таъсир плюс белгили бўлиб, иқтисодиёт таркибида ижобий ўзгариштирга ва аҳоли турмуш даражасининг ўсишлига олиб келиши мумкин. Лекин, минус белгили бўлиб, мамлакатининг кўпроқ ривожланган мамлакатлар учун хом ашё ва табиий ресурслар етказиб берувчи сифагидаги ролини сақлашиб қолиши, иқтисодий қарамаллик ва тенгисизликини мустаҳкамлашиб қўйиши хам мумкин.

Жаҳон хўжалигини муносаб кириб бориш учун Ўзбекистон миллӣ иқтисодиётни босқичча-босқич очиб бориш йўлидан бормоқда. Нима сабабдан Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятининг жадал эркинлаштириши моделини таълеб олмади, очик иқтисодий тизим сари ҳаракатлинишнинг босқичлари қандай, жаҳон хўжалигини кириш самаралоригини қандай баҳолаш керак каби саволларга ҳам китобнинг биринчи бўлимидан жавоб топасиз.

Иккинчи бўлимнинг асосий мавзуси давлатининг ташқи

иқтисодий фаолият субъекттери сифатидаги вазифалари ҳақида. Таңқи иқтисоддің соңда давлат стратегиясынинг турлари, унинг хўжалик юритувчи субъектлар таңқи иқтисодий фаолигини тартибга солишда фойдаланадиган воситалари сингари масалалар багафсил қараб чиқилади. Иқтисодиёти ривожланниб бораётган мамлакатлар таңқи иқтисодий фаолиятининг ўзига хос томонлари билан, жаҳон ҳом аниб ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти бозорларининг хусусиятлари билан танишши китобхонга Ўзбекистон таңқи иқтисодий стратегиясининг қонуниятлари ва ривожланиши истиқболларини билб олиш имконини берали.

Жаҳон валюта-модия бозорларига кўшилмай туриб, жаҳон хўжалигига кирпин мумкин эмас. Китобхон учинчи бўйим билан танишганда, бо юрларининг амал қилиш қонуниятлари, чет эл валюталари ва миљий пул бирлигига талаб билан тақлифнинг ўзро таъсири, валютатир курсининг “сузиб юриши”-нинг афзалтиклири ва хавфлари, валюталарининг айирбошланниши ва ҳалқаро бўнклар тўғрисида тасловбур ҳосил қиласли.

Миљий пул бирлителининг айирбошланшини таъминлаш мамлакатининг жаҳон капиталлар бозорида катнашашини енгилаштиради. Ўзбекистон структуравий қайта қуришни амалга ошириш, техникани янгилаш, жаҳон бозорларига пировард фойдаланадиган рақобатбардош маҳсулот билан чиқиши учун чет эл капиталирини жағб этишига муҳтож. Суда ва тадбиркорлик капиталиари нима, бевосита инвестициялар мажмуга инвестицияларидан нимаси билан фарқ қиласли, инвестиция иқтимии ишма ва кўчма корхоналар нимага керак каби ва бошқа масалалар гўрпинчи бўйимда қараб чиқилади.

Бешинчи бўйим Ўзбекистонининг жаҳон интеграция тизимларига киришига багишланган. Жаҳон ва минтақавий төварлар ва хизматлар, капиталлар ҳамда ишчи кучи бозорларида иштирок этиш давлатларни интеграциялашувга, бозор кучлари амал қилиб турган йўлдаги божхона, валюта соҳасидаги ва бошқа тўсиқтарни олиб ташлашга ундаиди. Бунда ҳар бир мамлакат интеграция жараёнилари ҳамда улар тезлигини ўз манфаатларидан келиб чиқиб танлаиди. Китобхон иқтисодий ин-

теграция жараёнларининг шакллари ва улар билан муқаррар суратда ёнма-ён кечидиган зиддиятлар ҳамда уларни ҳал этиш усуллари билан қизиқиб таниппади. Шу муносабат билан интеграцияланув сари ўз йўлларини 50-йилларда бошлаган Фарбий Европа давлатларининг тажрибаси намунали. Бўлимда МДХ мамлакатлари ҳамда Марказий Осиёда интеграция жараёнларининг ривожланиши йўсунлари, Ўзбекистоннинг турли интеграция жараёнларида иштирок этиши, ҳалқаро шартномалар тузиш амалиёти, республиканинг ҳалқаро молиявий иқтисодий тузилмалар билан ўзаро муносабатлари ҳам кўриб чиқылади.

Охирги олтинчи бўлим китобхонга корхона ташки иқтисодий фаолиятининг асослари тўғрисида тасаввур беради. Бунда экспорт-импорт операциялари ҳамда ташки иқтисодий битимлар ва ҳисоб-китоблар батафсил таҳдил қилинади, уларни самарали ташкил этиш бўйича тавсиялар берилади. Кўпма корхоналар ташкил этиш ва шартномалар тузишга бағишланган ҳамда ана шу мураккаб масалалар бўйича аниқ тавсиялар берувчи боблар ҳам амалий аҳамиятта эга.

Шубҳасиз, бу китобнинг вазифаси ташки иқтисодий операцияларни қандай юритиш фойдали ёки давлат уларнинг санарадорлитини ошириш учун қандай сиёsat тутиши кераклиги ҳақида тайёр маслаҳатлар беришдан иборат эмас. У китобхонга жаҳон хўжалиги доирасида турли мамлакатлар манфаатларининг хилма-хилтиги ва кўпинча қарама-қаршилигини, очик иқтисодиётни шакллантириш борасида Ўзбекистоннинг тактикаси ва стратегиясини белгилаб берадиган мамлакат ва жаҳон бозорлариппинг ғоят мураккаб жараёнларда ўзаро таъсирини билиб олишда ёрдам бериши керак.

Иқтисод фанлари доктори

В.А.Чжен

ОЧИҚ ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМНИНГ АҲАМИЯТИ ВА АФЗАПЛИГИ

1 - бўлим

1.0. Халқаро савдошинг иқтисодий асоси

Жаҳон бозорига нима асос бўлган? XVIII асрга қадар олимлар бу саволга жавобни табиат инъомларининг турли мамлакатлар ва халқлар ўртасида хотекис тақсимланганлиги билангина боғлар эди. Мулоҳаза юритиш мантиқи оддий эди: агар бир мамлакатда мармар кони, бошқасида эса олтин кони бўлса, уларнинг қироллари олгин тожда мармар қопланган саройда ўтиришлари учун бу мамлакатлар бир-бири билан савдо қилиб, мармарни олтинга айиришашни керак, вассалом.

Адам Смит билиш сари янги қадам ташлаб, "мутлақ устуналиқ" тушунчасини киритди. "Мутлақ устуналиқ" ҳар қайси мамлакатда шундай товар мавжудки, харажатлар бирлигига ҳисоблагандага у бонца мамлакатларга қараганда кўироқ ишлаб чиқарип мумкин бўлган вазиятдир.

Айтайлик, Ўзбекистонда энг арzon ишлаб чиқариладиган товар - пахтадан тайёрланган кўйлаклардир, Украинада эса - шакар. Украинада харажатлар бирлиги ёрдамида 50 кг шакар ёки 25 та кўйлак ёхуд мазкур миқдор доирасида шакар ва кўйлакларнинг ҳар қандай комбинациясини ишлаб чиқариш мумкин. Ўзбекистонда харажатлар бирлиги ёрдамида 40 кг шакар ёки 100 дона кўйлак ёхуд мазкур миқдор доирасида ҳар қандай комбинациядаги маҳсулотни ишлаб чиқарса бўлади.

ОЧИҚ ИҚТИСОДИЙ ТЕРБІЯЛЫМЫ АХАММІЯТИ ВА АФЗАЛИЛІГІ

Маълумот учун материал

Халқаро иқтисодий мұносабаттар соңасында мұнгатам тәлқиқоттар меркантилизм даврида (тахминан XVI XVIII жарлар) Еуропада бішінші ва давлатнинг ташқы савдои қандай бүлниш керак деган мавзудати умумий фикр юритишідан иборат эди. Бошқа мамлакаттарға экспорттың күпайтишта ёрдам беріши ва у ердан импортни чеклаш ҳар бир мамлакатнинг манфааттарыга мос деб ҳысобданар эди. Шу сабабы меркантилчилар импорт йүйінде күйдан-күт чекловлар қўйиш зарурлигини оқылар элилар. Улар импортта солиқ солиши иш жойларини тақсил этиш ва мамлакат гидро-маданинг күпайтишта олиб борадиган восита деб ҳысоблар эди. Товарларни импорт қылыш эса ёмон, чунки улар учун ҳак тұлашы керак, бу эса агар чет элликтардан сотиб олинған товарлар ва хизметтер үларға сотишига мұваффақ бўлинганидан кўра кўпроқ бўлса, метталы пуллар (олтин ва кумуш)нинг четта чиқиб кетишшига олиб келиши мүмкін деб қарашар эди. Импортдан яна шунинг учун ҳам қўрқиши керак эдики, уруши бўлиб қолган тақдирда бу товарлар билан таъминланыш тўхтаб колиши мумкин эди.

XVIII аср охирида меркантилчиларга қарама-қарши ўлароқ, янтича ёндошув - фритрейдерлик (инглизча free trade - эркін савдо сүзілеш) шаклланған. Бу ёндошув тарафдорлари тўла савдо эркинлигига йўл қўйиш одамлариниң қандай савдоны зарур деб ҳысобласа, шунисига имкон беріши айрим давлатнинг ҳам, умуман барча мамлакатларининг ҳам манфатларига мос келали деб таъкидлайди.

ОЧИК ИҚТІСДІККІ ТІВІНІМІНІГЕ АҚАМНІЯТИ ВА АФЗАЛЛІГІ

Савдо бүлмаса, ҳар бир мамлакат фәқат ўзи ишінде чиқарған нарсаныгина истесмөл қылышы керак, холос. Бундай шароитта Ўзбекистон билап Украинаға истесмөлінің шакар ва күйлакларнинің ҳар хил комбинациясы билан күрсатылған энг күп ҳажмаларини 1.1.расмда қора қылдырғандағынан айырмаштырып көрсетеміз.

Шакар (харажаттар бирлігіне нисбатан кг)



Шакар (харажаттар бирлігіне нисбатан кг)



ОЧИҚ ИҚТІСОДИЙ ТІЗІМНИҢ АҲАМНЯТЫ ВА АФЗАППИТИ

Шу тариқа, назарий жиҳатдан Украина ўзини 50 кг миқдорида шакар билан таъминлаши ва умуман күйлаксиз қолиши (S_1 нұқтаси) ёки бир кг ҳам шакар ишлаб чиқармаган ҳолда ҳамма имконияттарини ғақат күйлак ишлаб чиқаришига сарфлаши мүмкін (S_2 нұқтаси). Яна бир вариандт бўлиши мүмкін, бунда S_0 нұқтасида кўрсатилганидек, 20 кг шакар ва 15 дона кўйлак ишлаб чиқарилади. Ўзбекистон 100 дона кўйлак ва 40 кг шакар ёки бошқачароқ нисбатда, масалан 70 дона кўйлак ва 12 кг шакар ишлаб чиқариши мүмкін.

Ташқи иқтисодий алоқалар бўлмаса, Украина ва Ўзбекистон нима ва қанча ишлаб чиқаради? Айтайлик, аҳоли афзал кўрадиган нарсалар шундайки, юқоридаги ва пастдаги чизмаларда эгри чизиқнинг S_1 S_2 нұқталарида ишлаб чиқаришнинг мүмкін бўлган барча комбинацияларидан S_0 нұқтаси тантаб олинади. Яъни Украинада 20 кг шакар ва 15 дона кўйлак, Ўзбекистонда эса 12 кг шакар ва 70 дона кўйлак ишлаб чиқарилади.

Савдо бўлмаса, ҳар иккى мамлакатдаги нархлар турли-ча. Агар иккала товар рақобатли бозорга қўйилса, уларнинг нисбий нархлари нисбий ишлаб чиқариш чиқимлари билан белгиланади. Украинада кўйлакнинг нархи таҳминан иккى кг шакар (50:25) билан баҳоланади. Яна шу сабабга кўра, Ўзбекистонда ташқи савдо бўлмаганида бир дона кўйлак 0,4 кг шакарга (40:100) тушади.

Энди бу мамлакатлар ўртасида савдо алоқалари ўрнатилди деб тасаввур қиласлик. Кимdir нархтардаги фарқقا эътибор беради: Ўзбекистонда кўйлак арzon - бир дона кўйлак атиги 0,4 кг шакарга сотилади, холбуки Украинада ҳар бир кўйлак учун иккى кг шакар олиш мүмкін. Агар транспорт харажатлари қиммат бўлмаса (биз эса улар нолга тенг деб таҳмин қиламиз), ўша кимdir имкониятдан фойдаланиб, Ўзбекистондан кўйлакларни сотиб олиб, уларни Украинада шакарга сота бошгайди.

Ташқи савдо битимлари бутунлай унинг қўлида қоладими ёки унинг мустақил рақобатчилари пайдо бўлиб қолад-

ОЧИҚ ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМНИНГ АХАМИЯТИ ВА АФЗАЛЛИГИ

ими, бундан қатын назар, мутлақо аёнки, ташқи савдо оқимининг йўналишлари ишлаб чиқариш чиқимлари ўргасидаги нисбат билан белгиланаверади. Украинада шакар, Ўзбекистонда эса кўйлакни нисбатан арzon бўлганлигидан, Ўзбекистон кўйлакни экспорт ва шакарни импорт қиласди.

Икки мамлакат ўргасида савдо ривожланишидан уларнинг ахолиси нима ютади? Истеъмолнинг тузилиши ўзгаради ва ишлаб чиқаришни иктисоелашибирлишдан иқтисодий самара олиниши таъминланади. Энг аввало, истеъмолнинг кўпайишида ўз аксини топадиган ташқи савдо туфайли эришиладиган ютуқни кўриб чиқамиз.

Айтайлик, мамлакатлар ўргасидаги савдо натижасида шакар билан кўйлакнинг нархи 1 : 1 нисбатда белгиланади, деб фараз қўлтайлик. Агар ишлаб чиқаришнинг тузилиши ҳатто S0 нуқтада қолган тақдирда ҳам томонлар ана шу пиртлар асосида савдо қўлса, фойда олаверади. Экспорт қилинган ҳар бир кг шакар учун биттадан кўйлак олиб, Украина аввалигни истеъмол даражасидан ошиб кетиши мумкин; бу 1.1.расмда қалин пунктнинг чизиқ билан кўрсатилган. Бу истеъмолни ўстирадими? Шубҳасиз, ўстиради, чунки янги нисбат (1 кўйлак = 1 кг) эски нисбатдан (1 кўйлак = 2 кг) фарқ қиласди. Энди жаҳон бозори нархлари бўйича улар ўзларига керак эмас деб ҳисоблаган ҳар бир кг шакар учун биттадан кўйлак олиши мумкин. Бу ҳол уларга фойда келтиради. Ўзбекистон ҳам истеъмолда фойда кўради.

Кейинчалик ишлаб чиқаришни иктинослашибирлиш туфайли ҳам ютуқни кўпайтириши мумкин. Энди Украина учун S0 нуқтасидаги каби ҳар бир харажатлар бирлигига 20 кг шакар ва 15 дона кўйлак ишлаб чиқариш шарт эмас. Бундай шароитда у кўйлак ишлаб чиқаришдан бутунлай воз кечиши керак. Модомики, ресурслардан қишлоқ хўжалигига фойдаланиб, аввалигни битта кўйлак ўрнига икки кг дан шакар ишлаб чиқариш ва экспорт қилинган ҳар икки кг шакарга иккита кўйлак олиш мумкин бўлган бир пайтда, ресурсларни кўйлак тикишга сарфлашнинг нима кераги бор? Украина S1 нуқтаси-

ОГАН ИКТИСОДИЙ НУКСАСИДА АХАМКИНЫН ВА АДАСЫНДА

да шакар ишлаб чиқаришга батамоч ихтисослашыпши ва унинг бир қисмини күйлактарга алмаштириши мумкин; бу эса истемолни чизмадаги С нұқтасига ўзгартыради. Худи шунга ўшаб, Ўзбекистон ҳам ўзи утун арzon түшениган товар ишлаб чиқаришта ихтисослашыпши ва ғақат күйлак ишлаб чиқариб (1.1. расмийнг пастки чизмасидаги S1 нұқтасида күрсаптанидек), уларпи С нұқтасидаги зарур истемол даражасига етиш учун шакарга алмаштириб олиши мумкин.

Ихтисослашыпши ва жаҳон нархларида бир кг шакарга бир дона күйлак алмаштириб олиш имконияти бир вакытting ўзіда ҳам Украинаға, ҳам Ўзбекистонға ташқы саводдан фойша олиш имконини беради. Иккала мамлакат ҳын ташқы саволосыз эришиб бўлмайдиган истемол даражасига кўтарилиши мумкин. Энди Украина аҳолиси 30 кг шакар ва 20 дона күйлак (10 кг шакар ва 5 дона күйлак кўп), Ўзбекистон аҳолиси эса 80 дона күйлак ва 20 кг шакар (8 кг шакар ва 10 дона күйлак кўп) истемол қилиши мумкин. Агар Украина билан Ўзбекистон автаркияни сақтаб, биз кеттирган расмда и йўғон чизиқда қолавергандা эди, улар ҳеч қачон С нұқтасига ета олмаган бўларди. Ташқи савдо бўлмаган шароитда истемолта сарфланадиган шакар билан күйлакният йўл кўйиш мумкин бўлган ҳар бир комбинациясига (уларнинг кўпчилиги қалтин чизиқ билан белгиланган) жаҳон нархини билдирувчи чизиқдаги (қалтин пунктнр чизик) нұқта тўғри келади. Бу нұқтада ихтисослашув ва ташқи савдо түфайли иккала товарни истемол қилиш ҳажми ошади.

Халқаро товар айпроцесси фойдаллигинин сабабларини талқиқ қилишда иаъватлаги қадамни Рикардо ташлади. У **нисбий устуник қонушини** таърифлаб берди.

У ёки бу товарларни ишлаб чиқаришга қилинадиган харажатларда мутлақ устуникка эга бўлиш ташқи савдонинг кең тарқалиши сабабларини батамоч тушунтириб бера олмайди. Чиқимларни таққослаганда мамлакатлардан бирор тасида қарийб ҳамма товарларни ишлаб чиқариш самарадорлик жиҳатидан бошқа мамлакатлардагидан ортиқ бўладиган

БОЗОР ВА ОЧИҚ ИКТИСОДИЁТ

холлар тез-тез учраб туралы. Лекин шундай ҳолда ҳам ташқи савдо үчун рагбат сақланиб қолаверади, чунки бу самарадорлик даражаси турли товарлар үчүн бир хил эмас. **Нисбий устүнлік қонуны мамлакатда барча күчни шу ерда нисбатан күпроқ самарадорликка эга товарларни ишлаб чиқаришга қараташ ва уларни экспорт қылыш, ўринига-ўрини ўзи жуда кам устүнлікка эга бўлган товарларни олиб келиш фойдалари оқ эканни тасдиқлади.** ІШУНДАЙ ҚЫЛИБ, ташқи савдо бир томоннинг ютугини белгилайдиган бошқа томон мағлубияти ифодалайтилган “нуль суммати ўйин” эмас. Савдо ҳамма учун фойдалы бўлиб, унда қатнашиш ҳеч бўлмагандан савдо муносабатлари ўрнатилгунга қадар булган аҳволни ёмонташтирилмайди.


Буни қуйидаги рақамли мисол билин кўрсатамиз. Айтайлик, Украинада аввалинде көрсетилген 50 кг шакар ёки 25 дона кўйлак ёхуд мазкур миқдорлар доирасида шакар ва кўйлактарниң исталған комбинациясини иштаб чиқарни мумкин бўлсин, шунингдек Ўзбекистонда харажатлар биринчи ёрдамида 67 кг шакар ёки 100 дона кўйлак ёхуд мазкур миқдорлар доирасида уларниң исталған комбинациясини иштаб чиқарни мумкин бўлсин. Яъни Ўзбекистон кўйлакларни ҳам, шакарни ҳам Украинага қарагандиа кўпроқ самарадорлик билан иштаб чиқарсан. Бу Украиналик тадбиркорлар учун ўзбекистонлик тадбиркорлар билан савдо қилишининг маъноси қолмагачигини англашадими?

Харажатларни тежаш нуқтаси на заридан ўзбекистонлик иштаб чиқарувчиларниң украиналиқ иштаб чиқарувчилардан қанчалик устүнлигини ҳисоблаш керакми? Бу устүнлік даражаси ҳар иккала товар бўйича бир хил бўлиши эҳтимолдан йироқ. Бир товар бошқа товарга қараганда кўпроқ самара билан иштаб чиқарилиши аниқ. Демак, иштаб чиқариш тармоқларидан бирги ривожланиши учун ва унинг маҳсулоти эса экспорт учун нисбатан фойдалари оқ бўлиб чиқади. Ана шу нисбатан фойдалилик мамлакатлар ўргасида товарлар айирбонлашып тузулганини белгилаб берадиган асосдир.


ОЧИК ИҚТІСОДИЙ ТІЗІМШІНГЕ АХАМІЯТИ ВА АФЗАПОЛІГИ

Нисбатан устуңлікден фойдаланиш натижасыда олиналыған ютуқ ҳақида янада түлароқ тасаввурға эга бўлиши мизга юқоридаги мисолнинг чизмаси берилган 1.2 расм ёрдам беради.

Шакар (харажатлар бирлигига ишбатан кг)



Шакар (харажатлар бирлигига ишбатан кг)



◆ — БОЗОР ВА ОЧИК ИҚТІСОЛИЁТ — ◆

ОЧИҚ ИКТИСОДИН ГУЗИМНИНГ АҲАМИЯТИ ВА АФЗАЛЛИГИ

Агар ташқи савдо олиб борилмаса, Украина ўзини-ўзи таъминлашга ўтиб қолали ва қалин чизикдаги нуқталардан бирида, масалан S₀ нуқтасида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотнигина истеъмол қилишга мажбур бўлади. Ўзбекистон ҳам шу ахволга тушади.

Савдо алоқалари ўрнатиш мамлакатларнинг имкониятиларини кенгайтиради, гарчи Украинага иккала товарни ишлаб чиқариши ўзбекистондагига қарагандо, ҳатто қимматроқ тушса ҳам. Савдо қилиш имконияти тувилиши биланоқ, ким бўлмасин Украинада битта кўйлакка икки кг шакар сотиб олиш, шакарни ўзбекистонга жўнатиш ва у ерда учта кўйлакка сотиш мумкинлигига (100/67·2) эътибор беради. Иккала мамлакатда ҳам ҳар бир товарни ишлаб чиқариш қанчага тушишидан қатъий назар, Украинадан шакар чиқиб кета бошлияди ва у ўзбекистонда ишлаб чиқарилашган кўйлакка айрбошлианди. Савдониг ривожлевниши тез орада бу мамлакатлардаги нисбий нархларнинг бараварлашувига олиб келади.

Мутлақ устунлик вазиятида бўлганидек, бу гал ҳам энг кўп миқдорда истеъмолни таъминлаш учун ҳар иккала мамлакат учун битга товарни яни Украинада шакарни, ўзбекистонда кўйлакларни ишлаб чиқаришга багамом ихтисослашиш фойдали бўлиб қолади. Жаҳон нархларининг нисбати бир кг шакарга бир дона кўйлак даражасида қарор топса, ҳар қайси мамлакат истеъмолда С нуқтасига етади, шунда Украина 20 дона кўйлак эвазига 20 кг шакар экспорт қилади. Ташқи савдо туфайли С га ўхшаган нуқталарга ўтиш мумкинлиги натижасида истеъмолнинг ўсилига эришилади. Ташқи савдо бўлмаса, S₀ га ўхшаш нуқталарда бўшай истеъмол даражасига этишиб бўлмайди.

Нисбий фойда қоидаси ҳар бир мамлакатни мавжуд ресурслардан юят оқилона фойдаланишига имкон берадиган даражада ўз иктисолидётини ихтисослаширишига ва бошқа мамлакатлар билан товар айрбошлиши натижасида ўз фуқароларининг фаронлигини энг юқори нуқтага кўтариш ундейди.

XX асрнинг биринчи чорагида Рикардонинг “нисбий чиқимлар” назариясида ўзгаришлар юз бериб, у Д.Хекшер - Олиндинг ишлаб чиқариш омилилари нисбати яши классик моделига айланди. Рикардонинг назарияси фақат ҳар бир мамлакат ишлаб чиқариш чиқимлари бошқа мамлакатлардагига қараганда кам-

ОЧИҚ ИКТІСОДИЙ ТІЗІМДЕЛІК АХАМІЯТИ ВА АФЗАЛПІЛІК

роқ бұлған маңсулотны иштаб чиқарыпша иктинослашыши көркестігі асосланады. Шын иктисодчилари Э.Хекшер болан Б.Олиниң фақағ чиққымдар даражасындағына әмас, балки уларнинг тузишлишиниң ҳам ҳисобға олардың зарурлығын асослаб берді. Чүнкі, иштаб чиқарышыннан хусусияттың боеңшік ҳолда капитал, материал, энергия ва мекнэт сарфтары ҳам ҳар хил бўллади. Иштаб чиқарышыннан сермеҳам турлары арзини иштаган кучи ортиқча бўлган мамлакатларда, энергияни кўп тараб қўйалипсан иштаб чиқарышлар эса энергия ресурсларинча бой мамлакатларда жойлантиритиши керак ва ҳоказолар Хекшер-Олиниң (булдан кейин X-О назарияси) ҳалқаро савдо модели Рикирдонийнг “исеби чиққымдар” назариясини тинкор этмайди, балки уни янада мукаммилаштиради ва аниқлаштиради.

Э.Хекшер ва Б.Олиниң айтилғанда, мамлакатлар ортиқча иштаб чиқарыш омилдеридан унумли фойдаланып иштаб чиқарган маңсулотларини экспорт қылуди ва ўзларига учун тақсимлаб бўлган омиллардан фойдаланып иштаб чиқарылған маңсулотларни импорт қылди.

Ортиқча иштаб чиқарыш омилларни ва улардан унумли фойдаланиши легендада шима тушуптегиштини кўриб чиқамиз.

Агар мамлакатларни ишчи кучи мөндори билан бошқа омиллар ўргасидай нисбат дунёниг башка мамлакатларидагига қарагандай юқори бўлса, бундай мамлакат ортиқча ишчи кучига эга деб ҳисобланади.

Агар маңсулотнинг құйматыда ишчи кучига қылған харажатлар улущи бошқа маңсулотларнинг құймындағында ортиқча бўлса, бу маңсулот сермеҳам махсулот деб баҳоланаади. Ҳалқаро савдолиги тузишлиши тулуғтириб берадиган X-О назарияси савдо алоқалари ўриагилгунда қадар нархтардаги ҳалқаро фарқдарнинг сабабларын бағиғтандыган маҳсус бўлғандан бошланади. Нима сабабдан биз кўриб чиққан мисолдан савдо алоқалари ўрнатылгуга Украинада кўйлактар қыммат-у (бир тона кўйлакка 2 кг шакар), Ўзбекистонда эса бу қадар арzon (битта кўйлакка 2/3 кг шакар) бўлдан?

Нисбеттір фарқтаннишининг манбадан иштаб чиқарыш омилдерининг ўзаро нисбатлар. Модомики Украинада кўйлак 2 кг шакарға тушар экаш, бу ҳол биринчи нафбандда шу битта изоҳданып керакки, демек Украинада шакар иштаб чиқ-

аришда унумли фойдаланиладиган омиллар Ўзбекистондагига нисбатан кўп ва кўйлік ишлаб чиқаришда унумли фойдаланиладиганга нисбатан кам. Айтгайлик, “ер” шакар ишлаб чиқаришида унумлироқ фойдаланиладиган омил, “мехнат” эса кўйлак ишлаб чиқариш учун унумлироқ фойдаланиладиган омил. Шунингдек, ҳамма чиқимларни ер ва меҳнат сарфидан иборат қилиб кўйини мумкин деб таҳмин қиласайлик (масалан, шакар учун зарур ўғингарни ишлаб чиқаришга, худди шунингдек газлана ишлаб чиқаришга ҳам маълум миқдорда ер ва меҳнат сарфлаш кепрак). Шунда агар Украина шакар экспорт қилиб, кўйлаклар импорт қиласа, X-О назариясига кўра, бу ҳол Украинада ишлов берниша яроқли ер кўпроқ бўлиб, меҳнат таклифи муайян дараҷада тақти туфаётин юз беради.

Бундай вазиятда (бошқа шартлари тенг бўлганда) Украинала ерини йўхарага олиши Ўзбекистондагига қараганда арzonроқ тушиши, тўқимачиллик саноати ходимлари эса Ўзбекистондагига қараганда бирмулча юкорироқ или ҳақи талиб қилиши керак бўлади. Ерининг арzonлиги дехқончиликдаги чиқимларни кўйлак ишлаб чиқаришдагига қарагандада кўпроқ камайтиради. Аксинча, ишни кучининг тақчилитиги Украинала кўйлакларни нисбатан қимматлаштиради. X-О назариясига кўра худди шу нарса савдо алоқалари ўрнатилганишга қадар мавжул бўлган нархлар ўргасидаги фарқни тушунтириб беради. Аният шу назарияга муовфин қилишиб чиқариш омиллари билан нисбатан таъминланшишаги ҳамдә улардан фойдалаништавсифидаги фарқлар савдо алоқалари ўрнатилганидан кейин Украинадан кўйлак эмас, балки шакар экспорт қилинишига (ва шакар эмас, балки кўйлаклар импорт қилинишига) сабаб бўлади.

Бироқ, орадан бир мунча вақт ўтгач, америкалик иқтисодчи В. Леонтьев мантиққа тўғри кетмайшигандан ғалати ҳодисаларий аниқтади.

“Леонтьев парадокси” шуцдан иборат эдаки, ишни кучи энг қиммат турадиган АҚДП гоят сермеҳнат маҳсулотини экспорт қилишга ихтисослашган. Бу парадокс Хекшер-Олин моделли ишлаб чиқарипнинг кўп илм талаб қилиши каби омилни ҳисобга олмаганлиги натижасида келиб чиқсан эдикли, фантехника революцияси шароитида бундан кўз юмиш мутлақо мумкин эмас. Хекшер-Олин модели халқаро савдонинг янги

Олтта етакки мамлакат ташки савдоининг тузилиши X-О назарияси алолатли эканлыгининг яққол тасдиғидир. Япония табиий ресурслар жиҳатидан унумлі бўлган “бирламчи хом ашб”ни (қишлоқ хўжалиги маҳсулотини, балиқ маҳсулотини, ўрмон ва қайта ишлаши саноати маҳсулотини) импорт қилишга анча боғлиқ, чунки унинг ўзи булярни мамлакатдаги мавжӯл юқори турмуш даражасига мос келадиган катта талабни қондириши учун етарли миқдорда етиштира олмайди. Ташки савдосиз Япония анча камбагал мамлакатлар қаторида қолган бўларди. Бу импортнинг ҳақини тўлашда Японияга техникага доир жуда кўп маҳсулотни экспорт қилишдаги алоҳидаги устунлик ёрдам бермоқда. X-О назарияси Япониянинг илмий ходимлар билан ортиқча даражада таъминланганлигига асослапиб, ана шундай башиорат қўлган бўларди. Бир вақтлар кенг тарқалган, ҳозир эса унтилиб кетган фикрга қарама-карши ўларок, Япония сермеҳнат саноат товарларини ишлаб чиқаришига нисбатан устунликка эга эмас.

Ҳозир, турмуш даражаси ва иш ҳақи ставкалари бўйича Япония Шимолий Америкага яқинлашиб борган сари барча сермеҳнат ишлаб чиқаришлардаги нисбий устунликлар қоллекцияларни тез суръатлар билан қўлдан бермоқда.

АҚШ муайян малакадаги ишчи кучи ва айрим табиий ресурслар билан таъминланнишга асосланган нисбий устунликка эга. Техникавий илгор маҳсулотни экспорт қилишдаги мусбат сальво мамлакатнинг илмий ва тегишили ишлаб чиқариш ходимлари билан таъминланнишда нисбий ортиқаликка эга эканлыгини акс эттиради. Хизматларни экспорт қилишдаги нисбий устунлик қисман ўша малакали меҳнат билан таъминланганлигини ва, бундан ташқари, капиталнинг олдиндан жамгарилишини акс эттиради. АҚШ қарз капитал ва бошқа молиявий хизматларни (1985 йилга қадар), бошқарув хизматлари ва маркетинг, патент лицензиялари соҳасидаги хизматларнинг соф экспортчисидир.

II

Бу хизматлар қисман техника талаб, қисман капитал талаб хизматлардир. Нихоят, қишлоқ хўжалик экинзорлари нисбатан ортиқча бўлғанлиги туфайли АҚШ мўътадил иқдим минтақаси маҳсулотлари ишлаб чиқаришга нисбий устунликни сақлаб келмокда, бироқ уларнинг экспортини бошقا хом ашёни (айниқса нефтини, кўплиб минерал хом ашёни, тропик экиниларни) жуда кўплиб соф импорт қўлиш қоплаб кетмоқда.

Бошқа мамлакатларда нисбий устунликлар бу ҳадар яқдой кўзга ташланмайди. Фарби Европа мамлакатлари Японияникига ўхшаши нисбий устунликларга эга, лекин бу ерда экспорт билан импортнинг нисбати анча мувозанатлашгандир. Канада кўпроқ хом ашё товарлари экспорт қилиб, унинг ўнинг хизматлар ва техника талаб саноат товарларини олади. Ҳатто унинг "стандарт" саноат товарларида кўриниш турган нисбий устунлиги ҳам нефть кимёси, металлургия, ёғочсоэзлик ва целиюлоза-қозоз саноатининг энергия талаб ва материал талаб маҳсулотини экспорт қилиш билан изоҳланади.

Хуласа, умуман олганда, 1979-1980 йиллар ва шундан кейинги йиллар ташки савдосининг тузилиши X-О назариясининг хуласаларига тамомила мөс келади.

АХАМИЕТКИ ВА РИСЛАНГИ

неоклассик назарияси - “**лиги маҳсулотининг ҳаёт ишкли**” билан түтширилди.

Ушбу назариянинг муаллифлари М.Познер, Г.Хуффбауэр ва Р.Вернон ишчи кучи итисбатан қиммат турадиган мамлакатларда илгор технологияга асосланган сермеҳнат маҳсулот ишлаб чиқариши барibir даромади бўлади, деган худосага келиди. Масалан, сермеҳнат синтетик газламаларни дастлаб фақат илмий-техникавий потенциали юқори бўлган мамлакатлардагина ишлаб чиқариши мумкин эди. Сўнгра, бу технологияни ўзлаштирилиши ва кенг ёйилшили туфайли синтетик газламаларни ишлаб чиқариши ишчи кучи арzon бўлган ривожстанаётган мамлакатларга ҳам кўча бошлади. Бунинг нуткожасида Гарб илмий-техникавий омили туфаили ўзи эга бўлган нисбий устунилкни кўйдан бера бошлади.

Шуцай қилиб, “маҳсулотининг ҳаёт ишкли” назарияси фақат фан-техника тараққётинигина ҳисобга олиб қолмасдан, балки ҳалқаро ихтисослашув ва кооперациянинг динамизми туғийли ишлаб чиқариши чиқимларидаги тарқибий қисмлар итисбатининг доимий ўзгариб туриши меҳниизмини ҳам туппунтириб беради. У ёки бу мамлакатта мана буидай товарни ишлаб чиқаришига ихтинослашиб фойдалан, деб айтишнин ўзи кифоя қўтмайди. “Қасрда” лигинигина эмас, балки яна “қачон” лигини ҳам билиш шарт. Телевизорлар ишлаб чиқариш аввалига фақат ривожланган мамлакатлардагина мумкин ёди, ҳозир эса уларни ва видеомашиногонларни чиқариши ривожстанаётган мамлакатлар учун фойдалан бўлиб қолди. Бонкача қўлиб айтганда, “маҳсулотининг ҳаёт ишкли” назариясида Рикардонинг фикрат маконлаги эмас, балки вақт жиҳатидан ҳам ҳалқаро ихтисослашув шароитида “нисбий чиқимлар” қойласи ривожлантирилди.

Мамлакатларнинг турли товарларни иқтисодий самарадорлик билан ишлаб чиқаришга қодирлиги вақт ўтиши билан ўзгарishi мумкинлиги ва чиндан ҳам ўзгараётгандиги ҳалқаро саводдаги бу жараёнларни тушуниш учун жуда катта аҳамиятга эга. Ресурстар ва технологиянинг тақсимланшидаги силжийлар турли мамлакатларда товарлар ишлаб чиқаришининг итисбий самарадорлигига сижишиларга олиб келини мумкин.

Масалан, Ўзбекистонда 1991 йилдан бери ўтган даврда чет эл капитали жалб қўлинган ҳолда сифат жиҳатидан жаҳон дара-

ОЧИК ИКТИСОДМИН НАЗИМАНГ АҲАМИЯТИ ВА АФЗАППИГИ

жасида маҳсулотни рақобат нархларида ишлаб чиқарышга қодир бўлган бир қанча саноат корхоналари барпо этилди. Мустақилликка эришгунга қалар асосан қишлоқ хўжалик төвирлари ва ҳом ашё экспорт этиб келган республика ҳозир тобора кўпроқ миқдорда қайта ишлани саноати буюмтарини экспорт қилинганда ўтмоқдаки, бу ҳол ишлаб чиқариш оминалари иисбий қийматининг ўзгаришига ҳам олтиб кетали. Масалан, Асака шахрида куввати йилига 200 минг автомобиль ишлаб чиқаришга етадиган автомобилсозлик маҳмудасининг қурғиб ишга туширилиши экспорт тузилишида фикат уларниң пайдо бўлшигагина о.пб келтирайди. Мажмуманинг ишлаб туришви юзлаб янги юқори технологияга асосланган корхоналарни ривожлантишга шароит яратади, бу ҳол ишлаб чиқариш ресурсларининг тузилишини ҳамма уларни ишлаб чиқариш самарадорлигини тубдан ўзгаририб юборади. Мислтий иктиносидиёт эволюция қилиб борган сари ишми кучишинг миқдори ва сифати, капиталтининг ҳажоми ва таркиби ҳам ўзгариб боради, янги технологиялар вужудга келди. Ҳатто ер ва табиии ресурсларининг кўлами ва сифатларида ҳам ўзгаришигар юз беришси мумкин. Бу ўзгаришигар юз берниб борган сари Ўзбекистонин турли товарларни иштаб чиқаришидаги иисбий самарадорлик ҳам ўзгариб боради.

Халқаро савдо фойдалари эканлигининг сабабларини тушунтириб берадиган наъариялар дунёда битта ҳам мамлакат йўқки, у ўз бойлтигидан ва мавжуд иисбий устунликдан фойдаланиб жаҳон бозоридан ўзига муносаб жой топа олади, деган хулоса чиқарилгага имкон беради.

Масалан, ҳозир жаҳонда гулчилик гуркіраб ривожстаниб, жуда сердаромад гўрмоқда айтлини: жаҳон бозорида гул сотишнинг йиллик ҳажми 20 млрд. АҚШ долларига етди. Қудратлли саноат тармоқларини ривожлантиришга кучи етмайдиган, ҳамо иқлими яхши ёки қишлоқ хўжалигига юксак маданиятга эришгани кичик мамлакатлар ҳам жаҳон гуллар бозорида қатнашиб, жуда катта даромад олмоқда. Чупончи, Колумбия 70-йиллар бошидан гул етишириши билан шугулана бошлиди, 90-йилларнинг ўргалиридан эса бу ерда ҳар йилни сотиш учун 130 минг тонна гул, яъни бу соҳидали АҚШ импортининг 90 фойзи миқдорида таъёрланмоқда. Дунёнинг етакчи гулчилари голландлар биринча Германияга ҳар йилни 200 минг тонна гул сотили, Исрой-

СИК ИКТИСОДИЙН ТАММИЯТИ АХАММЯТИ ВА АЛБАСИЛГИ

иэ эса дунёдаги гул этиштирувчи учинчи мамлакат бўлиб, ҳар йили Европага гул сотишдан 150 мин. АҚШ доллари ишлайди.

Бошқача қилиб айтганда, жаҳон савдосининг ҳар бир қатниличиси ўз иктиносидиётини тўғри иктинососташтириб, жаҳон бозорига чиқишидан олдинги вақтдагига қараганда яхшироқ яшаш имконига эга бўлади.

1.1. Миллий хўжаликни ривожлантиришда ташки иктиносидий алоқаларининг роли

Ташки иктиносидий сиёсат ҳар қандай миллий иктиносидёт тараққиётини таъминлашнинг муддум воситасидир. Бир-бира-дан фарқ қиласидиган иккита модель мавжуд. Бирингчى модель жаҳон бозори билан мустаҳкам боғлиқ, экспорта ишлайдиган тармоқлар усту́лтиқ қиласидиган очик иктиносидиётни вужудга келтиришга қаратиган. Иккинчи модель божхона тўсиқлари баланд ва импорт ўринини босадиган ишқарашлар устунлик қиласидиган маҳдуд хўжаликни афзал кўради.

Биздан вужудга келадиган конкрет шароитлар ҳисобга олинадиган очик иктиносидиёт модели асос қилиб олинган. Бошқаришин тубдан ислоҳ қилиш, бозор муносабатларига ўтиш, чинакам мустақилликка эришиш Ўзбекистон иктиносидиётининг очиқлигига ва унинг жаҳон хўжалик алоқалари-га фаол қўшилишига қаратилган йўлни амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқ. Бу эса жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш ва унда республика учун тўла ҳукуқи аъзо ўрганини таъминлаш асосида ҳалқаро меҳнат тақсимотининг афзаллiliklariдан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш имконини бермоқда.

Жаҳон бозорлари учун очик бўлган иктиносидиётни шакллантириш, ушбу вазифани ҳал этишга қаратилган ташки иктиносидий фаoliyatни ривожлантириш Ўзбекистон давлати мустақиллигининг кафолатларидан бири ва унинг ҳалқ хўжалигини барқарорлаштириш омилидир. Иктиносидий мустақилликни таъминлашнинг “фақат ўз кучларига таяниш” каби автаркияга хос назарияларга ҳеч бир алоқаси йўқ. Ҳозирги цироитда ҳалқаро меҳнат тақсимотидан мустақил яшаш мумкин эмас.

Ҳозир ҳатто катта худудга, кўп миллионли аҳолига,

ОЧИҚ ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМНИНГ АҲАМИЯТИ ВА АФЗАППИГИ

хилма-хил ресурсларга эга бўлган мамлакатнинг ҳам бошқа давлатлар билан доимий ва кенг кўламлаги иқтисодий алоқаларсиз ривожланишини тасавур қилиши қийин. Миллий иқтисодиётнинг хилма-хил эҳтиёжлари кўп ва тобора ортиб бораётган даражада чет элдан маҳсулот олиб кириш ҳисобига қондирилмоқда.

Ўз кучларига ишониб иш тушиш даври ўтиб кетди. Ўзини ўзи таъминлаш йўли ҳозирги шароитда иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт йўлидагиғовга айланмоқда, у ресурслардан нотўғри фойдаланиш билан боғлиқ ҳамда бозор иқтисодиётiga ўтишни қийинлаштиради.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, ички бозорни тўлдириш муаммоловини факат ўз ишлаб чиқариши ҳисобига самарали ҳал қилишга уриниш мағлубиятта маҳкумдир. Ҳозирги инсон эҳтиёжлари шу қадар хилма-хилки, уни “натурал ҳўжалик” доирасида, мамлакатнинг жаҳон бозорларидан ажralган ҳолда қондириб бўлмайди. Ёпиқ иқтисодиётни шакллантириш муқаррар суратда кўпгина тармоқлар ва миллий якка ҳоким корхоналарга сочилиб кетган юз минглаб товарларни ишлаб чиқаришга олиб келади.

Бундай шароитда бозор рақобати ва у келтириб чиқаралиган сифатли ва арzon товарлар ҳамда хизматларнинг мўлкўллиги ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Автаркия умуман ҳеч қачон айниқса ўргача катталиқдаги мамлакатда, миллий иқтисодиётда ижобий натижалар ва фаровонликка келтирган эмас.

Жаҳон иқтисодиётига киришнинг афзаллиги шундаки, ташқаридан бўладиган рақобат таъсирида мамлакатнинг ўз компанияларининг унумдорлиги ошиди. Истемолчилар ютадилар, чунки товарлар ва хизматларнинг тури кўпаяди, ихтинослашувнинг чуқурлашиши ва ҳалқаро рақобатнинг кучайиши туфайли нархлар пасаяди. Амалиёт яна шуни ҳам кўрсатдики, очиқ турдаги иқтисодиёт ташқаридан бўладиган нокулай ларзаларга (иктисодий тангликлар ва бошқаларга) мослашишида катта имкониятларга эга ва у табиий ресурслардан самарасиз ва унумсиз фойдаланилишига камроқ йўл қўяди. Бундан ташқари, иқтисодий маконнинг кенгайиши ички бозорнинг нисбатан торлиги муаммосини баргароф этади

ОЧИК ИҚТІСОДИЙ ТІЗІМІНІҢ АХАМІЯТИ ВА АФЗАППИГІ

ва ортىқча, мамлакатда ўрнини толмаган инвестициялар оқынини бөзиң мамлакатлар ва минтақаларға йұналтириш имконини берадыкі, булар ҳам жаңа ривожжанаёттан иқтисодпілдер учун жуда мухимдір.

ХХ асрнинг охирға ўн йилдігінде фан-техника революциясыннанған янги босқичи ва хұжалик ҳәеті байналміналлашувининг чуқурлашишыла ташқы иқтисодий омылнинг ролі тұтқовсуз ошиб бормоқда. Иқтисодий ривожланыштың асосий мазмұны - әркинлаштиришпен жаһон миқәесіда кейинги ўн йилдікда кең күламда юз беріши бунинг исбетидір.

Шу билан бирға бу тамойил социализмде кейнігі мамлакатлар учунгина эмас (бу мұтлақа аёп ва табиийдір), балки жаһоннинг ривожланыёттан ва ривожланған мамлакатлари учун ҳам хосдір. Әркинлаштириш айрим ошинган мамлакатпен ичидеги иқтисодий сиёsat даражасыда ҳам, шунинде ҳалқаро иқтисодий мұносабатлар даражасыда ҳам намоён бўлмоқда. Ҳалқаро савдони, инвестиациялар тартиботини ва капиталлар ҳаракатыні әркинлаштириш міллий иқтисодиёттінің самарадорлігі ва жадаллігі даражасини оширишга ва, бинобарніп, иқтисодий ўсишнинг мұхим омыли бўлишга қодир. Ҳозирін вақтла дүнән иқтисодий макони ўзаро савдо ва инвестиция оқымлары билан бөлгөлөн міллий иқтисодиётлар тармоғы эмас, балки борган сари күпроқ минтақавий ва міллий шубаларға эта ягона инвестиция, ишлаб чиқариш, савдо майдонига айланыб бормоқда.

Гарчы ҳар бир мамлакат, минтақалар иқтисодий тараққиётінде түрлі даражаларға өрнілген ва шунга мувофиқ ҳал хил иқтисодий маңбааттарға эта бўлишлага қарамай, әркинлаштириш ва интеграция бош тенденция бўлиб, у ҳали узоқ вақт амалга ошиб боради.

Міллий хұжаликда ташқы иқтисодий алоқаларнің ролі қандай? Гални мамлакатда бўлмаган ёки етишмаёттан ишлаб чиқариш воситалари - машиналар, ускуналар, курол-асбоблар, бутловчи материаллар, агрегатлар, қисм ва деталлар, шунингдек қайта ишләнүү учун хом ашё ва ишлаб чиқаришда фойдаланыпшы учун конструктив материалларнің келиши айнан ана шу ташқы иқтисодий алоқалар орқали таъминланыпидан боштайлик.

ОЧИҚ ИКТИСОДИЁТ

АХАММЯТЫ ЗА АФВАЛІКІРІ

Маълумот учун материал

Халқаро мәхнат тақсисмоти бутунги күнда күлпінде мамлакаттарының иқтисодиёттегі қаңчалық чүкүр күргиб кеттандығынан күйидеги миссолдан ҳам күрса бўлади. АҚШ фуқароси Американың "Женерал моторс" компаниясыдан у ишлаб чыгарган "Понтиак" автомобилини сотиб олар экан, халқаро битим тузган бўлади.

У мазкур машина учун 10 минг доллар тўлайди, бу пул күйидеги тарзда тақсимланади:

- 3 минг доллар ишчилари оддий ва сермеҳнат йигув операцияларини амалга оширган Жанубий Кореяга кетали;
- 1850 доллар Япониядан сотиб олинган моторлар, етакчи кўприклар, электрон курилмалар учун кетали;
- 700 долларни Германия бу машинаны яратгани учун олади;
- 400 доллар майда деталларни тайёрлагани учун Тайвань, Сингапур ва Гонконг фирмаларига ўтказилади;
- 250 доллар инглиз фирмаларининг ҳисобваражларига реклама ва автомобилларни сотишни ташкил этганлиги учун кетали;
- 50 доллар маълумотларни қайта ишлаш билан шуғулланган Ирландия ва Барбадос фирмаларининг хизматларига гўланади. Жами таъминаси 6 минг доллар.

АҚШ фуқаролари - "Женерал моторс" бошқарувчилари ва акциядорлари, фирмага хизмат кўрсатадиган адвокатлар ва банкирлар, узбю "америка автомобили"ни ишлаб чыкаришда қатнашган бошқа кишилар ҳиссасига атили 4 минг доллар тўғри келади, холос.

Бошқа мамлакатлардан юқори унумли ускуналарни, айниқса бутун-бутун корхона, цех ва участкалар учун яхлит ускуналарни олиб келиш қурилаётган обьектларни улар билан жиҳозлаш , бу обьектларни фойдаланишга топшириш, қувватларни ўзлаштириш ҳамда керакли маҳсулотни олиш муддатларини қисқартиради, чунки шундай қилинганида уларни мамлакаттинг ўзида лойиҳалаш ва тайёрлаш учун вақт кетказилмайди. Ўзбекистоннинг Асака шаҳрида замонавий ускуналар, технологиялар ва чет эл инвестицияларидан фаол фойдаланган ҳолда икки ярим йил ичида автомобилсозлик мажмуаси барпо этилганлиги бунинг ёрқин мисолидир. Бошқа мамлакатлардан энг янги машиналарни, ускуналар ва асбобларни, шунингдек энг илғор технологияга лицензиялар ва бошқа техникавий ҳужжатларни сотиб олиш ФТР нинг сўнги ютуқларини, анча илғор технология жараёнлари ва ечимларини ишлаб чиқаришга жорий этишини тезлаштиради, бу эса меҳнат унумдорлигининг ўсишига, маҳсулот сифатининг ошишига ва шировардида ички бозор учун ҳам, экспорт учун ҳам яхши товарлар чиқаришни кўплайтиришга ёрдам беради.

Агар ҳақиқатан ҳам энг мукаммал, илғор нарсалар сотиб олинса ва келтирилган машина ҳамда ускуналар минглаб яшчикларда базалар ва омборхоналарни банд қилиб, маънавий эскириб ва жисмонан яроқсиз ҳолга келиб ётмасдан, тез ва унумли ишлатилсагина, импорт қилинган техника ва технологиянинг ишлаб чиқаришга ижобий таъсири таъминланади.

Импорт Ўзбекистон халқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришида ишлатиладиган ҳом ашё ва материаллар, чунончи, қора металлар прокати, қувурлар, юқори босимга чидайдиган полизтилен ва бошқаларга бўлган талабни қондиришда муҳим роль ўйнайди. Шу билан бирга ишлаб чиқариш учун керакли бир қатор ҳом ашё товарлари борки, уларга бўлган эҳтиёж батамом ёки асосан ташки бозордан харид қилиши ҳисобига қондирилади. Ҳом ашё импортизиз, кўпгина товарларни ўзимиздан ишлаб чиқаришни камайтиришга, балки бутунлай тўхтатишга тўғри келган бўларди.

Экспорт ҳам ишлаб чиқаришга катта таъсири кўрсатади. У сотиш имкониятларини кенгайтиради, маҳсулотни сериялаб

чиқарышни күпайтириш имконини беради ва шунга мувофиқ равишда унинг таннархини арzonлашириди, самарадорликни оширади. Ташқи бозорга маҳсулот етказиб бериш ишлаб чиқарыш тузилишини қайта куришга, халқаро мөднат тақсимотини ҳисобга олган ҳолда уни янада унумли қилишга ундаиди.

Бошқа давлатларга қараганда анча қулийроқ ишлаб чиқарыш шароитларидан фойдаланиш ташқи бозорда товар сотганды қўшимча фойда олиш ва миллий даромадга катта ҳисса қўшиши имконини беради. Экспортга товар чиқариш табиий ресурсларни ўчлашириш ва хўжалик оборотига жалб этиш учун кучли туртки беради ва иқтисодий ҳаётни фаоллашириди. Жаҳон бозорининг товарлар сифатига юқори талиблар қўйиши мамлакатининг ўзида сотиладиган маҳсулотта ҳам анча юқори техникикавий шартлар жорий этилишига ёрдам беради. Жаҳон бозорида эътироф этилган, у ерла бошқа мамлакатларнинг маҳсулотлари билан қаттиқ рақобаттага дош бера олган товар ички бозорда ҳам юқори сифат меъёри бўлиб қолади.

Жаҳон бозори нархлари ҳам ишлаб чиқаришнинг тузилишига ва маҳсулот сифатига ўз таъсирини кўрсатади, чунки улар муайян товарни чиқариш учун қилинадиган харажатларниң жаҳондаги ўртача даражасини кўрсатади. Улар ҳаракатининг асосий тамоилилари қайси тармоқларни ривожлантириш, қандай товарларни ишлаб чиқариш дунё бўйича талаб билан таклифнинг ўзаро нисбатини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий жиҳатдан фойдалироқ-у, нимани эса мамлакатдаги ишлаб чиқариш шароитлари боцқалардаги шундай шароитларга қараганда ноқулайроқ бўлгани учун импорт билан алмаштириш мақсадга мувофиқроқ эканлитикини ўйлаб кўришга имконият тудиради.

Ташқи иқтисодий алоқалар фан-техника тараққиётини жадаллаширишга ҳам кўп жиҳатдан ижобий таъсири кўрсатади. Бу жадаллашириш фақат энг янги техника ва технологияни олиб кириш орқалигина эмас, балки борган сари кўпроқ биргаликда илмий ишланималарни амалга ошириш, тадқиқотларни, лойиҳаларни бажариш, ускуналар, машиналар ва материаллар намуналарини тайёрлаш йўли билан ҳам юз беради. Бу иш миллий ва халқаро илмий ҳамда ишлаб чиқариш жамоалари томонидан ҳам халқаро, ҳам икки томонлама дастур-

лар доирасыла амалга оширилады. Ҳамма даражадаги ходимларнинг иштаб чиқариш ва бошқариш соҳасилаги илғор тажрибани эгаллаб олиши мұхым омылдыр. Бунга ташқы иқтисодий алоқалар ҳам катта имкониятлар очиб беради. Бу алоқалар бошқа мамлакатларнинг маркетинг ва менежментни, илмий тәжікіліктарни, қурилышаты ишланмаларни ташкил этишдеги ҳамда әтпә самарали усулдарни иштаб чиқаришта жорий этишдеги синовдан ўттан тажрибасыдан фойдаланыш имконини беради.

Ташқы иқтисодий алоқаларнинг мамлекат аҳолисини ҳалқистеү мөлт саноат ва озиқ-овқат товарлари билан таъминлашдағы ишгироқи ҳам анча мұхимдір. Бундай таъминлаш мазкур товарларни иштаб чиқаралған янги корхоналарни қуриш ва мавжудларини техника биліці қайта қуролтайтириш учун чет зерттан машинайлар, ускунайлар ва технологиялар ҳамда этишмәёттан хом ашёни харид қилиш ва келтириш йўлі билан ҳам, шунингдек тайёр буюмлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини бевосита импорт қилиш йўлі билан ҳам амалга оширилади.

Ташқы иқтисодий алоқалар иштаб чиқариш корхоналарини янада мұкаммалроқ техника билан қуролтайтиришга, илғор технология ва тажрибани ҳамда иштаб чиқаришининг янада унумлироқ туялышини жорий этишгә, табиий ресурсларни ўзлаштиришгә, чиқарыләёттан маҳсулот сифатини оширишта ёрдам беребі, янги буюмлар чиқаришини ташкил этишгә кетадиган вақт-и қисқартириб, иштаб чиқариш ва бутун хўжатик фаолиятининг самарадорлигини оширишга, ҳосиг қитинган миллій даромадни қўлайтиришга катта ҳисса қўшмоқда. Улардан келадиган асосий самара ижтимоий сарфларни (мехнат, маблағ ва вақт сарфини) тежаш, мамлакатда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ҳаёт учун янада кулайроқ шароитлар яратиш ҳисобига юз беради.

Бирок ташқы иқтисодий алоқаларнинг фойдалылiği, самаралилiği ва мақсаддага мувофиқлiği бу билан чекланмайды. Улар турлі мамлакатларда худди шундай товарларни (ёки улар ўрнини босувчи товарларни) иштаб чиқариш шароитларидағи ва шунга мувофиқ миллій харажатлардаги фарқылар туғайли жаҳон боғорида унумли айирбошлиш натижасыда миллій даромадни сезилтарли даражада оширади. Мамлакат чет зерттан

ОЧИҚ ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМКИНГ АҲАМИЯТИ ВА АФЗАЛЛИГИ

келадиган товарларни ўзида ишлаб чиқариш учун қоладиган харәжаглар (бундай ишлаб чиқариши күпинча импорта қарши ишлаб чиқарини деб ҳам атайдилар) уларни ишлаб чиқариши ташкил этишидаги чиқимтар импорг учун ҳақ тўлашга керакли товарларни экспорт қилиши чиқимларидан (экспорт эквивалентидан) кўп ёки ортиқ бўлган холларда фойла кўради.

Шундай қилиб, мілтлий хўжаликтарнинг умумжаҳон меҳнат тақсимиғида фаол иштирок этиши уларнинг муваффақиятли фаолият кўрсатишини муҳим шартни айланниб бормоқда. Шу сабабли Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон хўжалигига қўшилтиши масаласи жуда долзарб бўлиб қолди. Фақат шу нўйл билангишина жаҳон фан-техника ва иқтисодий таракқиётинида этишиб юриши мүмкин; фақат дунёга очиқ иқтисодиётинида жаҳон хўжалигига, ҳалқаро меҳнат тақсимиғидан кетадиган ижобий импульсларни ўз вақиди қабул қилиб олишига қодир. Аксинча, бутун дунёдан “темир” ёки “бамбук парда” билан тўсилтаси иқтисодиёт мұқаррар суратда қоюқлика, турғусликка ва таразузда маҳқумдир.

1.2. Очиқ иқтисодиёт сарни даракати босқичларни

Ўзбекистон Республикаси 1991 йилга қадар ҳалқаро мунисабатлар субъекти эмас эди. Бизда ишлаб чиқарилган товарлар жаҳон бозорларига сабиқ СССРнинг якка ҳоким ташкии иқтисодий тузилмалари орқалигини чиқар, бу тузилмалар эса барча даромадларни беш йиллик режа топишриклирларига мувофиқ тасарруф этар эди. Бутун ташкии иқтисодий фаолият марказий ихтинослаштирилган вазирликлар ва давлат аппаратининг ихтиёрида эди; республикада бундай тузилмалар фақат хўжалик ички алоқаларини қайта тақрорлаш билан чекланар эди, холос. Мустақилликни кўлга кириптач, Ўзбекистон ўз манбаатларини кўзлаб, ташкии иқтисодий сиёсатни мустақил амалга ошириши имкониятига эга бўлди. Аввал боцданоқ ташкии алоқаларни мілтлий хўжаликни ришояжлантириши ҳамда ижтимоний йўйнлигириглан боюр иқтисодиётни ўпиш, жаҳон ҳамжамиятни мамлекатларининг тобора кучайиб бораётган ўзаро боғлиқларни ва бир-би-

ОЧИК ИКТИСОДИЙ ТИЗИМИНИНГ АҲАММИЯТӢ ҶА АФЗАЛЛИГӢ

рини тӯлдиришини ҳисобга олган ҳолда интеграция жараёнларини ривожлантириш эҳтиёжтарига мувофиқлаштириш вазифаси кўйилган эди. Миглий иқтисодиётнинг жаҳон ҳўжалигига ва бозорига кўпроқ очиқлигига қаратилган чора-тадбирлар амалга оширила бошлади.

Бироқ Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳўжалик алоқаларига тӯғридан-тӯғри, бевосита қўшилиш жараси “катта сакранг” тарзида рўй берипши мумкин эмас эди. У объектив структуравий шарт-шароитлар етилган ваа ташқи иқтисодий алоқаларнинг ҳўжалик механизми ислоҳ қилина борган сари босқич-ма-босқич ривожланмоқда.

Миглий иқтисодиётнинг жаҳон ҳўжалигига муносиб равишда кириб боришига йўналтирилган стратегия Республикасининг иқтисодий салоҳиятига асосланниш реал вазиятдан келиб чиқсан ҳолда туғилади ва у давлатимизни сиёсий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий мақсадларига эришишга қаратилган. Бунда иқтисодий ислоҳотнинг рақобат мавжуд ички бозорларини вужудга келтириш ва ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш чораларини ўйнунлаштириш амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро бозорга мустақил сурʼатда чиқиши олдидаги бошлангич иқтисодий салоҳияти жаҳон ҳўжалигига самарали қўшилишга умид қилиш имконини берди. Бу салоҳиятга қўйидағилар хос:

- ер, минерал-хом ашё ва ўсимлик ресурсларининг катта заҳиралари, шунингдек қайта ишиш саноатининг хом ашё базаси сифатида қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш учун қулай ноёб тутроқ, иқтимим шароитларининг мавжудлиги;

- республикани жаҳон ҳўжалиги алоқаларига тортишига имкон берадиган нисбатан ривожланган ишлаб чиқарии инфратузилмаси, тўпланган шлмий-техникавий салоҳият, барча босқич мутахассисларининг етарли даражада юксак тайёр гарашка өгалиги;

- аҳолининг ва меҳнат ресурсларининг юқори ва барқарор суръатлар билан қайта тикланиб, ҳалқ ҳўжалигини ишловчилар билан таъминланишини ўсишига ҳамда ишчи ва хиз-

ОЧИҚ ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМНИНГ АҲАМИЯТИ ВА АФЗАПЛИГИ

матчилар тайёрлаш кенгайиб борган сари экспорт салоҳиятининг тез ва самарали ортиб бориши учун катта имкониятлар очилишига олиб келиши;

- ҳалқаро сайёхликни ривожлантириш учун катта имкониятлар (жашонишумул аҳамиятга молик қадимги ёдгорликлар, ноёб ҳордиқ чиқариш шароитлари, анъанавий бадиий хунармандишилларнинг кенг ўйилганлиги кабилар)нинг мавжудлиги.

Бироқ Ўзбекистон мустақиликни қўлга киригтунча бу салоҳиятдан ҳаддан ташқари марказлаширилган ягона давлат - СССР манфаатлари йўлида фойдаланиб келинди. Шу сабабли мамлакат иқтисодиётни марказнинг режалашпирувчи органдари томонидан “умумиттифоқ меҳнат тақсимоти”да унга ажратилган, собиқ СССР республикаларига асбсан хом ашёни олиб чиқиб кетишга йўналтирилган ўринга мувофиқ, ривожланди. Пахта этиширишга, кимё маҳсулотлари, рангли металлар, машиналарнинг айрим турларини ишлаб чиқаришга тор доирада иқтисодишиш, озиқ-овқат ва саноат товарларини импорт қилишга чукур қарамлик республика иқтисодиётини Россия ва кўпни давлатларда танглик юз беришдан зарар кўрадиган ҳолга солиб кўйган, реал иқтисодий ва сиёсий мустақиликни таъминлашга, товарлар ва хизматлар, ишчи кунни ва капитал бозорларини жадал суръатлар билан вужудга келтиришга имкон бермас эди.

Реал вазиятни ҳисобга олиб, Ўзбекистон иқтисодиётни жадал суръатлар билан очиш йўлидан бормади. Ўн йиллар мобайнида таркиб топган маъмурий-режалашпиринг асосланган тизим, бирёзлама хўжалик тузилиши шароитида бозорни шу жумладан ташқи иқтисодий алоқаларни тез эркинлашириш ижтимоий-иқтисодий бекарорликнинг кескинлашувига, иқтисодий тангликнинг чуқурлашувига сабаб бўларди. Тузилмавий қайта куришини амалга оширишга чет эл инвестицияларини кенг жалб этиши ўрнига “очиқ эшиклар” сиёсати натижасида жилдий инвесторларнинг минтақага қизиқиши йўқолиши ва мамлакат иқтисодий салоҳиятининг анча қисми бузилиши мумкин эди.

Ўзбекистонда иш энг аввало иқтисодий ва ижтимоий

◆ БОЗОР ВА ОЧИҚ ИҚТИСОДИЁТ ◆

ЎЗИЛМАВИЙ ИКТСОДИЙ ТАҲМИННИНГ АЛОҚАЛАРИ ВА АФЗАЛЛИГИ

хавфсизликни таъминлашга қаратилган яхлит чоралар дастури-ни ишлаб чиқиши ва амалга оширишлан бошланди. Бу чоралар республикада ишлаб чиқариладиган маҳсулотни қайта ишлаш даражасини чуқурлаштиришини, ҳаммадан кўпроқ валюта талаб қилиладиган импортни сиқиб чиқарадиган ишлаб чиқаришларни ривожлантиришини назарда тутди. Бунинг натижасида иктисодиётнинг стратегия жиҳатидан муҳим ресурслар билан ўзини ўзи таъминлаши оргли, иш билан бандлик барқарорлашди. валюта тежалди ва ундан янада самаралироқ фойдаланиладиган бўлди.

Тузилмавий силжигиларни амалга ошириш, турган гапки, кўп миқдорда капитал маблағ кўйишни ва стратегия жиҳатидан муҳим ресурсларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастурини бажариш устидан маъмурӣ на-зоратни сақлаб қолишини талаб қилди.

Агар нефть, олгин, буғдой каби ресурсларни ишлаб чиқаришни бир неча баравар кўпайтириш масаласи эркин бозор ва хусусий капитал кучлари билан ҳал қилинса эди, бунга ўн йиллар кетарди. Мустақил Ўзбекистонда бунча бўш вақт йўқлиги сабабли давлат бошқарувининг, шу жумладан тапқи иктисодий алоқаларнинг ҳам, бутун қудрати аввал бошданоқ ана шу масалаларни ҳал қилишга қаратилди.

Ташқи иктисодий фаолиятга давлатнинг кенг қамро-вли яккаҳокимлигидан уни эркинлаштиришга ўтишнинг бир неча йил давомида, босқичма-босқич амалга оширили-ши ҳам йирик иктисодий ҳокимиятни давлат кўлила тўплап заруратини туғдирди.

Ташқи иктисодий фаолиятни эркинлаштиришнинг би-ринчи босқичида бир қатор ғоят муҳим масалаларни ҳал қилган **мөъёрий база** ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. **Биринчидан**, корхоналарнинг ташқи бозорга мустақил чиқиши хуқуқи қонун билан мустаҳкамлаб қўйилди. **Иккинчидан**, мулкчилик шаклидан қатъи назар, ташқи бозорларга чиқиши шартлари барча хўжалик юритувчи тузилмалар учун бир хил қилиб белгиланди.

Айни вақтда умумレスпублика экспорт ресурсларини

◆ **БОЗОР ВА ОЧИҚ ИКТИСОДИЁТ** ◆

ОЧИҚ ИҚТИСОДИИ ТИЗИМИНИГ АҲАМИЯТИ ВА АФЗАПЛИГИ

ташкил этувчи пахта, ипак, қоракўл, мармар, олгин ва бошқа товарларни экспорт қилишга бўлган мутлақ ҳукуқ давлат қўлида қолди. Ташкил иқтисодий фаолият умуман давлатнинг қаттиқ назорати остида бўлди, экспорт ва импорт операцияларининг кўпчиллик қисми бўйича тариф билан ва тарифизз бошқариш чоралари қўлланилди. Экспорт тушумининг давлат қўлида марказлашуви мисли кўрилмаган қисқа муддатларда структуравий қайта қуриш масалаларини ҳал қилишга имкон берид, мамлакатнинг валюта ресурсларини маъмурӣ йўл билан назорат қилишни талаб қилас эди.

Бир қатор стратегик ресурсларни импорт қилишнинг ўрнини босиш соҳасидаги қаттий чоралар мамлакатнинг сиёсий-иқтисодий хавфсизлигини анча оширишгагина эмас, балки ташкил иқтисодий алоқаларни реал эркинлаштириш учун шароитлар яратишга ҳам ёрдам берди. Ҳақиқатан ҳам, 90-йилларнинг бошларида нефть, буғдой кабиларни экспорт қилишга сарфлаб келинган юз миллионлаб долларлар республиканинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришга ва сўмнинг айирбошлинишини таъминлашга ишлай бошлади.

Ислоҳотларнинг янги босқичида ташкил иқтисодий фаолияти эркинлаштириш иқтисодий сиёсатнинг асосий вазифаларини ҳал қилишша энг муҳим омиг бўлди. 1994-1995 йилларда ташкил иқтисодий соҳада амалга оширилган ўзгаришлар энг аввало Узбекистоннинг ҳалқаро меҳнат тақсимоти тизимига янада самаралироқ қириб бориштига ва чет мамлакатлар билан иқтисодий асосланган савдо муносабатларини шакллантиришга қартилди. Бозорнинг мамлакат ва чет эл ишлаб чиқарувчилари ўргасида тақсимланиши жараёни цивилизацияли ҳамда объектив иқтисодий асосларда амалга оша бошлади. Объектив ва субъектив шароитлар шаклнаниб, бозор муносабатлари ҳамда хўжаликнинг амал қилиш механизмлари таъсири кучая борган сари республиканинг ташкил иқтисодий алоқаларини бошқариш тизими тартибга солишнинг маъмурӣ усулияни иқтисодий усуллар фойдасига чеклаш орқали такомиллашди.

Экспорт ва импорт операцияларини лицензиялаш ми-

ОЧИҚ ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМНИНГ АҲАМНЯТИ ВА АФЗАППИГИ

Мәлдүмөт учун материаллар

Киргизистонда эркинлаштириши сиёсатининг натижалари. Киргизистон ҳукумати ислоҳотларнинг бошлагашыдан соң хўжалик фаолиятини, шу жумладан гашқи иқтисодий фаолиятни жадал суръатлар билан эркинлаштириш сиёсатини олиб борди. Талбиркорлик билан шуғулланувчилар ташқи бозорларга эркин чиқиши имконига эга бўлди, экспорт-импорт операциялари йўлидаги ҳамма чеклашлар олиб ташланди, миллий валютанинг мамлакат ичида айирбошлини таъминланди.

Эркин бозор кучларининг амал қилиши натижасида мамлакатнинг валюта ресурсларидан кўпроқ истемол маҳсадиданда фойдаланилди. Мамлакатнинг ички бозори асосан Хитойда ишлаб чиқарилган истемол товарлари билан тезда гўлди. Импорт таркибида озиқ-овқат товарлари ва уларни ишлаб чиқариш учун хом ашё 60-80 фоизни ташкил этди.

Мамлакатнинг ўз ишлаб чиқарувчилари импорт товарлар билан раҳобатга дош берса олмай, тезда хонавайрон бўлди. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1990-1994 йиллар мобайнида 5 баравардан ортиқроқ, ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқариш эса 2 баравар пасайиб кетди.

Булардан ташқари эркинлаштириши сиёсатининг макроиқтисодий натижалари куйидагилардан иборат бўлди: миллий даромац 1990-1994 йилларда 2 баравардан ортиқроқ пасайди; ресурсларнинг кўпчилик қисми истемолга йўналтирилди; ички маҳсулотнинг 15 фоизгачаси жамғариша фойдаланилди; капитал маблаqlар ҳажми 5 баравар пасайди.

Миллий валютанинг ва айирбоплаш курсининг баракарорлиги ҳалқаро молиявий ташкилотларнинг кредитглашри ҳисобидан таъминланмоқда, улар бўйича фоизлар тўлашга экспортдан тушган даромадларнинг кўпчилик қисми сарфланниши керак.

ОЧИҚ ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМНИНГ АҲАМИЯТИ ВА АФЗАПЛИГИ

Маълумот учун материал

Энергетика соҳасида мустақиликка эришиш Ўзбекистонда амалга оширилаётган структура сиёсатининг асоси бўлди. Айниқса бунинг учун объектив шарт-шароитлар бор эди. Мамлакат нефть ва газ заҳиралари бўйича миллий саноатни таъминлашга ва минтақала экспортни мавқенини эталашта қодир. Ўзбекистон МДХ мамлакатлари орасида нефть ва газ қазиб чиқариш ҳажми бўйича охирги тўрт йилда тўхтовсиз ошиб бораётган бирдан-бир янги давлатдир.

Советлардан кейинги давлатларда 1992-1994 йилларда нефть ва газ
қазиб чиқариш
(1991 йилга нисбатан % хисобида)

| Давлат | Нефть, шу жумладан газ конденсати | | | Газ | | |
|--------------|-----------------------------------|-------|-------|-------|-------|-------|
| | 1992 | 1993 | 1994 | 1992 | 1993 | 1994 |
| Қозогистон | 96,3 | 85,2 | 74,0 | 102,5 | 84,8 | 60,0 |
| Ўзбекистон | 117,7 | 142,9 | 196,4 | 102,1 | 107,4 | 112,6 |
| Туркманистон | 96,2 | 81,5 | 75,9 | 71,2 | 77,3 | 42,2 |
| Украина | 91,8 | 85,7 | 85,7 | 85,6 | 78,7 | 75,0 |
| Россия | 86,4 | 76,2 | 68,4 | 99,7 | 96,1 | 94,4 |

* Манба: Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги Иқтисодидар 1993 йилда (қисқачча маълумотнома), МДХ Статистика қўнимтаси, М.; 1994, 42-43-бетлар; Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги Ҳамдўстлиги 1994 йилда МДХ Статистика қўнимтаси, Interfax-статистика обзори, б. 5-6, 1995, 10 февраль - 24-бет.

1991-1995 йилларда нефть 2,7 баравар, газ қазиб чиқариш эса 16% кўпайди. Газ қазиб чиқариш ҳажми бўйича Ўзбекистон Туркманистондан ўзиб кетди ва МДХда Россиядан кейинги иккитчи ўринга чиқди.

ОЧИҚ ИҚТІСОДИЙ ТІЗІМНІҢ АХАМИЯТИ ВА АФЗАППЛІГІ

нимум даражасига келтирилді. Квота белгилаш эса жағон бозорларидаги мұомаласи давлатлар үртасидаги битимлар би-лан тартибга солинадиган чекланған доирадаги товарларға-гина сақланиб қолмоқда холос.

Корхоналарни ташқы иқтисодий алоқаларнинг иштирок-чилари сифатида рүйхатдан үтказиш қоидалари анча содда-лаштырилди. Уларнинг сони 1996 йылда 4000 дан ошиб кетди.

Чет эл капитали иштирок эттан корхоналарни рүйхатдан үтказиш русумлари ҳам ўзgartырилди. Агар 1991 йылда чет эл корхонасими ташкил этиш учун Вазирлар Маҳкамасининг розилиги ва рүйхатдан үтказилишин үзігі иккі-уч ой талаб қилинған бўлса, 1996 йылдан бошлаб бу иш ариза бериш йўли билан беш кун ичидаги амалга оширилади.

Ташқы иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришнинг янги босқичида валюта соҳасида чинакам катта сақраш амалга оши-рилди. Мустақілликнинг дастлабки уч йилдан фарқли ўйроқ, мулкчиликнинг ҳамма шаклларига мансуб экспортта мўлжал-ланган ҳамда импортнинг ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарадиган, мамлакатта биринчи даражали эҳтиёж моллари олиб келаётган корхоналар ва тадбиркорлар пулларини чет эл валютасига айирбошлаб олиш имконига эга бўлди. 1995 йылда Республика валюта биржасига савдо ҳажми 1,5 млрд. АҚШ долларидан ошиб кетди.

Чет эл инвестицияси иштирокидаги ва экспорт қилувчи корхоналарга уларнинг фаолиятини рағбатлантирувчи катта-катта имтиёзлар берилган.

Давлатнинг меъёрий ҳужжатлари билан мулкчиликнинг ҳар хил шаклларига ва ҳўжалик юритиши турларига мансуб бўлган корхоналарнинг ташқы иқтисодий фаолиятини йўлга кўйиши ва такомиллаштириш учун тенг имкониятлар ярати-либ, шу тариқа бошқарув механизмининг пухта ишлами ва ҳўжалик бирликлари ўргасида яккаҳоқимликка халақит берув-чи соғлюм рақобат таъминланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг ташқы иқтисодий алоқалар соҳасидаги янги стратегияси қўйидагиларни ўз ичига олади:

◆ БОЗОР ВА ОЧИҚ ИҚТІСОДИЁТ ◆

ОЧИҚ ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМНИНГ АҲАМИЯТИ ВА АФЗАПЛИГИ

- экспорт-импорт операцияларини марказлашувдан холи қилиш;
- давлат эфтиёжлари учун керакли товарларни экспорт ва импорт қилиши устидан назоратни кучайтириш;
- давлат учун стратегик мұхым бўлмаган товарларни экспорт қилишини осонлаштириш;
- стратегик мұхым товарларни экспорт қилишидан келадиган валюта тушумини назорат қилишини кучайтириш;
- чет эл инвестицияларини жалб этиши ва экспорт фаолиятини ривожлантиришдан иборат давлат сиёсатини бутун чоралар билан рағбатлантириш.

Умуман шуни айтиш мүмкінки, 1996 йил ўрталарига келиб, республикада ташқи иқтисодий фаолият мамлакатни бозор иқтисодиёти шароитларига мослаштириш ҳамда жаҳон иқтисодий маконига кириш талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган мутлақо янги меъёрий-хукуқий базага ва давлат бошқаруви механизмига асосланған болшади. Айтиб ўтилган механизмга стратегик товарлар, ҳарбий ҳамда иккисеңдама фойдаланиладиган маҳсулотлар, халқаро мажбуриятлар доирасида етказиб бериладиган товарларни экспорт қилишини тартибга солишнинг нотарииф усуулларидан чекланған тарзда фойдаланиш, экспортчилар томонидан валюта тушумининг 30%ини мажбурий суратда сотиш ҳамда молиявий барқарорлаштириш ва ички бозорни жаҳон нархларига ўтиш ва чет эл рақобатининг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш учун божхона тарифидан фойдаланиш асос бўлган.

Ислоҳотларнинг янги босқичида валюта тушумларининг асосий манбай бўлган экспортни ривожлантириш ва импорт бўйича товар етказиб беришни таъминлаш каби анъанавий мұхим вазифаларни ҳал қилишдан ташқари ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш пайтида қўйидаги вазифалар ҳам амалга оширилади:

◆ Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон хўжалик алоқалари тизимига кўшилиши ҳақидаги ҳозирги замон концепциясини амалга ошириш;

ОЧИҚ ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМНИНГ АҲАМИЯТИ ВА АФЗАПЛИГИ

- иқтисодиётни структуравий қайта қуришни давом эттириш ва уни мутаносиб ўстириш учун зарур бўлган қўшимча молиявий ресурсларни тўплаш;
- амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳот шароитида ўзаро фойдали ҳамкорлик йўлларини излаш;
- Ўзбекистонда бозор муносабатларининг қарор топиш босқичида миллий бозор манфаатларини жаҳон конъюнктураси ва чет эл рақобатининг нохуш таъсиридан ҳимоя қилиш.

1.3. Ташқи иқтисодий алоқалар самарадорлигининг курсаткичлари

Ташқи иқтисодий алоқалар мажмуасининг миллий иқтисодиётга таъсир кўрсатиши муайян миқдор ва сифат кўрсаткичларида баҳоланиши мумкин.

Энг аввало республиканинг халқаро иқтисодий муносабатлардаги иштироки ёки уларга жалб этилиши қандай эканлигини билиш мухимdir. Бу экспортнинг ялпи миллий маҳсулотга (ЯММ) нисбати билан белгиланади. Бу кўрсаткич мамлакатнинг экспорт квотаси деб аталади. У қанча юқори бўлса, давлат халқаро иқтисодий муносабатларга шу қадар юқори даражада жалб этилган бўлади. Масалан, АҚШ нинг экспорт квотаси 10-15 фоизга, Германия, Франция, Италия, Англияниги 25-30, Японияниги 18га яқин, Бельгия, Венгрия, Сингапурниги 110-135 фоизга тенг. Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулотида экспортнинг улуши кейинги йилларда 10-12 фоиз атрофида, собиқ СССРда у 10 фоизга тенг эди.

Бироқ бу кўрсаткич халқаро иқтисодий муносабатларнинг сифат тузилишини кўрсатмайди. Шу сабабли уни ифодаловчи яна бир кўрсаткичдан фойдаланилади. Бу реал экспорт квотаси бўлиб, у экспортнинг мамлакат саноат ишлаб чиқаришига нисбати билан ўлчанади. Ривожланган мамлакатлар учун у тахминан 40-50 фоизга тенг.

ОЧИҚ ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМНИНГ АҲАМИЯТИ ВА АФЗАЛЛИГИ

Бу эса ишлаб чиқарылган барча маҳсулотнинг ярми ташқи бозорга олиб чиқиб кетилишини англатади. Мамлакатнинг ташқи иқтисодий муносабатларга тортилганлиги яна экспортнинг эластиклигиги (экспорт ва ЯММ ўсиш суръатларининг нисбати) билан ҳам белгиланади. Эластикликнинг бирлиқдан юқори бўлиши, мамлакатнинг халқаро иқтисодий муносабатларга шунчага кўп қатнашаётганини билдиради. Ташқи иқтисодий алоқалардан келадиган самара жуда кўп миқдордаги экспорт, импорт, кредит ва бошқа операциялар, шунингдек техникавий ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича барча қатнашчиларнинг бу соҳадаги фаолияти натижаларидан таркиб топади. Бунда самарадорликни тўғри баҳолаш жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у энг аввало жамият, халқ хўжалиги, давлатнинг манбаатларидан келиб чиқади, чунки идоравий, маҳаллий ва хусусий манбаатлар уларга мос келмаслиги ҳам мумкин.

Ташқи иқтисодий алоқалар самарадорлигини баҳолашга халқ хўжалиги нуқтai назаридан ёндашибни қўллаш мамлакатдан олиб чиқиб кетилаётган барча товарлар ва хизматларга қилинган ижтимоий харажатларни мамлакатга олиб кириладиган товарлар ва хизматларни мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқариш ташкил этилганида сарфланадиган харажатлар билан солишигириш имконини беради. Тежам (фойда) ёки чиқим тарзидаги самара аниқланади. Чунончи, импорт қилинган товарларни мамлакатнинг ўзида чиқаришга сарфланадиган харажатлар уларга ҳақ тўлаш учун экспорт қилинадиган товарларга қилинадиган харажатлардан кўп бўлиб чиқса, унда мамлакат айирбошлилардан фойда олади. Фарқнинг катталиги бу фойданинг миқдорини кўрсатади. Лекин натижка манфий бўлиб чиқиши ҳам мумкин. Бундай ҳолат тез-тез учраб туради. Ташқи иқтисодий фаолиятда нархлардаги келишмовчиликлар туфайли, тез-тез шундай вазият юз бериб турадики, бунда алоҳида олинган у ёки бу товарни экспорт қилиш фойда-

САЛАРДЫҢ АЛМАСЫНДЫКТАН ХАДАМДАРЫН ВА АСРЗАППИГИ

сиз, заарлар бўлиши мумкин, бироқ бунда кўриладиган зиён импортдан олинадиган миқдор жиҳатдан катта фойда билан қопланиб кетади. Шу сабабли товарлар ва хизматларнинг қарама-қарши ҳаракатланиши, яъни бутун айр бошлаш циклининг натижаларини ҳисобга олган тақдирдагина экспорт ёки импортнинг самарадорлиги тўғри баҳоланишига эришиш мумкин.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг самарадорлигини баҳолап учун кўнгина кўрсаткичлар қўлланилади. Шулардан кўйидагиларини алоҳидаги кўрсатамиз:

1. Экспортнинг валюта самарадорлиги кўрсаткичи. У ташқи бозорда товарлар сотищдан тушган соф валюта тушиумининг мамлакатда уларни ишлаб чиқариш ва ташишга қилинган харажатларга, агар товарлар кредитга сотилган бўлса, кредит таъсирининг коэффициентини ҳисобга олган ҳолдаги нисбатини ифодалайди. Товар кредитга сотилганида экспортнинг самарадорлиги одатда камайди, бироқ кредит берилмаса, товарларни ташқи бозорда сотиш кўпинча қийинлашади, баъзан эса умуман мумкин бўлмайди.

2. Импортнинг валюта самарадорлиги кўрсаткичи мамлакатга олиб келинган товарларнинг уларни ишлаб чиқаришнинг ички шарт-шароитлари бўйича уларни сотиб олиш ва чегарагача етказиб келтиришга қилинадиган тўлиқ валюта харажатларига нисбатидир.

Экспортдан қилинган заарлар кўпинча импортдан қилинган даромадлар билан қопланиши туфайли, юқорида айтиб ўтилган кўрсаткичларни тўғрилаш учун тузатиш коэффициентлари: импорт учун экспорт эквиваленти самарадорлиги коэффициенти ва шунга мувофиқ экспорт учун импорт эквиваленти самарадорлиги коэффициенти жорий этилади. Экспорт учун коэффициент муйян мамлакатга товарлар экспорт қилишдан тушган жами валюта тушимини уларни ишлаб чиқаришга қилинган барча харажатларга бўлишдан чиқсан сондир, импорт учун ко-

ОЧИҚ ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМНИНГ АҲАМИЯТИ ВА АФЗАЛЛИГИ

эффициент эса импорт қилинган товарларни мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган тақдирда сарфланishi мумкин бўлган харажатларни бу товарлар ҳақини тўлаш ва келтиришга кетган валютадаги харажатлар суммасига бўлиш натижасидир. Чет эл валюталарининг харид кучи бўйича ҳам тузатиш киритилади.

3. Ташки савдо айирбошлиши самарадорлигининг кўрсаткичи суратдаги импорт қилинган товарларнинг қиймат баҳоси (мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган тақдирда уларга ёки улар ўрнини босувчи товарларга қилинадиган барча харажатлар)ни кўрсатувчи сонни маҳраждаги экспорт қилинган товарларни ишлаб чиқаришга ва ташишга сарфланган барча халқ ҳўжалик харажатларини билдирадиган сонга бўлишдан чиқсан бўлинмани билдиради. Бу кўрсаткичини ҳажм (қиймат) жиҳатидан тенг бўлган экспорт ва импорт учун аниқлаш керак. Мутаносиб бўлмаган қисми учун экспорти ёки импортнинг самарадорлик кўрсаткичи (қайси биро кўплиги) алоҳида-алоҳида аниқланади. Ускуналарни импорт қилиш самарадорлитини баҳолаганда вақт ва сифат омилига тузатиш киритилиши мумкин.

4. Лицензия сотиб олиш самарадорлигининг кўрсаткичи шундай нисбатдирки, унинг суратида чет элдан сотиб олинган янги технологияга ёки бошқа янгиликка лицензиядан вақт омилини ҳисобга олган ҳолда фойдаланишдан келадиган халқ ҳўжалик самараси миқдори, маҳражида эса лицензия ҳақини тўланы учун зарур бўлган товарларни ишлаб чиқаришга қилинадиган харажатлар туради. Лицензия олиши-сотиши муносабати билан товар айирбошлаш ва ҳамкорлик қилишнинг фаоллашуви ва фойдаси сингари омиллар ҳам ҳисобга олинади.

Юқорида айтиб ўтилган кўрсаткичлар нисбийдир. Улар олинган фойданинг ёки қилинган харажатларга нисбатан кўрилган зарарнинг даражасини, яъни айирбошлишнинг сифат томонини билдиради, аммо миқдор ифодасини, ташки иқтисодий фаолиятдан келадиган самаранинг

ОЧИҚ ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМНИНГ АҲАМИЯТИ ВА АФЗАЛПИГИ

Маълумот учун материал

80-йилларнинг ўргаларида Совет Иттифоқининг "экспорт квотаси" таҳмишан 11%ни ташкил этган эди, холбуки у Болгария ва Венгрияда 50 %га, ривожланган мамлакатларда эса 20-45 % атрофида эди. Ўша даврда Совет Иттифоқининг хиссасига бутун дунё саноат ишлаб чиқаришининг деярли 20%и ва жаҳон савдо оборотининг 4%и тўғри келар эди. Ҳалқаро меҳнат таҳсими тагибутига бу қадар кам даражада қўшилганликни фақат мамлакатнинг табиий ресурслар билан юқори даражада таъминланганлиги ва ички бозорнинг катталиги билангина изоҳлаш тўғри бўлмаса керак. Равшонки, бунинг ҳам аҳамияти бор эди. Бирок шу нарса ҳам муҳимки, қандай бўлса-да ўзини ўзи таъминланшини кўзлаб иш тутиш, ривожланган давлатлар томонидан иқтисодий тазъйиқка учрашдан кўркиш ҳам ўз тасвирини кўрсатди. Ишлаб чиқарувчи тармоқтар, айниқса машинасозлик, жаҳон бозорига кенг кўламда чиқишига тайёрланмали, бу ҳол эса кейинчалик катта зарарга олиб келли, ҳатто фаолиятни айирбошлишда ана шундай "чали" иштирок этиши шароитида ҳам ташкил иқтисодий алоқалар орқали 70-йилларда СССР ҳалқ ҳўжалигига етказиб берилган барча машина ва ускуналарнинг қарийб 15%и импорт бўйича келган эди. Борди-ю қўшина ҳолларда импорт қилинган техникинин сифати мамлакатини ўзида ишлаб чиқарилганидан анча юқори бўлганлигини хисобга оладиган бўлсак, ташкил манбаларнинг бундай маҳсулотдаги роли анча катта бўлиб чиқади.

ОЧИҚ ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМНИНГ АҲАМИЯТИ ВА АФЗАПЛИГИ

мутлақ миқдорини билдиrmайды. Ана шу миқдор импорт қилинган товарлар мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилганида халқ хўжалиги қиласидиган барча харажатлар билан экспорт қилинган товарлар учун қилинган ана шундай харажатлар ўргасидаги фарққа тенг бўлади ва одатда етказиб бериладиган ва харид қилинадиган товарларнинг йиллик ҳажмида ҳисоблаб чиқарилади.

Шу тариқа аниқланадиган самарани билвосита самаралан фарқли ўлароқ, бевосита самара деб ҳисоблаш керак. Билвосита самара ана шу алоқаларнинг фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиши муддатларни қисқартиришга ва янги маҳсулот чиқаришни ўзлаштиришга, моддий (товар) балансларини яхшилаштиришга, мамлакатда иқтисодий ҳаётни фаоллаштиришга таъсири кўрсатиши натижасида вужудга келади.

Равшонки, халқаро савдонинг ишлаб чиқаришга, истемолга ва фаровонликка таъсири кўп жиҳатдан жаҳон нархларининг қарор топган нисбати билан белгиланади. Шу сабабли иқтисодчилар савдонинг нарх билан боғлиқ шартларига ёки, бошқача қилиб айтганда, мамлакатдаги экспорт нархларининг импорт нархларига нисбатига катта зътибор берадилар.

Агар “савдонинг нарх билан боғлиқ шартлари” тушиунчаси иккитадан ортиқ товарга тегишли бўлса, у экспорт ва импорт нархлари (миллий ёки бошқа валюта бирликларида) индексларининг нисбати сифатида куйидаги формула бўйича ифодаланиши керак:

$$T = \frac{H_x}{H_m}$$

Бунда T -савдонинг нарх билан боғлиқ шартлари,
 H_x - экспорт нархлари индекси; H_m - импорт нархлари индекси.

ОЧИҚ ИҚТІСОДИЙ ТИЗИМНИНГ АҲАМІЯТИ ВА АФЗАЛЛІГІ

Бунда экспорт нархлари индекси қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$H_{ex} = \bar{E}K_i \cdot H_{exi},$$

бунда $\bar{E}K_i$ ҳар бир товар (i)нинг базис йилдаги жами экспорт қийматидаги улуши, H_{exi} эса шу товар жорий нархининг базис йилдаги баъсига нисбатидир.

Импорт нархлар учун индекс ҳам шундай ҳисобланади:

$$H_{im} = \bar{IM}_i \cdot H_{imi},$$

бунда \bar{IM}_i ҳар бир товар (i) нинг базис йилдаги жами импорт қийматидаги улуши, H_{imi} эса шу товар жорий нархининг базис йилдаги ҳажмига нисбатидир.

Экспорт ва импорт нархларининг бундай индекслари ҳукумат органлари томонидан мунтазам ҳисоблаб борилади ва, масалан, Ҳалқаро валюта фонди томонидан International Financial Statistics ойномасида эълон қилиб борилади.

“Савдонинг нарх билан боғлиқ шартлари” кўрсаткичининг ўсишини одатда ана шу шартларнинг яхшилашини деб атайдилар. Агар чет элликлар ўзларига сотилаётган ҳар бир экспорт бирлиги учун бизга катта миқдорда импорт билан ҳақ тўласалар, биз бундан ютишимиз назарда тутилади. Лекин ҳамма вақт ҳам шундай эмас. Савдонинг нарх билан боғлиқ шартлари ўз ҳоли-ча савдонинг фойдалилиги ҳақида тўла тасаввур бермайди, бу кўрсаткичининг ҳаракати эса фақат муйян вазиятлардагина ташқи иқтисодий алоқаларнинг самародорлиги ўша йўналишда ўзгариши билан мос келади. Агар савдо шартлари чет эллик шерикларимизда ўзгаришлар юз бериши натижасида “яхшиланса”, биз бундан ҳақиқатан ҳам ютамиз. Агар бизнинг экспортимизга бўлган талаб ва импортни таклиф қилиш кўпайса,

ОЧИҚ ИКТСОДИЙ ГАЗИМНИНГ АҲАМИЯТИ ВА АФЗАПЛИГИ

йиз ҳақиқатан ҳам кўпроқ фойда оламиз ва бойроқ бўла-
миз.

Лекин энди бизнинг хулқ-авторимиздаги қандайдир ўзгаришлар натижасида савдо шартлари ўзгарди, деб фаяз қиласлил. Айтайлик, ўзбек тадбиркорлари (кўйлактар ва шакар ҳақидаги мисолимизни эслайлик) кўйлактарни анча самаралироқ ишлаб чиқара бошладилар ва экспорт ҳажмини оширидилар, бу эса нархларнинг пайтишига ва савдо шартларининг “ёмонлашувига” олиб келди. Бундан Ўзбекистон ўз-ўзидан нималарнидир отқазади ва савдо унинг учун камроқ фойда келтира юшлайди, деган маъно чиқмайди. Мамлакат ишлаб ташкил самарадорлигининг ўсишидан ҳам, кўйлакларни анча арzon нархларда экспорт қилиш ҳажмининг орнишидан ҳам бир вақтла ютуқقا эга бўлиши мумкин. Шундай қилиб, савдонинг нарх билан боғлиқ шартлари ташкил иктиносидий алоқалар натижаларидаги ўзгаришларни баҳолаш учун муҳим маълумот беради, аммо бу баҳолардан бошқа маълумотлар савдо ҳажмлари ва нархлар ўзгаришининг сабаблари тўғрисидаги маълумотлар билан бир қаторда фойдаланиш керак.

Мамлакатнинг ташкил иктиносидий алоқалари ва уларнинг бутун боғланишларининг ҳолати таҳлил қилиш тмконини берадиган умумлаштирувчи кўрсаткич - **тўлов юаласидир**. У мамлакатнинг резидентлари билан ташкил гуне ўртасида муайян даврдаги барча савдо ва молиявий қўймларни қамраб оладиган статистика ҳисоботидир. Гўлов баланси мамлакатнинг ташкил иктиносидий алоқалар караёнида амалга оширилган амалдаги тўловлари билан ўнга келган тушумларнинг қийматда ифодаланган ўзаро тисбатидир.

Бинобарин, тўлов баланси ўз таркибida ташкил иктиносидий алоқаларнинг ҳамма шаклларини акс эттириши керак.

◆ БОЗОР ВА ОЧИҚ ИКТИСОДИЁТ ◆

ОЧИҚ ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМНИНГ АҲАМИЯТИ ВА АФЗАПЛИГИ

Ҳақиқатан ҳам мамлакатларнинг бир-бирлари билан ўзаро иқтисодий муносабатлари тузилиши мураккаб бўлганилиги туфайли тўлов баланси **таркибий қисмлар** сифатида савдо балансини, хизматлар ва нотижорат тўловлари балансини, капиталлар ва кредитлар ҳаракати балансини ва олтин ва валюта захиралари ҳаракати балансини ўз ичига олади. Кўпинча савдо баланси билан хизматлар ва нотижорат тўловлар баланси жорий операциялар балансига бирлаштирилади.

Мамлакатнинг **савдо баланси** товарлар импорт қилинганида ундан чиқиб кетадиган маблағлар билан товарларни чет элга экспорт қилганда келадиган маблағлар ўргасидаги нисбатни кўрсатади. Тўлов баланси-нинг шу таркибий қисми мамлакатнинг ташқи иқтисодий аҳволига баҳо беришда энг муҳим кўрсаткичdir. Агар мамлакатнинг экспорти маълум даврда чет элдан импорт қилишдан ортиқ бўлса, савдо баланси актив бўлиши (мусбат сальдо балансига эга бўлиши) мумкин. Агар импорт экспортдан ортиқ бўлса, савдо баланси шунга мувофиқ манфий (манфий сальдо) бўлади. Бощқача қилиб айтганда, агар Ўзбекистон муйайн йилда манфий савдо баланси сальдосига эга бўлса, ўша йили истеъмол қилинганига қараганда камроқ ишлаб чиқарилган бўлади. Ва, аксинча, савдо балансининг мусбат сальдоси Ўзбекистонда тегишли йилда истеъмол қилинганига қараганда кўпроқ товарлар ишлаб чиқарилганини кўрсатади. Савдо балансининг мусбат ёки манфий бўлиши кўпгина ташқи ва ички омилларга боғлиқ. Агар жаҳондаги конъюнктура натижасида жаҳон хом ашё бозорларида паҳтанинг нархи сезиларли даражада ортиб, шу даражада барқарор турса, биз Ўзбекистоннинг экспортда (бунда “оқ олтин”нинг салмоги анча катта) савдо баланси мусбат сальдога эга бўлади, деб тахмин қилишимиз мумкин.

ОЧИҚ ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМНИНГ АҲАМИЯТИ ВА АФЗАПЛИГИ

| Тушумлар (+) | Тўловлар (-) |
|---|---|
| I. Жорий операциялар баланси | |
| IA. Савдо баланси | |
| 1. Товарлар экспорти | 1. Товарлар импорти |
| IB. Хизматлар ва нотижорат тўловлари баланси | |
| Нофактор хизматлар бўйича тушумлар Юк ташиш ва сұғурта Сафарлар Бошқа нофактор хизматлар Фактор даромадлар тушумлари Трансферт тушумлари | Нофактор хизматлар бўйича тўловлар Юк ташиш ва сұғурта Сафарлар Бошқа нофактор хизматлар Фактор даромадлар тўлови Трансферт тўловлар |
| II. Капиталлар ва кредитлар харакати баланси | |
| Бевосита инвестициялар Келиши Мажмua инвестициялар келиши Ссуда капиталнинг келиши | Бевосита инвестицияларнинг кетиши Мажмua инвестицияларнинг кетиши Ссуда капиталнинг кетиши |
| III. Мамлакат олтин ва валюта заҳираларидағи I ва II баланслар ўрнини тўлдирувчи ўзгаришлар | |
| Олтин ва валюта заҳираларининг камайиши (соғчиқиб кетишинг ўрнини тўлдириш +) | Олтин ва валюта заҳираларининг кўпайиши (соғ маблаг келишининг ютилиб кетиши -) |

Мамлакат тўлов балансининг таҳминий тузилиши

Хизматлар ва исавдо операциялари баланси мамлакатнинг бошқа мамлакатларга кўрсатадиган хизматлари бўйича келган пул билан шу мамлакатга бошқа мамлакатлар кўрсатадиган хизматлар бўйича чиқиб кетган пул ўртасидаги нисбатдан иборатдир. Иқтисодчилар фактор ва нофактор хизматларни фарқтайди. Фактор хизматлар мамлакатнинг чет элга тадбиркорлик ёки ссуда капитали шаклидаги инвестицияларидан тушган пулларни ўз ичига олади. Бунга дивидендерлар шаклидаги пул тушумлари, мамлакат фирмалари ва компанияларининг фойда репатриацияси, чет эликларнинг мамлакат патентлари, лицензиялари ва менежментидан фойдаланганлик учун тўловлар ва ҳоказолар киради. Нофактор хизматлар оқимига сайёхлик, транспортда йўловчилар ва юклар ташиш, сұғурта, телерадиокоммуникациялар учун тушумлар ва тўловлар киради.

ОЧИҚ ИКТИСОДИЙ ТИЗИМНИНГ АҲАМНЯТИ ВА АФЗАППИГИ

Мамлакатлар ўртасида мавжуд бўлган аммо савдо билан боғлиқ бўлмаган хизматлар бўйича тўловлар ва тушиумлар посавдо оқимлар ёки операциялар деб аталади. Улар жумласига пул маблағларини расман ўтказиш (масалан, табиий оғатлар, уруш, эпидемиялар ва бошқаларни бошидан кечираётган мамлакатларга чет элдан ёрдам кўрсатиш), қариндошлар ва яқин кишиларга шахсий пул ўтказмалари ва шу кабилар киради. Хизматлар балансининг моддалари бўйича ҳаракатни кўпинча “кўринмас операциялар” деб аташади.

Мамлакатимиздаги ва чет эллик иктиносодчилар Ўзбекистоннинг жаҳоншумул миқёсдаги диний ва маданий тарихий бойликларини ҳисобга олиб, уни сайёхлик фаоллашиши кутилаётган мамлакат дейишмоқда. Шуни айтишимиз мумкинки, ушбу омил келажакда хизматлар баланси бўйича чет эл валютаси чиқиб кетишининг ўрнини тўлдириди.

Капиталлар ва кредитлар ҳаракати баласи халқаро капитал ва кредит шаклида валюта маблағлари келиши ва чиқиб кетишининг нисбатини акс эттиради. Капиталнинг ҳаракати тадбиркорлик ва ссуда инвестициялари шаклида юз бериши мумкин. У резидентлар ҳамда норезидентларнинг чет эл ва мамлакатнинг молиявий активлари - облигациялар, корхоналарга қарашли акциялар, бошқа қарз мажбуриятлари, шу жумладан кредитлар ва қарзларни олиш - сотиш жараённида амалга оширилади. Масалан, Ўзбекистонда яшовчиларнинг Россиянинг йирик компаниялари акцияларини сотиб олиши валюта маблағларининг чиқиб кетишини англатади. Агар Ўзбекистоннинг давлат акциялари чет мамлакатлардаги инвесторлар томонидан сотиб олинса, чет эл капитали келган бўлади. Тўлов балансининг капитал билан боғлиқ моддаларининг ҳаракати резидентлар ва норезидентлар чет эл моддий активлари - кўчмас мулк ҳамда компанияларни олган ёки сотган пайтда юз беради. Агар ипни юришган ўзбекистонлик бизнесчи Италияда то-

ОЧИҚ ИҚТІСОДИЙ ТИЗИМНИНГ АХАМИЯТИ ВА АФЗАЛЛИГИ

мат пастаси ишлаб чиқарадиган фирмани ёки шағар та-шқарисидаги вилланы сотиб олса, капитал чиқиб кеттән бўлади. Шундай қилиб, капиталлар ҳаракатининг баланси мөддий ва молиявий активлар билан операциялар қўлишидан келадиган соф тушумларни кўрсатади. Агар уларни сотищдан келган тушумлар сотиб олинадиган чет эл активлари бўйича тўловлардан ортиқ бўлса, унда капиталлар ҳаракати балансининг мусбат сальдосига эга бўлинади ва биз капиталнинг соф келиши юз берганини кўрамиз. Аксинча, биз чет элликларга ўз активларимизни сотиша қараганда чет эл активларини кўпроқ сотиб олсан капиталлар ҳаракати балансининг манфий сальдоси, капиталнинг мамлакатдан соф чиқиб кетиши кузатилади.

Капиталлар ҳаракати ҳисобвараги кўпинча савдо баланси ва хизматлар баланси тақчилликларига нисбатан ўрнини тўлдирувчи ҳисобваарақ вазифасини ўтайди. Мамлакат маъдум вақт давомида ишлаб чиқарганига қараганда кўпроқ товарлар ва хизматларни истеъмол қиласа, унда чет эл давлат ва хусусий қарзлари ҳамда кредитлари, чет эл капиталининг бошқа оқимлари кундалик истеъмолнинг қундалик ишлаб чиқаришдан ортиқ бўлишини, яъни манфий соф экспортни пул билан таъминлашга ёрдам беради.

Асосан жорий операциялар баланси ва капиталлар ҳаракати баланси жами тақчиллигининг ўрнини тўлдирувчи яна бир муҳим таркиби қисм - **мамлакат олтии ва валюта захиралари ҳисобварагидир**. Агар тўлов балансининг актив сальдоси кундалик операциялар балансининг манфий сальдосини қопламаса ёки, аксинча, кундалик операциялар балансининг актив сальдоси капитал маблағлар ҳаракати ҳисобвараги бўйича манфий сальдони қопламаса, ва, ниҳоят, мазкур балансларнинг иккаласи ҳам манфий соф қолдиққа эга бўлса, мамлакатда илгари жамғарib қўйилган валюта захиралари ташқи қарзни қоплаш учун ишончли манба бўлиб хизмат қиласи.

ОЧИҚ ИҚТІСОДИЙ ТИЗІМНІҢ АХАМИЯТИ ВА АФЗАПЛИГИ

Мұхокама үчүн саволлар

Биринчи бүлімниң ўқиб чиқынға жағоб беринг:

- 1** Мамлакат ўзіда ишлаб чиқарыладын товарларнинг би-ронаси бүйічта ҳам мұтлақ устунылкка эта бўлмаса, бундай мамлакатнинг ташқи савдо билан шуғуланишини рагбатлантириш керакми?
- 2** Экспорт ошганида мамлакатнинг ички бозорида бу товарнинг нархи ҳам ошиши мумкин. Бундан давлат истеъмолчиларни ҳимоя қилиш мақсадида экспортни бутун чоралар билан чеклаши керак деган маъно чиқмайдими?
- 3** Агар нисбий устунылк қонунига амал қилинса, ҳар қандай мамлакат барча кучни ўзи ишлаб чиқаришда нисбатан кўпроқ самарадорликка эрипган маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарфлаш фойдалидир. Ўзбекистонда пахта толасини ишлаб чиқариши унуми буғдой етишибиришга қараганда юқорироқ. Бундан бизнинг республикамиз учун пахта яккахокимлиги фойдалироқ ва буғдойни ўзимиз ишлаб чиқаргандан кўра жаҳон бозориридан сотиб олиши маъқул деган холоса чиқариш мумкинми?
- 4** Сизнинг фикрингизча, Ўзбекистонда ишлаб чиқарылган қайси товарлар жаҳон бозорларида рақобат курашига дош бериши мумкин? Жавобингизни Э.Хекшер ва Б. Олин назариясидан фойдаланган ҳолда асосланг.
- 5** Халқаро мәжнат тақсимотида мамлакатнинг қатнашыши қандай фойда келтиришини санаб беринг.

ОЧИҚ ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМНИНГ АҲАМИЯТИ ВА АФЗАПЛИГИ

- ◆ 6 Мамлакатда ишлаб чиқарилган товар импорт қилинганидан ҳамма вақт арzon бўлади, деган фикрга қўшилисими?
- ◆ 7 Давлатнинг истеъмол товарлари билан ўзини ўзи таъминлашга қаратилган сиёсати узоқ келажакда мамлакат аҳолисининг турмуш даражасига қандай таъсир кўрсатади?
- ◆ 8 Нима сабабдан Ўзбекистоннинг экспортни ошириб бориш соҳасидаги катта салоҳияти ташки савдога давлат монополиясини бузиш орқали амалга оширилиши мумкин эмас эди?
- ◆ 9 Ташки иқтисодий алоқаларни тўла эркинлаштириш воситалари билан иқтисодиётнинг тузилишини қисқа муддатларда қайта қуриш мумкинми?
- ◆ 10 Тўлов баланси сальдоси узоқ вақт давомида манфий бўлган шароитда миллӣ иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини ва турмуш даражасининг ўсишини таъминлаш мумкинми?

Глоссарий

Мутлақ устунлик - ҳар бир мамлакатда харажатлар бирлигига бошқа мамлакатлардагига қараганда кўпроқ ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган товар мавжудлиги шароитида халқаро савдонинг фойдали эканлигини тушунтириб берадиган қоида.

Автаркия - маҳдуд, ўзини ўзи таъминлайдиган иқтисодиётни вужудга келтириш мақсадида мамлакат хўжалигини бошқа мамлакатлар иқтисодиётидан ажратиб қўйиш сиёсати.

Ташки савдо - мамлакатлар ўртасидаги савдо бўлиб, товарларни ва хизматларни четга чиқариш (экспорт қилиш) ва олиб кириш (импорт қилиш)дан иборат бўлади.

ОЧИК ИҚТІСОДИЙ ТИЗИМНИҢ АҲАМИЯТИ ВА АФЗАПЛИГИ

Нисбий устуңлік қонуны - мамлакат ўз кучини нисбатан күпроқ самарадорликка эришадиган товарларни ишлаб чиқаришта қаратаishi ва уларни экспорт қилиб, ўрнига жуда кам устуңлік билан ишлаб чиқарадиган товарларни олиб келиши унинг учун фойдалыроқ эканлығы ҳақидағы мұлоҳаза.

Ташқы иқтисодий алоқаларни әркинлаштырыши - товарлар ва хизметтер, капиталлар ва ишчи кучининг миллій ва жаҳон бозорлари ўртасидаги түсікшілдік олиб ташлаш.

Мержантализм - ташқы савдо муносабатларига доир назария, унині тарафдорлари фикрига күра ҳар бир давлат болықа мамтакаттарға экспортни күтпайтириб, импортни чеклашдан манбаатдор: деб даъво қылар едилар.

Хұжалик инг натура шакли - хұжалик юритиш шакли бўлиб, бунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг асосий қисми айrim хұжаликлар, жамоалар ёки унча катта бўлмаган худудлар ичидә истеъмол қилинади.

Ишлаб чиқариш омиллари нисбатининг Хекслер-Олин яғы классик модели (Х-О назарияси) - бу назарияга мувофиқ мамлакатлар ортиқча ишлаб чиқариш омилларидан унумли фойдаланиб чиқарған маҳсулотларини экспорт қилиб, ўллари учун тақчил ишлаб чиқариш омилларидан интенсив фойдаланиб чиқарған маҳсулотларни импорт қиласди. Очиқ иқтисодий тизим - экспорт, импорт ва молиявий операциялар механизми орқали жаҳон бозорлари билан боғланған иқтисодий тизим.

Тўлов баланси - мамлакатнинг хұжалик тузилмалари билан ташқи дунё ўргасидаги дар мобайнида кечадиган барча савдо ва молиявий оқимларни қамрайдиган статистика ҳисоботи. Бу ҳисобот ташқи иқтисодий алоқалар жараённида бажарилган мамлакатнинг амалдаги тўловлари ва мамлакатта келиб тушган пулларнинг қийматдаги нисбатидир.

Фритрейдерлик - ташқи савдо муносабатларига доир назария, унинг тарафдорлари савдо әркинлегини ҳимоя қилиб, уни ҳар қандай чеклашларга қарши.

Сафронинг нарх билан бөлмиш шартлари - кўриб чиқилаётган мамлакат экспорт нархларининг унинг импорт нархларига нисбати.

ДАВЛАТ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

2 - бўлим

2.0. Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат йўли билан бошқариши

Бозор иқтисодиётига ўтиш ташқи иқтисодий фаолиятни бошқаришга мутглаҳо янгича ёндашишни талаб қилади. Бундай бошқаришнинг вазифа ва мақсадлари маъмурӣ - режали тизим доирасидагидан бошқача бўлиши равшан. Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат йўли билан бошқаришда қўйидагилар биринчى ўринга қўйилади:

- узоқ муддатта мўлжалланган концепцияни (стратегияни) белгилаш;
- экспорт ва импортта доир башоратларни, шунингдек валюта, ташқи савдо ва тўлов балансларини ишлаб чикни ҳамда тасдиқлаш;
- ташқи иқтисодий фаолиятда қатнашувчи вазирликлар, идораларнинг, мулкчиликнинг барча шаклидаги концерн ва ўюшмаларнинг, ишлаб чиқариш бирлашмалиари ҳамда корхоналарнинг ишини назорат қилиш;
- мамлакатнинг ҳалқаро меҳнат тақсимотида янада фаролроқ ва самаралироқ иширик этиши учун шарт-шароити ва омилларни яратиш.

ДАВЛАТ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

Ўзбекистон Республикасини ташқи иқтисодий фаолият субъекти деб ўзлон қўйтувчи ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги қонун айни бир пайтда куйидагилар Ўзбекистон Республикасининг ваколатига таалуқлигини аниқ белгилаб беради:

- ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этишининг қонуний асосларини белтилди;
- ташқи иқтисодий сиёсатни, жумладан валюта-кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, республика валюта жамғармасини тўплаш ва фойдаланиш;
- ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ҳалқаро шартномалар тузиш ва уларни бажариш;
- республиканинг, Ўзбекистон хукуқий шахслари ва фуқароларининг манфаатларини хорижда ҳимоя қилиш;
- республика худудида хорижий сармоядорлар фаолияти учун хукуқий кафолотлар белгилаш;
- ҳалқаро иқтисодий ташкилотлар ва бирлашмаларда иштирок этиш;
- республика Конституциясига асосланган бошқа ваколотлар.

Давлат ўз миллий ва бутун жамият манфаатларини муҳофаза қилиш мақсадида ташқи иқтисодий фаолиятни бошқаради, шунингдек ана ўу бошқарув жараёнида пайдо бўлалиган муносабатларнинг иштирокчиларини қўллаб-куватлаб ёки ташқи иқтисодий фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланишга нокулай шароит яратиш йўли билан таъсир ўтказади.

Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига **давлат таъсири бевосита** (масалан, аниқ экспертларга божхона тўловларида имтиёз бериб) ёки **бильосита** (давлат бирор маҳсулотга юқори импорт тарифларини жорий этиб, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини бу маҳсулотни эмас, балки бошқа молларни четлан келтиришга ундейли) бўлиши мумкин.

Бундай таъсир ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш чоғида вужудга келадиган муносабатларни бошқарал-

ДАВЛАТ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

диган қонунлар ҳамда меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш йўли билан ўтказилади ва унинг мақсади ҳам жамоат, ҳам хусусий манфаатларни ҳимоя қилишдан иборатdir.

Бу мақсаднинг йўналишлари қўйидагича:

а) иқтиносидётни мустаҳкамлаш, унинг барқарорлиги ва ривожланшини таъминлаш.

Давлат йўли билан бошқарши тамоман шу мақсадга қар-
атилган. Ҳусусан, давлат экспорт-импорт операциялари ҳажми
ва таркиби бўйича башоратларни тузади, божхона ҳамда ва-
люта назоратини амалга оширади, товарлар ва ресурсларнинг
арzon нархларда экспорт қилинишига ҳамда сармоянинг мам-
лакатдан чиқиб кетишига йўл қўймаслик учун валюта тушум-
ларини мамлакатга қайтаради ва шундай қилиб, ўз иқтиносий
манфаатларини ҳимоя қиласди;

**б) фуқаролар саломатлиги хавфсизлигини таъминлаш
ва атроф муҳитини муҳофаза қилиш.**

Импорт қилувчидаги сифат шаҳодатномаси, ветеринария
ва санитария гувоҳномаси бўлишини назарда тутиб, муайян
товарларни четдан келтиришига маҳсус талаблар қўйилади.
“Маҳсулотлар ва хизматлар сертификацияси тўғрисида”ги
Ўзбекистон Республикаси қонунида маҳсулотнинг қўйилган
талабларга мувофиқлиги белгиси ва сифат шаҳодатномаси бўли-
ши шартлиги кўзда тутилган. Маҳсулотни келтиришининг анис
таркибини Ўзбекистон Бош божхона бошқармаси ва Давлат
стандарти белгилайди;

**в) ватанимиздаги хўжалик таҳқиқотларининг хорижий
бозордан фойдаланиши имкониятни таъминлаш.**

Шу мақсадда ҳукумат ҳалқаро битимлар тузади, ўз то-
варларини экспорт қилишига қулаи имкониятни таъминлашга
интилади, шунингдек бу товарларни экспорт қилиши чеклаб
қўйилишига йўл қўймаслик учун тегишли чораларни кўради.
Жаҳон тажрибасида миллий товарларни экспорт қилиш бора-
сида демпингга қарши ва бошқа чекловчи чораларни бир то-
монлама жорий этиш хавфи бўлган тақдирда интеграциялаш-
ган давлатлар гурӯҳ ҳамда давлатлар билан шартнома тузishi

ДАВЛАТ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

тартиби ҳам қабул қилинган. Битим тузилган тақдирда бу товарларни экспорт қилиши белгиланган квота билан чекланади.

Хорижий мамлакатлар импорт қилинаётган товарларнинг сифатига, шуниндек тамға (белги) босилишига ҳам муайян талаблар қўймоқда. Турли мамлакатларда четдан товар келтиришининг ҳар хил тартиби мавжуд бўлиб, бир талай ҳужжатларни кўзда тутади. Жаҳон савдо тажрибасида бир қанча турдаги товарларни импорт қилишини чеклаш қўлланилади, бундай чеклаш вақтинчалик ёки доимий ҳам бўлиши мумкин.

Экспортни амалга ошириш шартлари масаласида тегишли ахборотдан хабардор бўлиши ташқи иқтисодий фаолият билан муваффақиятли шугусланишининг, миллий тадбиркорларнинг рақобат бардошлигини тегишли дараражада бўлишига эришишининг зарур шартидир. Шу мақсадда ҳужумат мамлакат экспортчиларига ахборот ва маслаҳат билан хизмат кўрсатувчи тизимни барпо этади, бу давлатнинг иқтисодиётни, жумладан миллий товарларни экспорт қилишини ривожлантиришига доир мажбуриятидан келиб чиқади. Хорижда давлат номидан иш юритадиган ва зарур ахборотни тўйплаш учун катта имкониятга эга органларнинг мавжудлиги бундай тизимни барпо этиши учун негиз бўлади;

д) мамлакат тадбиркорларининг рақобат бардошлигини таъминлаш.

Миллий тадбиркорларни муҳофаза қилиш ва улирга моддий зарар етказилишига ўйл қўймаслик мақсадида четдан келтириладиган айрим товарларга, жумладан, демтингга қарши ва зарар ўрнини қопладиган маҳсус бож тўловлари белгилаб қўйилади;

е) иқтисодиёт айрим тармоқларининг ривожини рағбатлантиришини таъминлаш ва фан-техника тараққиётига кўмакланиш.

Шу мақсадда давлат янги ускуналарни харид қилишига имтиёзли кредит берishi, экспорт кредитлари сугуртасини амалга ошириши, ҳам мамлакат саноати эҳтиёжларини қо-

ДАВЛАТ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

ндириш, ҳам миллий товарларнинг хорижий бозорларга чиқишга кўмаклашиш учун ишлаб чиқаришни янгилаш, раҳобат-бардошликни оширишда экспорт-импорт операциялари бўйича бир қанча имтиёзларни кўзда тутиши мумкин;

ж) иқтисодиёт айрим тармоқларининг эҳтиёжларини тъминлаш.

Бунга турли йўл билан эришилади. Масалан, айрим тармоқ корхоналарини зарур хомашё билан тъминлаш учун давлат бевосита ваколотли органлар орқали ўз эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб бериш тўғрисида шартномалар тузади. Хомашё ва ускуналарни импорт қилишининг имтиёзли тартибини белгилаб, бундай маҳсулотлар билан тъминлаш, шунингдек мамлакат тадбиркорларига зарур маҳсулотларни экспорт қилишини чеклаб қўйиш йўли билан ҳам кўмаклашиш мумкин;

з) ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчиларини рўйхатга олиш.

Бу иш ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчиларини ҳисобга олишини тъминлаш, уларнинг аҳборот ва маслаҳат билан кўрсатиладиган хизматдан фойдаланишлари, хориждаги ва Ўзбекистондаги шерикларининг амалий иҳтисоси билан танишишларига шароит яратиш учун амалга оширилади. Уларни рўйхатга олиш Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий республика бўлинмаларига топширилган.

Хуроса қилиб айтганда, давлатнинг асосий вазифаси ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг фаолиятини бошқариши юзасидан чеклаш чораларини белгилаш эмас, балки уларнинг жаҳон бозорига кириб боришиларига ҳар томонлама кўмаклашишдан иборат. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий жиҳатларини, бу соҳадаги фаолиятнинг асосий вазифалари, қоидалари ва йўналишларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти белгилаб беради.

Ташқи иқтисодий сиёсат Ўзбекистон Республикаси конун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти томонидан ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширилади. Бу сиёсат “Ташқи иқти-

ДАВЛАТ ТАШҚИ ИҚТІСОДИЙ ФАОЛИЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

содий фаолият тұғрисида" ги қонунга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда ташқи иқтисодий фаолиятни ҳуқуқий, иқтисодий ва маъмурый бошқариш чораларини ўз ичига олади.

Ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчиларининг ишларини мувофиқлаштиришга доир бевосита ишлар, фаолиятнинг бу турига доир таклифларни ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Республикасининг ҳукуматлашаро халқаро иқтисодий битимларини тузиш, республиканинг халқаро иқтисодий ташкилотлар ишида иштирок этишини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятта доир аниқ мақсадларни күзловчى сиёсатни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш ва бошқа тадбирлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан бевосита ёки тегишли давлат органлари орқали бажарилади.

Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш механизмининг марказий қисми бўлиб, унга ўз ваколатлари доирасида бу алоқаларнинг аҳволи ва тараққиёти учун тегишли масъулият билан уларни давлат номидан бошқариш ҳуқуқи берилган. Вазирлик ягона ташқи иқтисодий сиёсат ўтказиш, ташқи бозорда умумдавлат манбаатларини таъминлаш, хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, техникавий ва савдо ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш, бу соҳада бошқарувни такомиллаштириш ҳамда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига халқаро майдонда зарур шарт-шароит яратиши мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентинин 1992 йыл 21 февральдаги Фармоний билан ташкил қилинди.

Вазирлик фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари қўйидагича:

- хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликнинг республика учун устувор йўналишларини аниқлаш асосида давлатнинг ташқи иқтисодий сиёсатини белгилаш ва амалга ошириш, ташқи савдони рагбатлаштириш механизmlарини ишлаб чиқиш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни давлат йўли билан бошқариш, унинг Ўзбекистон ҳудудида иш юритаётган ишти-

ДАВЛАТ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

реквизилари операциялари устидан улар мажсур фаолиятни амалга оширишининг белгиланган тартибига риоя этишиларини таъминлаш мақсадида назоратни амалга ошириш;

- Ўзбекистонда ва ундан ташқарида давлатнинг ташқи иқтисодий манбаатларини ҳимоя қилиш;

- ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун ташкилий-хўжукий ва иқтисодий шароит яратиш;

- Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалик алоқаларига фоал қўшимшии йўли билан ҳалқ хўжалиги ва аҳолининг хорижий мамлакатлар маҳсулотига талабини қондириш;

- ташқи иқтисодий алоқалар инфраструктурасини ривожлантириш, шу жумладан ахборот тизимларини барто этиши, транспорт хизмати ва ундан фойдаланиши, экспорт ва импорт маҳсулотлари сертификациясини таъминлаш;

- давлат экспорт имкониятларини кенгайтиришга доир таклифларни ишлаб чиқиш;

- иқтисодиётга хорижий сармояни жалб қилиш, ундан самарали фойдаланиш, республика сармояларини хорижеда оқилона жойлаш;

- республикада ҳам, хорижеда ҳам ташқи иқтисодий фаолият шитирокчиларининг манбаатларини ҳимоя қилиш, МДҲга аззо давлатлар, шунингдек бошқа хорижий мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқа масалаларида ҳамкорликни таъминлаш.

Вазирлик асосий эътиборни ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг, бу алоқалар самарацорлигини оширишнинг, ўз фаолияти механизмини такомиллаштиришнинг умумдавлат савдо-сиёсий, башпоратлаш ва таҳлилий масалаларига, вазирликлар, идоралар, ташқи иқтисодий ташкилотлар, мулкчиликнинг барча шаклларига корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларга уларнинг ташқи иқтисодий алоқаларини йўлга кўйиш ва ривожлантиришида ёрдам беришга қаратади.

ДАВЛАТ ТАШКИ ИҚТИСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

2.1. Давлат ташки иқтисодий стратегиясининг турлари

Кўп мамлакатларнинг тадбиркорлари хорижий рақибларнинг ўз миллий бозорларига кириб келишига йўл қўймаслик учун кучини аямайди. Уларнинг мақсади равшан-хорижий рақобат хотиржамликка йўл қўймайди, ишлаб чиқаришни мунтазам янтилашга, харажатларни камайтириш ва сифатни яхшилашга мажбур қиласди.

Истеъмолчиларни эса яхши, сифатли ва арzon товарлар кўпроқ бўлиши қизиқтиради; товарнинг қаердан келтирилгани, уни ишлаб чиқаришдан ким фойда олаётгани уларни унчалик қизиқтирмайди.

Бу вазият - дунёдаги кўп мамлакатларда юз берадиган иқтисодий ва сиёсий низоларнинг доимий манбайдир. Ҳукумат ўз иқтисодий сиёсатини мамлакат бозорида импорт товарлар пайдо бўлишидан ютқизмайдиган, балки ютадиган қилиб амалга ошириши керак.

Давлат мамлакатта товарлар олиб келинишини (олиб чиқиб кетилишини) чегаралаши ёки, аксингча, рағбатлантиришига қараб, унинг ташки иқтисодий стратегиясининг тўрт асосий тури фарқланади.

1. Қисман ажralish стратегияси ички бозорга товарларнинг айрим турларини кириб келишига йўл қўймаслик мақсадида амалга оширилади. Масалан, мамлакат аҳолиси турмуш тарзига, мағкурасига мое келмайдиган киновидеомаҳсулотлар, матбаа нашрлари.

2. Протекционизм (лотинча “protectio” - ҳимоя, ҳомий сўзидан) стратегияси - ички бозорни хорижий рақобатдан ҳимоя қилиш стратегияси. Одатда бу стратегияда экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, импорт маҳсулотлар ўрнини қисман қоплаш билан қўшиб олиб борилади. Агар миллий ишлаб чиқариш рақобатбардош бўлмаса, давлат бундай стратегияни тадбиркорлик тузилмалари нинг тазъиғи билан қабул қиласди. Протекционизм - мамлакат тадбиркорлари учун алоҳида имтиёзли шароит яратади.

ДАВЛАТ ТАШКИ ИҚТИСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

тишдир, бундай шароит миллий иқтисодиётта турли оқибатлар келтиради.

Бир томондан, импортнинг чеклаб қўйилиши истеъмолчиларга ва умуман мамлакатга зарар етказади, чунки халқаро меҳнат тақсимоти афзалликларидан фойдаланилмайди. Иккинчи томондан, маҳаллий тадбиркор учун хорижий рақобатчиларга қарши протекционистик тарздаги “ҳомийлик” чоралари миллий компаниялар ва фирмалар қаддини ростлаётган пайтда жуда зарур. Бу чоралар хўжалик юритишнинг янги шаклларига омон қолиб, куч тўплаш имконини беради.

Масалан, япония автомобилсозлигининг тез ривожланганини сабаби ҳозир жаҳонга машхур бўлган фирмалар (“Мазда”, “Ниссан”, “Тойота”) оёққа тураётган шароитда ҳукumat амалга оширган протекционизм сиёсатидир. Ҳукumat 1932 йилда ҳали мустаҳкам оёққа турмаган бу автокомпанияларни Америка автомобил саноатининг улкан корхоналаридан ҳимоя қилиш мақсадида хорижий машиналар ва эҳтиёт қисмларининг импорт қилинishiга бож тўловларини кескин оширгди.

Протекционизм миллий иқтисодиётта салбий оқибатлар келтириши ҳам мумкин. “Ҳомийлик” шароити технологияси эскирган ишлаб чиқаришнинг сақланиб қолишига (монополия - яккаҳокимлик самараси) олиб келиши мумкин.

Бу ўринда биз умуман мамлакатнинг узоқ муддатли иқтисодий манфаатлари билан ушинг фуқаролари айrim гуруҳлари ўргасидаги эндижиятнинг классик наунасиши кўрамиз. Халқаро савдо ва халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этишдан бутун мамлакат деярли ҳамиша фойда кўрса, мамлакат фуқароларнинг айrim гуруҳлари бундан зарар кўриши ва “миллий иқтисодиёт”ни ҳимоя этишни талаб қилиши мумкин.

Бу муаммо МДҲ мамлакатларида айниқса кескин бўлиб турибди, чунки бу мамлакатларда бозор дарвозалари хорижнинг арzon ва сифатли маҳсулотларига очиб қўйилса, кўпгина тармоқларнинг маҳсулотлари ички бозорда импорт товарлар билан рақобатга бардош бера олмайди.

Бундай ҳолда кўп корхоналар синади (банкрот бўла-

ДАВЛАТ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

ди) ва ёнилиб қолади, уларнинг собиқ ходимлари эса иш қидиришга мажбур бўлади. Масалан, 1992 йилдаёқ шундай вазият вужудга келдики, Россията чет мамлакатдан (мисол учун Эстониядан) келтирилган гўшт (айниқса Эстонияга кўшни Псков вилоятидаги) маҳаллий фирмаларнинг маҳсулотидан арzon бўлиб чиқди. Россия шаҳарларида яшовчилар учун четдан келтирилган гўшти харид қилиш фойдали эди, аммо бундай вазиятда Россия чорвачилиги бозордан маҳрум бўларди ва маҳсулот нархини арzonлашириши имкони йўқлиги сабабли (пулнинг қадрсизланишидан) ўз сарф-харажатларини тезда камайтириб хонавайронлашарди. Енгил ва озиқ-овқат саноатда, рўзгор электроникаси ишлаб чиқаришда ва бошقا соҳаларда ҳам худли шундай ҳолат вужудга келини мумкин. Давлат йўли билан бошқариши ва аввало бож тўловлари (тарифлар) ёрдамида МЛХ мамлакатлари бозорини четдан келтириладиган товарлар эгаллаб олишидан узоқ вақтгача ҳимоя қилишга тўғри келса керак.

Протекционизм сиёсати ривожланаётган мамлакатларда айниқса машҳур бўлади. Улар таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, импорт ўрнини қоплаш мақсадида миллий саноатни кўялаб-куватлаш учун протекционизм сиёсатидан фойдаланади.

Импортнинг ўрнини мамлакатнинг ўзидағи ишлаб чиқарип билан қоплашда арzon ва эркин бозор ахборотидан фойдаланилиши ҳам муҳимдир. Ривожланаётган мамлакатлар минглаб бир хил товарлардан қайси нисини хорижда бемалол сота олишини аниқлашда етарли тажрибаси бўлмаслиги мумкин. Аммо марказий режалашшириш органдари (хусусий тадбиркорлар ҳам) қандай маҳсулот ўз бозорида харидоргир бўлишини осонгина аниқлай олади. Бунинг учун улар импорт рўйхатига кўз ташлаплари кифоя, бозорда сотилишига кафолат бўлган товарлар рўйхати тезда тайёр бўлади. Агар мамлакатдаги янги товар ишлаб чиқарувчилар сарф-харажат ва сифат муаммоларини ҳал этишга қодир бўлса,

ДАВЛАТ ТАШҚИ ИҚТІСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

Мәлгүмөт үзүп материал

Иқтисодчилар икки юз йилдан бүён импортни чеклаш тарафдорларига қарши дағыллар келтирип шында. Француз иқтисодчысы Ф. Бастия (1801-1850 йыллар) халқаро әркін савдога қарғы чиқуучилар устидан кулиб, "Иқтисодий соғизм" китабында "ички бозор дахлісізлігі учун курашувчилар" номидан үзін тұқытған мактубнан кирилди.

"Депутаттар палатасында.

Биз хорижий ракабымыз томонидан қаттық ракобатта учрайамыз. Уннинг нур ишлаб чиқаралған зүр қурылмасы бұлғанда учун үз товариши арзон нархда тақлиф қылаб, мил-лий бозоримизни түлдіриб жобориши мүмкін.

Бу ракабымыз күеңниндең үзгинасады. Биз уйларимизга күеш нүри келиб, мамлакатимизни бағыттың қылышы мүмкін бұлған ишлаб чиқарыпта заарар етказаёттан ҳамма тұрқишиларни беркитиб ташлашыңа мағжбур қыладынан қонун қабул қылнишини талаб қыламыз.

Имзо: шам ва шамдоннлар ишлаб чиқарувчи фабрика эгалари".

◆ БОЗОР ВА ОЧИҚ ИҚТІСОДИЁТ ◆

ДАШЫН ТАШКИ НАУКСОДЫҢ ФАСОЛДЫК ТҮБҮҮКТІ СИРАТЫНА

уларни божхоналар ёрдамида муҳофаза қилишни таъминлаш учун ҳамма асос бор.

3. Эркىн савдо стратегиясы (“фритрейдерлик”) - ташкы савдодаги чеклашларни мүмкін қадар камайтириш стратегиясы. Одатта бу стратегиянын бозорда етакчи ўринни эгаллаб турган, ўз товарларининг рақобатбардошлигига птур етишидан хавфсирашга асос бўлмаган мамлакатлар кўллади.

Сиёсат кўп жиҳатдан келтирилаётган маҳсулот ички ишлаб чиқариш билан рақобат қылмайдиган ёки мұхим тармоқлар учун хомаше бўладиган мамлакатларда ҳам эркىн савдо қилишга қаратилган. Агар импорт ички ишлаб чиқариш билан рақобат кураши бошланаса, мамлакат сиёсий кучларининг бу маҳсулот харидорга мүмкін қадар арzon тушиби керак деган хulosага келиши осонроқ бўлади. Ҳимоя қиладиган ҳеч нарса бўлмаса, протекционизм ишонарли эмас. Хорижий ишлаб чиқариш билан рақобатлашетган тармоқларга нисбатан ийрик тармоқ учун мұхим хом ашё ҳисобланган бундай товар одатта бож тўловидан озод қилинади (ёки бу тўлов жуда кам), аммо истиснолар ҳам бўлиши мүмкин.

4. Тақчил бозорни тўлдириш стратегиясы “тескари протекционизм”дир. Бу стратегия миллый бозорда тақчиллик катта бўлса, унда ҳамма учун жой топилсанына самарали бўлади.

Ўзбекистонда 1980-йиллар охири ва 1990-йиллар бошида хорижий товарларни жалб этиш мақсадида шу стратегия унсурларидан фойдаланилди. Собиқ СССР республикалари ўргасида режа асосида белгиланган эски алоқаларнинг узилиши, янги мустақил давлатларда бошланган иқтисодий танглил деярли барча товар бозорларидан тақчилликнинг авж олишига сабаб бўлди. Импорт маҳсулотларидан олинадиган бож тўловларининг бекор қилиниши, имтиёзли кредит бериш ва бошқа чоралар 1995 йилнинг ўрталарига келганда тақчиллик муаммосининг тутатилишига олиб келди.

Давлат томонидан танлаб олинган у ёки бу стратегия барча товарлар ва бозорлар бўйича амалга оширилса, уни жорий этиш шартлари жуда оғир кечиши мүмкин. Агар бу

аýрим товарлар ва бозорлар бўйича амал қилса, шартлари енгил бўлиши мумкин.

Бу ентилик кўп давлатларга ўз фаолиятида бир неча ташқи иқтисодий стратегияни бирга амалга ошириш имконини беради. Масалан, “Умумий бозор” мамлакатлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан ўзаро савдо-сотиқда протекционизмга амал қиласди, айни пайтда маҳсулотларнинг кўп турлари бўйича жамоа асосида эркин савдо стратегияси танланган. АҚШ Японияга нисбатан кўп товарлар бўйича эркин савдо қоидаларига амал қилмоқда, аммо автомобилсозликда иккала мамлакат ўртасида протекционизм мавжуд бўлиб, у кўпинча “savdo uruushi”ни келтириб чиқаради. “Савдо уруushi” - халқаро савдо йўлидаги чеклашларнинг энг сўнгги шакли ҳисобланади. “Савдо уруushi” икки мамлакат ҳукуматларининг ички бозорга бир-бирининг маҳсулотларини кириб келишини чеклайдиган ўзаро қарорлар қабул килишидир. Бундай “уруш”ларда ҳозир ўқ отилмайди, қон тўкилмайди, албатта, лекин бусиз ҳам эҳтирослар авж олади.

Масалан, 1992 йил сентябрида АҚШ билан Хитой ана шундай уруш ёкасига келиб қолди. Бунга Хитойнинг АҚШдан импорт қилинадиган товарлар йўлидаги бевосита тақиқлашлар, квоталар, лицензиялар, сифат андозалари га риоя қилишга ортиқча талаблардан иборат ғовларни олиб ташлашдан бош тортгани сабаб бўлди. Хитой маъмурлари АҚШ билан савдодада катта устунликка эришмаганда эди, уларнинг бош тортишига анча бепарволик билан қаралган бўларди. Ўзаро савдодаги аҳвол ХХР фойдасига эди: 1991 йилда Хитой америкаликларга ўзи сотиб олганидан 12,7 миллиард долларлик кўп маҳсулот сотган эди. Айни шу аҳвол АҚШ ҳукуматининг расмий вакиларидан бирининг “Хитой халқаро савдо тизимида жуда тез муҳим мамлакатга айланмоқда. Биз савдонинг бундай даражасига эга мамлакатга ўз қоидалари бўйича иш тутишига йўл қўя олмаймиз. Улар экспортдан фойда олишини

ДАВПАТ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

хоҳлашса, импортга ҳам рухсат этишлари керак” дейишига мажбур қилди.

АҚШ шу нүктай назардан Хитойдан импорт қилинастган товарларга (йилга сал кам 4 миллиард долларларлик) юқори бож тўловларини жорий этиб, Америка бозорида уларнинг нархини икки баравар ошириш билан дўқ қилди. Бунга жавобан Хитой маъмурлари ҳам агар АҚШ бож тўловларини оширадиган бўлса, Америка товарларига, жумладан компьютерлар, самолётлар, автомашиналар ва бошқаларга худди ўшанча, яъни 4 млрд. долларлик жазо бож тўловларини жорий қилишини айтди.

“Савдо уруши”нинг кўп ийтилик тажрибаси яхши ривожланган мамлакатларга бундай аҳволда иккала томон ҳам ютқазишини, яхшиси “жанговар ҳаракатлар” бошлинишига йўл қўймаслик лозимлигини кўрсатди. Натижада халқаро савдода экспортни ихтиёрий равишда чеклаш бошланди.

Япониянинг арzon автомашиналари экспорти туфайли АҚШ билан Япония ҳамиша “савдо уруши” ёқасида туради. АҚШ иқтисодиётида автомобил саноати алоҳида ўринда туриши (АҚШ халқи фольклорига Генри Фордининг “форд учун нима яхши бўлса, Америка учун ҳам шу нарса яхши” деган гапининг кирганилиги бежиз эмас) ҳисобга олинса, бу борада қандай эҳтирослар ружгон ўйнастганини тасаввур қилиш қийин эмас. Япония автомобил созлари АҚШда ўз машиналари савдоси бутунлай тақиқлаб қўйилмаслиги учун ўз маҳсулотини Америкага экспорт қилишини чеклашга рози бўлди, Япония ҳукумати эса Америка товарлари импортига чеклашларни камайтириди.

Муваффақиятли ривожланишда халқаро савдонинг аҳамияти муҳимлигини ҳамда бу соҳада можаро чиқиши эҳтимоли катталигини англаш, шунингдек “савдо уруши”нинг оғир жароҳатлари XX асрда кўп мамлакатларни жаҳон бозорини ташкил этишининг янги усувларини излашга мажбур қилди.

ДАВЛАТ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

2.2. Тапкыр иқтисодий фаолиятта даяртат таъсирийнинг воситаси

Экспорт ва импорт тарифлар ёрдамида тартибга солиш ташқи иқтисодий фаолиятта давлат йўли билан таъсир ўтказишинг энг муҳим воситаларидан биридир. У бож тўловлари ни жорий этиш йўли билан амалга оширилади.

Бож тўлови (тарифи) - чегарадан ўтиш чоғида мамлакатта сотиш учун олиб келинаётган хорижда ишлаб чиқарилган товар эгасидан давлат хазинаси фойдасига олинадиган тўловдир.

Товар эгаси бож тўлагач, зарар кўришдан қутулиш ва фойда олиш учун товар нархини оширишга мажбур бўлади. Натижада хориждан келтирилган товар қўмматлашади ва рақобатбардошлигини таъминтайдиган нисбий афзалитигининг бир қисмини йўқотади.

Баъзан бож шу кадар юқори бўлаликӣ, хорижий товарларнинг бозорда муваффакиятли сотилишига имкон қолдирамайди. Масалан, 1992 йил ёзида АҚШ савдо вазирлиги Россия ва бошقا МДҲ мамлакатларидан келтириладиган уран хомашёсига 115, 82 фоиз бож тўловини жорий этди. Бунинг сабаби Америка фирмаларининг рақобатсиз уран хомашёси ишлаб чиқаришини ҳимоя қилиш эди.

Умумий тарзда қараладиган бўлса, бож тўлови иқтисодий мазмуни жиҳатидан импорт қилинадиган товарлардан олинадиган билвосита солиқ бўлниб, уни харидор, яъни импортерни тўлайди. Бож сиёсатининг иккిёқламалиги шунда намоён бўлади: бож ҳамиша хазинани тўлдириш воситасидир ва айни пайтда у четдан келтириладиган товарларнинг нарх борасидаги рақобатини бож тўлови миқдорида камайтириши йўли билан ички бозорни иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш вазифасини бажаради.

Бож тарифи мамлакатлар ва товарлар бўйича таркибга эга. Аввало тарифнинг мамлакатлар бўйича тузилишини қараб чиқайлик. Одатда, мамлакатда камида иккита бож тарифи белгиланади. Биринччиси савдода қуляй шароит яратиш тўғри-

1996 йилга Ўзбекистон савдо-сотикала энг кулай шароит яратиш түғрисида қўйидаги давлатлар билан шартнома гузди: Австрия, Белгия, Буюк Британия, Венгрия, Вьетнам, Германия, Греция, Данія, Хиндустон, Ирландия, Испания, Италия, Хітой, Корея, Латвия, Литва, Люксембург, Нидерландия, Пакистон, Польша, Португалия, Руминия, Словакия, АҚШ, Туркия, Фінляндия, Франция, Чехия, Швейцария, Швеция, Эстония, Япония.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси қўйидаги давлатлар билан эркин (бој тўловисиз) савдо қўлиши имкониятига эга: Беларусь Республикаси, Грузия Республикаси, Қозогистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Молдавия Республикаси, Россия Федерацияси, Туркманистан, Украина.

ДАВЛАТ ТАУЫКИ ҰСЫНІСІДІН ФАОПИЯТ СУБЪЕКТІ СИФАТИДА

сида шартнома тузилмаган малакатлар учун бош (умумий) тариф, иккінчісі савдода куляй шароит яратып тұғрисида шартнома тузилған мамлакат учун. Ривожланадьтган мамлакатлар учун алоқыда тарифлар ҳам үрнатилиши мүмкин.

Энді товарлар бүйіча бож тарифлари тузилишини күриб қызаңыз. Товарлар бож таснифининг түрли миллий ва халқаро тузилмалари мавжуд. Божхоналар бүйіча ҳамкорлық кенгаші (Брюссель шаҳри, Белгия) томонидан ишлаб чықылған Товарларни тавсифлаш үшін шартлы белги қўйишнинг мувофиқлаштирилған тизими энг күп тарқалған.

Товарларни тавсифлаш үшін шартлы белги қўйишнинг бу тизими үңли олти рақамдагы код қойдасига асосланған. Масалан 210431 рақами қуйидагиларни билдиради: 21-товар гурӯхи, 04-товар мөжіяті, 31-товарнинг кичик мавқеи. Товарларни бундай шақыда тавсифлаш жаһон миқёсіда бутун божхоналар иш юритишида компьютерлештіргендегі ягона тизимни барпо этишга ёрдам беради.

Божларнинг эҳтимол тутилған даражасына келсак, уларни аниқлаш миллий бож сиёсатининг энг мұраккаб вазиғасидир. **Бирнешідан**, ҳар бир товар бозорининг жаһон бозоридан ажралиб туриши даражасини иқтисодий жиһатдан асослаш зарур. **Иккіншідан**, бож даражасы савдо-сиёсат соңасидаги воситаларнинг күрсаткышларидан бири бүйіб, уларнинг ўзгариши савдодаги халқаро шартномалар ва битимларга мос келиши керак. **Үчиншідан**, юқорида айтылған ички ва ташқи гусдаги вазиятни ҳысобға олиб, бир вақтнинг ўзида юзлаб номдаги товарларға бож миқдорини белгиләш ҳаддан ташқари сермеңнат ишдір.

Бож тарифининг ўзгарувчи жадвали каби қонуниятни ҳам таъкилдаб үтиш зарур. Үнда маңсулот ишлаб чиқарувчиларнинг қонун қабулы қылувчиларға таъсир үтказиш қобиљяти ёрқын намоён бўлған. Бож тўловлари одатда бир тармоқдан иккінчи тармоққа келадиган оралиқ маңсулотларга нисбатан истеммолчи харид қиласидиган тайёр маңсулотта юқори-роқ белгиланади. Чамаси, бу тамойил истеммолчи гурухда-

ДАВЛАТ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

рининг маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга қарши турадиган кучли лобби (таъсир ўтказадиган) ташкилоти тузишга қодир эмаслигининг оқибатидир, бунга саноати ривожланган мамлакатларда шакар, мол гүшти, тўқимачилик буюмларига бож тўловларининг юқори қўйилишиб ёрқин далилдир. Лобби (таъсир) куввати маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнига нисбатан кам бўлмаган фирмаларнинг ўзлари маҳсулотни харид қылдиган бўлса, вазият ўзгаради. Шу боис оралиқ маҳсулотни импорт қилиш тарифлари тўғрисидаги масалани ҳал қилиш чоғида протекция натижалари ожиз бўлишини кутиш мумкин.

Урушдан сўнгти даврда тариф чеклашлари аста-секин камайган сари нотариф чеклашларининг аҳамияти орта бошлиди. 40-йилларнинг охири ва 50-йилларнинг бошида кўп мамлакатлар бундай чеклашдан урушдан кейинги иқтисодиётни тиклаш ёки умумий иқтисодий қолоқлик ҳолатидан чиқиши жараёнида халқаро битимларга доир тўловлар устидан қаттиқ назоратни сақлаб қолиш мақсадида фойдаланди. Кўп томонлама музокаралар натижасида 50-йиллардан боштаб тарифлар даражасини анча пасайтиришга муваффақ бўлинди, бироқ нотариф ғовлар дахлсиз қолаверди. 1967 йилда тарифларни камайтириш юзасидан Кеннеди музокаралари якунланиши пайтигача нотариф ғовлар халқаро савдо йўлида асосий тўсик бўлди. 70-йилларда бу ғовлар янада юқорилашди.

Тапки савдони нотариф чеклашнинг 50га яқин турли усуслари бор. Ҳозирги даврда давлатлар бу усусларнинг кўпидан фойдаланмоқда. Масалан, АҚШ вақти-вақти билан санитария андозаларини жорий этади, Аргентинада тайёрланган мол гўшти бу андоза талабларига жавоб бермайди. Колумбия “аралаштириш талаби” деб аталган усуслардан фойдаланиб, пўлатни импорт қилувчиларни келтирилаётган ҳар бир тонна пўлат ҳисобида маълум миқдорда қимматроқ Колумбия пўлатини сотиб олишга мажбур қилмоқда. Болиқа нотариф ғовларга қўйидагилар киради: ташқи савдога давлат монополияси, давлатнинг фақат шу мамлакатни ўзила ишлаб

ДАВЛАТ ТАШКИ ИҚТІСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

чиқарилған маҳсулотдан фойдаланишини таъминлаш, маъмурӣ-тўрачилик ғовлари, мураккаб валюта назорати ва бошқалар. Бу ғовларнинг баъзиларини давлатнинг қонуний бошқариш фаолиятига киритиш мумкин, бошқалари эса ташки савдони очиқдан-очиқ камситишга қаратилған.

Нотариф ғовларнинг барча турлари орасида энг кўп тарқалгани импорт квоталари, ёки ҳар йили мамлакатта келтиришга рухсат берилган хорижий маҳсулот ҳажмини миқдор жиҳатидан чеклаб кўйишдир. Давлат мамлакатта маҳсулот келтиришга имозат берувчи лицензияни чекланган миқдорда беради ва лицензияси, импортни тақиқлайди. Лицензияни импорт ҳажми ички бозордаги талабдан кам бўлса, квота фақат импорт ҳажмини камайтириб колмайди, шу билан бирга ички бозордаги нархларнинг лицензия эгалари хорижда товар сотиб олган жаҳон бозоридаги нархлардан ошиб кетишига олиб боради. Шу жиҳатдан қараганда импорт квоталари гариф чеклашларига ўхшашдир.

Бир неча сабабларга кўра давлат тариф чеклашларига нисбатан импорт квотасини афзал кўриши мумкин. Биринчидан, бундай сиёсат импортга харажатларнинг янада кўпайишига кафолот бўлади, ундай ҳолларда хорижий рақобат қаттиқ тус олади. Иккинчи жаҳон уруши бошларида валютанинг амалдаги расмий қийматида мамлакатлар ўз рақобат мавқеи ёмонлашганини сезди. Бу ҳол уларни тўлов балансини тенглаштириш юзасидан қаттиқ ҷоралар кўрининг мажбур қилди. Бунда квота импорт ҳажми аниқ белгилаб кўйилиши гаровидир. Агар импорт товарлар рақобатбардошлигининг ошганлиги улар нархининг пасайишига олиб келса, бу ҳол импорт тўловлари камайишини тезлаштиради, холос. Тариф эса, аксинча, нархларнинг пасайиши четдан келтирилаётган говарларга ички талаб ўзгариб турадиган шароитда импорт ҳажмининг ва умумий қийматининг кўпайишига олиб бориши мумкин. Худлас тарифнинг жорий этилиши тўлов балансини бошқаришни қийинлаштиради.

Тариф ставкаларини ошириш халқаро савдо битимлари

22438 ТОО НУР-АЙДАСЫ
ФРАНЦИЯ СЫЗБАРЫ СПОЛЧУСКА

билин тартибга солинса, квота иқтисодий сиёсатни амалга оширишда хукumatта катта имконият ва ҳуқуқ беради, шу жиҳатдан ҳам квоталар тарифларга нисбатан афзалроқдир. Агар импорт билан рақобат қыладыган тармоқлар мұхофазанынг юқори даражада бүлишини талаб қылса, хукumat, алғым ҳолларни ҳисобға олмаганды, тарифни мустақил ошира олмайды. Қатыйроқ импорт квоталарини жорий этиш осонроқ бўлади. Дунёдаги кўп мамлакатларда давлат ҳокимияти квоталар мамлакат фирмаларига нисбатан ҳам бошқариш вазифасини амалга оширишни енгиллаштиради, деб ҳисобланмоқда.

Эркин рақобат шароитида импорт квотаси афзалроқдир, чунки бундай шароитда импорт квотаси унга мос келалиган тариф билан баравар мавқеда туради. Аммо қуйидаги шартлардан бироргасига риоя қилинган тақдирда ҳам у хавфли бўлиб қолади: 1) агар квота монополия ҳокимиятни кўзгатиб юборса; 2) агар импорт лицензиялари самарали жойлаштирилмаса. Бу иккала ҳолни ҳам кўриб чиқайлик.

Агар импорт квотаси ички бозорда монополия вужудга келишига сабаб бўлса, импорт квотаси унга тенг тарифга қараганды миллат учун қимматта тушади. Ички бозорда эса монополия вужудга келиш эҳтимоли йўқ эмас. Мамлакат ишлаб чиқаришида етакчилик қиласётган фирма (масалан, Америка велосипедсозлигида “Швинн” фирмаси) тақиқламайдиган тариф жорий этилишидан монополия ҳуқуқига эга бўлолмайди, чунки жаҳон бозоридаи нархларга тарифни кўшганда шаклланувчи нархдаги товарлар унга рақобат қиласди. Аммо импорт миқдори квота билан чеклаб қўйилган тақдирда мамлакатдаги фирма нархни ошишидан кўрқмайди, чунки рақобат қиласувчи хорижий маҳсулотнинг мамлакатга келтириладиган қисми ҳажми квота миқдоридан ортмайди. Натижада квота маҳсулотта талаб ўзгармайдиган шароитда мамлакатнинг етакчи фирмасига юқори нарх белгиланишидан монополияга хос фойда олиш учун сўнгти имконият ҳисобланади. Хуллас, монополия ҳуқуқини вужудга келти-

радиган квота ички бозорда нарх-навонинг ошишига, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг камайишига олиб келади ва тарифга нисбатан катта миллий зарар етказади.

Импорт квоталарининг миллий фаровонликка таъсири ҳокимиятнинг импорт қилиш ҳуқуқини қандай тақсимлашига боғлиқ. Импорт лицензияларини тақсимлашнинг асосий усулларини кўриб чиқамиз:

1. Рақобат асосидаги кимошди савдоси.
2. Ошкора афзал кўриш тизими.
3. Лицензияларни “харажат усули” бўйича тақсимлаш.

Шу учта усул орасида рақобат асосида ўтказиладиган кимошди савдоси энг арzon ва адолатли, учинчиси эса энг қиммат ҳисобланади.

Давлат импорт лицензияларини очиқ кимошди савдосида ёки яширинча сотиши мумкин. Ошкора кимошди савдоси қуйидагича кечади. Давлат велосипед ёки пўлат прокати ёхуд бошقا бирор товарнинг маълум миқдорини сотиб олишга импорт лицензиясини сотиш бўйича фалон жойда, маълум вақтда кимошли савдоси ўтказилишини ҳар 3 ойда эълон қиласди. Савдо рақобатли бўлиши учун бундай хабарлар етарли миқдордаги даъвогарларни тўпланиш лозим. Фирибгарлик қонунга мувофиқ жазоланадиган жойда бу муҳимдир. Кимошди савдосида импорт лицензиясига импорччи нархи билан импорт товар ички бозорда сотилиши мумкин бўлган энг юқори нарх ўртасидаги тафовутга тахминан тенглашадиган нарх белгиланиши керак.

Рақобат асосидаги кимошди савдосининг бошқа тури кўпроқ тарқалган. Давлат ҳокимияти порага учадиган шароитда импорт лицензияларини тақсимлаш чоғида яширин бизнес авж олиши мумкин. Бундай ҳолларда лицензияни кўпроқ пора берганлар олади. Бундай турижтимоий зарар келтириши мумкин. Бундай очиқдан-очиқ порага сотилишнинг доимий тус олиши иқтисодий маҳкамаларнинг истеъдодли ходимларини порахўр амалдорларга айлантириши мумкин. Бундан ташкари афкор омма олдида фош қилинган бундай порахўрлик

ДАВЛАТ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

ижтимоий кескинликни кучайтиради, чунки у давлат девонида ҳокимият суистеъмол қилинаёттанини кўрсатади.

Импорт лицензиялари ошкора афзал билиш асосида жойлаштирилиши мумкин. Бунда давлат импорт лицензияларини олдиндан ҳеч қандай рақобат ўтказмай, буюртма ва музокараларсиз маълум фирмаларга биркитиб қўяди. Импорт лицензиялари кўлинча нуфузли фирмаларга квоталарни жорий этиш арафасида импортнинг умумий ҳажмила уларнинг улушига мос микдорда берилади. Америка ҳукумати 1959 йилдан 1973 йилгача бўлган даврда нефтга импорт квоталарини худди шу тарзда тақсимлади. Ички бозордаги нархларнинг ортиши натижасида ҳар йили бир неча миллиард доллар фойда берадиган импорт лицензиялари нефть компаниялари ўргасида уларнинг 1959 йилга қадар нефт импортидаги улуши асосида эркин ва бегараз тақсимланди.

Санаб ўтилган усуулларнинг сўнгтиси импорт лицензияларини “харажатлар усули” билан тақсимлашдир. Бундай ҳолларда давлат лицензияни олишга дэъвогарларни нарх билан боғлиқ бўлмаган асосда рақобатлашишга мажбур қиласди. Бу сиёсатнинг ҳамма томонидан қабул қилинган ва номақбул кўринишларидан бири лицензияларни ким олдин келса, ўшанига бериш қоидасидир. Бу усул лицензия олишга дэъвогарларни унумли меҳнатни қолдириб, қимматли вақтини нарабатда туришга сарфлашга мажбур этади. Саноат ҳом ашёсини импорт қилишга лицензияларни тарқатишининг кенғ қўлланилладиган яна бир усули - лицензияларни катта ишлаб чиқариш қувватига эга фирмаларга беришdir. Бу ҳам катта миқдордаги лицензия олиш умидида фойдаланилмайдиган ускуналарга ортиқча сармоя сарфлаш натижасида ресурсларнинг нобуд қилинишига олиб боради. Дэъвогарлардан ўз дэъвосини асослаб беришни талаб қиласиган бундай тадбирларнинг ҳар бири давлат масъул шахслари билан алоқа ўрнатиш учун вақт ва пулни бехуда сарфлашларга, шунингдек импорт лицензияларини тақсимлаш билан шуғулланувчи ортиқча давлат хизматчиларининг меҳнатига ҳақ тўланишига олиб келади.

Экспортга моддий ёрдам бериш ҳам ташқи иқтисодий

ДАВЛАТ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

алоқаларни бошқаришининг нотариф усувлари қаторига киради.

Экспортта ёрдам тариқасида маблағ ажратиши халқаро шартномаларга зид бўлади. Жаҳондаги деярли барча мамлакатларни бирлаштириб турган ГАТТ қоидаларидан бири экспортта моддий ёрдамни “инсофсиз рақобат” деб баҳолайди ва маҳсулотни импорт қўйувчи мамлакатларга протекцион “компенсация божи” олиши йўли билан жавоб чораларини қўришга рухсат этади. ГАТТ талабларини четлаб ўтиб, давлат йўли билан экспортта ёрдам беришнинг жуда кўп усувлари мавжуд. Масалан, давлат экспортчиларнинг ўзларига ёки уларнинг хорижий мижозларига кам фойда тўланадиган қарз бериш учун солиқ тўловчилар маблағидан фойдаланиши мумкин. Америка Экспорт-импорт банки ёки “Эксимбанк” бунга мисол бўла олади. Асримизнинг 30-йилларида ташкил топган бу банклар Америка экспортчиларига ва уларнинг хориждаги маҳсулот етказиб берувчиларига арzon кредит бериб, Америка импортчилари ва уларнинг хориждаги харидорларига бирор марта ҳам кредит бермай, обрўси тушган. Давлат реклама ташкил этиб ва экспорт бозоридаги талаб ва такиғлар тўғрисида арzonга ахборот бериб, экспорт маҳсулотини хорижда сотишни рағбатлантириш борасида бевосита харажат қилиши ҳам мумкин. Солиқ тизимида ҳам экспорт учун ишлаб чиқарадиган товарлари ва хизмати ҳажмига қараб фирмаларга имтиёз бериш назарда тутилади.

“Эксимбанк” ёрдамининг катта қисми Америкадаги еттига йирик компания ва уларнинг хориждаги мижозлари тасарруфига ажратилган. Бу айниқса “Боинг” компаниясига тааллуқлидир. Бу компаниянинг хориждан қабул қилган буюргмалари “Эксимбанк”нинг арzon кредити билан таъминланган. Бу банк ажратадиган ёрдам маблағининг кўп қисми қишлоқ хўжалик маҳсулотларига тўғри келади. Барча стакчи мамлакатлар ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини солиқ тўловчилар маблағига кафолотли харид қилиши, шунингдек экин майдонларидан фойдаланмаганлик учун мукофот

тўлаш орқали фермерлар даромадларини мълум даражада сақлаб туриш бўйича давлат ластурини амалга оширишга маҳкум этилган.

Фарбий Европа ва Шимолий Америка мамлакатлари фермерлар даромадларини бир даражада ушлаб туриши сиёсатини ўтказишга бюджет харажатларини камайтириш учун ортиқча маҳсулотни чет элга ўз зарарига сотмоқда, бъозан эса жаҳон бозоридаги нархларни ҳаддан ташқари қиммат деб ҳисоблаётган МДҲ мамлакатларига таклиф қилиб, бу нархлар ўртасидаги тафовутни қоплаш учун бюджетдан қўшичма маблаг ажратмоқда.

Давлат савдо сиёсатининг навбатдаги йўналиши демпинг - экспортга бюджетдан маблаг ажратиб ёрдам беришга ўхшашилар. Биз яна мислсиз вазиятга ва унинг тайригабий натижаларига дуч келамиз.

Демпинг - нарх-наво борасидаги халқаро камситиш бўлиб, унча экспорт қилувчи фирма ўз маҳсулотини бирор хорижий бозорда бошқа бо тагига (одатда ўз мамлакати бозоридагига) нисбатан арzon сотади. Мазкур бозордан рақибни қисиб чиқариш ва мақсадта эришгандан сўнг нарх даражасини тиклашни мўлжаллашиб вақтинча арzon нарх белгилани қароқчиларча демпинг деб аталади. Доимий демпинг эса ўз номига мувофиқ вақт билан чекланмайди.

Халқаро иқтисодий ларзлар даврида, айниқса, демпинг кенг қўлланилади. Таъвишли 20- ва 30-йилларда ҳам қазилма, ҳам қайта ишлаш тармоқлари маҳсулотлари халқаро савдосини кўпинча демпингда айблашарди (ва бу асосли эди). 70-йилларда демпинг яна жамоатчилик эътиборида бўлди. 80-йилларнинг бошларида Америкада хорижий рақобатни камайтириш учун компания бошлади. АҚШ ҳукумати бир қанча хорижий фирмани ўз маҳсулотларини Америка бозорида демпинг бўйича сотишда айблади. Бу рақобатга қарши қаратилган кампаниянинг бир қисми эди. 1970 йилда Япониянинг “Сони” фирмаси билан юз берган воқеа жуда машҳур бўлди. Текширища “Сони” Японияда ишлаб чиқа-

ДАВПАТ ТАШКИ ИҚТІСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

Маңғұморт үчүн материал

Халырның бүгдойи бозори

80-жылдарнинг ўрталарыда Буюк Британия, Франция ва АҚШ ҳамда бүгдойини экспорт қылувчи бошқа мамлакаттар уни ташки бозорда ұтто солиқ тұловчылар маблағи ұсабидан күрсатылған ёрдам туфайли арзоналастирилған нарындарда сотища ҳам қийинчилікка үчралы. Бүгдойини экспорт қылувчи мамлакаттар қаторыдан мұстақам жой олган АҚШ янты ёрдам дастуруни таклиф қылды. Бундан мақсад ёрдам билан “мұстахкамланған” харидорлар нисбетан кам ёрдам ажратған Канада, Аргентина ёки Австралия бүгдойини эмас, балки АҚШ бүгдойини сотиб олишшы эришиш эди. Лекин рақобат жуда қаттық тус олди. Миср, Жазоир, Хитой Халқ Республикасы ёрдам ажратылған Америка бүгдойини сотиб олишшан бош торғып, Буюк Британия ва Франциядан тағын ҳам күпроқ ёрдам ажратылған бүгдойини харыл қулишта битим тузди. Европа Иқтисодий Иттифоки ҳам донни экспорт қилиш үчүн харидор излашыда мұаммоларга дүйнелди.

ДАВПАТ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

рилган телевизорларни Америка бозорида 180 доллардан соғтани, айни пайтда Япониянинг ўзида бу телевизор 333 доллар туриши аниқланди. Бундан хабар топган Япония истеъмолчилари американлик телевизор ишлаб чиқарувчиларнинг норозилигига қўшилди. 1975 йилда АҚШ молия маҳкамаси 8 та хорижий мамлакатнинг ўз маҳсулотини Америка бозорида сотаётган автомобиль фирмаларига нисбатан тарихда мистсиз демпингга қарши текшириш бошлади. АҚШ агар бу фирмалар нархни ички бозордаги даражага кўтармаса, бу мамлакатлардан Америкага автомобилларни импорт қилишга бож тарифи жорий этилади, деб пўписа қилди. Эҳтимол айни шу ҳол “Сони” ва “Фольксваген” фирмаларининг Америка бозорига мўлжалланган ишлаб чиқаришни бевосита АҚШ ҳудудида жойлаширишига сабаб бўлди. (“Сони” - Сан-Диегода, “Фольксваген эса Нью-Стэнтон ва Пенсильванияда).

Демпинг қандай ҳолларда фойда ёки зарар келтиришини, қандай ҳолларда жавоб чораларини кўриш ўринли бўлишини англаш учун аввало айрим фирмалар чет элда нима учун ўз маҳсулотини арzon-гаров сотишни тушуниш керак. Агар фирма ички бозорда хориждагига нисбатан кўпроқ монополия кучига эга бўлса ва мамлакатдаги истеъмолчилар бу товарни хориждан арzonроқ сотиб олиш имкониятига эга бўлмаса, экспорт қилинадиган товар нархи арzon турганда ҳам мазкур фирма оладиган фойдани кўшайтиришга ёрдамлашиди. Ана шу шартлар таъминланган тақдирда фирма ички бозордаги ўз истеъмолчилари ҳисобидан бойлик ортириши мумкин.

2.3. Ривожланастган иқтисодий ташқи иқтисодий стратегиясининг узига хос хусусиятлари

Назариянинг таъкидлашича, эркин ташқи иқтисодий алоқаларнинг айрим тармоқларга шафелик тарзида ҳар қандай чеклашлари пировард натижада бутун жамият ҳисобидан гуруҳларнинг иқтисодий манбаатларини қондиришилар.

Равшан бўлиши учун бироз соддалаштирилган, аммо

ДАВЛАТ ТАШҚИ ИҚТІСОДИЙ ФАОЛІЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

сармоя ҳамда ишчи күчининг тармоқлараро оқими қоидасини тұғри акс эттирадиган бир мисолни күриб чиқайлик.

Бирор давлаттннг миллий иқтисодиётида фойда мөшері 8 фоиздан иборат А тармоғи ҳамда фойда мөшері 16 фоизли Б тармоғи мавжуд деб тасаввур қилайлик. А тармоқ унұмдорлығы Б тармоқнікіті нисбатан кам, чунки уңда ишлаб чиқариш чиқымлари күп. Үз товарлари билан мамлакат ички бозорига кириб келаёттан хорижий рақобатчиларнинг ишлаб чиқариш чиқымлари А тармоғидагыға нисбатан кам, шу туғайли фойда мөшерини 16 фоиз дейлік. Хорижий рақобатта бардош бера олмайдыған А тармоғи протекцион ҳимоя ўрнатыши мақсадыда давлатта тазийқ үтказади.

Бу вазиятда давлат ҳаракатининг әхтимол тутилған иккі вариантини күриб чиқайлик.

1-вариант - божхона ҳимоясі йўқ - мутлақ эркін савдо тартиби амал қылмоқда Сармоя сарфлаш тұғрисида қарор қабул қилишда фойданинг энг күп миқдори афзал күрилалы, яни күп фойда келтирадиган тармоққа сармоя сарфлаш афзал ҳисобланади. Шу сабабли Б тармоғи сармоя учун ағзалроқ. Б тармоғи сармояни ўзига жалб қылаверади, А тармоғига эса сармоя келмайды, яни маблағ бир тармоқдан иккінчисига оқа боштайди.

Мана шунинг ўзи бозордаги вазият ўзгарған шароитда миллий иқтисодиёт таркибидеги қайта қуришлір. А тармоғидан Б тармоғига маблағ өкіл үтпандан сүнг ишчи күчи ҳам ўта боштайди. Эркін савдо шароитида шу тарықа маблағ ва ишчи күчи бир тармоқдан иккінчисига оқади ва бу ҳол ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишга олиб келади.

Агар А тармоғи ўз ишини қайта қура олмаса, унинг учун давлатдан импортта бож чеклашларини жорий этишни талаб қылишдан бошқа чора қолмайды. Бу эса 2-вариант - бошқарыладиган ташқи иқтисодий алоқалар тартибидір. Бундай тартибда савдо эркінлігі анча чекланади. Бож тұловлари, солик, квоталар ҳамда давлат протекционизмининг бошқа вос-

ДАВПАТ ТАШҚИ ИҚТІСОДИЙ ФАОЛІЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

италари ёрдамида импорт товарнинг нархи сунъий равишида оширилади. Бу эса А тармоғига ҳам ўз маҳсулоти нархини оширишга имкон беради. Натижада бу тармоқда унумдорлик 8 бандга ошиб, жами сумма 16 фойзга етади. Унумдорлик даражасининг тенглиги маблағ ва ишчи кучининг тармоқла-
рато оқими тұхташини билдиради. Вужудға келган иқтисод-
дій түзілма ўзгармай, муқим тус олади. Жамият илтор Б тармоғини ривожлантиришга йўл очиб бериш ўрнига қолоқ А тармоғини сунъий равишида қўллаб-куватлайди.

Бож тўловларининг ишлаб чиқариш таркибиға таъсир ўтказишининг юқорида келтирилган назарий модели ташқи иқтисодий алоқаларни эркінлаштириш зарурлигини кўрса-
тувчи яна бир далиллар. Бироқ амалда ҳамма нарса осон кечмайди: эркін савдо ўзаро фойдалы бўлишига қарамай, халқаро савдоны эркінлаштириш самарасини шериклар ора-
сида аввало кучли томон кўпроқ олади, сўнгра кучсизига бу самарарадан фойдаланиш навбати келади. Бундай вақтингчалик ўлчов қўйидаги вазиятнинг оқибатидир. Иқтисодиёти қу-
дратли бўлган түзилма, одатда, халқаро меҳнат тақсимоти талабларига кўпроқ мос келади, ожизи эса, табиийки, бу талабларга унча мувофиқ эмас. Шу боис қудратли иқтисод-
діёт ички бозорни муҳофаза қилиш камайишидан дарҳол наф кўради. Ожиз иқтисодиёти эса қайта қуриш маблағ ва ишчи кучи тармоқлараро оқимининг кучайиши, шунингдек сармояларнинг тармоқ, тақрорий ишлаб чиқариш ва техно-
логик таркиби мақбул тусга кириши учун муайян даврдан ўтиши керак, бу жараёнлар эса, сўзсиз, ижтимоий муаммо-
лар кескинлашуви билан бир вақтда кечади.

“Янги саноат мамлакатлари” деб аталган - Тайвань, Корея Республикаси, Гонконг, Сингапур, Бразилия ва бо-
шқалар шундай жараённи бошидан кечирди. Улар илмий-
техникавий тараққиётнинг замонавий йўналишларини, би-
ринчи навбатда электроникани ривожлантириш туфайли са-
ноати гуркираган замонавий давлатта айланди.

Агар халқаро савдо ва рақобатнинг ривожланиши маҳ-

ДАВЛАТ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

сулотни импорт қилиш билан рақобат құлувчи кам самарали ишлаб чиқарувчиларни қысіб чиқарса ва иш билан бандликин камайтирса, бу ҳол иқтисодиётни таркибий қайта қуриш жараёнларини давлат йўли билан бошқариш фойдасига яна бир далилдир. Импорт протекционизмининг ҳар қандай бекор қилиниши аста-секин амалга оширилиши керак. Агар савдо ғовлари билан муҳофаза қылнаётган тармоқлардаги фирмалар бу ғовларнинг камайтирилиши түғрисида олдиндан огоҳлантирилса, сармояларнинг, иш жойларининг камайиши муқаррар равищда фирмаларнинг хонавайрон бўлишига олиб бормайди. Хорижий рақобат кучайган шароитда асосий фондларнинг табиий эскириши, ишчи кадрларнинг одатдаги (бир томонлама) оқими ўз-ўзидан ишлаб чиқаришининг камайишига олиб келиши мумкин. Бошқача айтганда, бу жараённинг аста-секин кечиши таркибий қайта қуриш чиқимларини йўққа чиқариши, фақат арzon импортдан ижобий самара олиш пайти анча кечикиши мумкин.

Ривожлинаётган иқтисодиётдаги ривожланган мамлакатдагидан фарқ құлувчи ташқи иқтисодий стратегиянинг зарурлигини кўрсатувчи алоҳида далилларни кўриб чиқайлик.

Протекция чоралари миллий саноатнинг оёққа туриб олишига ёрдам беради. Тажриба шуни кўрсатадики, кам ривожланган мамлакатларда вақтингча протекция чораларининг жорий этилиши ўзини оқладайди, чунки бу чоралар мамлакатнинг ўз саноати тажриба тўплаб, ишлаб чиқариши чиқимлари тариф ёрдамисиз импорт маҳсулот рақобатига қарши тураладиган даражага етгунга қадар импортнинг йўлини тўсисб туради.

Саноатлаштириш кўшимча иқтисодий ва ижтимоий наф келтириши мумкин: умуман техника билимлари ва касб маҳорати ошиб, айрим фирмалар доирасидан четга чиқади, иқтисодий юксалиш ва миллий фуурурга асосланган янгича фикрлаш вужудга келади.

Ривожланган мамлакатлардан импорт рақобатини тўхтатиш ишлаб чиқариш миллий чиқимларининг камайишига

ДАВЛАТ ТАСЛЫКІ ИҚТІСОДЫ ФАОДЫЛ СҮСЕВЕКІТІ ӘКІМДЕСІ

олиб келади. Протекционизмнинг бу турини узоқ муддат давом этиши мамлакатнинг ўзигагина эмас, бутун жағон хұжалигига фойдалы. Бундан ташқары бу чоранинг вактінча жорий этилиши ҳам унинг фойдаасынан.

Яңғы тармоқларни ҳимоя қилиш зарурлигига даилілар 1791 йилда Александр Гамильтоннинг “Қайта ишлаш корхонасарының қолати ҳақида маъруза”си эълон қилинган пайтдан бүён мавжуд. Гамильтоннинг протекция борасидаги йүл-йүриқтаридан Америка, айниқса фуқаролар урушидан сүнг, миллій тұқымачилик саноати, металлургия ва бошқа тармоқтарға Британия импортига нисбатан рақобат мавқеини мустаҳкамлашып имкон беріб, бу тармоқларни муҳофазага олиб юксак бож ғовларини жорий этишда кенг фойдаланды. XIX аср бошларыда Фредерик Лист энді вужудға келаёттан немис миллій тұқымачилик саноатини ҳимоя қилиш учун Гамильтоннинг тавсияларидан фойдаланды. Япония урушдан кейин миллій автомобилсозликни құллаб-куватлаш учун импорт божидан ва ҳимоя қилишинг бошқа воситаларидан фойдаланды, бу эса юксак рақобатбардошликка әрішиш ва кераксиз бұлған савдо ғовларини тугатышы имкон берди. Ҳозирги вактда Япония ўзининг төзілес тикланыстарынан компьютер саноатини ҳимоя қилиш мақсадыда ИБМ фирмасы компьютерлари йўлига бож ғовларини ҳали ҳам қўймоқда.

Еш тармоқларни ҳимоя қилиш зарурати бундан бүён ҳам долзарб бўлиб қолаверади, чунки бундай тармоқлар ҳамиша вужудға келаверади. Жағон ишлаб чиқариши ва савдо-сийда янғы технологиялар ёрдамыда тайёрланадиган янғы маҳсулотлар улущининг кўпайиб бориши иқтисодий тараққиётнинг асосий хусусиятидир, шу сабабли мамлакатдаги ишлаб чиқаришнинг бошқа мамлакатлар рақобат даражасидан вактінча пастда турған янғы тармоқларини муҳофаза қилиши муаммоси сақланиб қолаверади.

Шу тарпи таркиби қайта қуришни қувватловчи далиллар бутунлай асослайдыр. Масала шундаки, бундай қўллаб

ДАВЛАТ ТАШКИ ИҚТІСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

Маълумот учун материал

Саноати ривожланган янги давлаттарнинг күтгилиги саноатлаштиришинің протекционизмдан болжаган ва аста-секин эркін савдога ўтган. Улар ана шу йўлдан ўтиш чоғида аралаш савдо тартибига эга бўлган, яъни экспортта моддий ёрдам бериш, аниқ маҳсадларга кредит ажратиш, шунингдек ишлаб чиқариш усуналари ва яrim тайёр маҳсулотлар импортини соликдан озод қилиш каби чораларни кўллаган. Шу билан бир вақтда улар тайёр саноат моллари импортига 30-70 фоиз тариф белгилаган.

Бу мамлакатларнинг ҳукуматлари, ҳам сайланган тармоқларга мақсадли ва ёрдам кредитлари бериш, фойда ва асосий фонд самаралорлигини ошириш маҳсадида депозитлар ва кредитлар учун кам фоиз белгилаш, импорт ўринини босалиган маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳимоя қилиш, амалий тадқиқотларга давлат сармояси ажратиш, экспорт учун маҳсулот тайёрлайдиган тармоқлар ва корхоналарга алоҳида устиворлик бериш ва молиявий мадад кўрсатиш, ташки бозорларни ўрганиш ва экспорт товарларини тарғиб этиш билан шуғулланувчи ташқислотларни ривожлантириш орқали тараққиётни тезлаштиришга мунтазам аралашади.

Сайланган товарлар бўйича экспорт бозорларини эгаллаш стратегияси сармоя ва малакалар тўланиши ҳамда ресурсларни самарали жойлаштириш ва меҳнат унумдорлиги ўсишининг юқори суръатлари билан уйгуналашди.

Дастлабки пайтда экспорт товарларининг ўргача жорий чиқимлари жаҳон бозорида уларни сотиш нарихидан анча юқори эди. Бироқ ичкі бозорда ҳимоя қилинадиган ишлаб чиқарувчилар оладиган фойда илк даврда экспортдан келадиган зарарни қоплади, айни пайтда халқаро бозордаги рақобат фирмаларни экспортга мўлжалланган ишлаб чиқариш самаралорлигини мумкин қадар оширишга мажбур қиласди.

ДАВЛАТ ТАШҚИ ИҚТІСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

- қувватлашни иқтисодий сиёсатнинг қайси усууллари билан таъминлаш мүмкин?

Янги саноат мамлакатлари кўп жиҳатдан турли йўллар билан хорижий технологияларни фаоллик билан излашлари туфайли экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришдан кўп фойда олди. Бу мамлакатларнинг ҳаммаси технологияларни лицензиялар, тайёр ишлаб чиқариш ускуналари ва кадрларни хорижда тайёрлаш тарзида импорт қилган. Бевосита хорижий сармояларга очиқлик Гонконг, Малайзия, Сингапур, Индонезия ва Таиландда технологияларни ўзлаштиришиш тезлаштириди. Япония, Корея ҳамда қисман Тайвань ва Хитой бевосита хорижий сармоя кириб келишини чеклади, лекин бу камчилик ўрнини лицензиялар ва бошқа йўллар билан хорижий билимларни тажовузкорлик билан ўрганиш ҳисобидан қоплади.

Кўп иқтисодчилар мамлакат ишлаб чиқаришининг янги тармоғининг ривожланиши қўшимча афзаллик берса (масалан, ишчи кучи малакасининг ортиши, бошқа тармоқларда ишлаб чиқаришининг техник жиҳатдан такомиллашиши), ишлаб чиқаришга ёрдам бериш билан кўп нарсага эришиш мүмкин, деб ҳисоблайдилар. Агар бу афзаллик шу тармоқда ишлаб чиқариш чиқимларининг камайиш шаклида бўлса, мақсадга эришишининг тариф ва субсидияга нисбатан янада самарашиброқ усули бор. Жорий катта чиқимлар келгусида уларнинг анча камайиши ҳисобига қопланиши кутилиши сабабли тармоқ бўлажак фойдаси гаровига кредит олиши мүмкин. Масалан, тўқимачилик саноатимиз дастлабки босқичда оёққа тургач, қайтариш шарти билан қарз олиб, ўз рақобат қобилиятини таъминлаши мүмкин. Агар хусусий кредит бозори бунга йўл қўймаса, ҳукумат тариф жорий этиш ўрнига янги тармоқларга ўзи қарз бериши мүмкин.

Янги тармоқларни қўллаб-кувватлаш чиндан ҳам вақтинча тусда бўлса, кўп иқтисодчилар шу мақсадда тарифдан фойдаланишини яна бир сабабга кўра тавсия этмайди: тариф жорий этилиши қонунга киритилса, уни бекор қилиш қийин

ДАВЛАТ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

бўлади. “Ёш” тармоқ унумдорли бўлмай туриб, тариф таъминлайдиган фойданинг бир қисмини аслида ўзини оқламаган мазкур тариф доимий бўлиб қолиши учун сиёсий кучларга тазийк ўтказишга сарфлаши хавфи бор. Шу сабабли субсидия - ёрдам қарз бериш ва уни бекор қилиш давлатнинг янги бюджетини қабул этиш жараёнида қайта кўриб чиқилади.

Бу мулоҳазаларни компьютер ишлаб чиқариш ва компьютер хизматига татбиқ этиб кўрайлик. Канада ёки Япония ҳукумати ИБМ ва Американинг бошқа фирмалари рақобатидан ўз компьютер саноатини протекция усуллари билан ҳимоя қилиши шартми? Агар шарт бўлса, қандай ҳимоя қилиш керак. Комьютер ишлаб чиқаришни ривожлантириш афзалликлари бу тармоқ доирасида четта чиқиши ва ундан бошқа тармоқлар ҳам фойдаланиши мутлақо равшан. Аввало янги ишлаб чиқариш кўнікмаларидан иборат бу афзаллик фақат компьютер техникаси ишлаб чиқарадиган тармоқлардагига эмас, бу техникадан фойдаланадиган жойларда ҳам вужудга келади. Янги тармоқларга нисбатан иқтисодий сиёсатнинг бирор турини амалга оширишининг қандай фойда ёки зарар келтиришини Канада ва Японияда бу тармоқларни ривожлантиришининг муқобил шаклларини пухта таҳлил қилгандан кейингина аниқлаш мумкин.

Бироқ мазкур тармоқларни тарифлар ёрдамида ҳимоя қилиш самарали бўлиб чиқиши шарт эмас, кутилган самара га тезроқ эришишга имкон берадиган иқтисодий сиёсат тадбирлари мавжуд.

Компьютер техникасини ишлаб чиқариш технология жиҳатидан мураккаб тармоқ бўлиб, бу соҳада фан-техника ютуқларини жорий этишдан келадиган ютуқнинг анча қисми истеъмолчиларга насиб этади. Бундай тармоқларга бевосита ёрдам (субсидия) ажратиш тариф протекционизмига нисбатан катта афзалликка эга. Агар рағбатлантириш усули мамлакатдаги компьютер ишлаб чиқаришдан ташқари компьютер хизматида фойдаланишга ҳам қўлланиладиги бўлса,

ДАВЛАТ ТАШҚИ ИҚТІСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

тариф компьютерден фойдаланишта нисбатан ҳимоя вази-
фасини бажара олмайды. Япония ташқи савдо ва саноат ва-
зирлиги шу хусусияттан фойдаланмоқда. Вазирлик Япония
компьютер саноатини импорт рақобатидан ҳимоя қилишда
ссуда, патент, солиқ имтиёзлари ва бошқа шу каби восита-
лардан тобора күпроқ фойдаланмоқда.

Таркибий қайта куриш ва янги тармоқларни құлла-
куватлаш заруратидан ташқары ривожланғанда ёш мамла-
катларда импортни тарифлар ва солиқ билан бошқарыш вос-
таларидан фойдаланишини мақсадта мувофиқ қыладиган яна
бір қаңча сабабдар бор. Бу мамлакатларнинг тариф ёрдамида
мухофаза қылышни давлат хазинасининг даромадлари ман-
баи сифатида құллашы фойда келтириши ва ҳатто шу мамла-
кат нұқтаи назаридан ҳам, бутун жағон хұжалигига нисбатан
ҳам иқтисодий сиёсатнинг бошқа воситаларига нисбатан тағ-
ин ҳам самарали восита бўлиши мумкин.

Аҳолисининг турмуш даражаси паст бўлган ёш мустақ-
ил давлат учун ҳукуматининг ижтимоий әхтиёжларни таъ-
минлай олмаслиги асосий муаммога айланыши мумкин. Агар
Мавритания каби қашшоқ мамлакат юқумли қасаллеклар
устидан назорат, қишлоқ хұжалиги ерлари мелиорацияси,
бошланғич таълимини ривожлантириш, миллий мудофааны
мустақамлаш каби хизматлар ҳажмини ошира олса, катта
ижтимоий афзаллекка эга бўлади. Айни пайтда ривожла-
наған мамлакатларнинг күнчилигига маъмурый ресурслар
бундай тадбирларни амалга ошириш учун старли эмас (ёки
улардан фойдаланиш жуда самарасиздир).

Бундай ҳолларда импортга белгиланған бож мамлакат
ишлаб чиқаришини ҳимоя қилиш воситасидан кўра күпроқ
давлат даромадларининг муҳим манбаи бўлади. Саводли фуқ-
аролар ва ҳарбий мутахассислар этишмаган шароитда Маври-
тияниянинг импорт тарифини жорий этиши буюк бойликка
айланади: бож тўловларини тўплаш билан шуғулланадиган
оз сонли божхона ходимлари ёрдамида асосий денгиз пор-
тлари ва чегара пунктларини назорат қилиб туриш давлат

ДАВЛАТ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

бюджети даромадларини тұлдиришнинг анча арzon усули бұлыб чиқады, бу усул анча маблағ сарфлаб маҳсус солиқ тизимини барпо этишга нисбатан анча арzonға тушиди. Ишлаб чиқариш, истемол, даромадлар ва мулкни аниқ белгилаш ва назорат қилиш имконияти бўлмаса, маҳсус солиқ тизимининг самарадорлигини таъминлаб бўлмайди. Кўп жиҳатдан айни шу сабабли миллий даромад даражаси паст мамлакатлар давлат бюджетининг тўргдан бир қисмидан бешдан уч қисмигача миқдорини бож тўловлари таъминлайди. Давлат даромадларининг божхона тизимиға қарамлигининг бу улуши ривожланган мамлакатларнинг шу кўрсаткичидан юқоридир. Ёш давлатларнинг иқтисодий сиёсати амалда юқорида баён қўлинган қонуниятдан фарқ қиласа ҳам далил далиллигича қолаверади: бу мамлакатларда тариф иқтисодий сиёсатнинг муқобил тадбирларига нисбатан катта ижтимоий афзalликни таъминлашга қодирдир. Бундан ташқари ривожланаётган давлатларнинг божхона тўсиқдарини кўллаши бутун жаҳон хўжалиги учун фойдали бўлиши мумкин.

Ривожланаётган иқтисодиётда янги савдо ғовларини жорий этишнинг эҳтимол тутилган оқибатларига баҳо берганда, аввало импорт қийматининг қисқариши экспорт қийматининг ҳам пасайишига олиб келишини ҳисобга олиш зарур. Бу хулоса жуда аниқ бўлмаса-да, куйидаги мулоҳазалар шунга олиб келади.

Экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқаришнанда четдан келтириладиган, яъни импорт товарлардан фойдаланилади. Четдан келтириладиган товарлар ва мамлакатдаги бу товарлар ўрнини босадиган маҳсулотлар нархининг ортишига таъсир кўрсатадиган савдо йўлидаги ғовлар экспорт қилинадиган товарларни ишлаб чиқариш чиқимларини ҳам кўпайтиради. Нефтни импорт қилишга квоталарнинг белгиланиши оқибатида АҚШга келтириладиган кимё маҳсулотлари нархининг ортиши тамойилини (1959-1973 йиллар), шунингдек пўлатни четдан келтириш чеклангани сабабли Америка автомобиллари нархининг ортишини мисол қилиб келтириш мум-

ДАВЛАТ ТАШКИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

кин. Демак, четдан маҳсулот келтиришнинг чеклаб қўйил-иши Америка товарларининг нарх жиҳатидан рақобатбар-дошлигини маълум даражада камайишига ва уларнинг жаҳон бозоридан қисиб чиқарилишига олиб боради.

Четдан товарлар келтиришни чеклаш жорий этилган тақдирда бошқа мамлакатлар жавоб чораларини кўришила-ри мумкин. Ҳукуматлар ҳамма жойда импорт рақобатидан ҳимоя этишини талаб қилувчи айрим тармоқларнинг та-зийини сезиб туради. Агар Ўзбекистон импортни қатиқ чеклаб қўйса, бошқа мамлакатларнинг ҳукуматлари, айниқ-са республикадан маҳсулот экспорт қилиш борасида про-текцион талабларга бардош бериши қийинлашган бўлар эди. Бу талабларга мувофиқ кўриладиган жавоб чоралари эса Ўзбекистондан экспорт қилишнинг янада камайишига таъсир этарди.

Шугина эмас. Импортнинг қисқартирилиши валюта қийматини тенглаштириш механизми таъсири натижасида экспорт қийматининг ҳам шунча камайишига олиб кела-ди. Шу ўринда халқаро савдо мавзусидан четга чиқиб, халқаро молиянинг муҳим масалаларидан бирига тўхтайдик. Шу вақтга қадар савдо модделларимизда ташки савдо қандай амалга оширилишини аниқлаштирганидик. Амалда бир товар иккинчисига алмаштирилмайди, балки миллый валютага сотилади ва сотиб олинади. Савдо битимлари ту-гаганидан кейин валютани алмаштиришни хоҳлаган киши бу ишни валюта бозорида бажаради. Халқаро бозорларда ҳар қандай миллый валютага талаб ва таклиф таҳминан баравар даражада сақланиши керак. Агар Америка доллари билан бошқа валюта ўргасидаги нисбат олдиндан белги-ланмасдан, балки бозор механизми билан аниқланса, дол-лар таклифи (хорижий товарлар, хизматлар ва активларни сотиб олиш учун) энг қисқа муддатларда бўлса-да, таҳми-нан талабга мос келиши керак. Расмий органлар валютанинг олдиндан қайд этиб қўйилган қийматини сақлаб ту-ришга ҳаракат қиласди, шу сабабли долларга талаб ва унга

ДАВЛАТ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

таклиф фақат узоқ муддатда тенглашади. Бироқ барибир тенглашади.

Савдо йўлига ғовларнинг кўйилиши ташқи бозорда товар сотиб олиш учун хорижий валютага алмаштиришга таклиф қилинадиган доллар ҳажмини камайтиради. Мамлакатнинг мазкур валютага талабининг камайиши миллий валюта қийматининг ортицига ва валюта бозорида Хорижий валюта қийматининг пасайишига олиб келади. Хорижий шахсларга мазкур мамлакатда хизматлар ва активларни сотиб олиш учун миллий валюта харид қилиш режаларини қайта кўриб чиқишига тўғри келади. Хорижий шахслар учун миллий валюта қимматлашган экан, мазкур мамлакатдан экспортга мўлжалланган ҳамма нарсалар уларга қиммат тўйилади. Шу сабабли улар бу маҳсулотларни харид қилишни камайтиришга уринади. Бу ҳол қарайб уларнинг мазкур мамлакатда товарларни сотиб олиш учун миллий валютага талаби миқдори айни шу пайтда ташқаридан келтириш чеклаб кўйилган импорт маҳсулотларни харид қилиш учун долларга талаби даражасига тушгунга қадар давом этади. Бошқача айтганда, валюта бозорининг механизми савдо борасидаги шерикларимизнинг харид қобилитига валюта қийматининг ўзгариши орқали таъсир ўтказиб мазкур мамлакатдан маҳсулотни экспорт қилишни импорт қанча камайган бўлса, худди шунча қисқартришига мажбур қиласди. Демак, пировард натижада импортнинг қисқариши экспорт қийматининг камайишига олиб келади.

Иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларда импорт борасидаги чеклаш сиёсатининг фойдасига ва унга қирши келтирилган далилларнинг ўзи назарий негизларга асосланган бўлиб, миқдор жиҳатидан аниқ баҳо бермайди. Аниқ бир мамлакат доирасида амалий тавсияларни ишлаб чиқиш учун мазкур миллий хўжалик тараққиётининг ўзига хос шароитлари ва мақсадларини маҳсус иқтисодий тадқиқ этиш талаб қилинади.

ДАВЛАТ ТАШКИН ИКТИСОДИЙИ ФАОЛИЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИЛА

2.4. *Хом анык ресурсларини экспорт қилипш соҳасидаги сиёсат*

Ташкин иктиносидий сиёсатга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиши фақат миллий хўжалик тараққиёти даражасига эмас, шу билан бирга жаҳон бозорига чиқадиган аниқ бир ресурс бозорининг хусусиятларига ҳам боғлиқ. Бундай хусусият хомаше ресурслари бозорига ҳам хосдир.

Аввало бироз назарий мулоҳазаларни келтирамиз. Ишлаб чиқариш омилларидан бирининг бошқаларига нисбатан тезроқ ўсиши бу омилдан жадал фойдаланилаётган секторнинг салмоғини опирибгина қолмайди. Жаҳон бозоридаги нархлар ўзгармай турганда бу ҳол иктиносидиётнинг бошқа секторларида ишлаб чиқаришнинг камайишига олиб келади. Чунончи, юқорида келтирилган мисолда Украинада қанд лавлаги майдонлари кенгайиб, эркаклар кўйлаги ишлаб чиқариш камайгани айтилган эди. Бунинг сабаби нимада? Сабаби шундаки, ишлаб чиқариш омилдан унумли фойдаланаётган сектор иккинчи сектордаги тезкор омилларни ўз томонига “оғдириб” олади. Америка иктиносидчиси Рибчинский аниқлаган қонуният шундан иборат: нарх ўзгармаса ва иктиносидиётда иккита сектор мавжуд бўлса, ишлаб чиқариш омилларидан бирининг ўсиши товарлардан бирини ишлаб чиқариш камайишига олиб боради.

Бу қонуният, мисол учун олганда, Канада ва Францияда янги нефт ёки газ конларининг ишга туширилиши бошқа тармоқларнинг, хусусан қайта ишловчи саноатнинг ривожланишига тўсқинлик қилишини билдиради.

Иккинчи томондан тез ривожланашётган иктиносидиётда жадал сармоя тўпланиши ва малакали ишчи кучининг ўсиши ривожланган ташкин савдо билан бирга фойдали қазилмаларни қазиб чиқаришнинг камайишига ва хом ашё импортига қаралмикка сабаб бўлиши мумкин. Кўпма Штатларда худди шундай бўлган. АҚШ бошқа мамлакатларни орқада қолди-риб, иктиносидий ривожланиши жараёнида, қисман, чамаси, маблаг-

ДАВПАТ ТАШКИ ИҚТИСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

Маълумот учун материал

Янги экспорт ресурсларини ишлаб чиқиши бир қанчада мұаммолосын туғызғанды мүмкін. Бундай мұаммолардан бири “Голландия касалы” номини олган. Голландия Шимолий деңгизде табиий газ конини ишга тушириш жараённан шуңдай мұаммога дуч келди. Табиий газ қазиб чиқариш күлайиши билан Голландия саноат экспорты тобора таназзулға учради, деган тасаввур вужудта келди. Иіскіла нефть танқислікти шароиттала (бу даврда ёқылғы ҳамма турларыннан, жумладан газ-нинг ҳам нарық ошиш кетді) нарх-навоннан тез үсіши ва Голландияға фойдаланып ёмғыр каби ғұйилиши ҳам гүё бу тармоқтардагы таназзулни тезлаштыраёттандек эди. Янти конлар жадал ишга туширилған Буюк Британия, Норвегия, Австралия, Мексика ва бошқа мамлакаттарда ҳам “голландия касаллығы” белгілілари анықланған.

Вазияттанның тұла изохы: мұайян, бутунлай ҳақиқий шароитта тұсатдан табиий ресурсларыннан засиралар күп бұлған конларини очылышы ва ишга тушириліши чындан ҳам қайта ишлап саноаты фойласы ҳамда ишлаб чиқаришқан емтирии мүмкін. Саноат таназзулының еабаби Рибчинский постулатига үшашылар: янги сектор саноатдан ресурсларни үзиге торғади. Яның ишчи күчи ҳамда ишлаб чиқаришнинг бошқа омырлары бозор күчлары таъсирида конларни ишга туширишга юқоригоқ нархлар билан жағб этади. Ресурсларнинг қайта тақсимланышы натижасыда қайта ишлаш саноатыда маңсулот ишлаб чиқариш камайиши мүмкін.

ДАВЛАТ ТАШКИ ИҚТІСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

нинг тўпланиши ва ишчи кучи малакасининг ортиши натижасида соф экспортчидан соф минерал хом ашё импортчисига айланди. Хомашё ресурсларини зўр бериб экспорт қилиш юзаки қараганда мислсиз оқибатга, яъни мамлакат иқтисодий аҳволининг ёмонлашувига олиб келиши мумкин. Бу эҳтимоллик айрим (энди экспорт қилина бошлаган) товарларни савдога чиқаришининг кенгайинши жаҳон бозорида улар нархининг пасайишига олиб келишдек оддий ҳол билан боғлиқ, нарх пасайиши кўлами эса ҳалокатли тусга кириши мумкин.

Масалан, Бразилияда кофе дони етиштириш имкониятлари қайта ишлаш саноати қувватига нисбатан тезроқ кўпаймоқда. Савдо шартларининг ҳар қандай даражасида ҳам (жаҳон нархларига нисбатан) бу ҳол Бразилияни саноат буюмларига алмаштириш учун кофе етказиб беришни кўпайтиришга мажбур қиласди. Жаҳон кофе савдосида Бразилия улуши шундоқ ҳам салмоқди, бошқа мамлакатларнинг бу маҳсулотга талаби нарх жиҳатидан ўзгармас бўлгани учун бу давлатнинг бозорга кўпроқ кофе чиқариши жаҳон бозорида кофе нархини арzonлаштиради.

Савдо шартлари пиравардда шу қадар ёмонлашдики, ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш натижасида Бразилияниң иқтисодий аҳволи оғирлашиб, истеъмол даражаси жиҳатидан орқага қараб кетмоқда.

Мамлакат ўз иқтисодий аҳволини бўшаштирадиган йўналишида ишлаб чиқариши кенгайтиргани ғалати туюлиши мумкин. Бироқ моделда ҳам, Бразилия мисолида ҳам ишлаб чиқариши кенгайтириш ўзаро рақобат қилувчи жуда кўп кичик фермерлар томонидан амалга оширилганини, уларнинг ҳар бири шахсан унинг фаолияти жаҳон нархларига бирор таъсир қила олмаслигига қатъий ишонганини унугласлик лозим. Ҳўжалик тузилмаларининг ўзини мақсадга мувофиқ тугиши оқибатда иррационаллик (мантиқсизлик)-ка айланади.

Кандай шароитда ўсиш хонавайрон қилиши мумкин? Қуйидагилар ҳали қилувчи аҳамиятга эга:

ДАВПЛАТ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛПИЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

1. Иқтисодий ўсии экспорт тармоқларининг ривожлаши билан боғлиқ бўлиши керак.

2. Мамлакат экспорт қиладиган маҳсулотга ташқи таъб нарх жиҳатидан ўзгармас бўлиши лозим, шунда савдога оварнинг кўп чиқарилиши нархнинг анча арzonлашувига олиб глади.

3. Мамлакат ташқи савдоси ҳажми унинг шароити қийишиши салбий оқибатларини товар етказиб беришни кўпайтиришдан олинадиган фойда билан қоплаб кетадиган даражага юқори бўлиши керак.

Хонавайрон қилувчи юксалишни кўрсатувчи бу мисол шаки савдони ўз-ўзидан кенгайтириш ва нисбий афзаллик-и учини муайян шароитда куттимаган кўнгилсиз оқибатларни олиб келиши мумкин, деган фикрни тасдиқлайди. Нисбий афзалликнинг донолигига шубҳа хомашёни (қишлоқ ҳужалик маҳсулотларини, маъданли хом ашёни) экспорт қилуши мамлакатлар иқтисодчилари ва сиёсатчиларининг изчил ҳазариясини танқид қилиш жараёнида ривожланди. Бу ўналиш Аргентина иқтисодчиси Раул Пребиш ва бошқалар ҳомонидан 60-йилларнинг бошларида эълон қилинган эди. Улар хомашёни экспорт қилувчи мамлакатлар, айниқса уларинг кам ривожланганлари қишлоқ ҳужалик ва маъданли ҳам ашёни четга сотишини кўпайтиришдан фойда қилмайди ва фойда қилиши мумкин ҳам эмас, дейишиади. Бу олимларнинг тавсияларига мувофиқ ривожланаётган мамлакатлар сават маҳсулотларини импорт қилишни камайтириб, ўрнига ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан фойдаланиши, қайта шлаш секторида маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни экспорт илишига ресурсларни кўпроқ сафарбар этиши лозим.

Хом ашёни экспорт қилувчи мамлакатлар деярли ҳеч нарса тмайди, балки экспортни кенгайтиришдан фақат ютқазади, деган фикр ўз нафбатида қўйидаги аниқ мuloҳазалардан борат.

1. Дастлабки савдо муносабатларини ўрнатиш ривожлаётган мамлакатга хомашё экспортининг янги маҳсулотини

ДАВПАТ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

сотиб олаётган саноати ривожланган мамлакатга нисбатан кам фойда келтиради.

2. *Хом ашё экспорт қилувчиларнинг савдо шароити ёмонлашмоқда ва бундан кейин ҳам ёмонлашаверади. Буни тадбиркорларга нисбатан ҳукумат яхшироқ пайқаса, ҳукумат хом ашё ишлаб чиқаршига қўйиладиган сармоянинг ўсишига тўсқинлик қилиши ва саноатга сармоя қўйишни рағбатлантириши лозим.*

3. *Хом ашё етишириш (ишлаб чиқариш) қувватларини ошириш (масалан, янги кофе дараҳтлари ўтқазиши) савдо шароитининг ёмонлашишига ва бу хонавайрон қилувчи ўсишига олиб келиши мумкин. Иқтисодий сиёсат яна хом ашё ишлаб чиқаршига сармоя сарфлашга тўсқинлик қилиши ва саноатга сармоя ажратишни рағбатлантириши лозим.*

4. *Ниҳоят, саноатнинг ривожланиши замонавий техника билимлари ва қарашлари шаклида қўшимча фойда беради, шу сабабли саноатни ривожлантиришига кўмаклашии зарур.*

2.5. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тапқи савдосининг хусусиятлари

Товарларнинг баъзи турларига нисбатан ўзига хос ташқи иқтисодий сиёсат амалга оширилади. Ана шу товарлардан бири қишлоқ хўжалик маҳсулотлариидир. Миллий хўжаликнинг ривожланиш даражасига қараб, мамлакатлар шунга мувофиқ равишда экспорт солиги белгилашдан унга ёрдам учун маблаг ажратишгача ўз сиёсатини ўтказади. Жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг кўпти ўз қишлоқ хўжалигини экспортга ёрдам сифатида маблаг ажратиш билан кўллаб-кувватлади.

Савдо сиёсатининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиширувчилар нархига умумий таъсирини “химоянинг номинал коэффициенти” (ҲНК) деб аталған кўрсаткич ёрдамида аниқлаш мумкин. Бу кўрсаткич маҳсулот иш-

таб чиқарувчи амалда ўз маҳсулоти учун оладиган нархни ташқи савдо йўлидаги ҳамма говлар бекор қилинган шароитда олиши мумкин бўлган нархга қиёслаш имконини беради.

Масалан, Японияда гуруч учун 2,03 рақами бу мамлакатда халқаро гуруч савдосида ҳеч қандай ғов бўлмаганда, Япония фермерлари етиштирган гуруч нархи иена билан ҳисоблаганда улар олаётган ҳақнинг ярмидан камроғини (ёки 1/2,03) ташкил этишини кўрсатади. 2,03 кўрсаткичи шу тариқа япон фермерлари эркин гуруч савдоси шартларига (бундай савдода ҲҚЗ 1га тенг) нисбаган қанчалик ҳимоя қилингани мезони ҳисобланади. Савдо сиёсати ўрнатган “ғов”нинг орқа томонида Миср пахтаси учун 0,44 рақами бор, бу рақам мисрлик фермерлар жаҳон пахта бозоридаги нархнинг 44 фоизи миқдорида ҳақ олишларини кўрсатади. Агар Мисрда пахта билан эркин савдо сиёсати ўтказилиб, савдо назорати бекор қилинганда эди, фермерлар ўз маҳсулотининг экспортидан ички нархга нисбатан икки баравар кўп (1/0,44) ҳақ олишлари мумкин бўларди. Бундай ҳолда ҲҚЗ бир рақамидан қанча камлиги муҳимдир. Бу тафовут ўтказилаётган сиёсат фермерларга нисбатан қанчалик камситиш сиёсати эканини кўрсатади.

Миллат қанча бадавлат бўлса, унда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларни протекцион ҳимоя қилиши тамоилили ҳам шу қадар кучли, ҲҚЗ шу қадар юқори. Аксинча, кам даромад оладиган мамлакатлар ўз маҳсулот етиштирувчиларга солиқ солади. Бу эса маҳсулот етиштирувчиларнинг ўз маҳсулоти учун жаҳон бозоридагидан кам ҳақ олишига сабаб бўлади. Бангладеш шоли ва буғдой етиштираётган ўз фермерларига жаҳон нархининг фақат учдан икки қисми миқдорида ҳақ олишига йўл қўймоқда. Мали ўз пахтакорларига жаҳон нархининг ярми миқдорида ҳақ олишига имкон бермоқда,

ДАВЛАТ ТАШКИ ИҚТИСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

Ҳиндистонда эса буғдоý, шоли етиштирувчилар ва шакар ишлаб чиқарувчилар ана шу маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги нархининг иккidan бир қисмидан бешдан тўрт қисмигача миқдорда ҳақ олмоқда.

Айни пайтда ривожланган мамлакатлардаги фермерлар импорт рақобатидан изчил ҳимоя қилинмоқда ва асосан истеъмолчилаr ҳисобига ўз маҳсулотини жаҳон бозоридаги нархдан қимматроқ сотиш имтиёзидан фойдаланмоқда. Тўрт мамлакатда (Фарбий Германия, Франция, Япония, Буюк Британия) ХКЗ бир рақамидан анча юқори. АҚШ ва Канада учун бундай кўрсаткичлар номинал ҳимоя шакллари қанчалик “осон” лигини намойиш қиласди. Иккала мамлакат, айниқса АҚШ фермерларга жаҳон бозори нархларидан ҳам юқори нархларни таклиф қилмоқда, аммо бу ерда нархларнинг бузилиши Европа Иқтисодий Иттифоқи ва Япониядагига нисбатан унча равшан намоён бўлмайди.

АҚШ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилишида қийин аҳволга дуч келган 1982-1983 йилларда ўзи биларчилик билан қимматга тушадиган чораларни кўрди, натижада мамлакатда дон ва пахтани экспорт қилиш вақтинча қаттиқ чекланди. Фермерлар йил сайин кўпроқ маҳсулот етиштира бошлиди ва давлат омборлари олдин етиштирилган дон билан тўлиб кетди. Рейган маъмурияти вақтинча чора сифатида “натура тўлови” дастурини ишлаб чиқди. Фермерларга дон ёки пахта етиштириш тўхтатилган ҳар бир акр ер учун улар шу майдондан олишни мўлжаллаган миқдорда пахта ва дон текинга берилиши эълон қилинди. Бу дастур фермерларга янги етиштирилган ҳосилни эмас, балки чиқимларни кескин камайтириб, захирадаги донни сотиш имконини берди. Фермерларнинг бу тадбиргра жавоби кутилганидан зиёда бўлди: дон ва пахта етиштириш кескин камайди, 1998 йил июнига келганда, “натура тўлови” дастури бўйича

ДАВЛАТ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

фермерларга бериш учун Америка ҳукуматининг дони, айниқса буғдой стишмаслиги равшан бўлиб қолди. Бошқача айтганда, фермерларни камроқ дон етиштиришга мажбур қилиш учун ҳукуматга кўпроқ дон зарур бўлиб қолди.

Бундай вазиятда ҳукуматнинг буғдойни четдан фавқулодда сотиб олишини ташкил қилиш унча мақбул эмасди. Натижада шошилинч равишда янги дастур ишлаб чиқилди. Бу дастурга мувофиқ фермерлар ҳукуматдан кам буғдой олди, аммо бунинг ўрнига солик тўловчиilar чўнтагидан нақд пул тўлаш кўпайди.

Алоҳида олганда ҳар бир мамлакат ёки даромад дарражаси баравар мамлакатлар гуруҳи ичидаги экспорт билан шугулланувчи фермерлар кўпроқ солик тўлашга мажбур бўлади, бошқача айтганда, улар импорт билан рақобатлашувчи фермерларга нисбатан анча кам ҳимоя қилинган. Шундай қилиб, маҳсулот ишлаб чиқарувчиilar маҳсулоти нархига нисбатан ўтказиладиган сиёсат савдони тўхтатиб туришга қаратилган, дейиш мумкин. Масалан, Кения экспорт учун кофе ва мол гўшти етиштирувчиларга жаҳон бозоридаги нархлардан кам ҳақ тўлайди, мамлакатда тақчил бўлиб турган шакар ёки шоли тайёрлайдиган фермерлар эса импортни чеклаш сиёсатидан ютиб чиқади.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад миқдори таҳминан бир хил бўлган мамлакатлар савдо сиёсати тақдосланганда ҳам экспорт товарларига солик солиш ва импорт ўринини босадиган товарларни ишлаб чиқаришни ҳимоя қилиш тамойили кўзга ташланади. Масалан, Корея Республикасининг қишлоқ хўжалиги импорт билан рақобат ҳолатида, чунки мамлакат умуман саноат экспортида афзалликка эга. Бу борада рақамлар нарх сиёсати фермерларни буғдой импортидан ҳимоя қилаётганини, айни пайтда дэҳқончилик маҳсулотларини экспорт қилиш билан шугулланувчи мамлакат - Бра-

ДАВЛАТ ТАШКИ ИКТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

Маълумот учун матсари.

70-йилларнинг бошларидан бўён Европа Иктиносидий Иттифоқи мамлакатларининг сайдёлари ҳар йили “хеч қасира” бориш учун ўнлаб кемаларни тўлдиришади. Улар кемага, айтайлик, Голландияда чиқишили, қисқа муддат тўхтани учун Германияга қарашли қичик оролга сузиб келгач, яна бир неча мил сузиб, нейтрал сувга ўтишади, у ердан бож тўланмайдиган молларни кўплаб харид қилиб, тушгача уйларига қайтиб келишади. Бундай сафарларнинг мақсади - кимсаннан сигарета ва спиртли ичимликларни сотиб олишиди. Аммо асосан гўшт, пишлоқ ва кўпроқ ёғ харид қилишади. Айни шу маҳсулотлар эрталаб кетиб, тушга қайтиб келадиган “туристлар” янайдиган мамлакатларнинг ўзида етиширилади.

Бу - ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан кутулиш сиёсатининг яққол намунасиди. Европа Иктиносидий Иттифоқи мамлакатлари ортиқча ёғ, пишлоқ, қуруқ сут ва бошқа сут маҳсулотларига тўлиб кетган. Ҳукумат фермерлардан қарашни узиш учун иттифоқ худудидаги ички бозорда истеъмолчи нарҳарини юқори даражада саклаб туришга ҳарарат қиласди. Бироқ фермер Европа Иктиносидий Иттифоқи ичизда истеъмолчи юқори расмий нархда харид қилишга тайёр турганидан кўп маҳсулот ишлаб чиқаради. Шу сабабли Европа Иктиносидий Иттифоқи мамлакатлари ортиқча маҳсулотни сочишдан қандайдир миқдорда пул топиш учун бу маҳсулотларни жаҳон бозорига анча арzon нархда экспорт қиласди.

“Хеч қаерга” борадиган кемаларнинг йўловчилари бу сиёсатдан қонун қанчага руҳсат этса, шунчак фойда олади. Кемалар икки мамлакатда, биз келтирган миссолда Голландия ва ГФРда тўхтаб ўтиши сабабли сафар халқаро круиз ҳисобланади. Кемалар нейтрал сувга қисқа муддатта бўлсада, чиққани учун ё ва бошқа маҳсулотлар Европа Иктиносидий Иттифоқидан экспорт қилинди ва хорижда сотиб олинди, деб ҳисоблаш мумкин. Шундай қилиб, маҳсулотларни бож тўловисиз олиб ўтишининг туристлар учун белгилантан лимити доирасида ўша куни арzon жаҳон нархида ЕИИга қайтиб келиши ва дўстларга, дўконларга фойласига сотилиши мумкин.

ШАВЛАТ ТАШКИ ИҚТІСОДИЙ ФАОЛІЯІ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

Маңдрумост үчүн магілділ

Импорт жүлдедеги төвлар

Ривожланган мамлакаттар асосан үчинчі дүнәннинг ривожланыстағы мамлакаттардан келтиріледиган қынлоқ хұжалык маңсулоттарига қарши оддий импорт ғовларини көнгүллайды. АҚШ, Япония ва Европа Иқтисодий Иттифоки мамлакаттарының қанд-шакар келтирілешінде белгілігендегі болжауда оның өзінен көп шакардан даражада өткізу мүмкін. Бу болжауда 70-жылдарда жуда жақын даражада көтілді. Экспорт қылувчи балызы мамлакаттар бошқаларига нисбетан күпроқ заар заңынан көрді. Австралия, Бразилия, Ямайка ва Маврикий аспилде бозордан чепта суриб чыкарғанды ғана мұстамлака мамлакаттар ҳамда айрым иттифоқчылар (масалан, Филиппин шакарини АҚШга, Куба шакарини Россияга сотиш түргесінде гап бормоқда) күлтік шарттар билан саҳий квота олған бир пайтада юқорида зикр этилған мамлакаттар шакарни жаһон бозоридагы нархлардан арзонроқ сотыша мажбур бўлди.

Япония ривожланган мамлакаттар қаторига киради, бундай мамлакаттар күпроқ импорт ғовларини күллайды ва фермерларга бевосита ҳақ тұлашынан қамдандырып көтілді. Япония үз фермерларини мол гүшти, гуруч, шакар, дон импортига қарши ҳимоясінни таъминлайды. Ҳұл мевааралар күпроқ таъсир күлладын хорижий мамлакаттар да орасында АҚШ (мол гүшти, мева, гуруч), Таиланд (гуруч) ва шакарни экспорт қылувчи мамлакаттар бор.

ДАВЛАТ ТАШҚИ ИҚТІСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

зилияда мамлакатда ақоли жон бошыға түгри келадиган даромад таҳминан Корея республикасидаги даражада бўлса ҳам, фермерлар кўпроқ солиқ тўлашга мажбур. Ҳозир нефть экспорт қилиб, мамлакатга четдан озиқ-овқат келтираётган Нигерия ўз қишлоқ хўжалик секторини импортдан ҳимоя қилмоқда, даромад даражаси бир хил бўлган қишлоқ хўжалик экспортида нисбатан афзаликка эга Кот-д'Ивуар ўз дехқончилик секторига солиқ солмоқда. Дон экспортида даромад чўққисида турадиган Канада ва АҚШ дон етиштирувчи фермерларга донни импорт қилувчи Япония ўз дехқонларига кўрсатаётган ёрдамга нисбатан камроқ мадад тақлиф қилмоқда.

Импортнинг ўрнини босадиган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини рафтаглантириш чорида экспорт учун ишловчи фермерларга солиқ солиш икки сабаб билан боллиқ бўлиши мумкин.

Биринчиси - импортнинг ўрнини босадиган фермерликни ҳимоя қишиш, шубҳасиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, айниқса озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини ўзи таъминлашга эришиш вазифасини амалга ошириш билан боллиқ. **Иккинчиси** - ташқи садога солиқ солиш билан бир вақтда, одатда, давлат даромадлари кўпаяди. Экспорт қилиниши мумкин бўлган маҳсулотларга солиқ солиш жаҳон бозоридаги юқори нарх билан миллий маҳсулот етиштирувчилар оладиган нарх ўртасидаги фарқни давлат даромадига айлантиради. Импортнинг ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни ҳимоя қилиш тариф даромадларини (ёки лицензия беришдан олинадиган даромадларни) таъминлайди. Бундай сиёsat иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларда асосий иқтисодий ва ижтимоий дастурларни маблағ билан таъминлашнинг энг яхши усули бўлиши мумкин.

ДАВЛАТ ТАШҚИ ИҚТІСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЬЕКТИ СИФАТИДА

Маълумот учун материал

Мисрнинг қишлоқ хўжалик сиёсати

Ривожланәтган мамлакатларнинг ҳукуматлари кўп қисми озиқ-овқатдан изборат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари импортига нисбатан сиёсатни ишлаб чиқиши чўтида мураккаб дилеммани ҳал этишига тўғри келади. Бир томондан бу маҳсулотларни оммавий истеъмол ҳаммада бўлишини таъминлашни хоҳини бўлса, иккинчи томондан импортига солиқ солиш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилишга табиий интилишидир. Натижада кўпинча четдан келтириладиган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмолот қилишга субсидия бериш сиёсати вужудга келади ва импортига жаҳон бозоридаги нархдан юқори ёки кам ҳақ олиши мумкин.

Бундай сиёсатга Миср буёдой бозори мисол буда олади. Бу ерда давлат истеъмолчиларга саҳйлик билан субсидия беради, АҚШдан бироз озиқ-овқат ёрдами олиб, ишлаб чиқарувчиларга озроқ солиқ солади.

Миср ҳукуматининг бугдои бозоридаги сиёсати магазинларда ва дўконларда чакана нархларни пасайтиришга интилиш билан белгиланади. Шу сабабли ҳукумат юқори нархларда буёдой сотиги олиш ва уни анча арzon нархда қайта сотиш учун солиқ тўловчилар тулидан фойдаланади.

Кишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортитга нисбатан белгиланадиган сиёсатни ҳам Миср мисолида кўриб чиқиши мумкин. Ривожланәтган мамлакатларнинг ҳукуматлари бальзан оқилона режалаштириши, баъзан саноатлаштириши тезлаштириши кўзлаб, баъзиде эса умумий иқтисодий дастурни амалга ошириш учун солиқлик тушумлар кўпайishi учун тез-тез бозордаги воқеаларга аралашни имкониятига эга. Масалан, Мисрда ҳукумат нархларнинг кўшини юқоридан белгилаб кўяди ва кенг доирадаги товарлар бозорини бошқариб туради. Пахта Мисрда энг кўп солиқ солинадиган маҳсулотлар: пахта етиштирилган фермерлар бу маҳсулот учун жаҳон бозоридаги нархнинг аттиги 44 фоизи миқдорида ҳақ олади. Пахта етиштириш учунчи дунё мамлакатларида фоалиятнинг солиқ солинадиган бошқа кўп турларига ўзлашидир: у экспорт қилишга мўлжалланган, кўп меҳнат талаб қиласди, қишлоқ жойда етиштириллади.

Давлатнинг ташқи иқтисодий фаолият субъекти сифатидаги вазифаларини санаб беринг.

Ташқи иқтисодий алоқаларни бошқаришнинг маъмурӣ ва иқтисодий усулларининг фарқи нимада?

Протекционизмнинг ижобий ва салбий томонлари нималардан иборат?

Қандай шароитда миллӣ маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни протекцион ҳомоя қилиш кейинчалик мамлакатнинг бутун аҳолисига наф келтириш мумкин?

Ташқи иқтисодий муносабатларни эркинлаштиришдан нима учун аввало саноати ривожланган мамлакатлар фойда кўради?

Ташқи иқтисодий алоқаларни тезда эркинлаштириш иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган мамлакатлarda таркибий қайта куришга қандай таъсир қиласди?

Саноат янги тармоқларини қўллаб қувватлашнинг бошқаришнинг тариф усулларига нисбатан самарали бўла оладиган усулларини санаб ўпинг.

Ривожланётган мамлакатлар нима учун ўз экспортини кенгайтириб, унда қайта ишлаш саноати маҳсулоти улушкини оширишга ҳаракат қиласди?

Ривожланган мамлакатларнинг озиқ-овқат бозорида протекционизм кенг тарқалишининг сабаби нимада?

Нима учун ҳукуматлар озиқ-овқатга нисбатан протекционизмнинг құлланылиши уни ахоли утун анча қимматлаштырса ҳам бу жорий этади?

Ривожланаёттан мамлакаттарда қишлоқ хұжалик маҳсулотлари экспортiga солиқ солишини ёқлада далиллар көлтириңг.

Бразилия қишлоқ хұжалигыда ҳукуматнинг нарх ва солиқ борасидаги сиёсатидан ким күпроқ мадад олади - кофе етиштирувчиларми ёки маккажұхори етиштирувчиларми? Нима учун шундай? Сизнинча Ямайка сиёсати нимани рағбатлантиради - маккажұхори етиштирувчиларними ёки қанд-шакар етиштирувчиларними?

Нигерия тирикчилик минимумини пасайтириш учун маҳаллий истеъмолчиларға бүгдей ва гуруч нархини жағон нархлари даражасидан камайтириб, шоли ва бүгдей етиштирувчи фермерларға жағон нархларидан юқори нарх билан ұқып тұламоқчи бўляпти, дейлик. Бу мақсадга эришишни таъминлаши мумкин бўлган савдо сиёсати чораларини тасвирлаб беринг.

Глоссарий

Демпинг - нархларни халқаро камситиш, бунда экспорт билан шуғуланадиган фирма айрим мамлакаттарда ўзининг молини бошқа ёрдамчиларға нисбатан арzon баҳода согади.

Импорт квота - ҳар йили хорижий мамлакатдан келдиган маҳсулотлар хажмини миқдор жиҳатидан чеклаб қўйиш.

Импортичар тартибга солиш - миллий иқтисодиёт манбаатларини кўзлаб хориждан келтирилдиган товар ва хизматларни тартибга солиш билан боғлиқ тариф ҳамда нота-тиф тадбирлар тизими.

ДАВЛАТ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

Нотариф чеклашлар - бож тўловлари билан алоқадор бўлмаган ташқи иқтисодий савдолар йўлидаги тўсиқлар.

Номинал ҳимоя коэффициенти (НҲК) - қишлоқ хўжалик маҳсулотларига савдо сиёсатининг умумий таъсирини ифодалайдиган кўрсаткич. Бу ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотлари учун олган баҳосининг улар жаҳон бозорига чиқсан тақдирда сотган баҳосининг нисбатига тенг бўлади. Протекционизм - ташқи иқтисодий фаолиятни давлат йўли билан бошқариш чоралари ёрдамида ички бозорни хорижий рақобатдан ҳимоя қилиш.

Протекционизм - ташқи иқтисодий фаолиятни давлат йўли билан бошқариш чоралари ёрдамида ички бозорни хорижий рақобатдан ҳимоя қилиш.

Бож тўлови (тарифи) - чегарадан ўтиш чоғидан чет элда ишлаб чиқарилган ва сотиш учун мамлакатга олиб келинаётган товар эгасидан давлат хазинаси фойласига олинадиган тўлов.

Савдо уруши - икки мамлакат ҳукумати бир-бирининг экспорт маҳсулотлари ички бозорга кириб келишини чеклаш юзасидан ўзаро чора кўриши.

Экспорт квотаси - маълум товарларни ишлаб чиқариш ва экспортта етказиб беришнинг белгилаб қўйилган ҳажми.

Экспорт битими - бир мамлакат фуқаролари, фирмалари ва ҳукумати қўлида хорижий пул миқдоридни кўпайтирадиган товарлар ва хизматлар савдоси.

Экспорт субсидияси - экспортни бюджет ҳисобидан давлат йўли билан рағбатлантириш усулларидан бири.

Экспорт назорати - айрим товарлар экспортини чеклаш, тақиқлаш ва назорат қилиш борасидаги ташкилий - ҳукуқий, иқтисодий чоралар тизими.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ СТРАТЕГИЯНИНГ ВАЛЮТА-МОЛИЯВИЙ ЖИХАТПАРИ

3-бўлим

3.0. Валюта бозори

Жаҳон иқтисодий алоқаларининг турли-туман шакллари - товарлар ва хизматлар билан савдо-сотиқ қилиш, ссуда сармояси ва инвестицияларнинг ҳаракати, ишлаб чиқариш ва фан-техника борасидаги ҳамкорлик, ишчи кучларининг кўчиши (миграцияси) ва ҳалқаро туризм - буларнинг ҳаммаси мамлакат пул бирлигига нисбатан ҳалқаро даражадаги талаб билан таклифни шакллантиради. Шундай қилиб, у валютага айланниб, муомала ва тўлов воситаси, жамғариш қиймати ва маблагнинг ўлчови вазифасини ўтайди.

Валюта-молия бозорининг энг йирик жаҳон марказлари Лондон, Нью-Йорк, Франкфурт-Майн ва Токио ҳисобланади. Бу шаҳарларда кўп сонли бўлимлар тармоғига ва эркин нақд чет эл валютасига эга жуда йирик жаҳон тижорат банклари фаолият кўрсатади. Банк хизматчилари валютага доир операцияларни бажаради, у ҳақидаги ахборотни сотади, телеграф ўтказмаларини амалга оширади, валюта векселларини беради. Фундаментал фан ҳам, эксперталар-амалиётчилар ҳам аллақачонлардан бери ва қизғин валюта муносабатларини таҳлил қилиш билан шуғуллана-ди.

Фарб назариясида тарихан **валюта мұаммолариниң талқың қилиніп иккі ёндашув қарор топған**. Биринчи ёндашув Кейнсиан мактаби томонидан тақдим қилинганды; бу ёндашувға мұвоғиқ, валюта мұносабатлары давлат томонидан фаол тартибға солиб турилиши лозим. Иккінчи ёндашув монетаристик назария билан боғлиқ; бу назария валюта бозорлары да талаб ва тақлифни тартибға солылға марказалашған аралашувнің рад қилишни илгари сурады.

Хүш, у ёки бу миллий валютага нисбатан талаб ва тақлиф нималарға боғлиқ? Нима учун бир мамлакаттнннг миллий бирлигі бутун дүнёни “забт этады”, нима учун айни пайтда иккінчи мамлакаттннг миллий бирлиги борган сари “арzonлашиб” кетады? Бу саволга қысқача жавоб қуидаги: халқаро валюта бозори ва миллий хұжаликтарннг ахволи бир-бири билан чамбарчас боғлиқ.

Очиқ бозор иқтисодиётіда амалда миллий пуллар билан валюта ўртасыда чегара бўлмаслиги лозим. Бироқ, валпоталарннг эркин алмаштирилишини кўзда тутадиган бундай бенуқсон ҳолат жаҳон хўжалигининг кўпчилик секторларига етишмайды. Жаҳон валюта бозори, келиб чиқиши жиҳатидан, миллий хўжалик ҳосиласи (маҳсули) бўлса-да, шу бозор ўз навбатида давлатларннг кредит-пул сиёсатига муҳим ва, баъзан, ҳатто белгиловчи таъсир кўрсатади.

Пул алмаштириши - бир валютаны иккінчи чет эл валютасига алмаштириши - қисман, яни бир мамлакаттннг валютаси баъзи валюталарга алмаштириладиган (қисман алмаштирадиган валюталар) ва тўлиқ, яни алмаштириш барча чет эл валюталарига нисбатан амалга ошириладиган (эркин алмаштириладиган валюталар) бўлиши мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, ўзаро валюта мұносабатларининг улкан сони ичиде ҳозир бозорда валютага талаб ва тақлиф билан белгиланадиган “сузувчи” курслар деб юритиладиган тушунға ҳукмронлик қиласи. Монетаристик мактаб мухлиси ҳисобланған М.Фридман томонидан 1953 йилдаёқ ёзилған “Мослашувчан валюта курслари фойдаласига далиллар”

ТАШКИ ИҚТІСОДИЙ СТРАТЕГІЯНИНГ ВАЛЮТА-МОПИЯВИЙ ЖИХАТЛАРЫ

асари амалда ўз тағдигини топди. Лекин, шунга қарамай, у валютта курслари тебранишлари чегараларининг кенгайиши жаҳон ҳамжамиятини валюта барқарорлигига олиб келади, лекин ишончга нисбатан күтилган натижани бермади. Сузувчи курслар күпинча айрим мамлакатлар учун савдо-сотиқ шароитларининг ёмонлашувига, товар оқимини тартибга солишлаги қийинчилекларга сабаб бўлади, иқтисодий конъюнктуранинг бекарорлигини кучайтириши мумкин. Шунинг учун валюталарнинг "сузиши" бутунги кунда мутлақ ҳисобланмайди, аксинча, тартибга солиб турилади, яъни давлат томонидан муайян даражада кўллаб-куватлаш кўзда туттилади.

Ўзбекистонда бозор ислоҳотларини ўтказишида мавжуд ижтимоий-иктисодий шарт-шароитларимиз ҳисобга олиниб чет эл тажрибасидан фаол фойдаланилмоқда.

Собиқ Иттифоқ таркибида Ўзбекистон ўзининг хусусий валюта сиёсатини амалга ошириш имконига эга эмас эди. Ҳатто республика Давлат банки тизимида валютани бошқариш, ҳалқаро операциялар ва ҳисоблар соҳасида битта ҳам банк мутахассиси йўқ эди. Мустақилликка эришилганидан сўнг буларнинг барчаси амалда нолдан бошланди, лекин бу борада анчага мунча иш қилиб кўйилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта-иктисодий сиёсати концепцияси Иқтисодий ислоҳотлар дастурига таркибий қисм бўлиб кирди. Бу ерда Валютани тартибга сөлинин департаменти, ҳиёл кейинроқ Республика валюта биржаси тузилди. Бу биржа ҳозирги кунда қаттиқ валюталар билан ҳам, юмшоқ валюталар билан ҳам фаол операциялар ўтказмоқда.

Биринчилар қаторида анъанавий тарзда швейцария франки, немис маркаси, япон иенаси ва, вақти-вақти билан такрорланадиган "тебранишлар"га қарамай, АҚШ доллари бормоқда, чунки жаҳон савдосининг ярмидан кўп ҳозиргача АҚШ долларида амалга оширилади, у жаҳоннинг чет эл валютаси захираси ва ҳалқаро хусусий кредитлар ролини баҳаради.

ТАШКИ ИҚТИСОДИЙ СТРАТЕГИЯНИНГ ВАЛЮТА-МОЛИЯВИЙ ЖИХАТЛАРИ

Маълумот учун материал

Ўзбекистонда 1994, 1995 йилларда валюта савдосининг тартибга солиниши

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 ноябрдаги 566-сонли “Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида операциялар ҳажмини кенгайтириш тадбирлари тўғрисидаги қарори билан Ўзбекистонда корхоналар ва ташкислотларнинг чет эл валютасидаги вақтингчалик буш маблагларини жалб қилиш ҳамла ўтказилаётган валюта алмаштириш операциялари самараодорлигини ошириш хисобига валюта бозори ҳажми кенгайтирилди. Чет эл валютасини сотиб олиш-сотиш ва валюта операцияларининг самараодорлигини ошириш бўйича (валюта алмаштириш) конверсия операцияларини республика иқтисодиётини ривожлантириш устуворликларига мувофик ўтказиш тартиби белгиланди.

Қарорга мувофик, валюта биржасида эркин алмаштириладиган валютани устувор тартибда сотишга доир операциялар куйилага вазифаларни бахарни учун ўтказилди.

1. Ишлаб чиқариладиган товарлар, технологиялар ва хизматларни экспорт қилиш асосида чиқимни валютада қопланши таъминлайдиган ёки импортининг ўринини босувчи хисобланган ва устуворлар рўйхатига кирилган ишлаб чиқарилаш учун технологиялар сотиб олиш. Шундай қолиб, қўйилса тармоқлар устувор пул алмаштириш (конвертираш) хукуқидан фойдаланиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳайтга ишланни ва сақлаш; маҳаллий хом ашёга асосланниб озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш; маҳаллий хом ашёдан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш; тиббиёт жиҳозлари ва дорм-дармонлари ишлаб чиқариш; товарлар экспортини таъминлайдиран ва (ёки) импортининг ўринини босадиган фаолига кўрсатадиган ишлаб чиқарилашлар утун бутлаш (комплектлаш) буюмлари ва хом ашё сотиб олиш.

2. Марказий банкнинг сўмлари эркин алмаштириладиган валютага устувор пул алмаштириш (конвертираш) хукуқини берадиган патентлари бўйича истеъмол бозорини танқис халқ истеъмоли ва озиқ-овқат товарлари билан тўлдириши. Республика валюта бозорида устувор пул алмаштириш хукуқини берадиган импорт озиқ-овқат товарлари рўйхатига шакар, курилган сут, болалар озиғи маҳсулотлари, чой, сариёғ, гўшт ва озиқ-овқат концентратлари (куруқ масаллиқлар) киради.

ТАШКИ ИҚТІСОДИЙ СТРАТЕГИЯНИНГ ВАЛЮТА-МОПИЯВИЙ ЖИХАТЛАРИ

Шунинг учун мұтлақо табиийки, бу мұхим валюта-нинг барқарорлашувидан бир-бiri билан чамбарчас боғланған савдо ва иқтисодий шерикларнинг бутун бир занжири манбаатдор. Бундан Ўзбекистон ҳам истисно әмас.

Бир қатор мамлакатларда ҳозиргача **белгиланған валюта курслари** сақланып келді: миллий валютаның нарыхи умумий қабул қилинған андозага (күпинча АҚШ долларига) нисбетан белгиланади ва давлат томонидан құллаб-қувватлаб турилади. Бу давлат күп миқдордагы валюта захирасига әга бўлиши, уни тўлдириб туриши ва ундан фойдаланиши; импортни чеклаш тадбирларини кўриши (киритиш божлари, импорт квоталарини жорий қилиши), шунингдек, экспортни маблағ (субсидия) билан таъминлаши; валюта назоратини тартибга солиши (бу назорат, одатда экспорт валюта тушумини албатта давлатга сотиш лозимлигини кўзда тутади) лозимлигини англатади. Бундай вазиятда валюта ҳақиқий нисбатининг белгиланганидан ҳар хил тарзда оғиши учун катта имкон туғилади, натижала “хуфия бозор” деб аталадиган бозор пайдо бўлади, расмий тузилмаларда коррупция ва порахурлик авж олади. Шуни айтиш жоизки, амалда дунёning ҳеч бир мамлакати бундан қочиб қуттила олмаган. Энди бунга мамлакат учун ҳалқаро меҳнат тақсимотида тўла хуқуқ билан қатнашиши ва ўзининг бир қадар афзаллукларидан фойдаланишининг имкони йўқлиги қўшилса, охир-оқибатда ҳаммаси ялли маҳсулотнинг пасайшига олиб келади.

Шундай қилиб, ҳар бир мамлакат, шу жумладан, республикамиз олдида ҳам оптималь валюта тартибини танлаш масаласи кўндалант бўлиб турибди.

Валюта бозори молия бозорининг бир тури бўлиб, хўжалик вакилларининг ташки иқтисодий операцияларига хизмат кўрсатишга ундаиди. Маълумки, ҳозирги замон иқтисодиёти мураккаб, давлатлараро иқтисодий алоқалар билан йўғрилиб кетган. Буларсиз эса исталган миллий хўжаликнинг самарали фаолият кўрсатишини тасаввур қилиш қийин. Миллий иқтисодиётнинг жаҳон ҳамжамиятига узвий сингиб

кетиши унинг иқтисодий имкониятлари уфқларини кенгайтириб, унга катта афзалликлар беради.

Давлатлараро савдо муносабатлари ривожланишининг, халқаро иктисолашиш ва кооперациянинг ҳаракатлантирувчи кучи бозор механизми ҳисобланади. Бозор механизми нинг асосини эса талаб ва таклиф ташкил этади. Аҳоли ва корхоналар истеъмол хусусиятлари яхши ҳамда арzon товарлар ва хизматларни хоҳлайди. Бир мамлакатнинг қиёсий афзалликлари шундай товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга қулай шароитлар яратади. Фойда олиш ва шу тарикә одамларнинг сифатли ва арzon товарларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун тадбиркорлар чет элда хусусий ва қўшма ишлаб чиқаришлар ташкил қилишини, сайҳёнлик, транспорт, сууруга, маслаҳат ва бошқа хизматлар соҳаси инфратузилмасини ташкил этишини режалаштира бошлайдилар. Бу режаларни амалга ошириш чет эл валютасини талаб қиласди, бу валюта уларнинг банкдаги ҳисобварақчалирида (ёки уларнинг суммаси иш бошлиш учун етарли) бўлмаслиги, мумкин.

Пул муомаласида миллий пул бирлиги айланадиган ўз мамлакатида зарур импорт товарларини, шунингдек чет элга чиқиши билан боғлиқ хизматларни аҳоли миллий валютага сотиб олади; Бироқ, бу товарлар ва хизматларни аҳолига таклиф қиласётган импортчилар хорижий шериклари экспортчилар билан чет эл валютасида ҳисоб-китоб қилиши лозим. Шундай қилиб, ҳар бир давлат маълум миқдордаи чет эл валютасига эҳтиёж сезади ва унга талаб билдиради.

Хўш, қандай қилиб давлат ўзининг бу хизматларга бўлган импорт эҳтиёжини маблиғ билан таъминлайди, бошқача сўз билан айтганда, қандай қилиб у чет эл валютасида ўзига зарур бўлган суммани олади? Асосий манба ўз товарлари ва хизматларини экспорт қилиши ҳисобланади. Бозор қонунларига мувоғиқ, миллий товарлар ва хизматларни экспорт қилиш уларга бўлган хорижий талабларга боғлиқ ва, демак, хорижий талаблар ошган сари уларни экспорт қилиш ортиб бориши мумкин.

ГАШҚИ ИҚТИСОДИЙ СТРАТЕГИЯНИНГ ВАЛЮТА-МОПИЯВИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Маълумки, импорт чет эл валютасига талабни келтириб чиқаради, экспорт эса, ўз навбатида, унинг таклифини яратади. Чет эл валютасига талаб ва таклиф бир-бири билан валюта бозорида мужассамлашади. Хўжалик субъектлари зарур миқдордаги чет эл валютасини сотиб олиш истагини билдириб маҳсус банкларга мурожаат қиласиди. Банклар жорий валюта курси бўйича уларга чет эл валютасини сотиши мумкин. Тижорат банкларининг чет эл валютасини сотиши имконияти чексиз бўлмайди ва уларнинг активида миллий ҳамда чет эл валютасидаги маблағларнинг мавжудлиги билан лимитланади. Агар сотиб олишга талаб тушибган пайтда тижорат банки активлари мажмуасида валюта етарли бўлмаса, у банклараро валюта бозорида бошқа банкдан ёки халқаро валюта бозорида бирон бир чет эл банкидан зарур валютани сотиб олиши мумкин.

Ички валюта бозорининг чет эл валютасини сотиши бўйича имкониятларини Марказий банк тартибга солиб турди. Бу банк валюта резервлари сиёсати билан мамлакатнинг муомалада юрган валюта захираларини кўпайтириб ёки камайтириб туриши мумкин.

Икки хил валютанинг алмаштириш курси уларнинг харид қилиш қобилиятини қиёслашни ифодалайли. Бундай фикр харид қилиш қобилияти паритети (тенглиги) назарияси асосини ташкил қилди. Бу назарияга кўра, икки мамлакат ўргасидаги алмаштириш курси улардаги нархлар даражалари нисбагидаги ўзгаришларни акс эттиради. Шу билан бирга, гап бу мамлакатларнинг айрим товарлари нархларини таъқослаш устида эмас, балки умуман нархлар даражаси устида кетмоқда. Агар Ўзбекистонда нархлар даражаси Россиядаги нархлар даражасидан юқори бўлса, харид қилиш қобилияти паритети назариясига мувофиқ, Ўзбекистоннинг пул бирлиги Россиянинг пул бирлигига нисбатан қадрсизланади. Демак, бундай вазиятда сўмнинг Россия рублларидаги алмаштириш курси пассайиши лозим. Тушунарли бўлиши учун биз хориждати нархлар даражаси РУ нинг мамлакатимиздаги

◆ БОЗОР ВА ОЧИҚ ИҚТИСОДИЁТ ◆

ТАШКИ ИҚТІСОДИЙ СТРАТЕГИЯНИНГ ВАЛЮТА-МОЛІЯВИЙ ЖИХАТЛАРИ

нархлар даражаси Pd га нисбатан фоизлардаги фарқ тарзидан валюта курси е нинг динамикасини (ўзгариш суръатини) көлтиришимиз мүмкін:

Агар бир ишл мобайнида Россияда нархлар даражаси Pf 125% (нархларнинг ўсиши 25%)ни, Ўзбекистонда эса шу давр ичидаги нархлар Pd ўсиши 35% ни (нархлар даражаси индекси - 135%) ташкил қылган бўлса, биз Ўзбекистонда нархлар даражаси Россиядаги нархлар ўсишидан 10% ($135-125=10$) юқори бўлибди, деб хулоса чиқаришимиз мүмкін.

Демак, харид қилиш қобилияти паритети назариясига мувофиқ сўмнинг Россия рубларида алмаштириш курсининг пасайши ҳам 10% бўлиши керак. Хурматли китобхон кўриб турибдик, харид қилиш қобилияти назарияси валюта курсининг нисбий ўсиши ёки пасайшини миллий хўжалик нархлари даражаси-нинг ўсиши ва пасайшига ўҳшатади: $De(\%)=DP(\%) Pf - Pd$. Амалда эса бундай ўҳшатиш соддалашибирши ҳисобланади, чунки ҳақиқатда (амалда) валюта курси ва нархларнинг нисбий даражаси динамикаси бир-бираға монанд бўлмайди. Сўзсиз, бундай ўзаро боғлиқлик мавжуд, лекин у тўғри чизиқли эмас: нархлар билан валюта курслари орасидаги тўғри (бевосита) ва тескари алоқалар барча товарларнинг ташки савдо алмаштирув объекти бўла олмаслиги, икки мамлакатнинг ҳамма товарларининг тенг кела олмаслиги тифайли тўксилади. Умуман, бу иқтисодий кўрсаткичларнинг ҳақиқий динамикаси маълум даражада мустақил хусусиятга эга.

Валюта курси мураккаб синтетик иқтисодий тоифа ҳисобланади. У айни бир вақтда ҳам фундаментал иқтисодий омиллар билан, ҳам конъюнктуравий талаб ва таклиф омиллари билан белгиланади. Миллий валюта алмаштириш курсининг узоқ муддатли динамикасини белгилайдиган фундаментал иқтисодий омилларга иш унумдорлиги, иқтисодий ўсиш суръатлари, молия тизимининг мослашувчалиги ва самарадорлиги, технологиялар ва мамлакат ишлаб чиқариш ресурсларининг даражаси киради. Айнан шу омиллар миллий иқтисодиётнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлиги

ТАШКИ ИҚТІСОДИЙ СТРУКТУРАСЫНДА ВАЛЮТА МОПИЯВИЙ ЖАҢАТАРЫ

асосини белгилайди. Фақат шу омилларгина миллий пул бирлигининг ташки құймати сифатыда валюта курсининг узок муддатлы барқарорлыгини таъминлаши мүмкін.

Жорий валюта курсининг ўзғарышы сабаб валюта бозорида талаб ва таклифнинг ўзғарып туриши ҳисобланади. Одатда, иқтисодчилар у ёки бу матони сотиб олиш ёки соғиши эхтимоли аңынасина анықлада, валюта курсининг күтарилиши ёки пасайишни олдиндан билишләри мүмкін.

Валюта курсига түлов балансининг ҳолати таъсир қиласы. Агар түлов баланси камчыл бўлса, яъни хорижий мажбуриятлар бўйича умумий түловлар валюта маблағлари тушумидан кўп бўлса, у ҳолда мамлакатнинг түлов баланси манфий сальдосини қопладиган валюта захиралари қисқаради, уларнинг қисқариши, ўз навбатида, миллий валюта алмаштириш курсининг пасайишига (яъни, унинг ташки қуймати қадрсизланишига) сабаб бўлади. Бунинг юз беришига сабаб шуки, чең эл валютаси захираларининг миллий валютадаги пул массасига нисбатан пасайишни чең эл валютасини янада камчилроқ қилиб кўяди. Мамлакат валютаси алмаштириш курсининг пасайиши импортни қимматлаштиради, иқтисодиётда чиқимлар инфляцияси воситасида нархлар дарражасининг ошишига олиб келади. Тўлов балансининг актив сальдоси, аксинча, мамлакат ичida валюта захираларини кўпайтиради.

Шундай қилиб, товарлар ва хизматлар импорти бўйича тўловлар ҳажми, шунингдек, қисқа муддатли сармояларнинг мамлакатдан чиқиб кетиши кўламлари чең эл валютасига талаби белгилайди. Айни вақтда экспорт бўйича тушумлар ҳажми ва сармоянинг оқиб кириш кўлами чең эл валютасига таклифи анықлади. Бундай барча ўзғарышлар охир оқибатда валюта курсига таъсир қиласиди. Бироқ, қандай омиллар ва қандай қилиб импорт тўловлари ҳамда экспорт тушумлари, ҳажмига, шунингдек сармоянинг чиқиб кетиши ва оқиб кириши кўламига таъсир кўрсатади?

Энг аввало, бу - истеъмолчиларнинг таъби ва хоҳиша-ридири. Улардаги ўзғарышлар чең эл валютасига талаб ва унинг

ТАШКИ ИҚТІСОДИЙ СТРАТЕГИЯНИНГ ВАЛЮТА-МОЛІЯВИЙ ЖИХАТПАРИ

таклифига таъсир қиласы. Ўзбекистоннинг тұқимачылық маңсулотлари юқори сифатлы бүлгани учун Россия бу товарға талабни ошириши мүмкін, натижада рус импортчилари Ўзбекистон базорига күпроқ Россия рубларини етказаб беради, сүмнинг Россия рубларига алмаштириш курси шунга яраша күтарилади.

Иккى мамлакат нархлари даражасындағы нисбий фарқ валютага талаб ва унинг таклифи ўзгаришига таъсир қиласынан мұхим омилдир. Агар Ўзбекистонда нархлар даражаси Қозоғистонданынан анча паст бўлса, қозоғистонлик истеъмолчилар учун арzon ўзбек товарларини сотиб олиш фойдалы бўлади, натижада валюта захираларига таклиф даражаси кўтарилади ва, ўз навбатида, сүмнинг тенгега нисбатан алмаштириш курси ошади. Агар инфляция суръатлари Ўзбекистонда Қозоғистонданынан юқори бўлса, бунинг акси юз беради: Ўзбекистон аҳолисининг нисбатан арzon қозоқ товарларига талаби ошади ва шунга яраша тенгега талабнинг кучайиши унинг курси кўтарилишига ёки сүмнинг курси пасайишига олиб келади.

Мамлакат ичидә ва унинг ташқарисида нархлар даражалари нисбатларини кўп жиҳатдан белгилайдиган мұхим омил - ички сабаблар ҳам, ташқи сабаблар ҳам келтириб чиқариши мүмкін бўлган **инфляция**. Мамлакат ҳукумати ва Марказий банк зарур иқтисодий сиёsat юргизиб, инфляциянинг ички омиларини жиловлаb туриши мүмкін.

Иккى мамлакатдаги фоиз ставкалари даражалари ўртасындағы сезилярли фарқ улар орасида қисқа муддатты сармояларнинг ҳаракатланишида мұхим роль ўйнайди. Россия молия базорларидаги фоиз ставкаларининг юқорилиги ўзбек инвесторларини ўз молия маблағларини депозитлар ва қимматли қоғозларга жойлаштиришига ундаши мүмкін. Сўмларни Россия рублларига алмаштириш (конвертираш)га талабнинг ошиши ва кейин уларнинг чет эл молия базорларига чиқиб кетиши сүмнинг Россия рублига нисбатан алмаштириш курсининг пасайишига сабаб бўлади.

ТАШКИ ИҚТІСОДИЙ СТРАТЕГИЯНИНГ ВАЛЮТА-МОЛІЯВИЙ ЖИХАТПАРИ

Фараз қылайлык, қүйидаги вазият юз берди: Россияда муддатли омонатлар бүйічә номинал фоиз ставкаларининг ўртача даражаси 40% ни, яни Ўзбекистондаги (45%) дан камроқни (5% га) ташкил қылды. Бирок, Россияда кутилаётган йилдик инфляция 15%, айни вақтда Ўзбекистонда 25% бўлишини ҳисобга олиб, Россияда ҳақиқий (реал) фоиз ставкаси Ўзбекистондагидан 5% ($40-15>45-25$) юқори, деб таъкидлашимиз мумкин. Бу ҳолда Ўзбекистон ахолиси ва корхоналарида кутилаётган инфляция туфайли Россия валюта-сидаги депозитларга талаб кучайиши мумкин. Валюта бозорида бу Россия рубли курсининг нисбий кўтарилишига ёки бошқача айтганда, сўмнинг Россия рублига алмаштириши курсининг нисбий пасайишида акс этади.

Товар ва молия бозорларидаги конъюнктура (умумий ҳолат)га нисбатан бағшорат (тажмин)лар ва кутишлар чет эл валютасига талаб ва таклифиň ўзгартериши орқали тўлов баланси ҳолатига анча таъсир кўрсатади ҳамда жорий валюта курсига янада аниқроқ таъсир этади. Фараз қылайлык, ХВФ ва Жаҳон банки каби халқаро молия муассасаларининг бағшорати (прогнозлари) бўйича Марказий Осиё минтақасида Ўзбекистон иқтисодиёти нисбатан тезроқ ўсиши, инфляция суръатлари нисбатан пастроқ бўлиши, ҳақиқий (реал) фоиз ставкалари нисбатан юқорироқ бўлиши кутилади. Бу кутишлар хорижий давлатларнинг тадбиркорлик ва ссуда сармоясининг мамлакатимизга жалб қилинишини фаоллаштиради, валюта курсини барқарорлаштиради.

Иқтисодиётнинг қисқа муддатли, ўрга муддатли ва узоқ муддатли циклларининг тебранишлари умумий талабни қисқартириш ёки кенгайтириш орқали тўлов баланси ҳолатига бевосита таъсир кўрсатади. Иш фаоллигининг пасайиши натижасида умумий талаб қисқаради, импорт ва экспорт оқимларида, қисқа ва узоқ муддатли сармоялар ҳаракатида ўзгаришлар юз беради. Одатда, товарлар импортги ички талабнинг цикли тебранишларини дарҳол “сезади”, айни вақтда экспортни ташки иқтисодий конъюнктура белгилайди.

ТАШКИ ИКТИСОДИЁТ ВАЛЮТА МОНИЖИВНІ ТАДБИРЛари

Шуни таъкидлаш лозимки, тўлов балансининг қисқа муддатли номутаносиблиги (диспропорция) мамлакат иктисолидиганда бирон бир салбий таъсир кўрсатмайди. Иктисолидчилар ва сиёсатчиларни тўлов балансининг узоқ давом эта-лиган ёки барқарор номутаносиблиги, айниқса, унинг таъчилиги ташвишга солади. Бундай ҳолларда мамлакатнинг олпин валюта резервлари толиқади, у кредитор мамлакатлар олдиғаги ташқи қарзини кўпайтиришга мажбур бўлади, ҳам тадбиркорлик, ҳам ссуда сармояси шаклидаги хорижий инвестицияларни қисқаришига замин тайёрланади.

Ташқи савдо шароитлари бевосита **валюта курсига таъсир қилиши** мумкин. Тарифлар (импорт ва экспортдан олинадиган солиқлар) ва квоталар (импорт ва экспорт товарлари мидорини чеклаш) кўрининишдаги ҳар қандай тўсиқлар импорт ва экспорт оқимига, яъни савдо баланси сальдосига таъсир кўрсатади. Импорт ҳамда экспортнинг ўзгариши моҳиятган чет эл валютасига талаб ва таклифнинг ўзгариши демакдир, бу эса охир оқибатда жорий валюта курсини ҳам ўзгартириши мумкин. Фараз қиласилик, Ўзбекистон Қозоғистон до-нига импорт тарифларини киритди, бу эса бизнинг истеъмолчиларимиз учун нархни ошириб юборади ва импортни кескин камайтиради. Ўзбекистон аҳолисининг эҳтиёжи мамлакат ичида етиштириладиган донга қаратилади. Унинг импортиши қисқартириш сарфланадиган чет эл валютасини қисқартириш демакдир ва шунга яраша ўз валютасига талабни ошириш демакдир, бу эса пироварлида миллий валюта-нинг алмаштириш курсини мустаҳкамлайди.

Тўлов балансига тузатиш қиритиш тўлов баланси ҳолатидаги нокулай тамойилларни бартараф қилишда муҳим аҳамиятга эга. Унга доир тадбирлар валюта таклифининг дастлабки қисқартиши ёки чет эл валютасига талабнинг ошиши натижасида ўзининг мувозанат ҳолатидан оғлан номинал валюта курсини мустаҳкамлашга йўналтирилган.

Тўлов балансига тузатиш қиритишнинг асосий усуслари қўйидалалар:

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ СТРАТЕГИЯНИНГ ВАЛЮТА-МОЛИЯВИЙ ЖИҲАТЛАРИ

1. Олтин валюта резервларидан фойдаланиш сиёсати.

Урасмий валюта захираларини валюта бозорида сотиш мақсадидиа Марказий банк томонидан ийғиши (жамғарыш)дан иборат. Валюта интервенцияси натижасида валюта тақлифи ортади ва валюта курсининг дастлабки оғишини мәлум даражада бартараф қиласади.

2. Валюта-савдо чеклаш сиёсати жорий операциялар баланси ва сармоялар ҳаракати баланси бўйича бевосита чеклашларни, шунингдек валютани меъёrlаши (рационлаш) қоидаларини киритиши йўли билан импортни (ёки чет эл валютасига талабни) жиловлаб туришга қаратилган. Савдо операциялари бўйича чеклашлар муайян тоғарлар импортига божхона квоталари ва божлар белгилаш, сармоянинг мәлум мoddаларини олиб чиқиб кетишини тақиқлашлар шаклида жорий этилади. Айни вактда давлат батзи товарларга соликларни камайтиши воситасида экспортни рағбатлантириши тадбирларини ўтказиши мумкин. Валютани меъёrlаши хукумат ва Марказий банк томонидан чет эл валютасидаги турушманинг бир қисмини ёки ҳаммасини мажбурий равишда топшириш, кейин уни импортнинг мухим ва устувор мoddалари бўйича танлаб (селектив тарзда) тақсимлаш қоидаларини киритишдан иборат.

3. Пул-кредит ва ҳазина воситаларидан фойдаланишидаги дискрецион (вазиятга қараб иш тутиш) сиёсати валюта курсини меъёрида ушлаб туришининг асосий усусларидан бирни ҳисобланади. Аҳоли шахтиёридаги даромадни қисқартирадиган чекловчи солик сиёсати импортни жиловлаб туришга кўмаклашади. Импорт кўлами одамларнинг даромадлари даражаси билан узвий боғлиқ бўлгани учун даромадларни пасайтириши импорт ҳажмини қисқартишига сабаб бўлади.

4. Кимматли қогозлар сиёсати воситасида Марказий банк ўтказадиган пул-кредит сиёсати ҳам шундай чеклов самарасини бериши мумкин, лекин бунда бу иш сармоялар ҳаракати баланси орқали амалга оширилади. Молия бозорларида нисбий фоиз ставкаларини ошириш мамлакатга чет эл сармасини жалб қилишга ҳамда чет эл валютаси захирасини кўпай-

ТАШҚИ ИҚТІСОДИЙ СТРАТЕГИЯНИҢ ВАЛЮТА-МОЛІЯВИЙ ЖИХАТПАРИ

тиришга ва бу биллий валютаниң алмаштириш курсини барқарорлаштиришга имкон яратади.

Қаттық пул-кредит сиёсати ҳам, чекловчи солиқ сиёсати ҳам ички товарлар нарханың ошии суръатларини пасайышига маълум даражада таъсир қиласди, бу эса ички товарларнинг чет товарларига нисбатан арzonлашувига олиб келади. Бундай ажвол мамлакат экспортини оширади. Мамлакат экспортининг ошиши эса ўзидаги валюта захарапарининг кўтайиши ва миллий валюта алмаштириш курсининг ошишига олиб келади.

5. *Миллий валютаниң алмаштириш курсини девальвацияси* (пул бирлиги қийматининг расмий пасайтириши), яъни алмаштириш курсининг чет эл валюталарига нисбатан расмий пасайтириши ўз товарлари ва хизматлари экспортини раҳбартлантириш учун нисбатан қулай шароит яратиш орқали мамлакатнинг савдо балансидаги тамойилларни ўзгартириши мақсадларида ўтказилади.

3.1. Миллий валюта тизими

Миллий валюта тизими миллий валютани чет эл валютасига алмаштириш, шунингдек алмаштириш билан боғлиқ бўлмаган, чет эл валютасига доир бошқа операцияларни тартибга солувчи қонунный мустаҳкамланган тизим ҳисобланади. У миллий пул тизимининг бир қисмини ва унинг компонентларини камрайди.

Бундан ташқари, миллий валюта тизими қуйидагиларни ҳам ўз ичига олади:

1) валюта курслари сонини аниқлаш тартиби ва уларни белгилаш тартиби;

2) белгиланган курсларга мувофиқ ташқи иқтисодий операцияларнинг турли ҳалллари бўйича миллий валютани чет эл валютасига алмаштириш (конвертирлаш) шартлари;

3) чет эл валютаси билан операцияларни бажаришга ваколатли давлат органлари.

АШҚИ ИҚТИСОДИЙ СТРАТЕГИЯНИҢ ВАЛЮТА-МОПИЯВИЙ ЖИХАТЛАРИ

Миллий валюта тизимлари тарихан халқаро валюта изимидан олдин шактланган. Шу тариқа валюта тизими ул тизимидан халқаро мөхнат тақсимотини чуқурлашиши, товар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва турли мамакатлар билан савдо-алмаштириш муносабатларини фаол аштириш жараёнидан келиб чиқади.

Бошқа давлатлар билан савдо-сотиқни фаол амалга шыраётган ҳар бир давлат ўзининг вазифалари ва мақсадлайдан келиб чиққиб, миллий пул бирлигини шерик давлатлар ул бирликларига алмаштириш курсини белгилашни доир әртибга солиш қोйдалари ва йўл-йўриқлари тўпламини беллаган. Демак, бир валютани иккинчи валютага алмаштиши курси пуллараро эквивалент вазифасини бажарган. Пул мумий товар эквиваленти ҳисобланади. Россиядан товар олиб еладиган ўзбек импортчи фирмаси Россия рублларига эҳтиёж езди ёки унга талаб билдиради, чунки у россиялик ишлаб иқарувчилар ва сотувчиларга товар учун ҳақ тўлаши лозим. Йа, аксинча, Ўзбекистонда маҳсулот сотиб оладиган рус имортчи фирмаси ўз навбатида ўзбек сўмига талаб билдиради. Ўщ, бундай ҳолларда икки мамлакатнинг импортчилари зарур чет эл валютаси учун кимга ёки қаерга мурожаат қилилари лозим? Экспортчиларга. Айнан шулар ўз товарларини ет элларда сотганлари учун муайян чет эл валютаси захираига эга. Маданий бозор шароитида чет эл валютаси захираарни расмий конвертираш механизмлари (банклар, биржарар ва ҳоказолар) орқали экспортчилардан импортчиларга тади.

Жаҳон валюта бозорлари Нью-Йорк, Токио, Лондон, Франкфурт валюта бозорлари ана шундай бозорлар ҳисобланади - мамлакатлар орасидаги ташқи иқтисодий алоқалар тақларининг кенгайиши туфайли пайдо бўлган. Бу валюта озорларида алмаштириш курслари биз кўриб чиқсан кўп миллиар таъсирида шактланади.

Валюта бозорлари ва халқаро савдонинг ривожланиши мамлакатнинг иқтисодий аҳволига ҳам таъсир кўрсатади.

ТАШКИ ИҚТІСОДИЙ СТРАТЕГИЯНИҢ ВАЛЮТА-МОПИЯВИЙ ЖИХАТЛАРИ

Миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан алмаштириш курси қандай даражада шакланаёттандырылады. Гап шундаки, алмаштириш курслари ички нарх шакланиши билан, яғни ресурслар ва товарлар бозорларидаги нархларнинг конъюнктураси билан чамбарчас бөрлиқ. Миллий валюта **алмаштириши курсининг жадал пасайышы** хом ашё ва материаллар импортини құмматлашырып юборади ва, демек, миллий иқтисодиёттінг импорт маңсулоттарнан иштеймек қылады. Тармоқтар маңсулоттарнинг таннахы күтарилади ва уларнинг оралиқ маңсулотига мұхтож бўлган тармоқтар маңсулоттарнинг нархи ҳам ошиди. Бунинг натижасида фақат импорт буюмларнинг гина эмас, балки ички буюмларнинг ҳам құмматлашуви ахолининг реал даромадларини камайтиради, умумий талабни қисқартыради, бандлик даражаси пасаяди, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши секинлашади. Миллий валюта **алмаштириши курсининг жадал күтарилиши** экспортга йўналтирилган тармоқларнинг ўсиш суръатларини секинлашувига олиб келади.

Бундай кескин тамойилларнинг салбий оқибатларини ҳисобга олиб, давлатлар ўз Марказий банкларига **валюта курсыга таъсир қылышы** импортчилар учун миллий валютанинг чет эл валютасига алмаштирувчанлығига чекловлар киришини буюради. Бундан ташкәри, давлатнинг валюта сиёсати ташкى савдо сиёсати билан узвий боғланган. Шунинг учун, кўпинча, импорт ва экспортни тартибга солишига доир ташкى савдо сиёсати тадбирлари ички ва жаҳон валюта бозорларидаги нохуш конъюнктурани бартараф қиласы. Масалан, савдо баланси бўйича бож, квота шаклида импортни чеклашшар ҳамда солиқ имтиёзи ва бошқа имтиёзлар бериш йўли билан экспортни рағбатлантириш миллий валютанинг алмаштириш курсини кераксиз ошириш, валюта захиралари етишмаётган шароитларда импортни тўхтатиб туриш жаёнларини жиловлашга қаратилган. Бу мақсадларда давлат

АШКИ ИҚТІССЕДІН СТРАТЕГИЯЛЫҚ ВАЛЮТА-МОПИЯВИЙ ЖИХАТПАРИ

армояларнинг чиқиб кетишини ҳам чеклади ва уларнинг қиб киришини рагбатлантиради.

Валюта тизимининг валюта курсини белгилаш каби асосий томагларига боғлиқ равишда унинг турлари белгиланади. Мил-ий валюта тизимининг асосий тоифалари - **белгиланган валюта урслари тизими, сузуучи валюта курси тизими ва башқарылувчи ки назорат қылышуучи** сузишлар тизими ҳисобланади.

Бирок, шунни таъкидлаш лозимки, бу тартиблар содда-аштирилған, күп жиҳатдан күтбий моделлардан иборат. Бор-ор жараёнларининг ҳозирги ривожланиш босқичида **у ёки у даражада белгиланган валюта "сузушчи" ёки башқарылувчи алута курси тартиби** түгрисида гапириш мақсадга муво-никроқ. Асосий Европа мамлакатларида 70 ва 80-йилларда Европа валюта илони" киритилгандаги валюта тизими бун-ай сузишга энг мос мисол бўла олади.

Маълумки, ҳатто олтин стандартда (андозада) ҳам ва-юта курслари фақат "олтин нуқталар" чегарасида ўзгара-лар эди; бу чегараларга етгандан сўнг талаб ва таклифни гувознатлаш учун мамлакатлар орасида табиий жисмоний лтин айланга бошлаган.

"Сузувчи" валюта курсларида мамлакатнинг алмашти-ши курси шу курсни шакллантирувчи омиллар таъсирига чрайди; бу омиллар милий ва ҳалқаро валюта бозорларидан алаб ҳамда таклифнинг ўзгаришига сабаб бўлади. Ҳукумат а Марказий банк "сузувчи" валюта курси тизимида валюта урсига таъсир этиш мажбуриятини олмайди; бу эса унинг ирмунча "тартибсиз" белгиланишига шароит яратади. Шу абабга кўра, мутахассислар шунни таъкидлайди, белгилан-ан валюта курслари тартибини рад этиш (Париж, 1973 й.) а уни бреттон-вуд валюта тизимининг барбод бўлишига олиб ёлган мослашувчан (сузувчи) валюта тартибига алмашти-ши иқтисодий ривожланган мамлакатларда валюта соҳаси-аги аҳволнинг яхшиланишига олиб келибгина қолмасдан у соҳада яна бир қанча янги муаммолар мавжудлигини ҳам ўрсатди. Валюта курслари тебранишларининг кент кўлами

ТАШҚИ ИҚТІСОДИЙ СТРАТЕГИЯНИНГ ВАЛЮТА-МОЛНЯВИЙ ЖИХАТЛАРИ

Маълумот учун материал

Европа валюта тизими

Жаҳон савдосида протекционистик (хомийлик) тамойиллари-нинг ўсиши 1979 йилда Европа валюта тизимининг таркиб тошишига олиб келди. У саккиз мамлакат: Бельгия, Данія, Франция, ГФР, Ирландия, Италия, Люксембург ва Нидерландияни бирлаштирган эди. Бундай тузылмани ташқыл этишдан мақсад - алмаштириш курсларининг ўзаро тебранишлари кўламини чеклаш эди. Бунда иштирокчи мамлакатлар курсларининг бошқа (тизимга кирмаган) мамлакатлар валютасига нисбатан ўзгарини синхрон тарзда (баравар) юз берини лозим, деб мўлжалланган.

Европа валюта тизими алмаштириш курсларини тўлиқ ранишда қатъй белпилай олмайди, бунга интилмайди ҳам. Тизимда иштирок этадигаи мамлакатларнинг Марказий банклари курсларининг бельгиланган қўймаглар атрофида муайян тор чегарада тебранишнинг рухсат беради. Агар у ёки бу курсни қўллаб-куватлаш натижасида бирон-бир иқтисодий муаммо пайдо бўлса, зарур ҳолларда уни ўзгартиришади; одатда бир неча йилда бир марта шундай бўлиб туради.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ СТРАТЕГИЯНИНГ ВАЛЮТА-МОЛИЯВИЙ ЖИҲАТЛАРИ

ва бу асосда халқаро савдода протекционистик тамойилларнинг кучайиши сузувчи валюта курслари тизими бўйича алоҳида муаммони келтириб чиқарди.

Белгиланган алмаштириш курслари тизими миллий валютанинг чет эл валютасига (ёки чет эл валюталари халтасига) нисбатан қатъий курс белгилап қоидласини кўзда тутади. Ҳукумат ва Марказий банк ўз кучларини валюта курсини ўзгаришсиз сақлашга қаратади. Бироқ, бунинг учун валюта бозорида талаоб ва таклиф ўзгаришларини тенглаптириш керак. Нима мақсадда давлат ўз валютасининг алмаштириш курсини қатъий белгилашга интилади?

Валюта курсининг тебранишлари, кўпингча, импорт ва экспорт оқимларида нохуш самараларга олиб келади, чунки бўлгуси фойдалар ва харажатларга нисбатан ноаниқликни келтириб чиқаради. Валюта курсининг кутилмаган ўзгаришлари товарларни сотиб олиш ёки етказиб беришга доир режаларни ўзгартириб юбориши мумкин. Масалан, бирон бир ўзъек компанияси мева-сабзавот маҳсулотларини консервалаш бўйича узлуксиз линияни йўлга кўйиш учун қўймати 35 минг АҚШ доллари турадиган Италия ускуналарини сотиб олишни режалаштирган, дейлик. Ўзбек импорччиси 1 АҚШ доллари учун 36 сўм тўғри келадиган жорий алмаштириш курси бўйича харид учун таҳминан 1 млн. 260 минг сўм сарфлашни мўлжаллайди. Агар импорччи билан экспортчи ўргасида битим тузиш муддати яқинлашганда валюта курси кутилмаганда ўзгариб, айтайлик 1 АҚШ доллари 40 сўмни ташкил қилди, шунда қўшимча харажатлар 140 минг сўмга ёки 3500 АҚШ долларига ($40 \times 35000 - 36 \times 35000 = 140000$) тўғри келади. Вазиятнинг бу тарзда ўзгариши импорччини ноқулай ҳолатга солиб қўяди ва натижада битим тузилишини бузиши мумкин. Шундай қилиб, валюта курсларининг тебранишлари давлатнинг ташқи савдосига ноаниқлик кирилади, натижада шакланган савдо-алмаштириш битимлари тамойилини бузади, иш фаолигини сустлаштиради.

ТАЛЖАН НАУРДЫКИР СЕРДІК СЕРДІК ВАЛЮТА НЕФТІНДЕКИ ИМПОРТЫНДАРЫ

Валюта курсининг бир ёқлама (бир йўналишдаги) тебранишлари савдо ва тўлов балансини бекарорлашириди. Мамлакат валютасининг алмаштириш курсини узоқ муддатда пасайиб бориши ёки унинг девальвациясида товарлар импорти борган сари қимматлашиб боради ва маблағ билан таъминлашиши учун экспортни кучайтиришни талаб қиласи.

Ниҳоят, валюта курси тебранишларининг айтиб ўтилган салбий самаралари мамлакатнинг ички иқтисодий аҳволига ёмон таъсир қиласи. Импорт ва экспорт нархларини ўзгартириниш орқали валюта курсини ўзгартириниш ички бозорда талаб ва таклифни ҳам ўзгартиради, аҳолининг иш билан бандлиги ва даромадлари даражасининг, иқтисодий ўсишининг номақбул тебранишларини келпирив чиқаради. Бу ҳолда ташки мувозанатсизлиги ёки тўлов балансининг мувозанатсизлик ички макроиқтисодий номувозанатсизликни туғидради.

Айтиб ўтганимиздек, тўлов балансидаги узоқ давом этадиган номақбул тамойиллар (тақчиликлар) шароитида валюта курсини ўзгартирмай тутиб туришда олтин-валюта захираларининг заифлашиши хавфи туғилади. Шунинг учун кўпчилик миллий валюта тизимлари унинг “аралаш” ёки тартибга солинадиган тоифасини тавсия қиласи. Ҳукумат ва Марказий банк ўз валюталари курсини қатъий белгиламай, уларнинг талаб ва таклифнинг эркин таъсирига учрашига имкон беради. Валюта курсига тузатиш киритиш мақсадида бундай миллий валюта тизимларига валюта интервенциялири бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Ҳукуматнинг курсни ҳосил қилувчи омилларни тартибга солишга қаратилган ҳаракатлари ўқувчиларни **валюта чекловлари** деб аталадиган тушунча билан таништиранимиздан сўнг янада равшанроқ бўлади. Хўш, бу нима дегани?

Агар олгин-валюта резервлари чекланган ёки захиралари кам бўлса, бошқариладиган “сузиш” тизимини киритиш ёки валюта курсини қатъий белгилаш иқтисодиёт учун

ГАШҚИ ИҚТІСОДИЙ СТРАТЕГИЯНИНГ ВАЛЮТА-МОПИЯВИЙ ЖИХАТЛАРИ

гүлов баланси номутаносиблигининг салбий оқибатларини бартараф қылмайды. Чет эл валютаси ва сармояларининг четта чиқиб кетиши ва оқиб киришига доир ўрта ёки узок муддатли мувозанатсизлик мавжуд; бунга сабаб ҳали ўзлаштирилмаган экспорт базаси, молия бозорининг ривожланмаганлигидир. Бундай ҳолда валюта курси устида миллий валютанинг чет эл валютасига эркин алмаштирилувчанлиги бўйича валюта чекловларидан, шунингдек, импорт ва экспорт бўйича савдо чекловларидан фойдаланишини кўзда туѓувчи маҳсус давлат назорати ўрнатилади. Эркин алмаштирилувчанлик бўйича валюта ва савдо чекловлари чет эл валютасига эҳтиёжни қондириш йўлида тўсиқлар пайдо қилиб, валюта курсига таъсир қиласи.

Валюта чекловлари эркин алмаштирилувчанлик шаргларини белгилаб беради. Иқтисодчилар миллий валютанинг ички ва ташки эркин айирбошланиш қобилияти (конвертиранувчанлиги)ни, жорий операциялар бўйича ва сармояларининг ҳаракати бўйича эркин айирбошланиш қобилиятини фарқлайди. Ички эркин айирбошланиш қобилияти деганда резидентлар миллий валютани мамлакат ичida чет эл валютаси активларига эркин алмаштириш ҳуқуқига эга бўладиган ҳолат тушунилади. У резидентлар учун конвертирлашни, шунингдек ички бозорда чет эл валютасида турли операцияларнинг амалга оширилишини кўзда тутади. Ташки эркин айирбошланиш қобилияти норезидентлар учун миллий валютани чет эл валютасига эркин алмаштиришни ва, аксинча чет эл валютасининг миллий валютага қайтувчанлигини ифодалайди. Ташки эркин айирбошланиш қобилияти чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун қулай муҳит яратади.

Ички эркин айирбошланиш қобилияти ҳам, ташки эркин айирбошланиш қобилияти ҳам қисман ёки тўлиқ бўлиши мумкин. Муайян операциялар бўйича аҳолининг айrim қатламлари ва гуруҳлари учун (масалан, чет элга чиқувчилар) миллий валютани алмаштиришга бериладиган рух-

ТАШҚИ ИҚТІСОДИЙ СТРАТЕГИЯНИҢ ВАЛЮТА-МОЛІЯВИЙ ЖИХАТПАРИ

сатномалар, чет эл валютасининг бир томонлама эркин айрбошланиши (сотиб олиш курси)нинг мавжудлиги ички эркин айрбошланиш қобилиятига мисол бўлади.

Жорий операциялар бўйича эркин айрбошланиши қобилияти резидентлар ва норезидентлар учун тўлов баланси нинг жорий операцияларининг ҳисобварақлари бўйича битимларни амалга ошириша миллий валютани чет эл валютасига эркин алмаштирилишини билдиради. **Сармояларининг ҳаракати бўйича** эркин айрбошланиши қобилияти тўлов балансидаги сармоялар ва кредитларнинг ҳаракати ҳисобварағи бўйича операцияларни амалга ошириш мақсадларида валюта алмаштиришни англатади.

Мамлакатнинг валюта чекловларини киритиш ёки олиб ташлашда қандай курсга риоя қилишига қараб халқаро валюта фонди (ХВФ) ўзининг “Валюта тизимлари ва чекловлари” йиллик ахборотномаларида унинг “валюта мақоми”ни белтилайди. ХВФ Шартномаларининг VIII моддаси мақоми ХВФ билан келишмай туриб, жорий халқаро операциялар бўйича тўловлар ва пул ўтказмаларини амалга оширишга янги чекловлар киригмаслик, дискриминацион (таҳқирловчи) тўлов келишувлари ва валюта курсларининг кўплиги тажрибасидан фойдаланмаслик мажбуриятини кўзда тутади. XIV модда мақоми жорий халқаро операциялар бўйича чекловлар мавжудлигини ва уларнинг изчил равишда бартараф қилинишини кўзда тутади. Масалан, барча МДҲ давлатлари унбу мақомга эга, бунга сабаб уларнинг хўжалик тизимлари ўтиш ҳолатида эканлигидир. Лекин, шунга қарамай, мамлакатнинг VIII модда мақомига мансублиги амалда ҳали унда чекловлар йўқлигини билдирамайди, қабул қилинган мажбуриятлар расмий тусла бўлиши мумкин. Масалан, ХВФга аъзо бўлиб VIII модда бўйича мажбуриятлар қабул қилган 80 давлатдан 1993 йилда 15 таси валюта чекловларининг у ёки бу шаклини кўллаган. Айни вақтда ХВФ шартномалари моддалари унга аъзо давлатларга сармоялар ва кредитлар соҳасида исталган чекловлардан фойдаланишга имкон беради.

ТАШКИ ИҚТІСОДИЙ СТРАТЕГИЯНИНГ ВАЛЮТА-МОЛІЯВИЙ ЖИХАТПАРИ

Илгари марказлашган режалашпириси усули күлланган мамлакатларда жорий операциялар бүйічә миллий валютанинг эркін айирбошланиш қобилятини жорий этишнинг шу давлатлар иқтисодиёті учун фойдалы томонлари күп; Импортта ва жорий операциялар бүйігча валютанинг эркін айирбошланишига тақиқловчи чеклашларнинг олиб ташла-нишидан күриладиган бевосита фойда истеъмол бозорининг шаклланиши ҳисобланади, бу эса ахолига истеъмол буюмла-рини танлашларыда катта эркинлик беради, чет эллардан то-варларни сотиб олиш имкониниң көнгайтиради, яқин истиқ-болда истеъмолнинг анча ўсишига ва истеъмол талабини қо-ндиришга олиб келади.

Шу билан бирға, мамлакат ишлаб чиқарувчилари учун рақобат мұхитини яратып туфайли вужудга келадиган бил-восита ағзалылдар бундан анча мұхымроқ ҳисобланади, чунки рақобат мұхити уларни ресурслардан самаралыроқ фойдала-нишга ва ишлаб чиқарыладиган товарлар ҳажмини ошириши-га мажбур қылади. Импорт рақобат тазийкінинг мұхи ман-бай бўлиши мумкин. Халқаро рақобат учун мамлакат иқти-содиётининг очиқтігі, режали иқтисодиёт ҳукм сурган кўпчилик давлатларга хос ички монополистлар ва олигопо-листлар хокимиятини кучсизлантиради. Узоқроқ муддатли истиқболда импорт билан рақобат ишлаб чиқарышни янги-лашга ва мамлакатда ишлаб чиқарыладиган маҳсулотлар си-фатини яхшилашга рағбатлантиради. Мамлакат корхоналар ишлаб чиқарыладиган маҳсулотлар ассортиментини ўзгарт-иришга ва янгилашга, янги технологияларни жорий қили-шга мажбур бўлади. Акс ҳолда уларнинг маҳсулотлари им-порт товарлар билан рақобатлаша олмай қолади.

Жорий операциялар бүйічә эркін айирбошланиш қобилятини жорий этиш билан боғлиқ **таваккаллик** импорт харидлар самarasини тенглашпириси учун етарли экспорт ба-засининг йўқдиги шароитида товарлар (ресурслар) импорти-нинг ички иқтисодиётга тазийкі туфайли ички ишлаб чиқ-аришнинг қисқарниши, ишсизликнинг кўпайиши эҳтимоли

◆ БОЗОР ВА ОЧИҚ ИҚТИСОДИЁТ ◆

бидан бөглиқ. Шунга құра, күпчилик ривожланаёттан мамлакаттар ва ўтиш иқтисодиётини бошидан кечираёттан мамлакаттар чекловларнинг ушбу турлари - валюта курсларининг күптігі, экспорт ва импортни лицензиялаш, экспорт валюта түшумининг бир қисмими топшириш ҳақыдаги таблалар, мамлакатдан ташқарыда олинадиган валютадаги фойдаланырлардың қызығынан (ўз мамлакатига қайтариш), хорижда ҳисобварақтар очилишини назорат қылиш, икки тоғонлама тұлов битимлари ва ҳоказоларни құллайды.

Сармоялар ҳаракати бүйічә эркін айирбошланиш қобилятигин жорий этиш анчагина макроиқтисодий устуныларга эта бүлиш имконини беради ва айни пайтда тавакалл иш тутиш ҳолатлары ҳам күпайды. Устунылар чет эл инвестицияларини жалб қылиш, замонавий технологиялар ва менежерлік тажрибасини олиш, шунингдек ақоли ва корхоналарга инвестициялаш учун қулай шароитлар яратып беріштден изборат. Сармоялар ҳаракати бүйічә эркін айирбошланиш қобилятигин жорий этиш келиши мүмкін бўлган ижобий оқибатларга қарамай, шуни айтиш лозимки, буларни амалга ошириш учун ушбу қўшимча шароитлар - қонунчилик тизими, макроиқтисодий ва сиёсий барқарорлик, ривожланган ишлаб чиқариш инфраструктураси, шу жумладан транспорт тизими ва коммуникация тармоқлари, юқори мамлакали ишчи кучи, бой табиий хом ашё ресурслари мавжуд бўлиши лозим.

Иқтисодий исплоҳотларнинг муваффакияті асосан хорижий сармояни жалб қылишга бөглиқ бўлса ҳам, сармоялар ҳаракати бүйічә эркін айирбошланиш қобилятигин жорий этаётган мамлакатга сармояларнинг “қочиши” хавфи таҳдид қиласади. Сузувчи валюта курси мавжуд тизимларда сармояларнинг четга чиқиб кетиши миллий валютанинг алмашпинув курсини анча пасайтириб юборади. Валюта курси белгиланган мамлакатларда сармояларнинг четга чиқиб кетиши чет эл валютаси резервларини йўқотиш эҳтимолини, валюта курси ва ички стапка фонdlарни динамикасининг бесқарорлашувини, пул массасининг

күпайиб-камайишни келтириб чиқаради ва шу тариқа макро-иқтисодий барқарорлыкка эришишни анча қийинлаширади. Құғыллік иқтисодчиларнинг фикріча, жорий операциялар бүйічә эркін айирбошлини қобиляти билан боғлиқ тавак-каллардан күра сармоялар ҳаракати бүйічә эркін айирбошлини қобиляти билан боғлиқ таваккалларларга йўл қўйма-слик муҳимроқ.

Сармоялар ва кредитлар бүйічә чекловлар фақат сано-ат базаси күчсиз бўлган давлатлардагина эмас, балки саноати ривожланган мамлакатларда ҳам кенг тарқалган. Масалан, 1993 йилда ХВФга аъзо 178 давлатдан 147 таси сармоялар ҳаракати бўйигча чекловларни (улар орасида Италия, Фран-ция, Швеция, Туркия, Греция, Норвегия, Португалия, Ис-роил, ЖАР, Корея, Ҳиндистон бор), 97 таси жорий операци-ялар бўйичә чекловларни ўринатган.

Халқаро валюта тизими мамлакатлараро барча ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши жараённіда шактла-нади. Валюта муносабатлари пайдо бўлиши ва ривожлани-шининг объектив асосини халқаро меҳнат тақсимоти, товар ишлаб чиқариш, халқаро савдо, сармояларнинг халқаро кре-дит ва инвестициялар шаклида ҳаракатланиши ташкил қил-ади.

Жаҳон валюта тизими товарлар билан савдо-сотиқ қилиш, хизматлар кўрсатиш, сармояларнинг ҳаракати шак-лидаги ташқи иқтисодий алоқаларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ халқаро валюта муносабатларини ташкил қилишга доир давлатлараро битимлар мажмугасидан иборат.

Халқаро товарлар савдо-сотигига жалб қилинган, та-шиш, суғурға ва ҳоказо билан боғлиқ, халқаро кредит берув-чи ёки олувчи хўжалик вакиллари мамлакат ичидаги хўжалик битишувлари учун хос бўлмаган муаммога дуч келади. Бу товарлар ҳамда хизматлар импорти ва экспорти битимла-

ТАШКЕНДДАНИ СЕРДИНИЧИЧИ ВАЛЮТА-МОНГОВИИ ЖИҚАТЛАСЫ

ри бўйича халқ ҳро ҳисоб-китоблар шартларини аниқлаш муаммосидир. Ўзбекистон мамлакатда Президентнинг 1994 йил 16 июндаги “Ўзбекистон Республикаси миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ мамлакатимиз ҳудудида 1994 йил 1 июлдан бошлаб муомалада юрадиган ягона тўлов воситаси сўм ҳисобланади.

Жаҳонда 100 дан ортиқ ҳар хил пул бирликлари мавжуд. Барча миллий пул бирликлари муайян давлатлар ичida товарлар ва хизматларнинг олди-сотдиси, кредит битишувлари бўйича хўжалик келишувларига хизмат кўрсатади. Бироқ, товарлар ва хизматлар сотиб олинадиган ва сотиладиган ёки пул ва сармоялар оқими давлат чегараларини кесиб ўтдиган ҳалқаро иқтисодий алоқалар жараёнида миллий пул бирлигига тўлов ёки ўтказиш учун зарур валютани сотиб олиш эҳтиёжи туғилади. Шунда хўжалик вакиллари ўзлари учун зарур валютани тегишли курс бўйича керакли ҳажмда сотиб олишлари мумкин бўлган валюта бозорига мурожаат қиласиди. Валютани сотиб олиш ёки сотиш зарар кўриш таваккали билан боғлиқ. Масалан, товарларни чет элга сотиш натижасида экспортчилар чет эл валютасида кўрадиган фойда ҳалқаро валюта бозорларида ўши валютанинг қадрсизланishi натижасида камайиб кетиши мумкин.

Ҳалқаро валюта тизими ўз тараққиётida бир неча тарихий босқичларни босиб ўтди. Ҳалқаро валюта тизимининг энг биринчи шакли олтин андоза тизими бўлган. У 1870 йилдан 1914 йилгача давом этган. Унинг моҳияти нимадан иборат эди? Мамлакатлар ўргасида ҳалқаро савдо-сотиқ қизгин ривожланган XVII-XVIII асрларда Фарбий Европанинг кўпчилик давлатлари пул бирликларини олтинга эркин алмаштириши тажрибасини кўллади. Ўша даврларда иқтисодиёт фанида меркантилчилар тояси хукмронлик қиласарди; бу тояга кўра, миллатнинг бойлиги экспортнинг импортдан устунлик қилиши натижасида мамлакатга олтин ва кумушнинг оқиб кириши билан боғлиқ. Олтин андоза тизими металл муомаласи даври ёки монометализм даврига хос бўлган.

ТАШКИМ ИДДИСОЗИИ СРАГЕТИКИДИ ВАЛЮТА-МОЛЛАЯВИИ ЖИХАДЛАРИ

1867 йилдаги Париж шартномасига мувофиқ, олтин андоозанинг асосий аломатлари қўйидагилар деб белгиланган:

1. *Давлат пул бирлигининг муайян олтин миқдорига тенглигини белгилаб қўйиш ва пулларни ёзилган қиймати бўйича олтинга эржин алмаштириш.*

2. *Давлат томонидан алмаштирилаадиган қоғоз-кредит пуллари билан олтин заҳираси ўртасида қатъий паритет (тенглик)нинг қўллаб-қувватланиши.*

3. *Олтин импорти ва экспортига тўсиқларнинг йўқлиги.*

Биринчи аломатга мувофиқ, ҳар қайси валюта ўзининг олтин миқдорига ёки граммлардаги олтин массасига эга бўлган; бунда турли икки мамлакат валюталарининг валюта каритети тегишли валюталарнинг олтин массалари нисбати билан қатъий белгилаб қўйилган. Таъзи савдо алоқаларининг ташкилий ўзаги халқаро меҳнат тақсимоти (бунинг асосий тамойиллари Д. Рикардонинг нисбий устунликлар назариясида ривожлантирилган) бўлганлиги сабабли мамлакатлар орасидаги савдо алмашинуви объектив жараёнларининг таъсири валюта курсларининг бир-бирига нисбатан тебриниб (ўзгариб) туришига олиб келган, натижада валюта бозори иккига расмий ва бозор турларига бўлинниб кетган.

Бу ҳол қандай қилиб юз берди? **Олтин нуқталари** деб аталадиган тушунча мавжуд бўлган. Олтин нуқталари валюта курсларининг шундай қийматики, шу қийматга етганда савдо-сотиқни амалга ошираётган икки мамлакат ўртасида олтин юра бошлайди. Олгин нуқталарнинг экспорт ва импорт турлари фарқланган. Мамлакатнинг пассив савдо балансида пул бирлиги курси пасайиб, бозор курси билан расмий олтин курси ўртасида тафовутни келтириб чиқарган. Агар тафовут экспорт олгин нуқтасига етса, импортчи учун валюта билан эмас, балки олгин билан ҳисоб-китоб қилиш фойдали бўлган, бу эса олтиннинг мамлакатдан четта чиқиб кетишига (экспортга) олиб келган.

Тўлов балансининг актив ҳолатида ва курс ошганда тексари манзара юз берган, яъни мамлакатта олгин кириб

келган. Агар бозор валюта курси импорт олтин нүктагача күтарилса, экспортчилар ўз импортчиларидан етказиб берган товарлар учун ҳақни пул билан эмас, балки олтин билан олган; бу эса импортчиларга экспортчининг мамлакатидаги валютага нисбатан арzon тушган. Бу ҳолда мамлакатга олтин кириб келган (импорт).

Хар қайси ҳолда у ёки бу мамлакатга олтиннинг кириб келиши валютага талаб ва таклифнинг ўзгаришлари келтириб чиқарган тебранишларни “сўндирган”. Олтин андозанинг иккинчи шарти жуда муҳим роль ййнаган. Бу шартга кўра, олтин андоза тизимининг иштирокчиси бўлган давлат ички муомаладаги пул массаси билан олтин захираси ўртасидаги қатъий нисбатни қўллаб-кувватланиши шарт ҳисобланган. Давлатлар ҳам олтин, қимматли қоғозлар билан таъминланган, ҳам улар билан таъминланмаган банкнот эмиссияси лимитларини белгилаган. Шундай қилиб, пул эмиссияси олтин захиралари билан чекланган. Масалан, Англиядан АҚШга олтиннинг оқиб ўтиши доллар курсининг инглиз фунти учун амалдаги курсининг нисбатан күтарилишин томонга дастлабки оғиши (яни, АҚШ долларининг алмашув курсини кўтарилигани) туфайли АҚШ олтин захирасини кўпайтирган. Бу ерда англиянина мураккаб сабаб-оқибат жараёни бошланган. АҚШ олтин захирасининг кўпайиши АҚШдан иккинчи шартта мувофиқ муомаладаги доллар банкнотлари тарзидаги пул массасини кўпайтиришни талаб қилиган, айни вақтда Англияда олтиннинг камайиши ундан муомаладаги фунт стерлингларни ўнга яраша қисқартиришни талаб қилиган. Долларларнинг кўпайиши умумий эҳтиёж ва нархлар даражасининг ўсишига, америкаликларнинг иш билан бандлик даражасининг кўтарилишига, улар даромадларининг ошишига, пул бозорида фоиз ставкаларининг пасайишига сабаб бўлади. Аксинча, Англиянинг пул муомаласида фунт стерлингларнинг пасайиши тескари жараёнларга - умумий эҳтиёжнинг қисқаришига, нархлар даражасининг пасайишига, ишсизликнинг кўпайишига, англияликлар даро-

мадининг камайишига фоиз ставкасининг олишига олиб келди. Америкаликлар даромадининг ортиши Англиядан келтириладиган импорт товарларга таъбларини ошириши, АҚШда фоиз ставкасининг пасайиши Англияга инвестицияларнинг чиқиб кетишига сабаб бўлиши лозим эди. Бу ҳаммаси охир-оқибатда АҚШнинг валюта захираларини камайтиради ва долларнинг алмашув курсини пасайтириди; Ва, аксинча, инглизлар даромадининг камайиши уларнинг Америка товарлари импортига талабини қисқартириши, Англия фоиз ставкасининг кўтарилиши Америка инвестицияларини жалб қилиши лозим эди. Буларнинг ҳаммасига тенг таъсирили самара, яъни АҚШ доллари ва фунт стерлингларнинг алмашув курси оғишининг янги бир олтин нуқтада муайян мувозанатга келиши бўлди.

Олгин андоза тизими ўз устуналларига эга бўлган. Булар қўйидагилардан иборат. **Биринчидан**, олгин андоза валюта курсларининг маълум даражада барқарорлигига ва уни олдиндан билиб туриш мумкинлигига кўмаклашди, бу эса ҳалқаро савдо ривожида катта аҳамиятга эга. **Иккимичидан**, олгин андоза механизми (уч асосий шартга қаранг) фақат қисқа мuddатга вужудга келиши мумкин бўлган тўлов баланси тақчиллеклари ва активларини ўз-ўзидан тўғриланнишига ёрдам берди. Бундай ўз-ўзидан (автоматик тарзда) тўғриланиш мамлакат ҳукумати томонидан дискрецион макроиқтисодий тадбирлар кўрилишини талаб қилмади.

Баъзи иқтисодчиларнинг фикрича, олгин андоза механизми бундай идеал тарзда ишламаган, ҳукуматлар ва Марказий банклар тўлов баланси мувозанати ва валюта паритети (тengлиги) бузилганда тегишли тадбирларни кўришган. Уларнинг таъкидлашича, олгин андоза устуворлигининг ҳақиқий сабаблари - жаҳон савдосининг сокин ва қулай конъюнктураси (ҳолати)га олиб келди.

Бироқ ўзининг қатъий шартлари билан олгин андоза тизими **жаддий вуқсоларга** ҳам эга. **Биринчидан**, пул массаси ва олгин захираси орасидаги қатъий нисбат қоидаларига риоя қилиниши натижасида иқтисодий ривожланиши ва иш

ТАШКИ ИҚТІСОДИЙ СТРАТЕГИЯНИНГ ВАЛЮТА-МОПИЯВИЙ ЖИХАТПАРИ

бидан бандлыкка доир ички масалаларни ҳал этишда ички макроиқтисодий сиёсат воситаларидан фойдаланишини қиинлашырды. **Иккінчидан**, олтин паритети ва алмашув курси барқарорлыгини сақлаң түриш учун давлат иктиёрида олтин ва чет эл валютасыдаги актив доимо мавжуд бўлиши лозим эди.

20-йиллар охири 30 йиллар бошида капиталистик мамлакатларни ўз домига торған буюк депрессия (тушкунлик) олтингедеиз андоза тизимига ўтилишига сабаб бўлди. Депрессия даврида кўпчилик мамлакатлар ўз ички муаммоларини ҳал қилишга интилиб, миллий валюталарини девальвация қилиш (курсини пасайтириш)га мажбур бўлиши.

1944 йилда Бреттон-Вуд конференциясида белгиланган валюта курсларининг анча либерал (эркин) тизими олгин доллар андозаси тизими сифатида долларнинг халқаро резерв валюта сифатидаги олтинта алмаштирувчанлигига асосланган эди. Бунда давлатларнинг ички пул тизимлари белгиланган валюта курслари ва валюталарнинг АҚШ долларига нисбатан эркин айирбошланиш тамойилига мослаб қайта тузилди. Тизим ўз манбалари ва ўша Бреттон-Вуд конференциясида тузилган Халқаро валюта фонди (ХВФ)дан олинган қарз ҳисобидан қилинган валюта босқини (интервенциялари) ёрдамида валюта паритетларини ўзгартирмай сақлашга қаратилган. Бирок, 1949 йилдаёт, буюк саноат мамлакатларини АҚШ долларига нисбатан оммавий девальвациялар оқими қамраб олди, натижада бу тизим аста-секин емирилди. 1971-73 йиллар мобайнида АҚШ жаҳон валюта инқирози натижасида изчил равишда бир неча доллар девальвациясини ўтказишга мажбур бўлди - олгиннинг расмий нархи 8,6% ошди, долларнинг курси ўртача 10-12% пасайди, валюта курсларининг тебранишлари чегараси 2,25% гача кенгайди, олтиннинг нархи навбатдаги 11,1% га ошганидан ва доллар девальвациясидан сўнг 1973 йил 16 марта Гардаги Париж шартномаси амалда белгиланган курслар тизимида валюталар курсларининг бир-бирига нисбатан эркин "сузиш"ларига ўтган-

ТАШҚИ ИҚТІСОДИЙ СТРАТЕГИЯНИНГ ВАЛЮТА-МОЛІЯВИЙ ЖИХАТПАРИ

лигини билдируди. Ҳозирги кунда фақат бир неча - АҚШ доллары, немис маркаси, фунт стерлинг, япон иенаси ва бошқа бაъзи валюталаргина мустақил “сузувчи” валюталар ҳисобланади.

Бреттон-Вуд тизимининг барбод бўлишига халқаро савдо ҳажми ва миллий иқтисодиётлар интеграциясининг борган сари ўсиб бориши, Европа бозорларининг ривожланиши, нефть инқизоллари даврининг бошланиши бевосита сабаб бўлди. Олтиндан нарилашишнинг чуқурроқ сабаблари халқаро меҳнат тақсимоти ривожланиши билан алмаштириш суръатларининг жаҳон олтин захирасининг ўсиши суръатлирига мос келмаслиги олтин захираларининг давлатлар ўртасида тенг тақсимланмагани, янги саноат мамлакатларининг жадал иқтисодий ривожланиши ҳисобланади.

Ҳозирги замон иқтисодиётида бошқариладиган валюта курслари деб атаси мумкин бўлган ҳар хил валюта тизимлари мавжуд. Бир томондан тўлов балансининг мусбат ёки манфий сальдоси тарзидаги турғун номутаносиблиги вужудга келмаслиги учун валюта курслари сузиш имконига эга бўлиши лозим, деб ҳисобланади.

Иккинчи томондан - сармояларнинг чайқовчиллик оқимлари келтириб чиқарадиган валюта курсининг қисқа муддатли тебранишлари тўлов балансларининг номутаносиблигини вужудга келтиради. Оқибатда мамлакатлар ўргасида шундай келишув пайдо бўлдики, валюта курсининг бундай конъюнктуравий тебранишларини текислаш мақсадида марказий банклар чет эл валютасини валюта бозорларида сотиб олади ва сотади.

Шундай қилиб, валюта тизимларининг ривожланиши тарихи валюталарнинг белгилантан алмашув курсларидан сузувчи алмашув курсларига аста-секин ўтилганлиги тамойилларини кўрсатади. Буни шундай изоҳлаш мумкин: валюта курси тартибини танлашда, бир томондан тўлов балансининг тақчиллик эҳтимолини бартараф қилиш ва иқтисодиётни халқаро бозорга тез жалб қилиш ўргасидаги оптималь (энг

маъқул) баланс, иккинчи томондан, ички иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш билан мамлакат корхоналарининг рақо-батбардоштигини қўллаб-кувватлаш, ишлаб чиқариш ва молиявий инвестицияларни жалб қилиш, самарали бандликни сақлаб туриш ва инфляцияга қарши тадбирларни ўтказиш умумий мезон ҳисобланади.

Ташқи ва ички иқтисодий сиёсат мақсадлари ўргасидаги айнан ана шу зиддиятлар қатъий белгиланган валюта курсларининг "сузувчи" нисбатан эркиш тизимга алмашиниши тарихий тамойилини белгилаб келган ва ҳозир ҳам белгиламокда. Ҳозирги замон бозор иқтисодиётida белгиланган валюта курси тартиби турли операциялар бўйича унинг тез-тез қайта кўриб чиқилишини (девальвация ва ревальвацияни), чет эл валютасига ёки бирон-бир валюталар мажмуасига нисбатан тебранишларининг кичик чегараларини аниқлашни билдиради.

Бундай тартибининг барқарорлигини сақлаб туриш давлатдан ишлаб чиқариш тизимининг таркибий тузилиш ва циклии ўзгаришларига мослашувчаникни ҳамла валюта босқинини амалга ошириш учун етарли олтин-валюта захиралари мавжуд бўлишини талаб қиласди.

Ишлаб чиқариш ва истеъмол соҳаларидаги объектив тармоқилларга кўра ва ташқи савдо оборотининг ривожланиши муносабати билан давлатлар номинал валюта курсининг "таранг боғланган белбоғи"ни борган сари бўшата боришга мажбур бўлмоқда. Қисқа муддатли конъюнктурада самарали бўлган қатъий белгиланган курс узоқ муддатли кўламда ички иқтисодий сиёсат мақсадларини тўлиқ амалга ошира олмайди. Но-текис иқтисодий ривожланиши натижасида савдо алмашинувининг мувозанатсизлиги (дисбаланси) туфайли давлатнинг олтин ва чет эл валютаси захиралари аста-секин толиқмоқда, бу ҳол эса бозор курсларининг расмий курслардан оғишига, маъмурий чоралар қўлланилишига олиб келади, натижада экспорт қисқаради, ички ишлаб чиқариш ҳажми камаяди, бандлик озаяди, ички нархлар кўтарилиб кетади. Демак, валюта курси қанчалик қатъий бўлса, иқтисодиётнинг ички муаммо-

ларини ҳал қилишга қаратилган макроиктисодий сиёсатнинг имкониятлари шунчалик чектаниб қолади.

Банклар савдогарлар ва саёхатчилар учун бир валюта-ни иккинчисига алмаштириб бериш йўли билан ҳалқаро савдо тараққиётiga шароит яратиб келган. Миллий валюта тизими, сўнгра эса ҳалқаро валюта тизими шу тариқа шаклланган. Тарихан банклар аввал ўз мамлакатларида, сўнгра унинг чегарасидан ташқарида бўлинмалари, ваколатхоналари, филиаллари, қўшма корхоналар, чет эл компаниялари орқали молия хизматлари кўрсатишган.

Нима учун банклар ўз фаолияти кўламини давлат ташқарисида ҳам кенгайтиришга ҳаракат қўлган? Бунинг сири оддий: янги фойда манбаларини излаш тижорат банкининг ҳалқаро бозорлардаги экспансияси (кенгайипши)нинг асосий омилидир. Имкониятлари чектанган ички молия бозорини ўзлаштириш, бу борада банклар ўртасидаги рақобатнинг кучайиши, маҳаллий назорат органлари томонидан киритиладиган маҳсус чеклаштар ва бошқа сабаблар банкларни бундай изланишга мажбур қиласди. 50-60 йилларда Америка банклари бошқа давлатларда энг кўп фаоллик кўрсатилилар. Улар ўз фаолиятларини Фарбий Европа, Ўрга Шарқ, Жанубий ва Марказий Америка савдо марказларига ёйди. 80-йилларда Япония банклари ҳалқаро молия бозорларида ўз мавқеларини анча кучайтирди.

Ҳалқаро банкларнинг ташкилий шаклтари қандай? **Банк бўлинмалари** ҳалқаро банклар фаолиятининг бошқа давлатлар ҳудудида энг кенг тарқалган ташкилий шаклидир. Бўлинмалар, ҳудди асосий идора каби, тўлиқ хизматлар турини кўрсатади. Банкларнинг чет эл бўлинмалари юридик шаҳе ҳисобланмайди, балки фақат банк корпорациясининг бўлинмаларидангина иборат бўлиб, корпорациянинг бош оғиси ўз мамлакатида жойлашади.

Филиаллар аҳамияти жиҳатидан навбатдаги ташкилий шакл ҳисобланади. Улар ўз сармоясига эга бўлган ва опе-

ТАШКИ ИҚТІСОДЫН СРДАЛЫҒЫНДА ВАЛЮТА-МОНІЯВИЙ ЖИЖАТЫЛАРЫ

рацияларни мустақил равищда амалға оширадиган юридик шахсдан иборат. Хорижий банклар ўз филиалларини бошқа давлат ҳудудида янги банк таъсис қилиш ёки мавжуд банкни сотиб олиш йўли билан ҳам ташкил қилишлари мумкин.

Ваколатхоналар — ташкилий шакллар ичидаги оддийси. Уларнинг асосий вазифаси - банкнинг бош компанияси, унинг исталган бўлинмаси ёки филиали хизмат кўрсатаётган мижозлар билан алоқаларни сақлаб туриш, шунингдек янги мижозлар топишлар.

Халқаро банкларнинг фаолияти, одатда, уларнинг мамлакатида ҳам, ҳудудида банклар фаолиятни кўрсатадиган мамлакатларда ҳам банк фаолиятини тартибга солиб турадиган меъёрий-хукуқий қонидзларга мос келади. Иқтисодчиларнинг баҳоларига кўра, банк ишини қайта тартибга солиш, шунингдек уни халқаро кўламда унификациялаш (бир шаклга келириши)нинг турғун тамойили кузатилмоқда.

Халқаро банклар кўплаб банк хизматларини кўрсатади.
Уларнинг ичидаги қуйидагилар асосий ҳисобланади:

- *товарлар импорти ва экспорти билан боғлиқ халқаро ҳисоб-китоблар бўйича тўловвларга хизмат кўрсатиш, резидент мижозларнинг чет эл қимматли қоғозларини ва норезидент мижозларнинг маҳаллий қимматли қиғозларни сотиб олишлари, пул маблағлари ва депозитлар бўйича ўтказмаларни амалға ошириш ва бошқа операциялар учун маҳаллий ва хорижий мижозларнинг жориий ва депозит ҳисобварақларини юртishi;*
- *евровалютада депозитлар қабул қилиш ҳамда мижозларга қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ёки кредит кафолатлари бериш;*
- *банк мижозлари чиқарадиган еврооблигациялар, қимматли қоғозлари ва облигацияларини халқаро бозорларга жойлаштириш;*
- *чет эл валютасини қадрсизланишидан ва фоиз ставкаси тебранишлари таваккалайдан ҳимоя қилиш.*

ТАШКИ НА ИКСОДИЙ СПРЯТЫЙ БАНКИИ ВАЛЮТА-МОЛИЯИИ МИЖЗАЛАРИ

Тўлов операцияларининг ўтказилишида ўз мижозларига хизмат кўрсатиш ҳақида биз кейинроқ батафсил гашрамиз. Ҳозир банк хизматларининг бошқа турлари ҳақида тўхтalamиз.

Халқаро банкларнинг кўпчилик депозит ва кредит операциялари евровалютада амалга оширилади. Евровалюта деганда АҚШ доллари, немис маркалари ва шу валюталарнинг эмитентлари бўлган мамлакатлардан ташқаридан ссуда сармояси сифатида ишлатиладиган бошқа валюталардаги валюта маблағлари тушунилади. Евродолларлар бозори евровалюталар бозорининг тарқибий қисми ҳисобланади, чунки ҳозирги кунгача АҚШ доллари асосий резерв валюта ҳисобланади.

Халқаро банклар ўз мижозларининг қисқа ва узоқ муддатли омонатлари шаклидаги жамғармаларни кўпроқ қабул қилинмоқда. Жамғарма ҳужжатлари ичida энг кең тарқалгани депозит сертификатидир. Мижозларининг жамғарма омонатлари бўйича фоиз ставкаси кўпчилик ҳолларда белгилаб кўйилган бўлса ҳам евробозорда "сузуҷчи" фоиз ставкали депозит сертификатлари муомалада юради. Бундай "сузуҷчи" фоиз ставкаси баъзи миллий фоиз ставкасига қўшимча базис фоиз ставкаси тебранишларига боғлиқ. Базис фоиз ставкаси сифатида кўпинча ЛИБОР фоиз ставкаси (халқаро банклар ўтасида евродолларларда юрадиган қисқа муддатли депозитлар бозоридаги банклараро қарз-зәймлар бўйича Лондон таклиф ставкаси) қўлланилади. Бощқа регионал евробозорларда база фоиз ставкаси сифатида тегишли регионал молия марказининг ЛИБОР тарзидаги фоиз ставкаси қўлланилади. Масалан, Парижда ПИБОР, Франкфурт-Майнда ФИБОР, Сингапурда СИБОР. Евробозорлар учун база фоиз сифатида бирон бир аниқ миллий фоиз ставкаси хизмат қилинсанлигига қарамай уларнинг барчаси евробозорда миллий фоиз ставкаларининг динамикаси (ўзгариши) билан ўзаро боғлиқ бўлади. "Сузуҷчи" фоиз ставкали депозит сертификатлари қарздор ва инвесторларни фоиз ставкаси тебранишларидан ҳимоя қилишга анча мос келгани учун ўтгача муддатли

(1-5 йил) жамғарма ҳужжати сифатида қўлланилади. Евробозорда сузувчи фоиз ставкали, узиш муддати 20 йилгача бўлган қарз қимматли қоғозлари узоқ муддатли инвестиция воситаси ҳисобланади.

Халқаро банклар ўз ватанида ҳам, хорижда ҳам ҳукуматлар учун, трансмишлий корпорациялар учун **асосий кредитлар маинбаси** ҳисобланади. Қисқа ва узоқ муддатли кредитлар бўйича ҳам, депозитлар бўйича ҳам халқаро банклар фоиз ставкаси "сузувчи" ҳисобланади ва **ЛИБОР** тарзидаги база фоиз ставкасига боғланади. Халқаро банклар евровалюта кредитларини, одатла кредитта лаёқатлилик рейтингти юқори бўлган қарз олувчиларга беради. Бундан ташкари, халқаро банклар ўз мижозларининг евробозорлардаги замълари (қарзлари) бўйича кредит кафолатлари бера бошлади. Йирик халқаро банклар эмитентлар сота олмаган, узиш муддати 3-6 ойлик қарз қимматли қоғозларини сотиб олиш ёки **ЛИБОР** фоиз ставкаси асосида қўшимча ссудлар бериш мажбуриятини олади.

Халқаро банкларнинг кредитлари векселии (импортчи қарз мажбуриятлари бўйича эксперчига қарзини узиши учун банк унга вексел кредити беради) ёки акцептли (банк шошилини ҳаражатлар акцептини ўтказади, бу эса векселнинг ишончлилиги ва ликвидлигини оширади) бўлиши ҳам мумкин.

Халқаро банклар евротижорат қоғозлари бозорини ривожлантиришда катта фаоллик кўрсата бошлади; улар бу билан иштаб чиқариш, молия ва савдо компаниялари чиқаридиган еврооблигациялар ва европотлар (сўзувчи фоиз ставкали қисқа муддатли мажбуриятлар)ни жойлаштиришга кўмаклашмоқда. Улар бундай тижорат қарз мажбуриятларининг харидчилари ёки ўз мижоз-инвесторлари манфаатларини ҳимоя қиласидиган агентлар сифатида фаолият кўрсатади.

Валюта курслари тебраниб турган шароитда импортчи мижозлар ҳар доим валюта таваккалига маҳкам. **Валюта таваккали** деганда ташкӣ савдо ёки кредит битими тузилга-

нидан то у бўйича тўловлар амалга оширилгунга қадар ўтган таврда курснинг ўзгариши натижасида валюта йўқотиш хавфи тушунилади. **Валюта курси пасайгацда** тўлов (битимни гўлаш, кредит ва фоизларни қайтариш)ни олувчилар - экспортчи ёки кредиторлар зиён қиласди, тўловчилар импортчи-лар ёки ссуда олувчилар фойдали вазиятда бўлади. Аксинча, **валюта курси кўтарылгацда** тўловчилар зиён қиласди, тўловни олувчилар фойда кўради. Шундай қилиб шу нарса равшанки, валюта тебранишлари (ўзгаришлари) битимни имзолаган ёки кредит шартномаси тузган иккала томон учун ҳам номақбул оқибатларга олиб келиши мумкин.

Валюта таваккалдининг олдини олиш ёки ундан ҳимоя қилиш учун чет эл валютасининг қиймати кўтарилиши ёки қадрсизланиши таваккалидан турлича **хежирлаш усуllibar** (ҳимоя қилиш) тарқалмоқда. Валюта фьючерс (муддатли) битимлари хежирлаш усулинидан энг кенг тарқалгани хисобланади. Валюта фьючерс бўйича сотувчи белгиланган нарх бўйича чет эл валютасига келишилган суммасини белгиланган муддатда сотиш, харидор эса сотиб олиш мажбуриятини олади. Валютани сотиб олиш қийматининг кўтарилиши таваккалидан хежирлаш ва битимни тўлашга олинган валюта қийматининг пасайишдан хежирлаш фарқ қилинади. Биринчи ҳолда ипорти мижоз ўзини ташки савдо битими гўловини бажариш мақсадида чет эл валютасини сотиб олиш пайтидаги қиймат кўтарилиши таваккалидан ҳимоя қилиади. Импортчи тузилган битим бўйича экспортчига тўловни бажариш учун яқшى келажакда чет эл валютасини сотиб олиши зарурлитетини олдиндан билиб, банк воситачилигига экспортчи билан ҳисоб-китоб қилиш пайтида уни қониктирадиган муайян нарх бўйича фьючерсларни чет эл валютасида сотиб олади. Агар экспортчи билан ҳисоб-китоб қилиш муддати еттунга қадар чет эл валютасининг нархи ёки курси кўтарилса, импортчи ўша ўзи сотиб олган фьючерс битимни юқори курс бўйича сотади. Олинган фойда экспортчи билан ҳисоб-китоб қилиш пайтида энди амалда сотиб оладиган чет

ТАШКИ ИҚТІСОДИЙ СТРАТЕГИЯННИҢ ВАЛЮТА-МОЛИЯВИЙ ЖИХАТЛАРИ

Эл валютасининг юқори қийматини қоплади. Олинадиган чет эл валютаси қийматининг күтиладиган пасайиши таваккалидан ҳимоя қилиш лозим бўлган ҳолда экспортчи олдинига фьючерс битимни ҳали ҳам юқори нархда сотади. Сўнгра, худди купилганидек, чет эл валютасининг жорий курси ҳақиқатдан ҳам пасайгандга экспортчи фьючерс валюта битимини энди нисбатан арzon нархда сотиб олади. Олинган фойда импортчидан амалда олинган чет эл валютасининг пасайган қийматини қоплади.

Валюта таваккалидан ҳимоя қилишининг юқорида баён қилинган усулидан бошқа усуллар ҳам мавжуд - валюта опционы, валюта съонстари, форвард битимлар. Булар билан танишишини хоҳдювчиларга маҳсус адабиётта мурожаат қилишларини маслаҳат берамиз.

Тапқи савдо операцияларига жалб қилинадиган хўжалик юритувчи субъектлар битимларни имзолаш борасида **валюта-молиявий шартларни** келишиб олади. Бу шартлар ушибу таркибий унсурларни ўз ичига олади: нарх валютасини; тўлов валютасини; нарх валютасини тўлов валютасига қайта ҳисоблаш курсини (улар мўс келмагандан, масалан, нефть, чой, биржа ва кимошли савдоси товарларига битим нархларини белтилашса); ҳисоб-китоб шартини (нақд пул билан ёки кредитга); тўлов шакли ва воситалари ёки маблағларини.

Нарх валютаси деганда битимда товарнинг нархи ифодаланган валюта тушунилади. **Тўлов валютаси** - битим бўйича товарга ҳақ тўланадиган валюта. Тўлов воситалари ва ҳисоб-китоблар шаклларини таъланаш қарор топган одатлар ва анъаналар, валюта молиявий шартларини белгилайдиган амалдаги месъёллар ҳамма қоидаларга, шунингдек бошқа омилларга биноан аниқланади.

Халқаро савдода экспортчи билан импортчи ўртасидаги ҳисоб-китобининг иккى томфаси **фарқланади**: нақд пул билан ҳисоб-китоб қилиш ва кредитга ҳисоб-китоб қилиш қилиш ажralиб туради. Нақд пулга ҳисоб-китоб қилиш деганда товарлар ёки товарларни тасарруф қилиш хужжатлари

ТАШҚИ ИҚТІСОДИЙ СТРАТЕГИЯНИНГ ВАЛЮТА-МОЛІЯВИЙ ЖИХАТЛАРИ

импортчи ихтиёрига ўтганда у үларнинг ҳақини нақд пул билан тұлық тұлаши түшүнилади. Ўз навбатида, кредитта ҳисоб-китоб қилиш ёки тұлов муддатини кечиктириб ҳисоб-китоб қилиш экспортчының импортчига тижорат кредити ёки импортчының экспортчига бүннак (аванс) беріши ҳисобланади. Шуни таъкидлаш мұхымки, мажбуриятларни банк кредитлари ва банк қарз мажбурият лари ҳисобига тұлық тұлаш, одатда, кредитта ҳисоб-китоб қилиш шарты ҳисобланмайды, чунки харидор товар етказиб берувиң билан кредит мұноса-батларига киришмай туриб товарларға тұлық ҳақ тұлайды.

Нақд пул билан ҳисоб-китоб қилиш экспортчи учун нисбатан фойдалы, чунки у экспорт түшумини хұжалик, савдо ёки молиявий мұомалага дархол киритиши мүмкін. Аксинча, импортчи учун күпинча экспортчига кредитта ҳисоб-китоб қилиш ёки тұлов муддатини кечиктириб ҳисоб-китоб қилиш шартини таклиф қилиши құлай. Кредитта ҳисоб-китоб қилиш шарты тижорат кредити (тижорат ўтказма векселларидан фойдаланыб) ёки очиқ кредит ҳисоб-китоби бўйича кредит шаклида амалга оширилади.

Турли мамлакатларнинг юридик шахслари ва фуқаролари ўргасыда ташқи иқтисодий, сиёсий ва маданий мұно-сабатларни ташкил қилиш учун милиція ва халқаро банклар халқаро вакиллик мұносабатларига киришади. Улар ўзларининг тизимлари орқали халқаро ҳисоб-китобларни амалга оширади. Турли мамлакатларнинг йирик банклари ўзаро вакиллик мұносабатларини ўрнатади, яъни улар бир-бирла-рида “лоро” (маҳаллік банкда чет эл банки ҳисобварағини очиш) ва “постро” (ушбу мамлакат ҳудудидаги банкнинг чет эл банкida вакиллик ҳисобварағини очиш) ҳисобваражалари-ни очади.

Халқаро ҳисоб-китобларга хизмат күрсатышда халқаро банкларнинг хизмати жуда катта. Улар халқаро молиятар-могини ҳосил қилиб, вакил банкларидаги улкан вакиллик ҳисоб варақалари тизими орқали исталған мамлакатта катта пул суммаларини осонгина ўтказади.

ТАШКИ ИҚТИСОДИЙ СТРАТЕГИЯНИНГ ВАЛЮТА-МОПИЯВИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Миллий ва халқаро банклар турлти **молия-ҳисоб-китоб воситалари** асосида халқаро ҳисоб-китобларни амалга оширади. Бунда халқаро банклар тратта (ўтказма вексел)ларни чиқаради ва тўловга қабул қиласди; тратталар оқ (исми, фамилияси ёзилмаган) ўтказма ёки оқ муддатли, тижорат ва банк тратталари турларига бўлинниши мумкин. Экспортчилар хорижий импортчиларга берадиган тижорат векселлари асосида банклар, товарлар ва хизматларга ҳақ тўлаши мумкин. Агар оқ тижорат векселидан фойдаланилса, нақд пулли ҳисоб-китоб шартига риоя қилинади. Агар муддатли траттадан фойдаланилса, ҳисоб-китоб кредитга бажарилади. Банк векселлари тижорат векселларига нисбатан кенпроқ тарқалган. Импортчилар банк векселларини миллий ёки халқаро банклардан сотиб олиб, ўз қарз мажбуриятларини узиш учун экспортчиларга жўнатади (ўтказтиради).

Халқаро ҳисоб-китобларнинг яна бир воситаси банк чеки - ҳисобланади; банк чеки уни ёзиб (тўлдириб) берувчи банкнинг ўз вакиллик банкига унинг жорий ҳисобварағидан чек эгасига муайян суммани ўтказиш ҳақидаги ёзма буйруги.

Халқаро тўлов оборотида почта ва телеграф пул жўнатмасидан фойдаланилади; булар ҳисоб-китобни тезлаштиришга ва валюта курси ўзгаришлари билан боғлиқ бўлган валюта йўқотишларини камайтиришга имкон беради.

Муҳокама учун саволлар

Учинчи бўлимни ўқиб чиқинг ва қуийдаги саволларга жавоб беринг:

- 1.** Валютанинг эркин айирбошланиш қобилияти (конвертиранувчанлиги) нима?
- 2.** Нима учун ХВФ аъзолари бўлган 170 мамлактадан фақат 10 фоиз давлаттина тўлиқ эркин айирбошланиш (конвентирланиш) тартибини таъминлайди?

◆ БОЗОР ВА ОЧИК ИҚТИСОДИЁТ ◆

- 3 Ҳатто энг ривожланган давлатлар ҳам ўз валюталари-нинг “бозорда эркин “сузишига” имкон бермайди, балки “сузувчи” курс тартибини таъминлайди. Бунинг сабаби нима?
- 4 Миллий бозорда чет эл валютасига талаб ва таклифни белгиловчи омилларни айтиб беринг.
- 5 Миллий бозорда чет эл валютасига таклифнинг ўсишини давлат сиёсатининг қандай тадбирлари таъминлайди?
- 6 Миллий валюта курсининг кўтарилишидан иқтисодиёт нимани ютади ва нимани ютқазади? Пасайишиданчи?
- 7 Импорт йўлига тўсикларнинг амал қилиши кучга киритилганда қисқа ва узоқ муддатли истиқболда миллий валюта курси қандай ўзгаради?
- 8 Нима учун кўп мамлакатлар ташқи иқтисодий операцияларнинг ҳар хил турлари учун турли валютадан фойдаланади? ХВФнинг бундай тажрибага қарши далилларини келтиринг.
- 9 Ўн йиллар мобайнида жаҳон бозорларидан тўсиб қўйилган мамлакат учун миллий валютанинг ички эркин айирбошланишини (конвейирланишини) жадал киритиш қандай оқибатларга олиб келади?
- 10 Ўзбекистонда сўмнинг тўлиқ эркин айирбошланиши (конвейирланиши)ни киритиш мумкин бўлган пирларни санаб беринг.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ СТРАТЕГИЯНИНГ ВАЛЮТА-МОППЯВИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Глоссарий ·

Валюта - халқаро тул ҳисоб-китобларига жалб қилувчи ташқи иқтисодий ва халқаро алоқаларнинг бошқа шаклларида шитирок этувчи мамлакатнинг тул бирлиги

Валюта бозори - чет эл валютасига талабнинг унинг тақлифи билан ўзаро таъсиралиши тизими.

Валюта босқини (интервенцияси) - маржазий эмиссия банкининг ўз мамлакати валютасининг курсини сақлаб туриш учун уни сотиб олиш ёки сотишга доир операциялари.

Валюта курси - бир мамлакатнинг бошқа мамлакатнинг тул бирликларидаги ифодаланган тул бирлиги нархи.

Валюта паритети (тенглиги) - турли мамлакатларнинг тул бирликлари орасидаги расмий белгиланадиган, валюта курсининг асоси ҳисобланган нисбат.

Валюта тизими - валютанинг амал қилиши билан боғлиқ иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар мажмуси.

Валютанинг эркин айирбошланиши қобилияти (конвертирувчанлиги) - миллий тул бирлигининг қонуний жиҳатдан мустаҳкамланган эркин айирбошланиши, алмаштириш жараёнига давлатнинг бевосита аралашувиносиз барча хоҳловчилар учун уни чет эл валютасига алмаштириш имкони.

Девальвация - тул бирлиги курсининг бошқа мамлакатларнинг валюталарига нисбатан пасайиши.

Либор - Лондондаги банклар биринчи класс банкларда депозитларни жойлаштириш йўли билан уларга евроВалюталарда ссуда берадиган ўртacha фоиз ставкаси.

Олтин андоза - тул-валюта муносабатларини ташкил қилишининг олтинни тул товари сифатида тайёрланишига асосланган шакли.

Ревальвация - тул бирлиги курсининг бошқа мамлакатларнинг валюталарига нисбатан кўтарилиши.

"Сузувчи" валюта курслари валюталарининг валютани тартибга солишнинг бозор механизмидан фойдаланишига асосланган эркин ўзгарувчан валюта курслари тартиби.

ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ СТРАТЕГИЯСИ ВА УСУЛПАРИ

4-бўлим

4.0. Халқаро капитал бозорлари

Ҳозирги босқичда ҳар қандай давлатнинг тез суръатларда ривожланишини хорижий инвестицияларни жалб этмай туриб таъминлаб бўлмайди. Тащқи иқтисодий муносабатлар ҳам янги сифатларга эга бўлиб бормоқда: икки мамлакатнинг хўжалик вакиллари ўргасида савдо ва хизмат кўрсатишдан ташқари алоҳида ишлаб чиқариш молия ва савдомолия алоқалари ҳам ривожланмоқда. Бундай алоқалар асосан тадбиркорлик фойдаси ёки фоизлар олиш мақсадларида хорижга пул ёки товар шаклида қийматлар ва капитал чиқаришидан иборат. Агар товарлар билан ташқи савдо уларнинг истеъмол қийматлари ёки фойдасини айрбошлила ифода этилса, капиталнинг кўчиш жараёнида эса биз янада мураккаброқ иқтисодий ўзаро алоқадорликларга, масалан, чет эл инвестицияларига дуч келамиз.

Чет эл инвестициялари инвесторлар фойда (даромад) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолиятига ва бошқа турдаги фаолият объектларига кўшаётган мулкий бойликларнинг ва уларга нисбатан ҳукуқларнинг, шунингдек интеллектуал мулкка нисбатан ҳукуқларнинг барча турлари чет эл инвестициялари ҳисобланади. Бойликларнинг бирламчи ёки такрор қўшиш шаклининг бирон-бир тарзда ўзгариши уларнинг инвестиция сифатидаги моҳиятини ўзгаришига олиб келмайди.

Хорижга ссуда капитали чиқариш билан тадбиркорлик капитали чиқариш бир-биридан фарқланади. Ссуда капиталининг ташки иқтисодий алоқалар соҳасидаги ҳаракати ҳалқаро кредитлар шаклида амал қилади. Утарни ташки қарзлар деб ҳам юритилади.

Ҳалқаро кредит - бир мамлакатдаги кредиторнинг бошқа мамлакатдаги қарз олувчига қайтаришлик, молдийлик ва фоиз тўлаш шартлари билан берадиган пул ёки товар кўринишидаги ссудадир.

Суда маблағи (сармолси) - мамлакатнинг ҳалқаро қарзлар, кредитлар шаклида чиқардиган ёки киришидиган ҳамда ссуда фоизи келтирадиган капитали.

Ҳалқаро кредит феодализм даврида пайдо бўлган. Ҳарбий юришларни ҳамда монарх ва зодагонлар саройлари харажагларини қоплаш учун қарзга маблағлар олинган. Бозор муносабатлари ривожланиб бориши билан ҳалқаро кредит ташки савдоға хизмат кўрсата бошлади ва жаҳон хўжалик алоқаларининг мұҳим унсурига айланди. Бундай кредит турли мамлакатлардаги кредиторлир билан қарз олувчилар ўргасида муайян мушдатта ҳамда фоиз тўлаш шартлари билан ссуда бериш, фойдаланиш ва уни қайтариш бўйича пайдо бўладиган муносабатларини ифода этади. Шундай қилиб, ссуда маблағини чиқариш бошқа мамлакатлар ҳукуматлари ёки тадбиркорларига қисқа ёки узоқ муддатли қарзлар берилишини билдиради.

Четга маблағ чиқариш XX аср бошларидан авж олди. Дастлаб ссуда маблағини четга чиқариш аксарият хусусий шаклида, яъни давлатнин аралашувисиз олиб бориётди. Кейинчалик бундай фаолият ҳалқаро кредит муносабатларига тобора кўпроқ аралаша бошлаган ҳукуматлар томонидан рағбатлантирила бошлиди.

Хорижий кредитлар бир қанча тоифаларга бўлинали. Жаҳонда у ёки бу мамлакат бошқа мамлакатнинг иқтисодий дастурларига ёрдам бериш мақсадларида молиявий воситалар берип иши кенг тарқалган. Бундай ҳолларда давлатларо шартномалар тузилади. Шартнома молия ресурслари берадиган ихтисослашган ҳукумат молия муассасаларининг ажратиладиган кредитларни бериш ва (ёки) суғурталаш ҳамда кафолатларни таъминлаштига асосланади.

ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАПБ ҚИЛИШ СТРАТЕГИЯСИ ВА УСУПЛАРИ

Маълумот учун материал

Халқаро кредит муносабатларининг ривожланиси жаҳон сусда маблағи бозорини шакллантириди. Бу бозорда қарз воситаларига талаб ва таклиф механизми воситасида жаҳон миқёсида молизий ресурслар тўпланади ва қайта тақсимланади. Жаҳон сусда маблағи бозори ўз моҳиятига кўра байнамилал бўлиб, миллий хўжаликларининг ўзаро бир бирига кириб бориши ва ягона жаҳон иқтисодиётига қўшилиши жараёнлари билан боғлиқ. Унинг тараққиёти даражаси айрим ҳукуматларининг валюта-молиз муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги сиёсати, хусусий ва давлат капитали харахатининг ҳуқуқий меъёлари ва қоидалари, миллий кредит тизимларининг ривожланиси даражаси, халқаро меҳнат тақсимиоти ва жаҳон савдосига тортгилиш даражаси, ишлаб чиқариш ва молия инфратузилмасининг ривожланганлиги ва бошقا бир қатор омилтар билан белгиланади.

Жаҳон сусда капитали бозори асримизнинг 60-70 йилларида янги тараққиёт босқичига кўтарилиди. Халқаро кредит операцияларида давлатлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар, банклар, трансмиллий корпорациялар, фонд биржалари, турли молия ва ташқи савдо компаниялари қатниашали.

Жаҳон сусда маблағи бозорини ўзаро боғлиқ бўлган бир неча соҳаларга ажратиш мумкин: жаҳон пул бозори, евродепозитлар бозори, еврокредитлар бозори, еврооблигациялар ва евронотлар бозори. Пул бозорида жамланадиган молия воситалари, асосан, халқаро савдога хизмат кўрсатади. Жаҳон пул бозоридаги операциялар асосан бир кундан бир йилгача муддатга ва банклараро амалга оширилади.

ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ПАРНИ ЖАЛБ КИЛИШ СТРАТЕГИЯСИ ВА УСУПЛАРИ

Бундай ихтисослашган хукумат молия муассасаларидан KFW ёки АКА банкларини (Германия), Нетпес (Германия), SACE (Италия), ECGD (Буюк Британия), EID/МПТІ (Япония), CESCE (Испания) каби экспортни кредитлаш вакиллік-ларини санаб ўтиш мүмкін. АҚШ, Япония, Туркия ва бошқа мамлакаттардаги экспорт-импорт банклари, EDC (Канада) каби вакилліктер эса лойиҳаларни бевосита кредитлашни таъминлады.

Одатда бундай моиллаштырыш кредитни оладиган мамлекат хукумати томонидан құллаб-куватланадиган кафолат асосида амалға оширилади. Бундай ишта фақат катта олтин-валюта захіраларига ва бошқа ликвид активларға ега бўлган мамлекаттина қўл уриши мүмкін. Ўзбекистонда молиялашнинг шундай усули асосида бир қатор лойиҳалар амалға оширилмоқда. Германия, Япония, АҚШдаги экспорт-импорт банклари берган кредит ресурслари ёрдамида иқтисодий инфрагузилма соҳасида фоят муҳим лойиҳалар амалға оширилмоқда. Бу борала телекоммуникация тармоғини янгилаш бўйича бир қатор лойиҳаларни, жумладан, Транссосиё Евropa шиши толали алоқа йўлининг Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтадиган қисмини қуриш, Фаргона нефтни қайта ишлаш заводини реконструкциялаш ва замонавийлаштыриш, Бухоро нефти қайта ишлаш заводини қуриш, Кўкдумалоқ нефть конини ишта солиш, “Тошкент” аэропортини қайта қуриш ва бошқа лойиҳаларни санаб ўтиш мүмкін.

Ташқи инвестиция қарзларининг яна бошқа бир тоифаси мавжуд. У ҳам бўлса халқаро молия муассасалари у ёки бу мамлакаттардаги инвестиция лойиҳаларини кредиттайди. Ўзбекистондаги лойиҳаларни молиялашни амалға оширадиган ёки амалға ошириши мүмкін бўлган тўргта энг нуфузли халқаро муассасани кўрсатиб ўтиш мүмкін: Жаҳон тикланиши ва тараққиёт банки, Халқаро тараққиёт вакилліги, Евropa тикланиши ва тараққиёт банки, Осиё ривожланниш банки. Четдан олинган қарз муайян таваккалик билан борлиқ, шунинг учун давлат ёки хусусий тармоқ доирасида ундан чет эл инвестицияларидан оқилона фойдаланып маслик мамлекатга жуда қимматта тушиши мүмкін. Корхоналар томонидан ҳақиқий кафолатлар бўлмагандан зарарни давлатнинг ўзи, унинг бюджети кўтарилиши. Шу сабабли чет эл инвестициялари соҳасидаги халқаро

ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАПБ КИПИШ СТРАТЕГИЯСИ ВА УСУПЛАРИ

Маълумот учун материал

Исломий молиялаш - энг бой мусулмон мамлакатларининг пул ресурсларини ўзаро манбаатли лойиҳаларини инвестициялашни амалга оширишда фойдаланишини билдиради. Яна шуниси диккатта сазоворки, бу лойиҳаларни албатта мусулмон мамлакатларида амалга ошириш шарт эмас, аммо маблаглардан фойдаланишида шароит тамойилларига риоя этилиши лозим.

Исломий молиялаш ташкил этадиган ғояси мусулмон мамлакатларидаги 100 дан ортиқ банкни бирлаштиради, уларнинг умумий активлари ҳажми 60 миллиард АҚШ долларидан кўпроқни ташкил этади. Исломий молиялашнинг негизини "Рибо" деб аталадиган тамойил, яъни маблагни ҳар қаёндай кўпайтириш ёки унга фойз кўшиши ман этади. Шу сабабли бундай молиялашца фойла кафолатланмайди. Бу ислом банклари молиялашнинг барча таваккаллигини ўз зинмасига олишини ифодалайди.

Молиялашнинг қўйидаги асосий усуллари бор:

1. **Айжара** - ускуна-жизозлар, машиналар, бошқа капитал активлар лизингти. Банк (ёки у ташкил этган шубъа ксрхона) активни сотиб олиб, уни буюртмачига муайян ижарг ҳақи оладиган қилиб ижарага беради. Ижара ҳақи қатъий белгиланган ёки вақти-вақти билан томонларнинг келишувига кўра қайта кўриладиган бўлиши мумкин.

2. **Айжара ва айтқина** - ижарачининг биноларни кейинчалик сотиб олиш маҳбурияти билан ижарага олиши.

3. **Модараба** - трастда иштирок этиши ёки трастни молиялаш. Бу усул икки томонни - траст бошқарувчисини ва васий босцарувидаги молиявий ресурслар эгаси бўлган шахсни ўз ичинги олади.

4. **Муробаҳа** - "қиймат" ва қўшиш" тамойили бўйича молиялаш. Банк зарур ускуна-жизозлар утун, шу жумладан ўз маблагларидан фойдаланишиб, титул (увон) сотиб олали, сунгра буюртмачи илтимосига кўра уни ўз таннаҳхи бўйича ва инсоф доирасида фойла қўйиб сотади. Унинг ҳаудини бўлиб-бўлиб тўлаш ҳам мумкин. Хусусан йирик лойиҳаларни молиялашца муробаҳанинг турли кўринишларидан фойдаланилайди.

ХАЛҚАРО ИНВЕСТИШИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ СТРАТЕГИЯСИ ВА УСУПЛАРИ

экспертлар таваккалликни давлат бюджетидан кредиторлар, хусусий қарздорлар ва сармоя бозорларига күтариши стратегик йўналиш тарзида маслаҳат беради. Сармоя бозоридан маблағларни хусусий тадбиркорлик тузилмалари томонидан жалб этилиши ва қимматли қоғозлар бозори воситачилигига тақсимланиши давлат почор корхоналарни сақлаб қолиш билан шуғулланмаган шароитларда аҳолини самаралироқ ҳимоя қилишга имконият беради.

Тадбиркорлик сармоясини чиқариш унинг чет элларда узоқ муддатта ишлаб чиқариш, савло, молия обьектларига сарфланниши (кўйиллиши) демаклир. Сармоя экспорти бевосита ва мажмуя инвестициялари шаклларида амалга оширилади. Хорижий корхонага кўйилган капитал маблағни инвесторлар назорат қиласа, бундай капитал кўйилмалар **бевосита** чет эл инвестициялари дейилади. Халқаро статистикада инвестицияларни “бевосита” турга киритишининг кўйи “остонасини” белгилашга ҳар хил ёндашувлар бор. Одамда бу кўрсаткич 10 ва 25 фоиз ўртасида ўзгариб туради. Бизнинг қонунларимизга кўра компания акцияланган капиталининг камиди 10 фоизини чет эл инвестициялари ташкил этганда бевосита чет эл инвестициялари деб ҳисобланади. Шунингдек, шу корхонанинг менежментида бевосита иширок этиши, амалга оширилаётган инвестицияларини узоқ муддатли эканлиги ҳам уларнинг муҳим белгилари ҳисобланади. Инвестициянинг бу кўриниши таваккалликни, инвестициялардан фойдаланиш самародорлиги учун масъудиятни давлат ва аҳоли зиммасига юкламасдан, тадбиркорлик тузилмалари ўртасида тақсимлашнинг энг яхши ва синалтган воситаси ҳисобланади.

Маълумот учун материал

Уларнинг ҳажми жаҳон бўйича барқарор ўсиб бормоқда, бу эса бизнеснинг жаҳон миқёсида умумлашиши жараёснини, турли мамлакатлар иқтисодиётининг ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро таъсирини кучайтирмоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, 1990 йил ўрталарига келиб бевосита чет эл инвестицияларининг умумий миқдори 2,5 триллион АҚШ долларига тенг бўлди.

Бевосита инвестицияларда асосий ўринни трансмиллий корпорациялар (ГМК) эгалтайди.

Мажмуя инвестициялари сармояни даромад кўриш мақ-

Middle East - *East Asia*

Инвестициялар бўйича ҳар йили ЮНКТАД (БМТнинг савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси) эълон қиладиган Жаҳон ҳисоботи маълумотларига кўра ҳозирги даврда жаҳонда тахминан 40000 трансмиллий корпорациялар (ТНК) фаолият кўрсатади, улар тахминан 250000 хорижий компанияларга (шуъба - ёки қўшма корхоналар, филиаллар ва бошқалар) эга бўлиб, уларнинг савдо ҳажми 5,2 триллион АҚШ доллари миқдорида баҳоланади, бу эса жаҳон савдосининг умумий ҳажмидан кўпроқни ташкил этади.

Бу тузилмалар ривожланаётган мамлакатларда арzon ишчи кучи, капитал ва замонавий технологиялар (захираларни бошқаришлан тортиб алоқа воситалари ва ишлаб чиқаришга қадар) билан таъминлаш асосида ишлов берувчи саноатни глобаллаштириши (жаҳон миқёсида умумийлаштириши) асосан восита бўлди. Улар кейинги вактларда ўз фаолиятини асосан ривожланаётган мамлакатларда кенгайтиришига эришдилар: 1985 йилдан 1992 йилга қадар ТМК яратган 8 млн. иш ўринларидан 5 миллионни ривожланаётган мамлакатларга тўғри келали. Ҳозирги вақтда ТМКда банд бўлганлар сони 12 млн. кишига боради. Аммо агар кенг тарқалган субпурдат амалиёти ҳисобга олинадиган бўлса, ТМКдан иш ҳаки олиб тирикчиллик қиласидан кишиларнинг амалдаги сони бунга қараганда икки марта кўп.

1990 йиллар ўргаларида жами жаҳон савдоси ҳажмининг 1/3 қисмига яқин ва эҳтимол жаҳон ялати миллий даромадининг 15 фойзгача миқдори айни бир компанияларнинг филиаллари ўргасидаги халқаро савдо ҳиссасига тўғри келган.

Ҳозирги даврда ҳам кийчик, ҳам йирик мамлакатларда ишлов берувчи саноатда банд бўлганларнинг анча қисми ТМКга тўғри келади.

Аргентина, Барбадос, Ботсвана, Индонезия, Мавритания, Малайзия, Мексика, Сингапур, Шри Ланка, Филиппинда банд бўлганларнинг бешдан бир қисми шу тармоқда иштайди.

ХАПҚАРО ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИҢ ЖАЛБ ҚИЛИШ СТРАТЕГИЯСЫ ВА УСУПЛАРИ

сәдларыда корхоналарнинг акциялари ҳамда облигациялари ва бошқа құмматли қоғозларга сарфлашни ифодалайди. Бундай инвестициялар корхоналарнинг хұжалик-мөдия фаолияти үстідан назорат үрнатышни күзлемайды.

Кейинти үақтада узоқ муддатлы маблағ әкімнинг 2/3 қисми хусусий тармоққа келиб туғызы (1990 йылда 44 фойзни ташкил эттән). 1993 йили бевосита чет эл инвестициялари 67 миллиард долларга етди (фақат Хитойнинг ўзи 26 миллиард доллар инвестиция олды). Ҳажми бүйічка иккінчи ўрин мажмua инвестицияларига мансуб (47 миллиард доллар), улардан кейинги ўринде хусусий ва давлат облигацияларини чиқарыши (42 миллиард доллар) турады.

Чет эл инвестициялари бүйічка энг иирик экспортчи ва уларни олувчи АҚШ ҳисобланади. Иккінчи ўринде Хитой турады.

Бевосита чет эл инвестицияларининг ўсиб бориши тамойиллари, шунингдек социалистик тизимнинг парчаланиши ва бир қанча янти мамлакатларпен жақон бозорига құшилиши сәрмоя олувчи мамлакатлар учун бир қанча мұхым ҳодисаларни көлтириб чиқарды.

Биринчи наставтада булар:

1. Трансмиллий корпорациялар ўртасыда рақобат қураши.

Ташқи іктысодий алоқаларнинг тобора байналмілалашуви ва әркиналашынуи миллий компанияларнинг ўмаллай "бандар-гохыда" хавғасызликда яшашига тобора камроқ имкониятлар қолдирмоқда, уларни истеммолчи ва маңсулот сотиши бозори учун ТМК лар билан рақобат қылыша мажбур әтмоқ да.

Натижада ТМК лар янада "теранроққа", маңсулотни арzonлаштыриши ва үнинг сифатини яхшилаш сари бормоқда. Ушбу тәмойил ривожланадаётган ва ўтиши даври іктысодиёттегі эга мамлакатларнинг (тегиши шароитлар яратылғанда) юқорига тиілгә олинған жарайёнга ўзиншік шлай ғана интеллектуал құвват-ичи жалб этиши имкониятларини оширады.

2. Мамлакатлар ўртасыда инвестициялар учун рақобат қураши.

ТМК лар томонидан ажратылған инвестициялар ҳажми ўсны суръатларнинг асосий сабабларидан бири уларнинг ўзи билан маблағ, менежмент, ноу-хау каби яққол сезиладыған ва сезил-

ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ СТРАТЕГИЯСИ ВА УСУПЛАРИ

майдиган жуда күт активлар, шунингдек жаҳон бозорида ишлаш тажрибалари ва малакаларини слив кириши тобора равшанроқ англиянишидир. Натижада жуда күт, бунинг устига фақат ривожланыётган эмас, балки ривожланган мамлакатлар ҳужуматларинине ширик инвесторлар учун қулатай шароитлар яратиб берешига интилиши күтрок үчрәмокда.

1991 йылдан 1994 йылгача жаҳонда амалдаги чет эл инвестициялари бүйича қонун ҳужжатларига 373 ўзгартишлар киришлиди. Үлардан 368 таси қонунчиликни эркинлаштиришига бағишиланган, 90-йиллар ўрталарига келиб инвестицияларни ўзаро хамо қилиши бүйича 900 дан күтрок иккى томонлама битимлар тузылди.

Сармоя ҳаракатининг баъзи умумий йўналишлари. Саноати ривожланган мамлакатлар ҳамиша жаҳон миқёсидағи жамғармаларнинг жуда катта қисмидан фойдаланиб келди. Ўртacha олганда ривожланаёттан мамлакатларда ҳар бир ходимга тўғри келадиган маблағ 13 минг долларни, саноати ривожланган мамлакатларда эса 150 минг долларни, яъни деярли 12 марта ортиқроқни ташкил этди. Кўпгина ривожланган мамлакатларда чет эл инвестициялар ҳиссаси жуда кам, ўртacha умумий сармоя захирасининг 11 фоизини ташкил этди, тоят камбағал мамлакатларда бу кўрсаткич 20 фоизга боради (асосан расмий қарз шаклида), даромад даражаси ўртacha мамлакатларда эса 5 процентдангина иборат (асосан хусусий сармоя шаклида).

Аммо кейинги вақтларда манзара ўзгармоқда: даромад даражаси ўртacha ва паст бўлган мамлакатлар хусусий сармояни жалб этишда рекорд ҳажмларга эришди. Ҳисоб-китобларга қараганда бу мамлакатларга хусусий маблагнинг оқиб кириши 1991 йили 175 млрд доллар-неттоға етди, бу эса 1989 йил кўрсаткичларидан 4 мартадан кўпроқ.

Маблагнинг кириб келишини бир қатор сабаблар тезлаштириди, хусусан кўпгина мамлакатларда иқтисодий ислоҳотларнинг ўтказилиши, 90-йиллар бошида қарзларнинг қисқариши ва жаҳон бўйича фоиз ставкаларининг тушиб кеттанилигини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Хусусий маблағ оқими таркиби ҳам ўзгаришларга учради.

◆ БОЗОР ВА ОЧИК ИКТИСОЛИЁТ ◆

Кейинги ўн йилликда жаҳон миқёсидаги умумий жамғарилган пул маблағлари кўпайиши мумкин, деб таҳмин қилишга асос бор, чунки демографик омиллар дастлаб жамғарма меъёрини ўстиришга олиб келади, кейинчалик бой мамлакатларда аҳолининг қарид бориши даражасига қараб унинг меъёрини пасайтиради. 2010-йилга келиб саноати ривожланганган мамлакатларда 40 дан 65 ёшгача бўлган аҳоли ҳиссаси (асл омонатчиликлар қисми) 40 дан 45 фоизгача кўпайиши, 20 дан 30 ёшгача бўлган шахслар (асл қарздорлар қисми)нинг қиёсий ҳиссаси 40 дан 34 фоизгача камайиши кутилади.

Аммо саноати ривожланган мамлакатлар бюджет тақчиллигининг ўзгаришлари ҳал қитувчи аҳамият касб этади. Бу тақчилликнинг ортиши хусусий жамғармалардаги кутилаётган ўзгаришларни йўққа чиқариши ва фоиз ставкаларини кўпайтиришга олиб келиши мумкин. Агар кейинги пайтларда кузатилаётган АҚШ бюджет тақчиллигининг қисқарид бориш жараёни узоқ муддатли хусусият касб этмаса ва бошқа саноати ривожланган мамлакатларда ҳам тақчиллик янада камайиб бормаса бу мамлакатларда фоиз ставкалари гўхтовсиз кўтарилиб боради, бу эса барча ривожланаётган мамлакатлардаги меҳнаткашлар турмушига салбий таъсир кўрсатади. Саноати ривожланган мамлакатларда ходимларнинг пенсия фонди жами маблағининг 25 фоизини ташкил қиласди ва қисман у, жамғармаларидан олинадиган даромаднинг ўсиши ҳисобига компенсация (товорнамузд) оладилар. Жамғармалари оз бўлган ривожланаётган мамлакат ходимлари бундан бе баҳра қолади.

Сармоянинг умумийлашуви унинг ривожланган мамлакатлардан ривожланаётган мамлакатларга катта миқдорда узоқ вақт давомида, ўзаро фойдали асосда оқиб ўсиши туфайли ҳам рўй бериши мумкин. Ривожланаётган мамлакатларда малакали ишчи кучининг такомиллашган сармоя турлари билан таъминланиши меҳнат унумдорлигини оширишга олиб келади, барқарор узоқ муддатли инвестициялар эса ривожланган мамлакат-

КАПҚАРО ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ СТРАТЕГИЯСИ ВА УСУПЛАРИ

Маълумот учун материал

Ўзбекистон Республикаси икки томонлама асосда инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя этиш тўғрисида битим имзолаган давлатлар:

Буюк Британия, Корея, АҚШ, Германия, Вьетнам, Хитой, Туркия, Польша, Покистон, Латвия, Финляндия, Туркманистон, Швейцария, Словакия, Франция, Миср, Грузия, Испоил.

ХАПҚАРСЫНДЫК ИНВЕСТИЦИЯЛЫК ЖАЛБА КИЛИШ СТРАТЕГИЯСЫ ВА УСУЛЛАРИ

лардаги кексайиб борадиган ишчи күчига ўз пенсия фойдалардан максимал фойда олишга ёрдам беради. Савдонинг кенгайиб боришини ҳам қулай ваколатларнинг пайдо бўлиши деб қарашмоқ керак: маблағ оқимлари ривожлангаётган мамлакатларга савдонинг бу соҳасидаги янги имкониятларидан фойдаланиша ёрдам беради ва уларнинг оқилона ички сиёсат юритишдан манфаатдорлигини кучайтиради. Аммо капиталнинг кўчиши бир зумда рўй бермайди ва ривожланган мамлакатларда сезиларли ижтимоий барқарорликтарга олиб келмайди.

Сиёсий таваккаллик мулоҳазалари келажакда сармоянинг оқиб кетишини камайтиради. Унинг кўпайиши эса ривожлангаётган мамлакатларнинг олган қарзини тўлашга қодирилиги, курбининг мустаҳкамланиб боришига боғлиқ бўлиб, ишнинг ривожига тўсиқ ҳам бўлиши мумкин. Ўз қарзини тўлашга курби етадиган оддий мамлакатда ташки мажбуриятларининг экспорт ҳажмига нисбати 2:1 ни ташкил этади, энг яхши бўлганда 3:1 га етади. Кейинги коэффициентни ривожлангаётган мамлакатлар қарздорлигини бехатар кўпайтиришнинг юқори чегараси деб қабул қилиш мумкин. Ҳатто агар ривожлангаётган мамлакатларнинг барчаси бу чегарага беш йилда етиш учун етарли кредит ресурсларини жалб этгандарда ҳам максимал сармоя оқими йилига 5 триллион долларни ташкил этган бўлар эди. (Молиявий воситаларга амалдаги талаб бундан анча камроқ бўлса керак, чунки қарзини тўлашга қодир кўнгина мамлакатлар, шу жумладан Корея Республикаси, Малайзия, Португалия, Таиланд жамғарма-инвестиция даврида шундай даражага эришидилар, эндиликда эса уларнинг ўзлари сармоя экспорт қиласидиган мамлакатларга айланмоқда). Аммо бу ҳажмлар ҳам саноати ривожланган мамлакатлар кўламида унча кўп эмас. Кейинги 25 йилда ривожлангаётган мамлакатларга кирган маблағнинг умумий (соф) суммаси саноати ривожланган мамлакатлардағи умумий ҳажмнинг атиги 2 фоизини ташкил этди.

Айрим ҳисоб-китобларга қараганда илгарити сармоя оқимининг ўртача ҳажми кўпши билан икки марта кўпайипши керак.

ХАЛҚАРО ҚҰШМА КОРХОНАЛАР

Халқаро интеграцияда құшма корхоналар ва ишлаб чиқарышлар таşкыл этиш йилдан йилға тобора кatta ажамият қасб этмоқда. Айниқса бу нарса ўтиш даври иқтисодиётіга зәға мамлакатлар учун мұхим, негаки халқаро шериклар билан күчларни бирлаштырыш ўз маҳсулоти билан жағон бозорига кириб бориши имконияттарини очиб беради.

Албатта йирик ТМК лар хорижда бизнесспи йұлға қўйишиша турлы вариантыларни таңлаши мүмкін: масалан, лицензияташ, франчайзинг, билвосита экспорт, бевосита экспорт, савдо ваколатхонаси, компанияның түлік әгалигидаги ишгіб чиқарыш бўлими ва бошқалар. Аммо кейинги вақтларда фирмалар кўп ҳолтирада кооперация стратегик уюшмалар каби механизмлар ёрдамида бевосита рақобатта қараганданда кўпроқ фойда келтириши мумкинлителүү англаб этмоқда. Стратегик уюшмалар (құшма корхоналар, кооперация түғрисида шартномалар) умумий стратегик мақсадлар сари ишләётган фирмалар ўргасида шерикчилик муносабатларини ифода этади. Масалан, АҚШ компанияларининг стратегик уюшмалари компаниялар ўз хорижий филиалларига қарагандан түрт марта кўп. Халқаро құшма корхоналар ҳозирги замон жағон иқтисодиётыда стратегик кооперациянинг энг кўп тарқалған шаклига айланмоқда. 1980 йилдан 1989 йилга қадар уларнинг сони жағонда деярли ўн марта кўпайди.

Құшма тадбиркорлilik - иккى ёки ундан ортиқ алоҳида таşкылутларнинг умумий стратегик мақсадларга эришиши учун уюшған амалий фаолтаги. Бунда мустақил корхоналар таşкыл этилади, мулк, молиявий таваккаллик ва даромад эса ўзига мустақил бўлиб қоладиган барча иштирокчилар ўргасида тақсимланади. Мулкий ҳисса тақсимланмаган халқаро құшма корхона амалда фақат шартнома муносабатлари (лицензиялар, маҳсулот етказиб бериш түғрисидаги шартномалар ва ҳоказолар) асосида иш юритишиади.

Халқаро құшма корхоналар - құшма корхонанинг бир тури бўлліб, уннинг шериклари ёки муассасалари иккى ёки ундан ортиқ давлатларда рўйхатта олинган бўлади. Ҳудудида

◆ БОЗОР ВА ОЧИҚ ИҚТИСОДИЁТ ◆

ХАСІКАРІСІ ҰЙЫДАСТИЛДІРМЕН ЖАДА КИППЕС СТРАТЕГИЯСЫ ВА ҰСУЛЛАРИ

Маълумот үчүн материал

Ўзбекистонда кўшма корхоналарнинг ташкил этилиши ва уларнинг жадал фаолияти мустақилликса эришилтанидан кейин бошланди. 1996 йилда 2,5 минг кўшма корхона ишлабди. Шундай алоҳида таъкидлаш лозимки, республикада кўшма корхоналарнинг ташкил этилиши иккى томонлама вазифаларни ҳал этишга хизмат қилиди: ишлаб чиқариши учун бирлашма берган афзалликлар билан бирга кўшма корхоналар давлат тасарруфидан чиқариши ва хусусийлаштиришда муҳим роль ўйнади. Мустақил ташкилотга айланган кўшма корхоналар давлат мулкнининг бир бутунлыгини парчалаб, бозор қонунлари бўйича ишлайди бошлади.

ХАЛҚАРО СИВЕСТИЦИЯЛарНИ ЖАЛБ КИПИШ СТРАТЕГИЯСЫ ВА ҮСУПЛАРИ

құшма корхона фаолият күрсатадын давлат қабул қытувчи томон ҳисобланады. Қоидага күра уларнинг шерикларидан биронтаси ҳам қабул қылувчи давлатнинг миллий корхонаси бўлмаслиги керак, аммо одатда худди шундай бўлади. Халқаро құшма корхоналарнинг бошқа иқтисодий уюшмалардан асосий фарқи шундаки, бунда янги мустақил ишлайдиган бирлик ташкил этилади.

Ўзбекистонда чет эл инвестицияларини жалб этиш йўли билан бозор иқтисодиётiga ўтишнинг қонуний-хукуқий асослари яратилган. Улар Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларнинг хукуқлари ва фаолияти имкониятлари тартибини белгилаб берадиган Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари ва хорижий инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қопунда, Президентнинг “Хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўлтаб-куватлаш ва рафтаглантириш тўғрисида”ги Фармонида, Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йыл 12-мартидан 55-сонги “Ўзбекистон Республикаси худудида чет эл инвестициялари иштирокида корхоналар ташкил этиши ва уларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” қарорида акс этган.

Шунингдек, бир қатор фармонлар ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига кўра республикада чет эллик инвесторларнинг фаолияти учун қулай ҳукуқий шароитлар яратилди, хусусан, республикада иштаб топилган фойдани чет эл валютасига алмаштириш ва хорижга ўтказишни асослаштириш бўйича валютани тартибга солиш тўғрисида, ташкии иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, ажнабий фуқароларнинг уй-жой фонди, объектларини улар жойлашган ер участкалари билан бирга мулк қилиб олиш имкониятларини яхшилаш, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларда меҳмонхона ва сайдханлик бизнеси соҳаларида эркин иқтисодий ҳудудлар барпо этиш амалда жорий этилди.

Чет эллик инвесторларга кенг кафолатлар яратилган:

- сиёсий таваккалчиликдан сугурталаш таъминланган (бу мақсадлар учун республикада “Ўзбекинвест” миллий сукурта

**компанияси фао.иият кўрсатади, “Ўзбекистон-Интернейшнл”
халиқаро компания ташкил этилган);**

- национализация ва реквизиция қилинишдан;
- иқтисодий фаолият натижасида олинган фойда ва бошика маблагларни чет эл валютасида чет элга ўтказиш;
- фойдани республика ҳудудида қайта инвестиция қилиш ёки ўз ихтиёрига кўра бошика мақсадларда фойдаланиш;
- хорижий инвестицияларга нисбатан республикада кейинчалик қабул қилинган қонун ҳужжатлари инвестициялаш жараёнларини ёмонлаштирадиган бўлса инвестициялаш пайтида амалда бўлган қонун ҳужжатларидан 10 йил давомида фойдаланиш;
- давлат идоралари томонидан чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқларини камситувчи меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган тақдирда уларга етказилган зарарни суд йўли билан тўлаш (қоплаш);
- экспортга мўлжаллангган ва импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар учун ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадларида солиқ кредитлари олиш ҳуқуқи берилади, яъни фойда солиги, қўшилган қиймат солиги, ер солиги бўйича бюджетга тўланадиган тўловларни икки ишлага кечиктириш;
- устав фондида чет эл инвестицияси ҳиссаси камида 500 минг АҚШ доллари бўлган корхоналарни мол-мулк солиги тўлашдан озод этиш;
- экспортга мўлжаллангган ва имортнинг ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган чет эллик муассасаларга тегисли корхоналарга хом ашё ва материаллар, бутловчи қисмлар ва технологик ускуналар сотиб олиш учун сўмдан маблагларни эркин муомаладаги валютага кафолатни ва ўз вақтида алмаштириши, шунингдек фойда ва дивидендинг алмаштиришишини таъминлаш.

Чет эллик инвесторлар учун бир қатор ҳуқуқий ва иқтисодий имтиёзлар белгиланган. Жумладан:

- ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни ҳеч қандай лицензиясиз ва тўсиқсиз олиб чиқиб кетиш;

- чет эл инвестициялари иштирокида фаолият қилаёттган корхоналар даромадининг ишлаб чиқаришни ва технологияни янгилаш учун қайта инвестицияланадиган қисмини солиқ тўлашдан озод қилиш;

- ажнабий юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат мулкими хусусийлаштириш жараёнига, шу жумладан уларга кенг доирадаги кўчмас мулкни сотиш ва хусусийлаштириладиган корхоналар акцияларининг 100 фоизига қадар миқдорини сотиб олишиларига эркин киришини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ислоҳотларни ўтказа бориб, ҳалқаро меҳнат таҳсимоти қулайликларидан кўпроқ фойдаланиша интилмоқда, ажнабий тадбиркорлар учун қулай инвестиция муҳитини яратмоқда.

Мамлакат учун чет эл инвестицияларини жалб этишни устувор соҳаларига қўйилагилар киради:

- агросаноат мажмуини ривожлантириш, бу эса нирвардида аҳолининг мебъордаги турмуш фаолиятини таъминлаш имкониятларини яратади;

- саноатнинг устувор соҳаларини, ёқилғи-энергетика мажмуини жадал ривожлантириш, ҳалик ҳўжалигининг илм-фан талаб тармоқларида ишлаб турган қувватларни янгилаш ва янгиларини барто этиш, республиканинг импортга қарамагини камайтириш;

- экспорт салоҳиятини кучайтириш ва маҳсулотларининг рақобатбардошлигини кўтариш, экспортда машинасозлик техника маҳсулотлари, тайёр маҳсулотлар ҳиссасини ва ҳажмини кўтайтириш, газ конденсати ҳом ашё базасини ўзлаштириш, кимё маҳсулотлари, ўтилар экспортини кўтайтириш;

- кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш, қадимги ҳунарманд ва анъанавий ҳунармандчиликни тислаш;

- Марказий Осиё бозорини ривожлантиришда иштирок этиши, шу минтақадаги корхоналарнинг ҳамкорлиги учун зарур

ХАСПАРРО ҲИЙЕСТИКУЛСЫЗДЫРЫНТЫ ЖАЛЫ КИППИШ СТРАТЕГИЯСЫ ВА УСУППАРИ

бүлгөн иқтисодий ва ташкилий шароитларни барпо этиш, ўзаро манфаатлы обьектларни ҳамкорликда қуриш ва тиклаш.

Чет эллик инвесторларни иқтисодиётни барқарорлаشتырыш ва янада ривожлантириш республика дастурини амалга оширишга жалб этиш, ўзини тез оқтайдиган ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш учун ажнабий тадбиркорлар ва халқаро ташкилотлар томондан инвестиция фонdlари ташкил этиш айниңса мұхим аҳамияттаға эга. Бу мақсадлар йўлида инвестицияларнинг турли манбааларидан ва унинг узоқ ҳамда қисқа муддатли кредитлар, тўғри қарзлар, дотациялар, ишлаб чиқариш-тижорат фоалиятини ривожлантиришила улушбай иштирок этиш каби шакл ҳамда усулларидан фойдаланылмоқда.

Юқорида баён этилган мұлоҳазаларни эътиборга олиб чет эл сармояси бизнинг иқтисодий ислоҳотларимизга қандай ёрдам беришга қодирлигини кўриб чиқамиз.

Хорижий давлатлардан янги инвесторларни жалб қилиш республикани ёқилғи билан таъминлашдаги аҳволни, биринчи навбатда нефть ва газ саноатини барқарорлаштиришга имкон беради. Турғи давлатлар билан амалий муносабатлар 1994 йилда Ўзбекистонни нефть экспорт қитувчи мамлакатлар қаторига олиб чиқади. Фақат яқинда очиғдан иккى нефть конини ишга туширишни молиялаш, табиий газ нархини жаҳон нархларига тенглаптириш (бу ишлар ҳам янги капитал маблағлар талаб этади) газни кўшимча экспорт қилишдан олинадиган соғ фойданни жорий йилда юзлаб миллион долларга етказиши мумкин.

Чет эллик инвесторлар иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни ўтказиш сиёсатини амалга ошириша, техника ва технологияни янгилаш жараёнини жадаллаштиришда, биринчи навбатда ишлов берувчи тармоқларни (айниңса иқтисодиётнинг истеммол соҳасида) ривожлантиришда кагта ёрдам кўрсантиши мумкин.

Республика халқ хўжалигига машинасозликнинг қиёсий ҳиссасини ошириш бўйича қисқа муддатли ва узоқ муддатли

ЧАЛКАРДО АСЕВОСТИЦИЯЛАШИНГ ЙАКИ ХИЛИШ СУРАТГАСЫН ВА ЖОСЫЛДАРЫ

лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу муаммонинг нақадар ҳаёттй аҳамиятта эга эканлигини шундан кўрса бўладики, 1992 йили бу тармоқнинг Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган пировард маҳсулот таркибидаги хиссаси тахминан 4 фоиз эди, ҳолбуки, ҳозирги замонавий иқтисодиёт учун бу фоиз 20 га тенг (МДҲ мамлакатлари учун ўргача 12). Бунда шунни ҳам назарда тутиш керакки, республика учун анъанавий машинасозлик кичик тармоқларида (пахтачи шинни механизациялаш, мелиорация ва ирригациянинг техника воситалари) вужудга келган вазият туфайли сифати паст ва қиммат туралиган техника Farb ҳамда Америка намуналари билан рақобат қила олмайди.

Чет эл инвестицияларини жалб этадиган яна бир муҳим соҳа кимё саноати. Бу саноат тармоғининг Ўзбекистонда истиқболи катта.

Ажнабий шериллар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарилишини ривожлантириши, етиштирилган маҳсулотларнинг сақланишини ва уни истеъмолчига етказишини таъминлашда кўп иш қилишлари мумкин. Хўжаликларда шу мақсадлар учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашнинг моддий базаси яратилмоқда, консервалар, колбаса ва бошқа гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган механизациялашган цехлар қурилмоқда.

Хорижий фирмалар, халқаро ташкилотлар бу йўналишларнинг барчаси бўйича йирик инвестиция лойиҳаларида иштирок этиб, маҳсус кредитлар ажратмоқда. АҚШ, Германия, Франсия, Туркия, Европа тикланиш ва тараққиёт банки энг янги асбоб-ускуналар ҳамда технологияларнинг катта миқёсда импортини молиялаш бўйича битимларни имзолади.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан инвестиция алоқалари айниқса жадал ривожланмоқда. Бу банк бир неча кредит йўлларини очди. Ҳусусан, тайёрланган лойиҳаларда пахтани жаҳон банки талабларига жавоб берадиган тайёр маҳсулотга қадар қайта ишлашнинг жами босқичлари-

◆ БОЗОР ВА ОЧИҚ ИҚТИСОДИЁТ ◆

ни ўз ичига оладиган энг янги технологияни жорий этиш назарда тутилган.

Истөмөл бозорини барқарорлаштиришда, республика иқтисодиётида монополизмни бартараф этишда, рақобатни ривожлантиришда, янги иш ўринларини барпо этишда кичик тадбиркорликнинг қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини тақрорлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Европа тикланиши ва тараққиёт банки кичик тадбиркорликни ривожлантириш учун маҳсус кредит йўлини очди (ўрга хусусий бизнес ҳам киритилган). Унга мувофиқ республика Миллӣй банки 10 йилга 60 миллион доллар олади. Лойиханинг дикъатга сазовор томони шундаки, МДҲ ҳудудида биринчи бўлиб халқаро молия ташкилоти ажратган бу қадар катта маблагни бошқариш бизнинг банкимизга ишониб топширилди.

Худди шу каби Европа тикланиши ва тараққиёт банки амалиётида биригичи марта ушбу лойиҳа бўйича фаолияти ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг тайин бир вазифаларини ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган кичик корхоналарнинг устав капиталини молиялаш учун фонд (миқдори 2,5 млн доллар) барпо этилди. Япония хукумати эса бу кредит йўлига хизмат кўрсатиш бўйича услугубий ёрдам тарикасида Миллӣй банкка 1 млн доллар миқдорида маблаг ажратди.

4.3. Чет эл сармоясини қимматли қоғозлар бозори орқали жалб этиш

Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори, хусусан, акциядорлик жамиятларининг акциялари бозори фоят жадал ривожланмоқда. Республика иқтисодиётида акциялар сотиш орқали жалб этиладиган чет эл инвестициялари муҳим аҳамиятга мотик бўлиши учун тегишли шароитларни таъминлаш керак. Бунинг учун (республика қимматли қоғозлар бозорида) зарур бўлган **асосий шароитларга** қўйидагилар киради:

- барқарор молиявий күрсаткычларга эга акциядорлар жамиятларининг етарли миқдорда бўлиши;
- акцияларни ҳисобга олиш, рўйхатдан ўтказиш ва сақлаш тизимининг мавжуд бўлиши;
- қимматли қоғозларнинг ташкил этилган бозори-фонд биржасининг фаолият кўрсатиши;
- қимматли қоғозлар билан операцияларни халқаро тарабларга мувофиқ ўтказиш;
- сотиладиган қимматли қоғозларнинг юқори ликвидли бўлиши.

1996 йили Ўзбекистонда 4500га яқин акциядорлар жамияти фаолият кўрсатди. Уларнинг аксарият кўпчилигини очиқ жамиятлар ташкил этади. Фонд биржасида 2500 акциядорлик компанияларининг акциялари сотиш учун қўйилди. Шундай қилиб, миқдорий жиҳатдан олганда чет эллик инвесторларни кенг жалб этиш учун асос яратилди.

Республикада акциядорлар жамиятларини ташкил этиш билан бир пайтда қимматли қоғозларни ҳисобга олиш, рўйхатдан ўтказиш ва сақлаш билан шуғулланадиган Миллий депозитарийни ташкил этишга жиҳдий эътибор бериди. Ўзбекистонда фаолият кўрсатагётган Миллий депозитарий техник жиҳозланиши ва мутахассисларининг савиляси даражаси жиҳатидан жаҳон талаблариға тўлиқ жавоб беради.

Республика Биржа маркази ташкил этилди. Фонд биржаси ҳам шу ерга жойлашган. Компьютерлаштириш, ҳисоблаш техникаси билан жиҳозланиши даражаси, Ер йўлдошлири орқали алоқа, телекоммуникация тизими жиҳатидан Ўзбекистон фонд биржаси Марказий Осиё минтақасида ва МДҲ мамлакатларида ўхшаши йўқ, ягона.

Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширишда халқаро андозаларни жорий этишининг мураккаб томонлари бор. Қимматли қоғозлар билан ўтказиладиган операциялар тўғрисидаги ҳам халқаро, ҳам ички жами ахборотлар учун умумий бўлган андозалар англашилмовчиликтарни бартараф этиши, битимлар тўғрисидаги ахборотни нотўғри бериш билан боғлиқ та-

ХАЛКАДАС ИНВЕСТИЦИОЛДАРНЫҢ ЖАДЕ ҚИЛЫШ СТРАТЕГИЯСЫ ВА УСУПЛАРИ

Маңдымот үчүн материал

Лондондагы Bazing Securities Ltd нинг ажратылган ре-
жалаштырып бўлмас боштаги Майкл Хауеллинг хисобла-
рита кўра 1993 йили АҚШ, Гарбий Европа ва Япониядаги
инвесторлар Лотин Америкаси, Шарқий Европа ва ҳатто Аф-
рика фирмаларининг қўймалари қоғозларига рекорд сумма -
такхминан 40 млрд. доллар қўйиллар. 1994 йилда ҳам улар-
ният шу мақсадлардаги сарфи 30 млрд. доллардан кўпроқ
бўлди.

Тайванда чет элликларга ҳар қандай корхонанинг энг
кўпич билан 10 % акцияларини сотиб олишга рухсат этилал-
ди, шу сабабли инвестор бўлишни истаганилар аксарият
“қўрмоқ бору, емоқ йўқлигидан” афсусланиб қолалилар,
холос. Корея Республикасида ҳам қонун талаблари қаттиқроқ.
Бу мамлакатда миллий компанияларниң акциядорлик ка-
питалида хорижий инвесторларниң иштироки 1992 йилда
3 млрд. доллардан 1993 йилда 7 млрд. долларга этил, азимо
уларниң биржада рўйхатта олинган оддий акцияларниң
умумий қўйматидаги хиссаси ҳозир ҳам 10 % дан ошмайди.
Иш шунга бориб етдикки, айрим катта нуфузли фирмалар-
ният қўйматли қоғозлари катта устама нархлар билан соти-
лади. Айниқса Samsung Electronics Co ва Hyundai Motor Co
ният кундан кунга нархи ошиб бораётган акцияларига талаб
кагта.

ХАЛКАРО ИНВЕСТИЦИЯСЫНЫ ЖАЛБ КИЛИШ СТРАТЕГИЯСЫ ВА УСУПЛАРИ

Маълумот учун матсриал

Женса (Швейцария)да жойлашган Халкаро стандартлаштырылган мавжуд миллий ташкылолтарынын давлатлареро Федерациясынан хисобланади. ISO нинди маңсади - амалий ҳәттнинг жами мүхим соҳалари буйича халқаро андозаларни ишлаб чыкып да уларни күллашга ёрдам берисдан изборат. Бу андозалар экспертизардан изборат техника құмыталарады томондан ишлаб чыкылады. Эксперттарни саноаттинг тегисши тармоқлари таклиф этады. ISO альянс бүлгүн ҳар қандай ташкыл, үзү истаса, техника құмытасда иштирок этиши мүмкін.

Андоза тайёрланғандан кейин унда қабул қылыш да жорий этицидан олдин ISO таркибининг 75 фокзы андозаны ёкдаш овоз беринши керак. ISO нинди үзү андозаларни маромиди тайёрлаш да уларни нашар этишини газыннан ойлан тегаралады, бу билан жами шигырькүч томонларынын манбағаттарынан хисобта олиши үйлеси билан андозаларни беваңт жорий этилишига үрин қоймайты.

ISO амал қылалдан тамойллардан бирни мавжуд миллий тизимларни иложа борича саклаб қолишидан изборат. Бу эса мавжуд базорлардағы формалдан тартиб-көндәлдер на күмматти или тажирбаларни саклаб қолып, алғы пайтада мавжуд форматтар (жұмалмалар) да тартиб-көндәлдердан формалданады да яныгы тизимларни жорий этиши имкон берады.

Күмматти қоғознан андозасы халқаро идентификациялаш (бір күллаштырыш) тартиб рәқамы (номери) (ISBN) (ISO андозаси 6166) барын халқаро біткішүвларда құлташ учун ишлаб чыкылған. Агар андоза маңызды миллий таш, ялтотомондан маңызды хисобланады, ондан ишкі битимнәрде ҳам фойдаланыши мүмкін. Ҳар бир мамлакатда ISBN факат шу жаһаңға маңызды бүлтап ятона миллий вакиғиллик томондан беріліши керак. ISBN үч таркибдан: олд құшымча иесінің номер да назорат рәқамынан изборат. Олд құшымча иесінің ҳарфдан изборат бүліп, мамлакат кодине (150 нинди 3166 андозаси) күрсетеді. Жами маңжубияттас (карындық) қымматти қоғозларының мамлакатты қымматти қоғозлар емисенти расмий рүйхатта олинған екінші элемент расман жойлашып мамлакат хисобланады. Қарздорлық қоғолындардың мамлакат коди код берірге вакиғиллик жойлашып мамлакаттың күрсетеді. Олд құшымдан кейін тарадыған асосий номер 10 символ (ҳарфлар да рақамлар)дан тишил топады. Агар имкони бўлса бу қымматти қоғознан мавжуд миллий тартиб рәқамы бўлшини лозим. Агар миллий тартиб рәқами тўхжистадан кам символдан изборат бўлса, одинги уни ўнта символга қадар тўлдирилган ноллар кўйылди. ISBN охирдан назорат рәқами “иккиси карра қўнайтирумок” - қондасига мувофиқ, 10 мудоди бўйича ҳослабад чыкыради. Бу рақам ISBN нинди ҳақиқиттингин күрсетади.

Кымматти қоғозлар билан ўтказалған операциялар түғрисидагы хабарлар түрлери утун ҳам андоза схемалар бор (ISO андозаси 7775). Ҳабарнинг ҳар бир түр төнгаси, гүруши ва түрнине күрсатадыган уч рәқамдан изборат код билан берилади. Кымматти қоғозлар билан ўтказалыған барын операциялар умум тояға 5 рәқамы билан күрсетилиади. Бу тояға түрүлдүрінгі күйидегилар кирады: ҳарид/сотици; ҳарид/сотици таслиғи; олиш/стказиб бериш утун бўйруқ; одинганлик/стказиб берилганинлик түғрисидаги таслиқдар/хабарнома; шул ва фонз операциялари; мазмурий ахборотлар; сертификатларни тасдиқлаш, ўзgartыриш ва уларнинг тартиб рақамлари; ва бошқалар. Ҳар бир гүрухда бир неча түрлар бўлади. Масалан, олиш/стказиб бериш гүрухи күйидегида тақсизланады: кымматти қоғозни текинга олиши; қажаны тўлаш олиши; текинге стказиб бериш ва ҳақ бадалига стказиб бериси. Ҳар қандай томон уч рақамдан изборат ISO кодидан фойдаланыб йўрүкномалар беринши ва амалга оширилайдыган операциялар түрнине ифодалашы мүмкін.

ваккалликни камайтириши ва шу билан чет эллик инвестицияларнинг мизглий қимматли қоғозлар бозорида самарали иштирок етишига ёрдам бериши тозим. Айрим андозалар Халқаро андозалашибирши ташкилоти томонидан ишлаб чиқылди.

Бу ташкилот (ISO) андозаларига тўлиқ ўтиш қимматли қоғозлар бозоридаги битишувлар тўғрисидаги чати ёки нотўғри аҳборот билан боғлиқ муаммоларни камайтиришга хизмат қиласди. Бу эса солишибирши тизими самарадорлигини оширади, тезроқ ва аниқ, батартиб ижрога шароит яратади.

Ўзбекистонда қимматли қоғозлар савдоси бўйигига хужжатларни андозалашибирши билан бирга айни пайтда чет эллик инвесторларга ишлаб турган акциядорлар компаниялари ҳақида маълумотлар бериш борасида чора-тадбирлар кўрилмоқда. Худди шу мақсадларда “Ўзбекистоннинг энг яхши 500 акциядорлик жамиятлари” маълумотномаси (рус тилида) нашр этилди ва бу нашр жаҳон мутахассислари назарига тушди.

Чет эл инвестицияларини жалб этишича мамлакатимиздаги истиқболли акциядорлик компаниялари акцияларининг халқаро қимматли қоғозлар бозорига чиқиши ҳам муҳим босқич бўлиши керак. Бу масалани ҳал этиш бўйича Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлашибирши маркази Германия қимматли қоғозлар институти, Истанбул, Франкфурт-Майн, Токио фонд биржалари билан ҳамкорликда иш олиб борлмоқда.

Фонд биржасида қимматли қоғозлар савдосидан ташқари республикамизда тўғридан-тўғри шартномалар асосида акциялар билан савдо қилиш, яъни акцияларни биржадан гашқаридағи бозорда сотиш жадал ривожланмоқда. Бунинг ўзига хос томони шундаки, акциялар мажмуасини сотиб олиш билан бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқаришни ривожлантириши учун қўшимча инвестициялар жалб этишига ёрдам берадиган шартномалар ва контрактлар тузилади.

Шу фикрни бир қадар ривожлантирайлик. Давлат корхоналари ўрнида ташкил топаётган очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари акциялари сотилишини тезлашибирши учун бундай корхонанинг умумий қийматини баҳолаш бухгалте-

рия маълумотлари бўйигча ўтказилади. Объектнинг муайян капитал сарфлар қилиб эришиши мумкин бўлган реал бозор қиймати инвестицияларни жалб этиш учун қўшимча омил бўлиб қолади. Шу сабабли харидор ҳам, сотовчи ҳам объектнинг ҳақиқий қиймати жами акциялар мажмуасининг номинал қийматидан катта эканлигини билади. Корхона эгалиари-сотовчилар шундан фойдаланиб инвесторга ўз акцияларини сотиб олганидан кейин корхона жаҳон бозорида рақобатбардош ҳамла инвесторнинг харажатларини қоплайдиган даражада фойдабериси учун қўшимча капитал маблағлар сарфлашни тақлиф этадилар. Масалага бундай ёнлашув акцияларга харидор бўладиганларга ҳам мъяқул келади.

1995-96 йилларда Ўзбекистонда биржадан ташқаридаги бозорда корхоналарнинг 2,0 милиард сўмдан ортиқроқ акциялари сотилиши. Уларни сотиб олган компаниялар орасида жаҳонга машҳур "БАТ" гуруҳи (халқаро корпорация) ва унча йирик бўлмаган "Унимант Гмбх" (Германия), "Патис Централ Эйша" (Буюк Британия) каби компаниялар бор. Акциялар мажмуаси орқали чет эл инвестицияларини жалб этишининг самаралий ўйларидан бири маҳсус инвестиция фонdlарини ташкил этиш ҳисобланади. Республикада мажмуаси 150,1 млн. доллар бўлган Тадбиркорликни кўллаб-куватлаш Марказий Осиё-Америка фонди, инвестиция мажмуаси 100 млн. доллар бўлган Марказий Осиё инвестиция компанияси, инвестиция капитали 800,0 млн. доллар бўлган Малайзия компаниялари гуруҳи, Покистон фонди ва бошқалар ўз фаoliyatiни бошлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, жалб этилаётган инвестиция компанияларининг иуфуз-салоҳияти ғоят баланд. Масалан, Марказий Осиё инвестиция компанияси Жерсида жойлашган ва Ирландия фонд биржасининг аъзосидир. Уни "Жон Говет ва Ко Лимитед" (Жерси) компанияси бошқаради. Бу компания Британия қироли оиласи молиясини ҳамда "Ориентал" инвестиция компаниясини бошқарадиган энг йирик "Жон Говет Групп" компаниясининг аъзоси.

Марказий Осиё инвестиция компаниясининг инвес-

ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯЛАРДЫН ЖАЛБЕ КИПИШ СТРАТЕГИЯСЫ ВА УСУППАРИ

торлари “Фи делити” (жаһондаги энг йирик фонд-менежер) ва “Меркьюри (Европадаги энг йирик фонд-менежер) каби нүфузли молия муассасаларидир.

Ўзбекистон томонидан бу фонд билан ишлаш учун 100 акциядорлик компаниялари тайёрланды. Ишлаб чиқаришта инвестиция қилинганидан кейин бу компанияларнинг акцияларици халқаро савдога чиқариш мүлжалтланган.

Тадбиркорликни кўллаб-куватлаш Марказий Осиё Америка фонди АҚШ ҳукумати қарори билан 1994 йил июль ойидаги Марказий Осиёдаги беш республикада хусусий соҳани ривожлантиришга кўмаклашиши мақсадларида таъсис этилган.

Бу фонд ўз бунга ўхшаш ишлаб турған тадбиркорликни кўллаб-куватлаш тузилмаларига (улар дастлаб 1989 йылда Шарқий Европа демократиясига мадад актига мувофиқ ташкил этилган) машгур ишбилармонлар ва илмий доиралар вакилларидан иборат хусусий директорлар Кенгаши раҳбарлик қиласиди. Кенгашни тажрибали халқаро раҳбарлар гуруҳи бошқарали.

4.4. Чет эл инвестициялары ва кўчмас мулк

Чет эл инвестицияларини жалб этишдаги самарали усуллардан бири кўчмас мулкни сотищdir. Уни амалга оширишда асосан бевосита савдо, инвестиция тантов (конкурслари ва кимошди савдолари ўтказилади.

Объект бирон бир сабабга кўра конкурс ёки кимошди савдога қўйилмайдиган кўчмас мулк, уни шундай сотиш давлатта ёхуд эгасига фойдали бўлса ажнабий харидорга бевосита сотилаверади. Ўзбекистонда шу таҳлилда самарали амалга оширилган савдога мисол қилиб Тошкентда сотилган меҳмонхона комплексини айтиш мумкин.

“Ўзбектуризм” миллий компанияси бу комплексни Индонезиянинг “Бакри Инвестидо” корпорациясига 38.0 млн. АҚШ долларига сотди. Объект қийматига у жойлашган ер қиймати ҳам киради. Бу савдода ажнабий харидор юз фоиз мулк эгаси бўлди.

ХАДДАРС ИНВЕСТИЦИИСИ НАРИНДА ЖАТБЕ КИЛНИШ СТРАТЕГИЯСИ ВА ЭСУПЛАРИ

Республикада инвестиция танловларида кўчмас мулкъ объектларини сотиш “Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”, “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”-ти қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси томонидан тасдиқланган Низом асосида иш олиб борилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси, унинг ҳудудий бошқармалари, шунингдек корхонанинг ўзидан чиқиши мумкин. Инвестиция танловлари бўйича сотишга кўйиш ҳақидаги қарорни Давлат мулки кўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармалари чиқаради.

Ташаббускор Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки сўмитасига ёки унинг ҳудудий бошқармаларига талафонма беради. Талафонмага давлат мулки объектларини кітмошли савдо-си ёки танлов бўйича хусусийлаштириш тўғрисидаги Низомда белтиланган ҳужжатлар мажмумиги ва объектнинг техник-иктисодий кўрсаткичлари тўғрисидаги ахборот илова қилинади.

Ҳар бир лойиҳа бўйича *ахборот беришда объектнинг ўзига қараб ёндашиши талаб этилади*, умуман олганда эса, агар гап ишлаб чиқарши обьекти ҳақида бўлса, кўйидаги ахборот берилади:

1. *Лойиҳа номи*
2. *Ишлаб чиқарши учун таклиф этиладиган товарлар, ши, хизматларнинг (бундан кейин матнда “товарлар”) номи за қисқа тавсифи*
3. *Таклиф этиладиган технология, ускунна-жихозлар, тарур ҳом ашё материаллар ва бошқа ресурслар, кооперация бўйича алоқаларнинг қисқа тавсифи.*
4. *Потенциал истеъмолчиларнинг ва мўлжалдаги сотиши бозорининг, шу жумладан ҳориждаги бозорларниң қисқа тавсифи.*
5. *Шу сингари товарларга ёки таклиф этилаётган ишлаб чиқарши технологиясининг, қўйланилаётган технологиядан фарқларига тавсифи.*
6. *Ўҳашаш товарлар нархи (шу жумладан ички ва ташки бозорлардаги).*

7. Ишлаб чиқариш учун таклиф этилаётган товариагарнинг мўлжалдаги нархлари.

8. Кутмадиган натижалар.

Инвестор учун лойиҳанинг ўзига хос ҳусусиятларга эга бўлган экология, эстетика ва бошқа қисмларига оид алоҳида татабблар мажбурий ҳисобланади. Инвестиция лойиҳасини техник-иктисодий асослари ихтиёрий шаклда тақдим этилади. Унда лойиҳани амалга оширилнинг тахминий муддатлари (унинг боши ва охири, фойда олишининг бошланиши, инвестицияларни қоплаши муддати) кўрсатилади.

Инвестициялар миқдорини асослаш бандма-банд тасдиқланиши лозим:

1. Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича мўлжалдаги харажатлар (минг сўм, минг доллар).

2. Молиялаш манбалари.

3. Харажат турлари:

- илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик, лойиҳа-қидирув ишлари ва экспертизани ўтказиш;

- ер участкаси сотиб олиш ёки ер участкаси учун ҳужуқ олиш;

- бинолар ва ишиоотлар қуриш;

- машина ва ускуна-жизхозлар сотиб олиш;

- патентлар, лицензиялар сотиб олиш;

- табиат муҳофазаси тадбирларини ўтказиш;

- корхонанинг ўз айланма маблағларини шакллантириш;

бошқа тадбирлар.

Танлов қатнашчилари ҳам молиялаш манбаларини кўрсатишлари лозим.

Ўзбекистонда кўчмас мулк объектларини кимошлиди савдосида сотиши Адлия вазирлиги томонидан идоралар меъёрий ҳужжатларининг ягона давлат реестрига киритилган меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ўтказилади. Республикада объектларни кимошлиди савдоларида сотиши Низоми ҳалқаро қоидаларга мувофиқ ишлаб чиқилган. Бу ҳужжатларни тайёрлашша АҚШнинг ҳалқаро тараққ-

ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ КИЛИШ СТРАТЕГИЯСИ ВА УСУПЛАРИ

иёт вакиллiği жағонга машхур “Прайс Уотерхаус” фирмасы орқали катта ёрдам берди. Бу фирма, шунингдек Республика кўчмас мулк биржасига кўчмас мулкни кимошли савдоларида сотиш тажрибаларини эгаллашда катта кўмак берди. Ўзбекистонда ўтказилаган биринчи кимошли савдоларида халқаро эксперталар, мутахассислар, дипломатик корпус вакиллари иштирок этиб, жағон амалиётида қабул қилинган кимошли савдоси қоидаларига риоя қилинганинг шоҳиди бўлдилар.

Хорижий харидорларниң кимошли савдоларида иштирок этиб тартиби ҳам барча қатори.

Кимошли савдолари ёки таъловларда чет элий инвесторлар қатнашмайдиган бўлса, объектларнинг қиймати Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида баҳоланади.

Ўзбекистон Республикасиининг, юридик ва жисмоний шахслари (чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналардан ташқари) кимошида ютиб чиқсалар, савдо объектини миллий валютага оладилар. Ажнабий юридик ва жисмоний шахслар гаров пули ва сотиладиган объект қийматини эркин муомаладаги валютада кимошли савдоси ўтказилган кунлаги биржа курси бўйича ҳисоблаб тўлайди. Кимошли савдосида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар қатнашган ҳолларда гаров пули ва сотиладиган объект қийматининг бир қисми ўзбекистонлик томоннинг қўшма корхонадаги ҳиссабай иштирокига муносиб ҳолда миллий валютада, қолган қисми ажнабий иштирокчининг ҳиссабай иштирокига мутаносиб ҳолда эркин муомаладаги валютада, кимошли савдоси ўтказилган кундаги биржа курси бўйича, миллий валютага айлантириб ҳисоблаб тўланади.

Белгилашган муддатлар ва тўлаш шаклларига муовфикар ҳаридор давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушадиган маблағларнинг жамғарилиши учун шартнома билан белгиланган хусусийлаштирилган объектнинг гаров ҳақи ажратилган тўлик

◆ БОЗОР ВА ОЧИҚ ИҚТИСОДИЁТ ◆

суммасини маҳсус ҳисобвараққа ўтказиши шарт. Харидорнинг обьект ҳақини тўламаслик ёки тўловни кечиктирганлиги учун жавобгарлиги олди-сотди шартномалари қоидалари билан белгиланиши керак. Сотувчи белгилаган кимошди савдоси шартларига мувофиқ харидорга обьект қийматини тўлашда муддатлар кечиктирилиши мумкин. Бундай ҳолда харидор обьектни сотувчи белгилайдиган шаклда ва муддатга суғурталashi керак.

Республикада кўчмас мулкни сотишни амалга оширадиган бомбидора - Республика кўчмас мулк биржаси ҳисобланади. Биржа реклама ишларини олиб боради, обьектни савдолга тайёрлаш ишлари билан шуғулланади, танловлар, тендерлар, кимошди савдолари ўтказади.

1995-96 йилларда биржа орқали чет эллик инвесторларга 100,0 млн. сўмга турли обьектлар сотилди. Харидорлар орасида дипломатик корпус вакиллари, хорижий концернлар ва компаниялар, ҳалқаро қўшма корхоналар бор. Сотиладиган обьектлар рўйхатида меҳмонхоналар, дўконлар, ёнилғи қўйиш тармоқлари, маъмурий бинолар ва бошқалар мавжуд.

Республика кўчмас мулк биржаси чет эллик инвесторларнинг қизиқишларини, мамлакатимиздаги ва чет эллардаги кўчмас мулк бозоридаги ҳолатни ҳар томонлама ўрганади. Бундан ташқари Республика кўчмас мулк биржаси ва унинг вилоятлардаги бўлимлари яқин ҳамда узоқ хориждаги шериклар билан қўшма корхоналар ташкил этган. Бу тузилмалар ҳам кўчмас мулк бозорини ривожлантиришга хизмат қиласди.

4.5 Ўтилестирма муддати

Хусусий сармоянииг ривожланётган мамлакатлар оламига сўнгги тўлқини асосан иқтисодий тараққиётда ютуқларга эришган мамлакатларга етиб келди. Бошқа мамлакатлар ҳам худди шундай фойда кўришлари мумкинми?

ХАРДКОР ИНВЕСТОРЛЫК КИПИШ СТРАТЕГИЯСЫ ВА УСУПЛАРИ

Улар капитални жалб этиш учун алоҳида ён берилшарга рози бўлишлари керакми? Кўпгина мамлакатларда реал солиқ имтиёзлари ва бошқа рағбат омиллари таклиф этилади, лекин сармояни инвестиция муҳитининг бу унсурлари қизиқтирмайди.

Хорижий сармоя эгалари потенциал инвесторлар биринчи навбатда фойда олишдан манфаатдор, аммо таваккалик уларни жиддий хавотирга солади. Улар учун **асосий ўзига тортадиган омиллар** ривожланган инфратузилма, ишончли ва малакали меҳнат ресурслари, даромад ва капитални чет элга ўтказиш (репатриация) ҳуқуқининг кафолатлари, шуниндек ижтимоий ва сиёсий барқарорликдан иборат.

Трансмиллий корпорациялар ва мажмуали инвесторлар ўз қарорларида ишончли молиявий бошқариш анъаналарига ва умумжаҳон бозорлари билан терян ҳамда мустаҳкам алоқаларга катта зътибор беради, бир марталик фойдали битим имкониятлари эса уларни унча қизиқтирмайди.

Сармоянинг бир мамлакатдан иккинчисига кўчиб ўтиши тарихида сабоқ бўладитан мисоллар жуда кўп. Хусусан чет эллик инвесторларга ҳаддан ортиқ имтиёзлар яратиб бериш меҳнат бозоридаги кучайиб борадиган дуализмдан жабр кўрадиган вазиятга олиб келиши мумкин. Бундай ҳодисадан илгари чет эл маблаг эгаларига алоҳида имтиёзлар ва ҳимояланган бозорни таклиф этган Бразилия ва Миср каби мамлакатлар зарар кўрди. Меҳнаткашларга нисбатан жазо чораларини қўллаш сиёсати ҳам узоқ сақланиб қолиши мумкин эмас, чунки эртами-кечми бундай сиёсат ижтимоий беқарорликка олиб келади.

Капиталнинг қочиб кетиши бемалол амалга ошса бўладиган имкониятга айланади, шу жумладан миллий капитал ҳам ўз мамлакати дан қочиб кетиши мумкин. Одатда тартибга солиши чора-тадбирлари капитал ҳаракатининг кўпгина йўлтарини тўсишга қодир эмас. Лотин Америкаси, Яқин Шарқ, Саҳрои Кабирдан жанубдаги Африка мамлакатлари-

нинг кўпчилигига 80-йиллардаги қарз танглиги даврида амал қилган назорат механизmlари умумий захиранинг 10-20 фоизига эквивалент бўлган капиталнинг оммавий қочиши (оқиб кетиши)ни тўхтата олмади. Бу эса ички иқтисодий таназзулни янада чуқурлаштиради ва иш ҳақининг пасайиши суръатларини тезлаширди.

Бугунги кунда бевосита инвестициялар оқими фойда олишнинг янги имкониятларига чаққон юз ўтиради ва шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш иш ҳақи потенциал меҳнат унумдорлигига қараганда паст бўлган жойга кўчмоқда.

Мамлакатнинг чет эл маблагининг ТМК кучоқ очиб фойдаланишга тайёр турган ички бозордаги ҳомийлик ҳисобига эмас, балки оқилона иқтисодий тамойиллар асосида жалб этиши foят муҳимdir.

Илгари бевосита чет эл инвесторлари асосан йирик ва бой ички бозорларга эга бўлган АҚШ, Буюк Британия қаби мамлакатларга борар эдик, бевосита чет эл инвестициялари ҳажми билан аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад ўртасидаги чамбарчас боғлиқлик бунга далил бўла олади. Кейинги вақтларда маблағ ҳаракатида арzonроқ экспорт базасини излаш кузатилиди, бевосита чет эл инвестицияси ҳажми (инвестицияларнинг умумий ҳажмига нисбатан фоизларда) ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад ўртасидаги ўзаро боғлиқлик амалда йўқотиб кетди. Аммо кўпгина ривожланаётган мамлакатлар маблағни жалб этиши учун улар ўртасида рақобатнинг кучайиши чаққонроқ инвестицияларнинг ҳажмини оширишга олиб келади деб ҳавотирланмоқдалар, чунки бундай инвестиациялар хиёл ижтимоий ларзалар шароитида ўз ватанига қайтиб кетиши мумкин ва шу сабабли уларнинг миллий иқтисодиётда мустаҳкам хўжалик алоқаларини барпо этишга ёрдам бериши эҳтимолдан узоқ. Бунга мисол қилиб экспорт ишлаб чиқариш ҳудудларига, яъни бож тўловларисиз ишлаб чиқариш учун маҳсус ажратилган хулудлардаги инвестицияларни келтириш мумкин. Ривожланаётган

мамлакатлардаги ТМКда банд бўлганлар умумий миқдорининг 45 фоизи шундай зоналар ҳиссасига тўғри келади. Шуни таъкидлаш лозимки, бундай вазиятда қабул қилувчи мамлакат учун фойда меҳнат ҳақи ҳисобидаги тушилмлар билан чекланади. Бу муаммо тикувчилик ва пойабзал саноати каби тармоқларда айниқса долзарб, бу тармоқлар учун юқори малакали ходимлар талаб этилмайди, фаолиятни тўхтатиш билан боғлиқ харажатлар эса у қадар кўп эмас.

Бундай хавотирларга асос бўлиши мумкин, аммо ТМК иш ўринларини барпо этмаслиги эҳтимоли янада реалроқ тус олади. Аксинча малакасиз иш ўринлари иқтисодий ўсиш йўлидаги фақат биринчи босқич деб қаралмоғи лозим. Иқтисодий тараққиётга эришган бир қатор мамлакатларда, масалан Мавритания, Корея Республикаси, Филиппинда иқтисодиётнинг малака талаб этмайдиган тармоқларига ички бозорни иш ҳақининг кўиайиши ва маҳаллий фирмаларнинг ривожланиши натижасида бевосита инвестициялар оқими тўхтади. Бу тармоқлардаги чет эл компаниялари ўз диққат-эътиборини арzon ишчи кучи таклиф этадиган янги экспорт ишлаб чиқариши зоналарига Хитой, Марокаш, Шри-Ланкага кўчирдилар.

Сармоя ниҳоятда эҳтиёткорликни талаб қиласди. Таназзулдан сўнг пул маблағлари яна қайтадан мамлакатга оқиб келиши учун узоқ муддат талаб қилиниши мумкин, шу сабабли меҳнат ресурслари маблағ тақчиллигига дучор бўлиши мумкин. Ички ва ташки савдо ҳисоб-китобларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳали етарли эмас - инвесторлар бу ўзгаришлар узоқ муддатли эканлигига ишонч ҳосил қилишлари керак. Бундай ишонч ҳосил қилгунгача 5 йил ва ундан ортиқ вақт ўтиши, ҳатто шунда ҳам инвесторларда шубҳалар қолиши мумкин. Хатар ортган шароитда омадни кеймаслигини кутишининг ўзи, айниқса қарздорлик миқдори хавфли даражага яқинлаша бошлиганда молиявий инқизорзга сабаб бўлиши мумкин.

ХАЛКАРД **ИЗДАНИЕ**

卷之三

КИЛІШ СТРАТЕГИЧСЫ ЗА ҰСУЛАРДЫ

Хозир турли мамлакатлар ва миңтақалар ўртасида сармоя учун авж олаётган рақобат кураши нүқтai назаридан инвестиция таваккалиги тушунчасини кўриб ўтиш зарур, инвестиция оқимларининг у ёки бу мамлакатларга иложи бор-йўқлиги, шунингдек уларнинг реал ҳажмлари охироқибат шу таваккаллар билан белгиланади.

Умуман олганда инвестиция таваккалғынин уч тои-
фага бүлиш мүмкін.

1. Ассоций ёки мамлекат билан боелук таваккалдик:

- инвестиция киритиладиган мамлакатдаги сиёсий ва ижтимоий барқарорлик;
 - жүкумат ўтказадиган макроиктисодий сиёсатнинг изчилиги ва барқарорлиги (инфляция даражасини назорат қилиш, бюджет, кредит сиёсати ва бошқалар);
 - табдиркорлык фаолиятидан олингган фойда ва бошқа даромадларни инвестиция қўйилгандан мамлакатдан чет элга ўтказиш имкониятлари ва шароитлари;
 - инвестициялашнинг ўзга жуқуқий шароитлари. (хорижий инвесторлар жуқуқини ҳимоя қиласидиган қонун ва қонун доирасидаги ҳаракатлар мавжудлиги).

2. Контракт ёки инвестицияга қадар таваккаллик:

- мураккаб жараёнларнинг давомийлиги ва самараадорлиги;
 - контракт шартларини келишиш ва маъқуллаш жарабёни, шунингдек томонларнинг имзоланган контрактларда назарда туттилган шартларга риоя этишини назорат қиладиган муассасаларнинг бўлиши ва самарали ишлаши;
 - муносиб маҳаллӣ шерик топиш имконияти;
 - янги ташкил этиладиган корхона устав фондига ускуна-жихозлар, технологиялар, ноу-хау, хом ашё, материаллар ва бошқалар кўрининишида бериладиган ҳиссани баҳолашнинг мавжуд тизими;
 - интеллектуал мулкни ҳимоя қилинишининг, ҳуқуқий асослари, шу жумладан технологияларни трансфертлаш (ўтказиш) масалалари.

3. Операцион ёки инвестициядан кейинги таваккаллар:

- операцион (ҳаракат) қарорларни қабул қилиш жараёни партиб-қоидалари ва давомийлиги;
- фойда ва уни тақсимлаш масалалари бўйича қарор қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатиш даражаси;
- менежментни ташкил этиш масалалари, шу жумладан инвестиция лойиҳаси инфратузилмасини, ходимларни бошқариш, молиявий менежментни ташкил этиш;
- маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш имкониятлари ва уни олиш тартибларини ҳал қилишининг давомийлиги;
- маҳаллий бозор маркетинги;
- малакали маҳаллий иш кучининг топилиши;
- жамоат хавфсизлиги, шу жумладан ушбу мамлакат-да ишлаётган чет энлих ходимлар учун хавф-хатарсиз ишлаш шароитлари.

Ҳар бир компания ўзининг инвестициялаш стратегияси, рақобат курашидаги ўз ўриидав келиб чиқдан ҳолда инвестиция таваккаллиги мажмумни мустақил баҳолайди ва ўёки бу мамлакатта инвестиция киригтади. Фарб мамлакаттаридаги компаниялар билан кейинги ўн йиллардў саноат ҳижатидан фаол ривожланаётган мамлакатлар компаниялари ўртасида фарқлар бу масалага ёндашувда яққол кўричади.

Фарbdаги компаниялар ғоят синчков ва пишиқлиги битан ажralиб турадилар, мамлакатдаги сиёсий-иктисодий вазиятни узоқ ўрганади, таҳтил этиди ва шундан кейингина шу мамлакатга инвестицияларни амалга ошириш ёки өширмаслик ҳақида бир қарорга келади. Янги саноати ривожланган мамлакатлардаги компаниялар уларга қарагандла фаолроқ. Уларнинг стратегияси ҳужумкорлиги ва тезкорлиги билан ажralиб туради. Бу компаниялар учун янги бозорларга тез кириш ҳамда у ерда етакчи мавқени әгалతаш асосий масала ҳисобланади.

Бозорга киришпининг ҳам биринчи, ҳам иккинчи стра-

АДАМЛАРДА СТРАТЕГИЯЛЫК АСОСИДАРЫ

тегиясига күплаб мисоллар көлпирис мүмкін. Аммо уларнинг қайси бири яхши, қайси бири ёмон деган саволга жавоб бериш қишин. Бу стратегиялар умуман бошқа-бошқа, ҳар бири мазкур мамлакатларнинг тарихий тажрибаси, бизнес олами анъаналари, кишиларнинг миңталинети (дунёқараши) асосида шакталғанган.

Аммо, охир-оқибатда, уларнинг ҳаммаси учун инвестиция күйинш мұлжалланған мамлакатдаги инвестиция мұхити мұхим ҳисобланади, чунки фақат шу мұхит іюқорида күриб ўтилған инвестиция таваккалғы, ҳатары қанчалик күп деган саволга жавоб беради.

Ўзбекистонда вазият қандай?

Маълумки, ҳар қандай мамлакатда инвестиция мұхити биринчи наубатда **смёслік барқарорликка** болғық. Худди шу омил инвесторнинг ўз фаолиятини тоштуарозига солиш, бир лаҳзалик нафни эмас, узоқ муддатлы инвестиция режаларини амалға оширишга имконият яратади. Ўзбекистондаги инвестиция мұхитининг асосий хусусиятларидан бири ҳам шуки, республика Марказий Осиё миңтақасидаги энг барқарор давлатдир.

Мамлакат раҳбарияти олиб бораётган **макромқосый смёсал** ҳам мұхим омиллар қаторига киради. Ўзбекистон Жаҳон банки ва Халқаро валюта фонди билан мустақкам амалий алоқалар ўрнатди. Бу муносабатлар ўзаро ҳурмат ҳамда умумий вазифаларни амалий ҳал қилишга инициаш асосиға қурилған.

Жаҳон банки муассасавий қайта қуришларни, шуннингдег Үзбекистон миллий валютасининг тұлов қобилиятини құллаб-қувватлаш учун қарз беришни бошлади ҳамда корхоналарға хусусийлаштырылған кейин мадад күрсатишига ва молия соҳасида таркиби үзгаришларни құллаб-қувватлашга қаратылған қарзлар бериш шартлари бүйича музокаралар олиб бормоқда. Халқаро валюта фонди ҳам СТФ доирасыда тұлов балансини, шуннингдег Стенд-бай кредитини құллаб-қувватлаш учун маблағелар беришни бошлади.

ЖАПКАР ОИНЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАПБ КИЛИШ СТРАТЕГИЯСИ ВА УСУПЛАРИ

Ўзбекистоннинг бу ташкилотлар билан самарали ва фойдали муносабатлари чет эллик инвесторлар учун республикада ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг орқага қайтмаслигига бош кафолат бўлади.

Кейинги вақтларда чет эллик инвесторлар учун яратиладиган **имтиёзлар ва рақобатлар тизими** инвестиция мухитининг муҳим омилига айланиб бормоқда. Турли мамлакатлар инвесторларга яратиб бериладиган имтиёзлар ва преференциялар (тўловлар) тизими ҳамда йўлини ўзи танлайди. Бозор инфратузилмаси ва ҳуқуқий мухитининг шаклланиши муайян вақтни талаб этадиган жараёндир. Шу сабабли кўплар ўз мамлакатида қулай инвестиция мухитини яратиш учун чет эллик инвесторларга вақтингчалик айрим имтиёзлар ва рақобат омилларини жорий этади.

Кейинги йилларда ривожланаётган ҳамда олдинги социалистик мамлакатларгина эмас, балки ривожланган мамлакатлар ҳам чет эллик инвесторларга тобора кўпроқ имтиёзлар яратиб бермоқда. Бу биз юқорида айтиб ўтган жаҳон бозорида маблағ учун рақобатнинг белгиси ҳисобланади. Ривожланган мамлакатлар молиявий имтиёзларини ишга солишига ҳаракат қилсалар, ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиётига эга мамлакатлар биринчи навбатда фискал, яъни хазинага, бюджетта олинадиган солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзларни мўлжаллайди.

Фискал ва молиявий имтиёзларни белгилашда турлича ёндашувлар бор. Бизнингча, ЮНКТАД (UNCTAD) таклиф этган ёндашувни энг тўғри деб қабул қилиш мумкин.

Шу ёндашувга кўра фискал имтиёзларга қуийидагилар киради:

- солиқ таътиллари (корхона муайян муддатга бир ёки бир неча солиқ турини, баъзан жами солиқни тўлашдан озод қилинади);

- корпоратив солиқ (даромад (фойда) солиги) ставкасини камайтириш;

- импорт божларидан озод қилиш;

- жадаллаштирилган амортизацияни жорий этиши (натижада солиққа тортыладиган базани камайтириш ва технологик ускуна-жихозларни алмаштиришин тезлаштиш имкони туғилади);

- солиққа тортыладиган базани камайтириш бүйича маҳсус имтиёзлар;

- қайта инвестиция бүйича имтиёзлар (фойданинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга йўнагтирилладиган қисмига солиқ тўлашдан озод қилиши);

- ижтимоий дастурлар учун имтиёзлар (компаниянинг ижтимоий эҳтиёжлар учун сарф-харажатларини тўлиқ ёки қисман солиққа тортыладиган базадан чиқариш).

Кўлланиладиган рағбатлантириш чора-талбирлари санарадорлигини кўтариш ва уни мунтазам ҳолга келтириш учун сармояни қабул қиласидиган мамлакат юқорида тилга олинган имтиёзларни бериш мезонларини ишлаб чиқишига харакат қиласи. Фискал имтиёзлар беришда асосий мезонлар одатда инвестициянинг иқтисодиётнинг мамлакат учун устувор соҳаларига сарфланиши ҳисобланади.

Масалан, биз учун иқтисодиётнинг барча тармоқларида асосий устуворлик экспортга мўлжалланган ва/ёки импортнинг ўрнини босадиган ишлаб чиқариш турларини ривожлантиришдан иборат, бу эса мамлакатга қадри баланд валютанинг тушуми ёки унинг иқтисод қилинишини таъминлайди; мамлакат учун устувор деб белгиланган минтақаларда амалга оширилладиган инвестициялар (бундай минтақаларни белгилашда, одатда, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш, янги иш ўринларини яратишдаги вазият асосий мезонлар ҳисобланади); фискал имтиёзлар бериш учун инновация, тадқиқот ва ривожлантириш, трейнинг (ўқитиш), бандликни

ХАПКАРДО АЙЗЕТШИКСЕСІМДЕ ЖАҢЫ ҚИЛИШ СТРАТЕГИЯСЫ ВА УСУПЛАРИ

тағындаш ва атроф мұхитни мұхофаза қилишга инвестициялар камроқ даражада мезон ҳисобланади.

Аммо, шунга қарамай жағон иқтисодий ривожланишининг тамойиллари ҳисобға олинганда XXI-асрнинг етакчи мамлакатлари қаторида туришини истаган ҳар бир мамлакат учун “инсонга инвестициялар”, шунингдек инновация тадқиқотлари учун инвестициялар энг муҳим устуворликлардан бири бўлиши дозим.

Асосан ривожланган мамлакатлар қўллайдиган молиявий имтиёзларга ҳукумат грантлари, субсидияланадиган қарзлар, қарзларни кафолатлаш киради. Молиявий имтиёзлар ҳам фискал имтиёзлар каби у ёки бу мамлакат саноати ёки минтақавий ривожлантиришни кўллаб-қувватлашга қаратилган. Куйидаги жадвалда йирик хорижий инвесторларни жалб этиш мўлжалланган молиявий имтиёзлар беришга мисоллар келтирилган.

| Каерда, қачон | Лойиҳа | Хукумат улуши (\$ млн.) | Инвестор улуши (\$ млн.) | Лойиҳа бўйича иш ўринлар | Бир банд киши ҳисобига ҳукумат улуши |
|-------------------------|---|-------------------------|--------------------------|--------------------------|--------------------------------------|
| АКШ 1983 | Автомобиллардвигателлари ишлаб чиқариш (Ниссан) | 33 | 745-848 | 1300 | 25384 |
| АҚШ 1985 | Автомобиллар ишлаб чиқариш (Тойота) | 149,7 | 823,9 | 3000 | 49724 |
| Буюк Британия 1994/1999 | Электроника (Самсунг) | 89 | 690,3 | 3000 | 29675 |

Чет эл сармоясини жалб этадиган мамлакатда амалга ошириладиган давлат инвестициялари хорижий инвесторларнинг лойиҳаларида қуйидаги мақсадларга сарфланади:

ходимларни янги технологиялар ва ускуна-жидозларда ишлаш учун зарур бўлган кўниқмаларга ўргатиш; йўлларнинг ҳолатини яхшилаш, сув ва энергия таъминотини, иқтисодий инфратузилманинг бошқа унсурларини такомиллаштириш; хорижий ходимлар оила аъзоларига маҳаллий тилни ва шу мамлакатда бўлиш билан борлиқ бошқа заруратларни ўргатиш.

Инвесторларга фискал ва молиявий имтиёзлардан ташқари бошқа имтиёзлар ҳам берилиши мумкин. Улар орасида мамлакат товар ишлаб чиқарувчиларини, шу жумладан мамлакатда ишлаб турган хорижий инвесторларни импортерлар рақобатидан ҳимоя қилиш, чет элларда ўтказилган операциялардан (оффшор ҳисобвараклари) олинган даромадни конвертациялаш ҳамда ундан фойдаланишдаги ва бошқалардаги имтиёзлар ва шу кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ўзбекистонда яратилган имтиёзлар ва рақобатлар тизими ғоят серқирра ва хилма-хил. Улардан энг муҳимлари қўйидаги имтиёзлар ва преференциялар (имтиёзли божхона божи)дир.

| N | Имтиёз тури | Мазмуни |
|---|----------------|---|
| 1 | Умумий шартлар | Агар Ўзбекистон Республикасининг кейинчалик қабул қилинган қонун хужжатлари инвестициялаш шартларини ёмонлаштирадиган бўлса, чет эл инвестицияларига нисбатан инвестициялаш пайтида амалда бўлган қонун хужжатлари узоги билан ўн йил давомида қўлланилади. |
| | | Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурига киритилган лойихаларга маблағ сарфлайдиган чет эл капитали иштирокидаги корхоналар биринчи беш йил давомида фойда (даромад) солиги тўлашдан озод қилинади. |

| N | Имтиёз тури | Мазмуни |
|---|--|---|
| | | Ўзбекистон Республикасидағи чет эл инвестициялари национализация қилинмайди. Чет эл инвестициялари реквизиция қилиниши хам мумкин эмас, табиий оғатлар, авариялар, эпидемиялар, эпизоотиялар бундан мустасно. Реквизиция қилиш ҳақидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади. Бундай ҳолларда чет эллик инвесторга тұланадиган товон күрилган зарарға мутаносиб бўлиши керак. |
| | | Чет эллик инвесторларнинг қонуний фаолият натижасида олган фойда ва бошқа маблагларини чет эл валютасида чет элга ҳеч қандай чеклашсиз ўтказишлари кафолатланади. |
| 2 | Ташки иқтисодий фаолият, шу жумладан экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш | Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона Ўзбекистон Республикасининг Қонун хужжатларига мувофиқ ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни лицензиясиз экспорт қилишга ва узининг ишлаб чиқарыш эҳтиёжлари учун маҳсулот импорт қилишга ҳақлидир. Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни экспорт қилишдан олинган валюта тушумлари белгиланған соликлар ва бошқа тұловлар тұланғанидан кейин бутунлай корхонанинг зәгалигига қолади. Үзи ишлаб чиқарган маҳсулотни экспорт қилишда корхоналарнинг фойда (даромад) солиғи ставкалари қўйидагича камайтирилади: - 20 фоизга - экспорт ҳиссаси ишлаб чиқарилган маҳсулот умумий ҳажмида 5 дан 10 фоизгача бўлганда; - 30 фоизга - экспорт ҳиссаси ишлаб чиқарилган маҳсулот умумий ҳажмида 10 дан 20 фоизгача бўлганда; - 40 фоизга - экспорт ҳиссаси ишлаб чиқарилган маҳсулот умумий ҳажмида 20 дан 30 фоизгача бўлганда; - 50 фоизга - экспорт ҳиссаси ишлаб чиқарилган маҳсулот умумий ҳажмида 30 ва ундан ортиқ фоиз бўлганда. |

ХАЛҚАРО ҮРДИССИК ӨЗИМДИК
КИПНИК СТРАТЕГИЯСЫ ЗА ҮСУЛЛАРЫ

| N | Имтиёз тури | Мазмуни |
|---|---|---|
| 3 | Хусусийлаштириш жараёнида қатнашиш | Юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эллик юридик ва жисмоний шахслар давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнида, хусусан күчмас мулкни мулк қилиб сотиб олишда бемалол ҳамма қатори иштирок этиши мүмкін. |
| | | Чет эллик юридик ва жисмоний шахслар - фирмалар, компаниялар ва халқаро ташкилотлар доимий ваколатхоналарининг ходимлари, кўшма корхоналарда доимий асосда ишловчи шахслар турар жой биноларини шу бинолар жойлашган ер участкалари билан бирга сотиб олиш хукуқига эга. |
| | | Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси обьектлари хусусийлаштирилаётганда ерни иморат ва бинолар билан бирга хусусийлаштириб олиш имконияти. |
| 4 | Техника жиҳатидан қайта жиҳозлашни рагбатлантириш | Чет эл инвестицияси иштироқидаги корхоналар даромадининг ишлаб чиқаришни кенгайтириш, технологияни янгилаш ва ижтимоий дастурларни амалга ошириш учун қайта инвестицияланадиган қисми солиқ солищдан озод қилинади. |
| | | Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни лицензиясиз экспорт қилиш ва ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёjlари учун маҳсулот импорт қилиш хукуқига эга. |
| 5 | Божхона тўловлари | Ўзбекистон Республикаси худудида чет эл инвестициялари иштироқидаги корхоналарнинг ўзи ишлаб чиқариш эҳтиёjlари учун ва ажнабий ходимларнинг шахсий эҳтиёjlари учун олиб кириладиган мол-мulk божхона божи тўлашдан озод қилинади. Ишлаб чиқариш омилларини олиб кириш-чиқариш foят осонлаштирилган (Ўзбекистон худудидаги кўшма ва чет эл корхоналари устав фондига улуш тарзида киритиладиган мол-мулкдан бож тўлови олинмайди). |

| N | Имтиёз тури | Мазмани |
|---|-------------|---|
| | | <p>Куйидаги товарларга бож солинмайди:</p> <ul style="list-style-type: none"> - эркин савдо тартибини назарда тутадиган шартномаларни имзолаган давлатлардан олиб кириладиган товарлар; - Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётiga бевосита инвестицияни амалга оширган чет эллик юридик шахслар томонидан олиб кириладиган умумий суммаси 50 млн. доллардан ортиқ бўлган товарлар (товарлар уларнинг ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлар бўлиши шарти билан). |
| | | <p>Олиб кириладиган ва чиқариладиган қуйидаги товарлар бож тўловидан озод қилинади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - чет эл капитали иштирокида корхонанинг устав сармоясига ажнабий шерикнинг мулкий улуши; - саноат усулида қайта ишлаш ва олиб кириш (чиқариш)га мўлжалланган маҳсулотлар олиш учун олиб кириладиган (чиқариладиган) буюртма хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар. Уларни қайта четта чиқариш (олиб кириш)да кўрсатилган хом ашёни қайта ишлаш, материаллар ва бутловчи қисмлар қиймати бўйича бож тўловлари ундирилади. |

Имтиёзлар ва преференциялар тизими обзори якупни шуни таъкидлаш керакки, имтиёзларнинг ўзи инвесторнинг ўз сармоясини жойлаштириши тўғрисида қарор қабул қилишга асосий далил бўла олмайди.

Асосий омилилар эса қўйидагилардир:

- сиёсий ва иқтисодий барқарорлик;
- бозор ҳажмси ва унинг кенгайиш истиқболлари;
- маҳсулот қиймати;
- иш кучи малакаси;
- мамлакатдаги мавжуд тартибга олиш қонути-қоидалари.

◆ БОЗОР ВА ОЧИК ИҚТИСОДИЁТ ◆

ХАДДИ
КУНДАЛ

Инвестиция мұхитининг муҳим омилларидан бири **муассасавий инфратузламанинг ривожлағанлик даражасы**, яғни чет эл инвестицияларига құмаклашадыган муассасалар, ташкилотларнинг бүлиши ҳисобланады. Ўзбекистонда кейиңги йылларда инвестиция жараёни учун зарур бўлган барча зарур муассасалар барпо этилди.

*Ўзбекистон Республикасида чет н
инвестицияларини тартибиға солиш ва жал
тши билан шугуланадиган расмий муассасалар*

| | | |
|---|--|--|
| 1 | Вазирлар Махкамасининг ташқи иктисодий фаолиятни муроффлаштириш департаменти | Куйидаги жорий жараёнларни муроффлаштиради: <ul style="list-style-type: none"> * инвестиция фаолиятини, биринчи навбатда чет эл инвестициялари билан амалга ошириладыган лойихаларни давлат томонидан кўллаб-куватлаш бўйича зарур хукumat қарорларини ишлаб чиқиш; * давлат бошқаруви идоралари, вазирликлар ва идоралар ишини ташкил этиш. |
| 2 | "Ўзистикболстат" | Инвестиция сиёсати ва дастурларини ишлаб чиқиш. |
| 3 | Ташқи иктисодий алоқалар вазирлиги | Корхоналарни ташки иктисодий фаолият иштирокчилари тарзида рўйхатга олиш ва хорижий компаниялар ваколатхоналарини аккредитациялаш. |
| 4 | Давлат мулки қўмитаси | Давлатга тегишли мулкни хусусийлаштириш ва тасаррӯф этиш жараёнларида чет эл инвестицияларини тартибиға солиш. |
| 5 | Молия вазирлиги | Қарз сиёсати ва хукumat кафолатларини бериш. |
| 6 | Адлия вазирлиги | Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни рўйхатга олиш. |

ХАРКАРО ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ СТРАТЕГИЯСИ ВА УСУПЛАРИ

| | | |
|----|---|--|
| 7 | Ташки ишлар вазирлиги | Хорижий инвесторларга ва Ўзбекистонда ишлаётган ажнабий фуқароларга визалар бериш |
| 8 | Ички ишлар вазирлиги | Хорижий инвесторларни ва Ўзбекистонда ишлаётган ажнабий фуқароларни турар жойи бўйича рўйхатга олиш |
| 9 | Давлат солиқ, қўмитаси | Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни солиқка тортиш ва уларнинг божхона билан боғлиқ фаолиятини тартибга солиш |
| 10 | Марказий банк | Конвертация тартиб-коидаларини, шунингдек унинг ўтказилишини, валюта маблагларидан фойдаланишини тартибга солиш, қарз сиёсати |
| 11 | Ташки иқтисодий фаолият миллий банки | Ташки иқтисодий фаолиятга банк хизмати кўрсатиш ва лойиҳада молиялашни амалга ошириш. |
| 12 | Хорижий инвестициялар бўйича агентлик | <ul style="list-style-type: none"> * Мамлакат ва хорижий инвесторларининг инвестиция тақлифлари тўғрисида маълумотлар банкини шакллантириш; * инвестиция мухдитини ўрганиш; * хорижий инвесторларга ахборот ва бошқа хизматлар кўрсатиш; * инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда мамлакат ва хорижий инвесторларига ёрдам кўрсатиш; * чет чет эл капитали иштирокида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг бажарилишини кузатиш (мониторинг); * хорижий инвесторларга давлат рўйхатидан ўтилгандан кейин юридик шахс сифатида фаолият кўрсатишида ёрдам бериш (товар ишлаб чиқарувчилар палатаси билан ҳамкорликда). |
| 13 | "Ўзбекинвест" давлат сугурта компанияси ва "Ўзбекинвест-инте кўшма корхонаси | Чет эл инвестицияларини инвестиция таваккалчилигидан сугурталаш |
| 14 | "Ўзбекинвестлоиҳи миллий инжинииринг компанияси | Дастлабки техник-иктисодий асосламани ва инвестиция лойиҳалари техник-иктисодий асосламаларини тайёрлаш |
| 15 | Давлат мулки қўмитаси хузуридаги кимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази | Кимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, ривожлантириш, назорат қилиш ва тартибга солиш соҳаларида давлат сиёсатини амалга ошириш. Мамлакат ва хорижий змитентларнинг кимматли қоғозларини сотиб олиш орқали маъмула инвестицияларини амалга ошириш |

◆ БОЗОР ВА ОЧИҚ ИҚТИСОДИЁТ ◆

ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИПИШ СТРАТЕГИЯСИ ВА УСУПЛАРИ

Мамлакатимиздаги ва чет эллардаги ишбилармон доиралар ўргасида мустаҳкам амалий алоқаларни ўрнатишида, ўзбекистонлик компанияларнинг жаҳон бозорига чиқишига кўмаклашишда яқинда ташкил этилган **товар шилаб шкарувчилар ва тадбиркорлар қалатаси** муҳим роль ўйнайди. Республика ҳукуматининг чет эл инвестиция ларини жалб этиш масалаларида сиёсатида Ўзбекистонда хорижий инвесторлар учун очилаётган инвестиция имкониятларини фаол оммалаштириш муҳим йўналиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси яқиндагина давлат мустақиллигига эга бўлганини, шунингдек жаҳон миқёсида сармояга, инвестиция ларга талаб тобора ортиб кетаётганини ҳисобга олиб, ёш давлат жаҳон ишбилармонлар ҳамжамиятлари ўргасида бу ерда хорижий инвесторлар учун очилаётган инвестиция имкониятларини тарғиб этиш ишларини фаол олиб бормоқда. Хусусан, 1994 йил март ойида Тошкентда БМТнинг ваколатхонаси билан биргаликда “Ўзбекистон Республикасига чет эл инвестицияларини жалб этиш бўйича давра суҳбати” ҳалқаро конференцияси ўтказилди. Иштирокчиларнинг эътироф этишича, конференция фоят муваффақиятли ўтди.

1994 йилдан бошлаб Лондонда ўтказилаётган “Doing Business in Uzbekistan” конференцияси анъанавий бўлиб қолди. Унинг ишида мамлакатимиз вакиллари билан бир қаторда жаҳондаги жуда кўп фирма ва компаниялар қатнашади. Конференцияда Ўзбекистондаги инвестиция муҳитининг умумий масалалари ҳамда бутун инвестицияни амалга ошираётган энг йирик компанияларнинг бор тажрибалари билан боғлиқ амалий масалалар хам мухокама қилинади.

1995 йил октябрь ойида Ўзбекистон ҳукумати БМТ муассасалари билан ҳамкорликда Женевадаги Миллатлар саройида хусусийлаштириш жараёнида чет эл инвестицияларини жалб этиш муаммоларига бағишланган кон-

ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ СТРАТЕГИЯСИ ВА УСУПЛАРИ

ференция ишида турли халқаро молия ва иқтисодий ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек жаҳондаги 50 мамлакатдан фирма ва компаниялар иштирок этди.

1996 йилда Франкфурт-Майнда Ўзбекистоннинг инвестиция имкониятларига бағишиланган катта халқаро конференция ўтказилди. Немис бизнесининг 300 дан ортиқ вакили иштирок этган бу ажуман катта қизиқиши уйғотди. Ўзбекистон иқтисодиётининг кончилик ва нефт-газ тармоқлари тақдимоти АҚШда муваффақиятли ўтди.

Ёш давлатнинг сиёсати ҳам Farbdagi имконий шерикларни Ўзбекистон билан танишириадиган тақдимотлардан сўнг республика ва бу мамлакатлар ҳамда министақавий ишбнлармөнлари ўртасида бевосита алоқаларни фаол ривожлантиришга қаратилип.

Ўзбекистонда “Yellow Pages” ва “Compass” маълумотномаларини нашр этиш ҳам худди шу мақсадларга хизмат қилади.

Муҳокама учун саволлар

Тўртинчи бўлимни ўқиб чиқинг ва қўйидаги саволларга жавоб беринг:



1 Миллий иқтисодиётни ривожлантириша чет эл инвестициялари қандай аҳамиятта эга?



2 Давлат миллий иқтисодиётта катта ҳажмда чет эл инвестициясини ўзи кафолатлаган ҳолда жалб этиш мумкин. Қандай фойдаланиш таваккалчилигини минимумга келтириш мумкин?



3 Жаҳон сармоя бозорларида ким кўпроқ ресурслар тақлиф этади давлат ва халқаро моля бирлашмалари-ми ёки хусусий тузилмаларми? Миллий иқтисодиёт учун бундай қандай хулоса чиқариш керак?

◆ БОЗОР ВА ОЧИҚ ИҚТИСОДИЁТ ◆

ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯПАРНІГІ ЖАПБ ҚПИИШ СТРАТЕГИЯСИ ВА УСУПЛАРИ

- 1** Жаҳон амалиётида “йўлдошли кредитлар” деб атала-диган кредитлар кенг тарқалған, яъни кредитларни бериш бир қатор қўшимча шартномалар билан бофланади (масалан, муайян товар бозоридан харид қилиш мажбурияти). Нима учун бу кредитларининг фоизлари аксарият, ўртача фоизлардан паст?
- 5** Миллий хўжалик учун қайси инвестициялар маъқулроқ - бевобсита инвестицияларми ёки мажмуа инвестицияларими?
- 6** Давлат сиёсатида қандай чора-тадбирлар билан чет эл инвестицияларини иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантиришни йўналтириш мумкин?
- 7** Ўзбекистонлик компанияларнинг акцияларини сотиб олиш хорижий инвесторларга фойдаларироқ бўлиб қоладиган шартларни санаб ўтинг.
- 8** Кўчмас мулк объектларини хорижий инвесторларга кимошиди савдосида сотиш қандай афзалликларга эга?
- 9** Хорижий инвесторларга миллий инвестиция муҳитининг қайси унсурлари муҳимроқ?
- 10** МДҲ мамлакатлари ўртасида чет эл инвестициясини жалб этиш учун рақобат мавжуд. Сизнингча, Ўзбекистон бу борада қандай нисбий устунликларга эга?

Глоссарий

Инвестициялар - сармояни бирон-бир мустақил юридик корхоналарга узоқ муддат (энг камида бир йил)га жойлаштириш (қўшиш). Қўшимча фойда олиш мақса-

ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ ЖАЛБ ҚИЛИШ СТРАТЕГИЯСИ ВА УСУПЛАРИ

дида ёки таъсир ўтказиш мақсадида ёхуд бу соҳада маблағ сарфлаш бу соҳада ўз ишини ташкил этишга нисбатан фойдалироқ бўлганда қўлланилади. Инвестициялар, асосан, инвесторлар томонидан акциядор компанияларнинг қўмматли қоғозларини сотиб олиш шаклида ўтказилади. Бевосита, молия ва интеллектуал инвестицияларга бир-биридан фарқланади. Шунингдек амортизация ажратмалари асосий фондларни янгилаш (рено瓦sation)га йўналтирилган инвестиция манбаларига киради. Муқобил инвестициялар (ингл. alternative investments) тушунчаси мавжуд - сармояни, одатдагидан фарқли равища, кўчмас мулк - санъат асарлари, маркалар, қадимий тангаларга жойлашни (сарфлашни) англатади.

Инвестиция муҳити - сармояни муайян мамлакатга жойлаштиришнинг афзалликларини белгилайдиган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа шароитлар мажмуи.

Кредитор мамлакатларнинг “Париж клуби” - тўлов муддатини бир томонлама узайтиришнинг олдини олиш мақсадларида ривожланаётган мамлакатларнинг ташки қарзлари шартларини қайта кўриб чиқадиган ҳукуматларо муассаса.

Халқаро кредит бир мамлакатдаги кредитор томонидан бошқа мамлакатдаги қарз олувчига муддатлик, қайтаришлик ва фоиз тўлаш шартлари билан бериладиган пул ёки товар шаклидаги ссуда.

Чет эл банклари тўла ёки қисман чет эл маблагига тегиши бўлган ва уларнинг манфаатлари йўлида фаолият кўрсатадиган банклар.

Чет эл инвестициялари чет эллик инвесторларнинг фойда (даромад) олиш мақсадларида тадбиркорлик ва бошқа турдаги фаолият обьектларига кўшадиган барча турдаги мулкий бойликлари ва уларга нисбатан ҳуқуқлари, шунингдек интеллектуал мулкка нисбатан ҳуқуқлари.

Мажмуа инвестициялари - маблағни даромад олиш

ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯПАРНИ ЖАЛБ КИИШ СТРАТЕГИЯСИ ВА УСУПЛАРИ

мақсадида оида корхона облигациялари, акциялари ва бошқа қимматли қозоз ларга жойлаштириш. Корхонанинг хўжалик-мoliaвий фаолияти усти дан назорат ўрнатиш мақсадларини кўзламайди.

Ссуда капитали - мамлакат томонидан халқаро қарзлар, кредитлар шаклида киритиладиган ёки чиқариладиган ва ссуда фоизи берадиган капитали.

Кўшма тадбиркорлик - икки ёки ундан ортиқ алоҳида ташкилотларнинг умумий стратегик мақсадларга эришиши йўлида бирлашти рилган ишбильармонлик фаоллиги. Кўшма тадбиркорликла мустақил корхона ташкил этилади, иштирокчиларнинг мустақилииги сақланган ҳодда мол-мулк, мoliaвий таваккалчилик ва даромад уларнинг ўртасида тақсимланади.

ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ИНТЕГРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИ ТИЗИМИДА

5-бўлим

5.0. Интеграция жараёнлари ва ташқи иқтисодий алоқалар

Иқтисодий интеграция - миллпий хўжаликлар ўртасида чуқур, барқарор ўзаро алоқалар ва меҳнат таҳсимоти, уларнинг турли босқич ва ҳар хил шаклдаги тақорорий ишлаб чиқариши тузилмаларининг ўзаро алоқалари асосида мамлакатларнинг хўжалик-сиёсий жиҳатдан бирлашуви жараёни.

Иқтисодий интеграциянинг асосий шакллари қўйидагилардир.

1. **Эркин савдо ҳудуди** доирасида қатнашчи мамлакатлар ўзаро савдо тўсиқларини бекор қиласди, лекин уларнинг ҳар иккаласи учинги мамлакатларга нисбатан савдо тўсиқларини бузмайди. Бундай ҳудудда қатнашчи мамлакатлар чегараларидаги божхона назорати сақлаб қолинишни керак. Унинг маъсади - кўшни қатнашчи мамлакатнинг сустроқ божхона гўсиги орқали учингчи мамлакатлардан ҳудудга кириб келиши мумкин бўлган импорт моллар учун солиқ ундириш ёки уни таъқидашдан иборат (бу қоида учингчи мамлакатларга мол экспорт қилишга ҳам тааллуқлидир).

Бунга 1960 йилда ташкил топган Европа эркин савдо ўюшмаси (ЕЭСУ) мисол бўла олди. МДҲ мамлакатлари ўртасида

ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ИНТЕГРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИ ТИЗИМИДА

илаги битим эркин савдо зонасига иккинчи мисолдир. Ўзбекистон эркин савдо тўғрисида Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Қозогистон, Қирғизистон, Молдова, Россия ва Украйна билан шартномалар тузган. Бу шартномаларга биноан томонлар мазкур мамлакатлардан чиқариладиган ва улар ҳудудлига олиб киритиладиган товарлардан божхона тўлови олмаслик мажбуриятини қабул қилган. Шу асосда Ўзбекистон шартнома тузилган давлатлардан чиқариладиган ва республика ҳудудлига олиб киритиладиган товарлар учун бож олмайди.

2. Божхоналар иттифоқида қатнашчи мамлакатлар ўзаро савдода барча чеклашларни бартараф этибгина қолмай, ташқи савдо тўсиқларининг ягона тизимини таъсис этадилар, бу билан ички чегараларда божхона хизмати сақлаш заруратини соқит қиласидилар. Европа Иттифоқи (ЕИ) божхона иттифоқига мисолдир.

ЕИ сингари божхона иттифоқи тузилганида нима бўлади? Божхона иттифоқининг тузилиши иттифоқ аъзоси бўлган мамлакатлар аҳволини яхшилаши ҳам, ёмонлашпирини ҳам мумкин экан.

Бу гап қизиқ туюлиши мумкин, қатнашчи мамлакатлар ўртасидаги тўсиқларнинг йўқотилиши эркин савдо сари аниқ қадамдек туолади. Лекин божхона иттифоқи ишининг таҳлили божхона тўсиғи ва бошқа тўсиқларнинг бартараф этилиши турли оқибатларга олиб келиши маълум бўлди.

ЕИ аъзоси бўлган мамлакатлар ўртасидаги савдо тўсиқларини бартараф этишининг таъсирини Буюк Британия автомобиль бозори мисолида кўриб чиқамиз. Ҳар қандай тарифлар бўлмаганида Буюк Британия учун нархи 3000 фунт стерлингдан бўлган япон автомобилари энг арzon бўлур эди. Улардан кейин нархи 3400 фунт стерлингдан бўлган немис автомобилари турадиди. Ўз-ўзидан маълумки, эркин савдо тартиби шароитида Буюк Британия фақат Япониядан автомобиль импорт қилган бўларди.

Аммо Буюк Британия ЕИга қўшилгунига қадар унда товарнинг бу турига нисбатан савдо чеклашлари амал қиласарди.

УЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ИНТЕГРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИ ТИЗИМИДА

Тариф барча хорижий мол етказиб берувчилар учун бир хил - 1000 фунт стерлинг бўлиб, бу нарса япон автомобилларининг ички нархини 3000 дан 4000 фунт стерлингга оширад экди. Буюк Британияда ўеч ким немис автомобилларини сотиб олмасди, чунки унинг нархи 4400 фунт стерлинг бўларди. Бунда Британиянинг давлати тариф йигимлари тарзидаги даромади 1000 фунт стерлинг - Нта дан ташкил топади, бу ерда Н-импорт қилинган автомобиллар сонини билдиради.

Энди тасаввур қиласайлик, Буюк Британия ЕИга кириб, шерик мамлакатлардан автомобиль киритиш учун барча тарифларни бекор қиласди ва айни вақтда тарифларни учинчи мамлакатлардан келтирилган автомобиллардан фарқи ўлароқ илгариги даражада қолдиради. Вокеликни бироз соддалаштирасак, немис автомобилларининг нархи тариф бекор қилингани учун энди Буюк Британия бозорида фақат 3400 фунт стерлингга (яъни илгаригидан 1000 фунт стерлинг арzon) тушади ва барча импорт машиналарга нисбатан нархи ҳаммабон бўлиб қолади. Британия истеъмолчилари нарх 4400 дан 3400 фунт стерлингга тушганини кўриб, энди Германияда ишлаб чиқарилган импорт автомобилларни кўпроқ сотиб ола бошлиайдилар. Натижада Британия интеъмолчилари анча фойда оладилар. Аммо бунда давлат илгари тариф йигимларидан оладиган барча даромадларидан мағрум бўлади. Шу тарзда, фойда ва зарарларга умумий якун ясайдиган бўлсак, Буюк Британия учун натижка қўйидагича бўлади: Германиядан импорт қилинган автомобилларининг истеъмолчилари ютдилар ва япон автомобилларининг келтириши камайганилиги туфайли бюджетга божхона тушумлари камайди.

Бу умумий натижадир: божхона иттифоқи тузилишидан ютуқ (алоҳида мамлакат учун ҳам, бутун жаҳон хўжалиги учун ҳам) савдо оқимларининг ўсиши билан, зарар эса бу оқимлар камайиши билан боғлиқдир. Божхона иттифоқи савдони қай даражада кенгайтирса, фаровонликни ҳам шу даражада оширади, савдо арzonроқ маҳсулотдан қимматроқ маҳсулотта ўтиши натижасида эса фаровонликни пасайтиради.

ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ИНТЕГРАЦИЯ АПОҚАЛАРИ ТИЗИМИДА

Битта товар билан вужудга келган вазиятни ўрганиб, божхона иттифоқидан ютуқ зарардан ортиқ ва аксинча бўла-диган шароитни белгилаш мумкин. а) импортга талаб чизиги қанчалик мослашувчан бўлса; б) мамлакат ишлаб чиқариши билан шерик мамлакатлар харажатлари ўргасидаги фарқ ҳа-нча катта бўлса; в) шерик мамлакатнинг ишлаб чиқариши ҳаражатлари билан учинчи мамлакат ишлаб чиқариш ха-ражатлари ўргасидаги фарқ қанчалик кам бўлса, ютуқ шунча кўп бўлади. Шундай қилиб, импорт товарларга юксак дара-жада мослашувчан талаб бўлганида ва божхона иттифоқи бўйича шерик мамлакатлардан бирида ишлаб чиқариш ха-ражатлари жаҳон даражасига яқин келганида савдо ҳажмининг кўпайиши учун энг яхши шароит яратилади. Аксинча, барча шерик мамлакатларда импортга талаб мослашувчан бўлмаган ва ишлаб чиқариш харажатлари юқори бўлса, божхона итти-фоқига қўшилиш энг кам самара беради.

ЕИ тарзида Фарбий Европа божхона иттифоқининг ту-зилиши савдо интеграцияси натижаларини амалий баҳолаш имконини туғдирди. Дунёдаги энг атоқли иқтисодчиларнинг фикрича, ЕИ доирасида божхона иттифоқи натижасида сав-донинг ўсиши кўпроқ бўлди. М.Крейнин ҳисоб-китобига кўра, ЕИ ичида янги савдо оқимларининг вужудга келиши таҳминан 8,4 млрд. долларга етди, учинчи мамлакатлардан импорт эса ҳаммаси бўлиб, 1 млрд. доллар камайди.

ЕИ доирасида божхона иттифоқининг тузилиши уму-ман жаҳон хўжалигига фойда келтирган бўлсада, бу нарса айрим мамлакатлар иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатди. Чунончи, АҚШ ва Канада Фарбий Европа мустаҳкамланган-лигини табриклаган бўлсаларда, Европадаги ўз бозорлари-нинг бир қисмидан маҳрум бўлдилар. Ўзи қатор савдо аф-залликларидан воз кечса-да, ЕИ ичида Нидерландия ва ГФРга импорт божларини ҳамжамиятнинг ягона тарифидаги уму-мий даражага кўтаришга тўғри келди. Қишлоқ хўжалиги бўйи-ча Буюк Британия энг кўп зарар кўриб, 70-йилларнинг ўртал-арида Британия ҳамдўстлиги мамлакатларидан қишлоқ хўжа-

ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ИНТЕГРАСИЯ АПОҚАЛАРИ ТИЗИМИДА

лик маҳсулотларини арzon импорт қилиш афзалигидан умидини узди.

3. Умумий бозор доирасида қатнашчилар савдодан ташқари ишлаб чиқариш омилларининг барчасини бемалол кўчириш (ишчи кучи ва сармоя миграцияси) эркинлигига ҳам эга бўлдилар. Бунга яна ўша Европа иқтисодий иттифоқи ёки Европа умумий бозори, мисол бўла олади, унинг ҳозирги расмий номи - Европа иттифоқидир.

4. Тўла иқтисодий иттифоқда қатнашчи мамлакатлар ўз иқтисодий сиёсатларини, шу жумладан пул, солиқ ва ижтимоий сиёсатини, шунингдек савдога ҳамда ишчи кучи ва сармоя оқимига таалуқли сиёсатни бирхиллашигиради. Бельгия билан Люксенбург 1921 йилда қонуний иттифоққа бирлашиди, Европа ҳамжамияти мамлакатлари учун эса бу иқтисодий иттифоқ - пировард мақсаддир. ЕИ аъзоси бўлган мамлакатлар тарихий тажриба таъсири остида бирлашиш керак деган фикрға келдилар, чунки тарих уларга Европада “савдо урушлари” ніхоятда хатарли эканлигини ва ҳақиқий урушларга яқинлигини яққол кўрсатган.

Кўпинча “Умумий бозор” деб аталадиган бу ҳамжамият аъзолари қўйидагича қарорга келдилар:

1) ўзаро савдода барча божсларни ва импорт квота (меъёр)-ларини бекор қилиш;

2) дунёнинг бошқа мамлакатларидан Европа бозорига товарлар киришини бир ҳил тартибга солиш;

3) пул маблагларининг бир мамлакатдан иккинчисига бемалол кўчиб юришини ҳамда ягона ишчи кучи бозорини яратиш учун ўз фуқароларининг чегарадан эржин ўтишини таъминловчи қонунлар қабул қилиш;

4) умумий манбаатдор муаммоларни ҳал этишда ягона сиёсат ўтказиш.

Дунёда давлатларнинг неча ўнлаб иқтисодий бирлашмалари мавжуд. АСЕАН (Жануби-Шарқий Осиё) мамлакатлари ўртасида кооперация алоқалари фаол ривожланмоқда. МДҲ мамлакатлари доирасидаги иқтисодий ҳамкорлик,

ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ИНТЕГРАЦИЯ АПОҚАЛАРИ ТИЗИМИДА

айниқса Ўзбекистон, Қозогистон ва Қирғизистон ўртасида тузилган Марказий Осиё умумий бозорини ташкил этиш ҳақидаги битимни ҳам тилга олиб ўтиш керак. Шимолий Америка иқтисодий иттифоқи (НАФТА) түгрисидаги битимга катта умид боғланмоқда.

1994-1995 йилларда Мексикада рўй берган валюта кризиси НАФТАдаги каби чукур интеграция мамлакатга кириб келиш йўлларини осонлашигари, деган фикр туғдириши мумкин. Лекин бундай талқин қилиш нотўғри. НАФТА Мексикага инвесторлар оқимининг кўпайишига кўмаклашши, аммо бу Лотин Америкасидаги бошқа мамлакатларга ҳам инвестициянинг оммавий оқиб келиши вазиятида, янги бозорларнинг шаклланишига қизиқиши оғушида ва АҚШдаги паст фоиз ставкалари шароитида рўй берди. Мексикани қамраб олган кризис Чилини четлаб ўтди, чунки Чили иқтисодиёти дадил ривожланаётган бир пайтда Мексикада макроиқтисодий ва молия сиёсати хато эди. Мексиканинг НАФТА ишпироки фавқулодда чора-тадбирлар тайёрлашни енгиллаштириб, кризисни енгизида шубҳасиз ёрдам берди.

Халқаро тажриба шундан далолат беради, интеграция унинг қатнашчилари учун ўзаро фойдали ва самарали бўлиши таъминлашда қўйидаги шартларга риоҳ қилиниши зарур:

- иқтисодиёти ривожи даражасида катта тавофут бўйласлиги. (Кўпроқ ривожланган мамлакатлардан камроқ ривожланган мамлакатларга ресурсларни текин қайта тақсимланиши узоқ муддатли ва ўзаро фойдали интеграция жараёни учун асос бўйламайди);
- иқтисодий сиёсатнинг ўхашлиги;
- валюта тизимининг яқинлиги ва валюта курсларининг барқарорлиги;
- иқтисодий тизим, ижтимоий таржибий тузилиши ва сиёсат тузилманинг ўхашлиги.

Интеграция турли мамлакатлардаги иктиёрий, тенг ҳуқуқли, ўзаро фойдали асосда иш олиб борувчи хўжалик субъектларининг ўзаро таъсир кўрсатиш ва бир-бирининг ичига ки-

ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ИНТЕГРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИ ТИЗИМИДА

риб боришидан иборат объектив жараён сифатида ривожланиши керак. Уни иқтисодий сиёсати ва вазияти турлича бўлган мамлакатлар ўртасида амалга ошириш йўлидаги уринишлар бехудадир. Бундай интеграция иқтисодий вазиятнинг ёмонлашувига, кризис жараёниларининг чуқурлашувига, иқтисодий ва сиёсий бекарорликка олиб келиши мумкин.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг интеграция сиёсати, унинг жаҳон хўжалигига ўз ўрнини топиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари шунга асосланадики, дунёдаги барча мамлакатлар билан ўзаро муносабатлар мамлакат мустақиллиги ва миллӣй-давлат манфаатлари негизида белгила-ниши керак.

5.1. Европа Иттифоқи

Ягона бозорнинг вужудга келтирилиши 1957 йилдаёқ ЕИИнинг энг муҳим мақсадларидан бири сифатида баҳолангандар эди. Лекин бу соҳадаги тараққиёт унча сезиларли бўла олмади. 1987 йил 1 июлда Ягона Европа Акти кучга киргачгина аҳвол ўзгарди, бу ҳужжатда товарлар, хизматлар, сармоялар ва одамлар Ҳамжамият доирасида эркин ҳаракат қиласидаги бозорга ўтиш муддати: 1992 йил 31 декабрь деб белгиланган эди.

Бу ҳужжат Вазирлар Кенгаши қарорларини қабул қилиниш тартибига муҳим ўзгартишлар киритди. Илгари уларнинг аксарияти бир оғиздан қабул қилиниши керак эди. Бу эса интеграция жараёнига доимо ҳалақиёт беруб келарди: гоҳ бир, гоҳ иккинчи бир миллӣ вазир ўз манфаатларини кўзлаб, интеграциянинг чуқурлашуви учун муҳим аҳамиятта эга навбатдаги ҳукуқий ҳужжатга қарши овоз берарди.

Ягона Европа Акти билан ягона бозорни бунёд этишга тааллуқли барча муаммолар бўйича (иккита соҳа - солиқ солиши ва одамларнинг эркин кўчиб юришидан бошқа соҳалар) кўпчилик овоз билан қарор қабул қилишга рухсат этилади.

ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ИНТЕГРАЦИЯ АПОҚАЛАРИ ТИЗИМИДА

Тўлдириши қоидасининг киритилиши Ягона Европа Актигининг муҳим жиҳатидир. Унинг моҳияти шундаки, бу қоидга қўйи даражадаги омиллар билан муваффақиятли бажариб келинадиган бўлса, юқори даражада қарор қабул қилишга хожат қолмайди, ёки аксинча, бу тамойилга мувофиқ қарорлар жамоа томонида қабул қилиниши талаб этиладиган соҳаларда Ҳамжамиятнинг роли кучайтирилиши лозим. Қатнашчи мамлакатлар иктиёрида бошқарувнинг миллий ва минтақа даражаларида амалга оширилиши мумкин бўлган вазифаларигина қолиши керак.

1991 йил декабрида ЕИ қатнашчиси бўлган 12 мамлакатнинг давлат ва хукумат бошпиқлари Голландиянинг Маастрихт шаҳрида Европа Конғашининг навбатдаги мажисига тўпланишиб, интеграцияни янада чукурлаштириш ва унга барқарор тус бериш йўлида ҳал қўйувчи қадам қўйдилар: улар Европа Ҳамжамиятларига асосланган ва ҳамкорликнинг янги шакллари билан тўлдирилган Европа Иттифоқини тузишга қарор қилдилар. Шу тарзда, 1993 йил 1 январдан ЕИ мамлакатлари ўргасидаги муносабатлар 1957 йилти ЕИИ ни таъсис этиш тўғрисидаги Шартномага эмас, балки Европа Иттифоқи тўғрисидаги янги Шартномага асосланмоқда.

Янги шартномага мувофиқ қўйидагилар таъсис этилди.

1. Ягона умумевропа фуқаролиги: қатнашчи мамлакатларнинг барча фуқаролари ўз-ўзидан Европа Иттифоқи фуқаролигини олади. Евроиттифоқнинг ҳар бир фуқароси қўйидаги ҳуқуқларга эга: Евроиттифоқнинг бутун ҳудудида эркин кўчуб юриш ва танлаган жойида яшаш; яшаб турган мамлакатида муниципал ва умумевропа сайловларида сайловчи сифатида қатнашиш ва номзодини қўйиш; Евроиттифоқдан ташқарида бўлганида у Иттифоқ қатнашчиси бўлган ҳар бир мамлакатнинг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик миссиялари ҳимоясидан фойдаланиш. У шунингдек Европарламентга арзнома билан мурожжаат қилишига ҳакми.

2. Иқтисодий ва валюта иттифоқи: Қатнашчи мамлакатлар ва умуман ҳамжамият иқтисодий сиёсатининг асосий

ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ИНТЕГРАЦИЯ АПОҚАПАРИ ТИЗИМИДА

йўналишлари Вазирлар Кенгаши томонидан қабул қилинади, у шунингдек ҳар бир мамлакат ва умуман ҳамжамият иқтисодий ривожланиши жараёни қандай бораётганини кузатиб тұяды. Мазкур мамлакаттинг иқтисодий сиёсати Вазирлар Кенгаши ишлаб чиқкан асосий йўналишларга түғри келмаса, унинг ималга оширилиши иқтисодий ва валюта иттифоқининг нормал фаолиятига тұсқынлик қылган тақдирда Вазирлар Кенгаши тегишили чора-табдирлар қабул қилиш ҳуқуқига эга. Қапнашчи мамлакаттар давлат бюджетларыда ортиқча тақиличик бўлишига йўл қўймаслик мажбуриятини оладилар.

Европа валюта иттифоқига ҳаракат охараги босқичининг селганды - кечи билан 1999 йил 1 январдан бошлиб Ҳамжамият ягона пул-кредит сиёсатини ўтказа бошлиайды. Шунингдек ягона валюта - ЭКЮ жорий этилади ва янги муассаса - Европа Марказий банки тузылиб, у миллий марказий банклар билан биргаликда марказий банклар Европа тизимининг асоси бўлиб қолади.

3. Сиёсий иттифоқ. У қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади:

- ташқи ишлар ва хавфсизлик соҳаларида ягона сиёсат, бунга кейинчалик: умумий мудофаа сиёсатини ишлаб чиқиш; Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик конференцияси билан боғтиқ масалалар, Европада қуролсизланиш ва қурол-яроғларни ғазорат қилиш; ядро қуролини тарқатмаслик ва хавфсизлик-чинг иқтисодий жиҳатлари устида иши олиб бориш;

- Европарламент можиятими кучайтириши;
- Ҳамжамият ваколатларини кенгайтириши;
- ички ишлар ва одил судлов соҳаларида, хусусан, бошпача бериш, иммиграция ва виза тартиби ва масалаларда ягона сиёсат юритиш.

Ягона бозор сари ҳаракатни жадаллаштиришга қаратиган ҳуқуқий ҳужжатлар ва қарорлар компаниялар тўғриси-таги қонунчилик, андозаларни мувофиқлаштириш, солиқ, транспорт қонунчилиги, шунингдек олий маълумот ҳақида-ти дипломларни ўзаро тан олиш сингари соҳаларда қабул

ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ИНТЕГРАЦИЯ АПОҚАЛАРИ ТИЗИМИДА

қилинди. Мехнаткашлар ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида турли товарлар андозаларини, шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотларининг экологик соғлиги мөъёrlарини, шунингдек ишлаб чиқариша техника хавфсизлиги қоидаларини мувофиқлаштириш бозор эркинлиги шароитида бозорда товарлар, хизматлар ва сармоялар рақобати бузилишининг олдини олишига қаратилган зарурий чоралар кўрилди.

Европа қурилишии Европа мамлакатларини бирлаштириш йўлида илгари қилинган барча уринишлардан иккита хусусияти билан тубдан фарқ қиласди.

Биринчидан, у мустаҳкам иқтисодий базага асосланади. Умумий хўжалик манфаатлари ва миллий иқтисодиётларнинг ошиб бораёттан ўзаро боғлиқлиги қатнашчи мамлакатлар бирдамлигининг мустаҳкамланишига шароит яратди. Шунча йил мобайнида тинч-тотув яшашдан, иқтисодий интеграция, равнақ жараёни чуқурлашганидан кейин, эндиликда ЕИ аъзоларидан бирортасининг хаёлига ундан чиқириклини келмайди, акс ҳолда катта йўқотишларга йўл қўйилади.

Иккинчидан, ЕИ фаолияти унинг барча аъзолари риоя қилиши керак бўлган шартномаларга асосланади. Қатнашчи мамлакатлар билан Комиссия ўргасида, ёки Ҳамжамият муассасалари ўргасида келиб чиқадиган низолар ва келишмовчиликлар Европа судида ҳал этилиши керак, унинг қарорларини рад этиш ёки уларнинг бажарилмаслиги мумкин эмас.

Рим шартномаларида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши (тўрт эркинлик деб аталувчи одамларнинг, товарлар, хизматлар ва сармоянинг кўчуб юриши эркинлигига эришиш ҳамда сони тобора ошиб бораёттан вилоятларда ягона сиёсатнинг амалга оширилиши) қатнашчи мамлакатлар миллий мустақилигидан келиб чиқадиган бир қатор ҳуқуқларни Ҳамжамият муассасаларига, энг аввало Комиссияга топширишни тақозо қиласди. Бу жараён тобора кучайиб бормоқда. Еининг фақат шу муассасалари Вазирлар Кенгаши

УЗБЕКИСТОН ЖАХОН ИНТЕГРАЦИЯ АПОҚАПАРИ ТИЗИМИДА

қарорларининг (улар асосан қарорлар, йўл-йўриқлар ва тавсиялар тарзида бўлиб, жами Ҳамжамиятнинг хуқуқий базасини вужудга келтиради) бажарилишини ташкил қила оладилар.

Ҳамжамият мақсадларига икки йўл билан: қишлоқ хўжалиги, балиқчилик, транспорт, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, рақобатни тартибга солиб туриш сингари соҳалардаги сиёсатни, минтақавий сиёсат ва ташқи иқтисодий алоқалар, энергетика сиёсатини биргаликда ўтказиш; илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари доирасидаги фаолияти, телекоммуникациялар, қатнашчи мамлакатларнинг иқтисодий ва ижтимоий интеграциясини чуқурлаштириш, ижтимоий сиёсат соҳасидаги иқтисодий тадбирларни мувофиқлаштириш, иқтисодий ва валюта иттилоғини яратиш орқали эришилади.

ЕИ муваффақиятларига ва унинг янги аъзоларни жалб қилиш қобилиятига қўйидаги учта омил сабабчи бўлмоқда:

- ўзаро бир-бираига боғлиқликни ва ҳамкорликни тақозо қилувчи иқтисодий асос;

- ҳуқуқий қоидалар тантанаси, бу нарса ЕИ муассасалари вазифалари ва ҳуқуқларини баттағсил ҳамда аниқ белгиловчи шартномаларнинг маъжбурий тусда эканлигига, шунингдек Европа судининг фаолиятида ифодаланади;

- келишувлар ва ён беришларга асосланган қарорлар қабул қилиш жараёнининг демократик хусусияти.

Прагматизм билан қатъий қоидаларнинг бундай уйғунлашуви Ҳамжамиятга жиддий тангликларга бардош бериш, ўз қиёфаси, бирлиги ва мақсадларини сақлаб қолиш имконини берди.

Шу тарзда, Европа Иттилоғи ўзининг қарийб 350 млн. аҳолиси билан дунёда энг катта бирлашган бозорга айланмоқда. Европа компаниялари ҳозир фақат америка ва япон фирмаларининг қурби етиши мумкин бўлган кенг кўламли иқтисодиётдан фойдаланмоқдалар. Ўз маҳсулотини ғоят катта миқёсдаги ягона бозорда сота оладиган тадбиркорлар учун

◆ БОЗОР ВА ОЧИҚ ИҚТИСОДИЁТ ◆

ХАМЖАМИЯТЫН МАЛДОЛУУ ГҮРҮПТӨРСҮНКИ АЙОҚАЛАРЫ ТИЗИМИДА

ишилаб чиқариш харажатлари камаймоқда. Экспорт чиқимлари ҳам пасаймоқда. Миллий иқтисодиётлар ҳам, ЕИ мамлакатлари аҳолиси ҳам манфаат күраетир.

ЕИ муассасалари. Европа Ҳамжамиятини таъсис этиш түгристидаги Шартномаларда белгиланган вазифаларни бажарыш учун бир қатор Европа муассасалари тузилган.

Улардан биринчиси - Европа Ҳамжамияти Комиссиясы - ЕИ нинг ижроия органидир. Унинг 17 аъзосини миллий ҳукуматлар тайинлайди, лекин улар ўз фаолиятларида бу ҳукуматлардан томомила мустақиллар.

Бу ерга Ҳамжамиятнинг йирик мамлакатлари - Франция, Германия, Италия, Испания, Буюк Британия - ҳар бири иккитадан, кичик мамлакатлар биттгадан вакил юборади. Вакиллар түрт йил муддатта тайинланади, лекин шундан сүнг уларнинг ваколатлари қайта тикланиши мумкин. Комиссиянинг ҳозирги таркиби 1993 йил бошидан бери ишилаб келмоқда. Аъзолардан ҳар бири фаолиятнинг муайян йўналиши учун (миллий ҳукуматдаги оддий вазир сингари) жавоб беради ва Бош департамент деб аталадиган тегишли бўлинмага бошчилик қиласди. Комиссиянинг асосий ишчи тиллари инглиз, француз ва немис тиллари бўлса-да, у чиқарадиган барча расмий ҳужжатлар албатта 9 тилга таржима қилинади. Булар - юқорида айтилган учта тилдан ташқари данияча, голланд, юонон, испан, итальян ва португал тилларидир. Миллий ҳукуматлар аъзолари қонгашларининг материаллари ҳам 9 тилга таржима қилинади. ЕИ барча муассасаларининг ходимлари миллий ҳукуматларидан мустақил бўлган Европа амалдорлари ҳайъатини ташкил қиласди.

Комиссиянинг роли Ҳамжамиятни таъсис этиш түгристидаги Шартнома бажарилишини таъминлашдан иборат. Шу мақсадда, у зарур қонун лойиҳаларини тайёрлайди ва улар қарорлар ва директивалар шаклини олади, кейин эса комиссия уларнинг амалга оширилишини назорат қиласди. Қатнашчи мамлакатлар ЕИ қонунчилигини бузсалар, комиссия то Европа судига мурожаат қилишгача чора кўриш ҳуқуқига

эга. У шунингдек, хусусан, рақобат соҳасидаги сиёсат борасида ҳамда иқтисодиётнинг қишиоқ хўжалиги, транспорт ва ҳоказо секторларда ятона сиёсат ўтказиш борасида ҳам кatta ҳуқуқларга эга. Комиссия Ҳамжамиятнинг турли фондлари ва дастурларини, шу жумладан ЕИда қатнашмайдиган мамлакатларга ёрдам кўрсатишга қаратилган фондлар ва дастурларни бошқаради.

Вазирлар Кенгаши. Бу - қарорлар қабул қилиш органидир; унинг доирасида миллий ҳукуматларнинг аъзолари музокаралар ўтказдилар, Ҳамжамият қонунчилик хужжатлари ни муҳокама қиласидилар ва уларни овозга кўйиш йўли билан қабул қиласидилар ёки рад этадилар. Вазирлар Кенгаши ана шу турдаги ятона ва бирдан-бир органидир, деб ҳисоблашади. Лекин Вазирлар кенгаши аслида бир нечтадир: уларнинг номи ва таркиби муҳокама қилинаётган мавзуга қараб ўзгариб туради. Ички ишлар Вазирлар кенгashi, молия, таълим, қишиоқ хўжалиги ва ҳоказо Вазирлар Кенгаши мавжуд. Вазирлар ЕИ доирасида қабул қилинган қарорлар учун миллий парламентлар олдида жавобгардиirlар.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Ҳамжамиятнинг қонун хужжатлари қарорлар ва директивалар тарзида чиқарилади. Қарорлар мажбурий тусда бўлиб, қатнашчи мамлакатларнинг миллий қонунчилигига қўшилади. Директиваларнинг бажарилиши ҳам мажбурийдир. Лекин уларни амалга ошириш усусларини танлаш ҳуқуқи қатнашчи мамлакатлар иктиёридадир. Кўпчилик масалалар расмий даражада муҳокама қилинганидан кейин кун тартибига киритилди. ЕИга аъзо ҳар бир давлатнинг Брюсселда доимий ваколатхонаси бўлиб, бу ерда дипломатларгина эмас, балки барча миллий вазирликларнинг мансабдор шахслари ҳам ишлайдилар. Бу ваколатхоналарнинг бошлиқлари Доимий вакиллар қўмитаси доирасида ҳар ҳафтада кенгашлар ўтказиб турадилар, у ўз француза номининг бопш ҳарфларидан ташкил топган КОРЕПЕР деб аталади. Бу кенгашлар жараёнида қатнашчи мамлакатларнинг элчилари ва мансабдор шахслари Вазирлар Кен-

УЗБЕКИСТОН ЖАХОН ИНТЕГРАЦИЯ АПОҚАЛАРИ ТИЗИМИДА

гаши даражасида ҳал этилиши талаб қилинадиган масалаларни батофсил ишлаб чиқадилар.

Ҳамжамият тузим ҳақида шартномага мувофиқ Вазирлар Кенгашининг қарорлари уларнинг йўналишига қараб - ёки бир оғиздан ёки белтиланган аксарият овоз билан қабул қилинади. Ҳар бир қатнашчи мамлакат овозининг сони шу мамлакат иқтисодиётининг кўламига боғлиқ. Германия, Франция, Буюк Британия ва Италия 10 тадан; Бельгия, Греция, Португалия ва Нидерландия 5 тадан, Дания ва Ирландия 3 тадан, Люксембург 1 та овозга эга.

Шу тарзда, бирорта мамлакатнинг якка ўзи у ёки бу қарор қабул қилинишига қаршилик қўрсатмайди: бунинг учун 76 дан камида 23 овоз тўплаш керак. Бунга лоақал учта мамлакат биргалашдиган ҳаракат қилганидагина эришиш мумкин.

Вазирлар Кенгаши лавозимини барча қатнашчи мамлакатларнинг вакиллари навбатма-навбат эгаллайдилар. Уларнинг ҳар бири бу лавозимда 6 ой туради; раис вазифасини ташки ишлар вазирлари эгаллайдилар. 1992 йил 1 январдан бу лавозимни Португалия ташки ишлар вазири; ундан кейин Буюк Британия вазири эгаллади.

Европарламент - Европа халқларининг демократик жарчиси. Унда умумий овоз бериш йўли билан сайланадиган 518 депутат бор. Асосий вазифаси - Комиссия фаолиятини назорат қилиш, Ҳамжамият бюджети ва қонунларини маъқуллаш ва уларга ўзгартишлар китишдир. Европарламент аъзолари беш йил муддатга сайланадилар. Сўнгти сайлов 1994 йилда ўтказилди. Европарламентнинг Брюсселда ўз иш бинолари бор, лекин ҳар ойда бир ҳафталик ялпи мажлисини Франциянинг Страсбург шаҳрида ўтказади. Европарламент котибияти Люксембургда жойлашган.

1986 йилти Ягона Европа Акти қабул қилингунча Европарламент бюджетни қабул қилмаслик ва унинг айrim моддаларига ўзгартишлар киритиш хуқуқига эга эди. Лекин у умуман фақат маслаҳат овозига эга бўлиб, Вазирлар Кен-

УЗБЕКИСТОН ЖАХОН ИНТЕГРАЦИЯ АЛОҚАПАРИ ТИЗИМИДА

гаши унинг фикрини инобатта олмаслиги мумкин эди. Мазкур акт қабул қилинган Ягона бозор вужудга келтириш мақсадидаги тадбирлар “ҳамкорлик процедураси” деб аталадиган процедурадан ўтказила бошлади, бу эса Европарламент ваколатини анча мустаҳкамлади. Европарламент қонун лойиҳасини тақорорий ўқицда қабул қилимаган тақдирда, Вазирлар Кенгашси уни бир овоздан қабул қилинган қарор билангина маъқуллаши мумкин. Шу тарзда, қонун лойиҳаси қабул қилинмаслиги учун Европарламентда Вазирлар Кенгашининг битта катта ёки кичик итифоқиси бўлиши кифоя.

Европарламентнинг таъсири ва аҳамияти бошқа бир қатор жиҳатларда ҳам намоён бўлмоқда. Улар орасида энг муҳими - Комиссия ва Вазирлар Кенгашининг ялпи мажлислари жараёнида бу органларга сўровлар юборишdir. Сўровлар оғзаки ёки ёзма шаклда баён қилиниси мумкин. Бундан ташқари, Европарламент ҳали ҳеч қачон фойдаланмаган хукуқقا: Комиссияни тарқатиб юбориш хукуқига эга. Бунинг учун овозлар берувчиларнинг удан икки қисми унинг қониқарсиз ишлаёттани ҳақида фикр айтиши керак. Шундан кейин Комиссия ўз-ўзидан тарқаб кетиши керак.

Ягона Европа Актига биноан Ҳамжамиятта янги аъзолар кирганида, ующган аъзолик ҳақида шартнома тузилганида ва учинчи мамлакатлар билан савдо битимлари тузилганида, Европарламентнинг маъқуллаши талаб қилинади.

Европарламент аъзоларини турли гурухларга уларнинг фуқаролиги эмас, балки сиёсатга мансублилиги бирлаштирали. Миллий сиёсий партиялар барча ажнабий фикрдошилари билан алоқаларини мустаҳкамлаб, бу билан ҳақиқий ҳалқаро сиёсий ҳаракатларни вужудга келтира олдилар. Италия ва Ирландияда қонунларида Европарламент депутатлигига бошқа давлатларнинг фуқароларининг номзодини кўрсатишга рухсат этилади; бошқа мамлакатлар ҳали бу қадар олга борганиларича йўқ.

ЕИ Комиссияси ўз ташаббуси билан ҳам, Европарламент ва Вазирлар Кенгаши сўровига мувофиқ ҳам қонун

хужжатларини тайёрлайди. Комиссия юридик жиҳатдан асосламаган масалани ҳар иккى орган ҳам ҳал эта олмайды.

Комиссия қонун тайёрлаш ҳақидаги ўз мулоҳазаларини Вазирлар Кенгашига юборади, у эса сўнгра уларни Европарламентга топширади. Бу ерда улар тегишли Комиссияларга тушибди; комиссиялар тақлифларга ўз тузатишларини киритадилар ёки уларни ўзгартирмай маъкуллайдилар. Сўнгра мулоҳазалар Страсбургдаги Европарламент ялпи маъжисига юборилади.

Мулоҳазалар айни пайтда Ижтимоий-иқтисодий масалалар қўмитасига ҳам берилади. Бу органга саноат, касаба уюшма гурӯхлари, матлубот уюшмалари, касаба уюшмаларининг вакилларий тайинланади. Бу маслаҳат органидир. У қонун лойиҳасини олиб ва уни ўрганиб, ўз хulosасини Вазирлар Кенгашига юборади. Бу хulosса, мулоҳаза юзасидан Европарламент Комиссияси хulosаси сингари яна Комиссияга қайтирилади, у эса билдирилган фикрларни инобатга олиши ва уларни тайёрланаётган қонун ҳужжатлари матнинг киритилиши мумкин. Сўнгра у тақорорий ўқиши учун яна бир бор Вазирлар Кенгашига ва Европарламентга юборилали. Бу гал ҳам ҳужжат ўша йўлни босиб ўтади - тинглаш учун тегишли комиссияларга тақдим қилинади, бунинг юзасидан Страсбургдаги сессияда қарор қабул қилинади. Қонун лойиҳаси қонунга айлангунча ана шу жараёнлардан кейин Вазирлар Кенгашида маъқуланиши керак.

Мазкур жараённинг ҳар бир босқигида Комиссия юридик ҳужжатни тамомила ёки қисман ўзгартиришга ҳақли. Вазирлар Кенгаши қарор қабул қилинадан кейин унинг зиммасига ижрони назорат қилиш вазифаси юклатилади.

Юзаки қараганда, ЕИда қарор қабул қилиш жараёни жуда мураккабга ўхшайди. Аммо шунни ҳисобга олиш керакки, бундай мураккаблик мазкур жараёнга бир қатор тартибга солиш ва назорат қилиши тадбирларини “жорий этиш” имконини берадики, бу нарса унга демократик тус бағишлайди, мунозараларга, ўзаро маслаҳатларга ва келишувларга асосланиши имконини беради.

УЗБЕКИСТОН ЖАХОН ИНТЕГРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИ ТИЗИМИДА

Европа суди. Ҳамжамиятнинг бошқа халқаро ташкилотлардан фарқи шуки, ЕИга аъзо мамлакатлар имзолаган шартномаларни ижро этиш улар учун мажбурий эканлигидадир. Шартномаларнинг моддалари ва улардан келиб чиқадиган юридик хужжатлар қатнашчи мамлакатлар миллий қонунларига қўшилиб кетади. Уларнинг бажарилши равшан ва аниқ талқинни талаб қиласди. Шу муносабат билан Европа судининг фаолияти аҳамият касб этади.

Рим шартномалари имзоланиши билан ЕИ ҳуқуқларининг қатнашчи мамлакатлар миллий ҳуқуқларидан устунлиги жорий этилди. Бунинг маъноси, жумладан, шуни билдирадики, ЕИ ҳуқуқи амал қиласдиган барча ҳудудлар учун Люксенбургда жойлашган Европа суди энг юқори дарражадаги суд организидир. Ўз-ўзидан маълумки, Рим шартномаси қамраб олмаган соҳалир, масалан, жиноят қонунчилиги унинг ҳуқуқ доирасига кирмайди.

Европа суди 13 судьядан, шу жумладан ҳар бир қатнашчи мамлакатдан биттадан, ва бош адвокатлардан иборат. Судьялар мустақиллар. Улардан ҳар бирининг номзоди ҳар бир мамлакатдан кўрсатилди, лекин ЕИ Вазирлар Конгаси томонидан тайинланади. Судьялар 6 йил муддатта тайинланадилар; кейинчалик улар янгиланиши мумкин. Бош адвокатлар ҳам шу тартибда тайинланадилар.

Одатда ишларни эшитиш учун суд икки палатага бўлиниди. Айрим жиддий ҳолларда биргаликда тинглаш ўтказилади. Қарор кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Евросуд ЕИ қатнашчиси бўлган мамлакатлар ўртасидаги, қатнашувчи мамлакатлар билан бевосита ЕИ ўртасидаги, Ҳамжамият муассасалари ўртасидаги, ЕИ билан жисмоний ёки юридик шахслар, шу жумладан унинг органлари ходимлари ўртасидаги келишмовчиликларни тартибга солади. Евросуд халқаро битимлар юзасидан ҳамда миллий судлар унга топширган ишларнинг дастлабки тингланиши юзасидан хulosса беради. Аммо суд қилишга унинг ҳуқуқи йўқ.

УЗБЕКИСТОН ЖАХОН ИНТЕГРАЦИЯ АПОҚАЛАРИ ТИЗИМИДА

Евросудни кўпинча интеграция мотори деб атайдилар. Унинг мавжудлиги ЕИ қонунчилигини қатнашчи мамлакатлар нотўғри талқин қилишларининг олдини олади; Евросуд қарорларининг бажарилиши мажбурий. Унинг ихтиёрида бирор мажбур қилиш воситаси йўқ, лекин аксарият ҳолларда Ҳамжамиятда қатнашувчи давлатлар унинг қарорларига қўшиладилар.

Европа кенгаши. 1957 йил таҳриридаги Рим шартномаларида кўзда тутилмаган Европа кенгаши 1974 йилдагина, қатнашчи мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг Париж конференциясидан кейин тузилди. Бу конференция жараёнида улар Еврокенгаш тузиб, унинг доирасида бундай кенгашларни мунтазам ўтказиб турилиши кераклиги ҳақида қарор қабул қилдилар. Уларда шунингдек миллий ташқи ишлар вазирлари, ЕИК раиси ва унинг ўринбосари қатнашиши кўзда тутилди. Бундай учрашувларнинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда; уларда Ҳамжамият ҳаётига оид муҳим масалалар юзасидан қабул қилинган қарорларининг кўплари унинг тараққиётидаги янги босқичларни белгилаб беради. Кенгаш қарорлари мажбурий кучга эга эмас, лекин улар Ҳамжамият эволюцияси жараёнига сиёсий жўшқинлик бағишлайди ва унинг энг муҳим йўналишларини белгилаб беради. Европа кенгаши олий босқич аҳамиятини касб эгиб, мураккаб ҳолатларда, Ҳамжамиятнинг бошقا муассасалари билан келишишга эришишнинг иложи бўлмаган ҳолларда ЕИК ва Вазирлар Кенгаши унга мурожаат этишлари мумкин.

Кенгашнинг бундай функцияси давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқларининг ўз мамлакатларидаги катта обрўсига таянади. Уларнинг ҳамжамият ишларига шахсан аралашибларини шу сабабли катта ютуқ деб ҳисоблаш керак; улар кейинги пайтларда қабул қилган қарорлар ЕИ ҳаёти учун фоят муҳим аҳамиятга эга бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ИНТЕГРАЦИЯ АПОҚАПАРИ ТИЗИМИДА

5.2. Узбекистоннинг интеграция тузилмаларидағи иштироки

Ўзбекистон аъзо бўлиб кирган энг муҳим бирлашмалардан бири - Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (ДМҚ) бўлиб, у 1991 йил декабрида тузилган. Ҳозир МДҲга Озарбойжон Республикаси, Арманистон Республикаси, Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Кирғизистон Республикаси, Молдава Республикаси, Россия Федерацияси, Тоҷикистон Республикаси, Туркманистон, Ўзбекистон Республикаси ва Украина киради.

Ҳамдўстлик мақсадлари қўйидагилардир:

- демократик ҳуқуқий давлатлар тузиш, улар ўргасидаги муносабатлар давлат мустақилигини ва суверен тенгликни ўзаро тан олиш ва ҳурматлаш, ўз тақдирини ўзи белгилаш ажралмас ҳуқуқи, тенг ҳуқуқлилик ва ички ишларга аралашмаслик, куч ишлатишдан ва куч ишлатиш дағдагасидан, иқтисодий ва бошқа ҳар қандай тазииклардан воз қечиш, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, шу жумладан кичик миллатлар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, мажбуриятларни ва бошқа умум тан олган халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва нормаларини ҳалол баҳарис асосида ривожланади.
- бир-бирларининг ҳудудий бутунлигини ва мавжуд че-гаралар бузилмаслигини тан олиш ва ҳурмат қилиш;
- чуқур тарихий илдизларга эга бўлган ҳалқларнинг туб манфаатларини ҳамда қўшиничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш;
- фуқаролар сулҳини ва миллатлараро тутувликни сақлаш.

Ҳамдўстлик қатнашчиларининг ўзаро муносабатлари тенглик асосида шакллантириладиган ва давлат ҳам, ғайри-давлат тузилма ҳам бўлмаган Ҳамдўстлик қатнашчилари ўргасидаги битимлар билан белгиланган тартибда иш олиб борадиган мувофиқлаштирувчи муассасалар орқали тенг ҳуқуқлилик принципи асосида амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН ДАҲОҚИ ИНТЕГРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИ ТИЗИМИДА

Ҳамжамият давлатларининг умумий манфаатлари соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун Ҳамжамиятнинг олий органи - давлатлар бошиклиари Кенгаси, шунингдек ҳукуматлар бошликлари Кенгаси тузилди.

1993 йил 22 январда Минске қабул қилинган МДҲ Уставининг энг муҳим моддаларидан бири умумий иқтисодий майдонни, умумевропа ва евроосиё бозорларини шаклантириш ва ривожлантириш, транспорт ва алоқа тизимларини, шунингдек энергетика тизимларини ривожлантиришда ҳамкорлик қилишдир. Уставда шунингдек асосий мувофиқлаштирувчи ҳужжатлар - мустақил давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгилайдиган икки томонлама шартномалар бўлади, деб белгиланган.

МДҲ аъзоси бўлган мамлакатларнинг биргаликдаги кучгайратлари, жумладан, қуйидагиларга қаратилган:

- мамлакатларнинг бошқа интеграция гурӯҳлари билан ўзаро муносабатларда МДҲ интеграция жараёнларининг барча субъектлари манфаатларини ҳимоя қилиш, учинчى мамлакатлар томонидан камситилиши, фирром рақобат, ҳуқуқий ва иқтисодий чеклашлардан жамоа ҳимоясини таъминлаш. Бундай ҳимоя транспорт коммуникацияларида айниқса зарур;

- фан, таълим, товар ишлаб чиқарииш ва хизмат кўрсатишнинг техника-технология асосларини тақомиллаштириш соҳаларида интеграция жараёнларини қайта тиклаш, мурakkab фан-техника ва конструкторлик дастурларини биргаликда амалга ошириш;

- тузилмали иқтисодий ўзгаришларни келишиб амалга ошириш.

Айни вақтда Ўзбекистоннинг МДҲга аъзолиги унга бир қатор муҳим вазифаларни мисллат иқтисодиёт манфаатларига мувофиқ ҳал этиш имконини беради:

- ишлаб чиқарипши, аҳоли таъминотини (аввало озиқовқат билан) кўллаб-куватлашни таъминловчи кўламда

УЗБЕКИСТОН НАРДА АЛОҚАЛАРИ ТИЗИМ СИГИ

- кооператив хўжалик алоқаларини ривожлантириш ва тақомиллаширип;
- МДҲнинг бир қатор товарларининг бозорда, айниқса анъанавий маҳсулотларни сотиш соҳасида етакчи ма-вқени сақлаш;
 - собиқ иттифоқчи республикалар эга бўлган хом ашё ресурсларидан баҳраманд бўлишни таъминлаш;
 - Ўзбекистоннинг учинч мamlакатларга экспорт-импорт товар оқимига хизмат кўрсатувчи транспорт коммуни-кацияларидан кафолатли ва хатарсиз фойдаланиш.

МДҲ мamlакатларига нисбатан фаол иқтисодий сиёsat миллий иқтисодиётни соғломлашириш ва уни жадал ри-вожлантириш учун шароит яратиш омилларидан бири деб қаралиши керак.

Ўзбекистоннинг МДҲ давлатлари билан иқтисодий ҳамкорлиги механизмини тақомиллаширишнинг асосий йўналишлари иқтисодиётни эркинлашириш, уни бозор та-мойилларига изчиллик билан ўтказиш, хўжалик тузилма-сини қайта қуришдан иборат умумий йўл билан белгила-нади.

Тўлов-ҳисоб-китоб ва кредит-молия муносабатлари соҳ-асида Ўзбекистон яқин ажнабий давлатлар билан тўлов ба-лансини босқичма-босқич мувозанат ҳолатига келтириш ва молиявий нобудгарчиликларга йўл қўймаслик мақсадида ха-лқаро тажрибада қабул қилинган қоидаларга ўтказишни ту-галаш йўлида изчиллик билан бормоқда.

МДҲда интеграция соҳасида қабул қилинган йўлни ҳисобга олиб, ишлаб чиқариш алоқалари янги жараёнлар-нинг моддий асоси, кейинчалик эса товарлар ишлаб чиқа-риш ва хизмат кўрсатишни сифат жиҳатдан янгилашнинг энг муҳим соҳаси ҳам бўлиб қолиши керак. Шу сабабли ишлаб чиқариш имкониятларини ривожлантиришда ўзаро муносабатларнинг йўналишларини ва шаклларини страте-гик жиҳатдан тўғри таилаш фоят муҳим аҳамият касб эта-ди.

◆ БОЗОР ВА ОЧИҚ ИҚТИСОДИЁТ ◆

УЗБЕКИСТОН ЖАХОН ИНТЕГРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИ ТИЗИМИДА

Булар жумласига қўйидагилар киради:

- оқилона асосланган кооперация алоқаларини сақлаб қолиш;
- инвестиция фаолияти ва капитал қурилиш соҳаларида ҳамкорлик;
- ишлаб чиқариш ҳамкорлигининг янги ташкилий тузилишини шакллантириш;

Давлат ва ҳукумат бошлиқлари Кенгашида қабул қилинган норматив ҳужжатлар орасида 1992 йил октябринда Бишкекда тузилган “Мулк муносабатларини ўзаро тан олиш ва тартибга солиб туриш тўғрисида битим”ни алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Бу ҳужжатда СССР парчаланиб кетган мулк ҳукуқларини таърифлашлаги кўпгина англашилмовчиликлар барҳам топди.

1993 йил декабрида Ашгабатда имзоланган “Инвестиция фаолияти соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим” ҳам foят аҳамиятлидир. Бу битимга биноан Томонларнинг инвесторлари бошқа Томонларнинг ҳудудларида **инвестицияни қўйидаги йўл билан амалга оширадилар:**

- Томонларнинг инвесторларига тамомила тегишли бўлган корхоналарни, шунингдек бундай корхоналарнинг филиалларини тузиш;
- инвестиция қилинаётган жойда юридик ва жисмоний шахслар билан биргаликда барпо этилаётган корхоналарга ўз утушини қўшиш;
- миллий қонун ҳужжатларига мувофиқ корхоналар, иморатлар, инциоотларни, корхоналарда иштирок улушларни, пайлар, акциялар, облигацияларни, шунингдек қимматли қоғозларни сотиб олиш;
- инвестиция қилинаётган жойдаги давлат ҳудудида амал қиливчи қонун ҳужжатларига зид бўлмаган инвестицияни амалга ошириш соҳасидаги бошқа фаолият кўрсатиш.

Томонларнинг инвестициялари билан корхона инвестиция қилинган жойдаги давлат қонунчилиги билан таъқиқланган фаолият турларидан ташқари корхона уставида кўзда тутилган мақсадларга мос бўлган фаолиятнинг ҳар қандай

ЎЗБЕКИСТОН ЖАДОН ИНТЕГРАЦИЯ АПОҚАПАРИ ТИЗИМИДА

турини амалга ошира олади. Томонлар худудида инвесторлар амалга оширган инвестициялар инвестиция қилинган жойдаги давлатнинг тўла-тўкис ва сўзсиз ҳукуқий ҳимоясидан фойдаланадилар, қонунларда кўзда тутилган фавқулодда ҳоллардан ташқари вакъларда мусодара қилиниши мумкин эмас. Мусодара қилиш ҳақида қарор инвестиция қилинган жойдаги давлат қонунчилигига белгиланган тартибда қабул қилинади. Бундай ҳолларда инвестиция қилинган жойдаги давлат Томонларнинг инвесторларига тезда, мос келадиган ва самарали товон тўлайди. Мусодара қилинган тақдирда инвестор даъвolarини қондириш ҳақидаги ечимлар Томонларнинг келишуви бўйича ҳал этилиши ёки инвестиция қилинган жойдаги давлат судларига шикоят қилиниши мумкин.

Томонларнинг инвесторлари зарарлар ўрнини, шу жумладан давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг инвестиция қилинган жойдаги давлат қонунчилигига зид хатти-ҳаракатлари оқибатида, шунингдек бундай органлар ёки мансабдор шахслар Томонларнинг инвесторларига ёки шу инвестициялар сарфланган корхоналарга нисбатан қонунчиликда кўзда тутилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганликлари оқибатида қўлдан кетган фойда ўрнини қоплаш ҳукуқига эгадирлар.

Томонларнинг инвесторлари инвестиция қилинган жойдаги давлат худудидаги манбалардан ҳар қандай валютада олган фойда унинг худудида қайта инвестиция қилиниши ёки шу давлат қонунчилигига мувофиқ бошқа мақсадларда фойдаланиши мумкин.

Шуни тан олиш керакки, МДҲ тегишли органлари тасдиқлаган ҳужжатлар совет давридан кейинги давлатлар иқтисодиёти стагнациясининг салбий оқибатларини бартараф этишда ижобий роль ўйнайди.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти. Ўзбекистон 1992 йилда Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ИҲТ) аъзоси бўлди.

ИҲТ Афғонистон Ислом давлати, Озарбайжон Республикаси, Эрон Ислом Республикаси, Қозогистон Республи-

каси, Қирғизистон Республикаси, Покистон Ислом Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркия Республикаси, Туркманистан ва Ўзбекистон Республикасини бирлаштирали.

1992 йилда Техронда олий даражадаги ИХТ учрашуви пайтида эълон қилинган ахборотда ИХТ аъзоларининг иқтисодий фаровонлиги йўлида кўп томонлама миңтақавий ҳамкорликни кўзда тутувчи мақсадлар ва вазифаларга садоқат эълон қилинди. Ҳар йили ўтказиб туриладиган бундай учрашувлар қўшини халқлар маданий ва иқтисодий алоқаларини кўп даражада мустаҳкамлашга даъват этади. 1996 йилдаги давлат бошпиқларининг учрашуви алоҳида аҳамиятта эга бўлиб, унда муҳим қарорлар қабул қилинди.

Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотининг эътибор марказида - транспорт, алоқа, савдо, инвестиция ва энергетика сингари устувор соҳаларни ривожлантириши масалалари туради. Бу соҳалардаги ҳамкорлик ИХТ аъзоси бўлган мамлакатлар ўртасидаги миңтақавий иқтисодий ҳамкорлик жараёнларини жадаллаштириши имконини беради.

Транзит савдо, миңтақа ичида халқаро ҳукуқий мөъёrlарга мувофиқ божхона тадбирларининг умумий тизимини яратиш юзасидан лойиҳалар амалга оширилмоқда.

1996 йилда ишга туширилган фоят муҳим Тажик-Серхс-Машҳад темир йўли Марказий Осиё давлатларини Форс қўлтиғидаги Эрон портлари, шунингдек Туркия орқали Европа мамлакатлари билан бирлаштирувчи кўприк бўлди.

Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистан, Ўзбекистон, Афғонистон ва Озарбайжон учун Покистон, Эрон ва Туркия орқали денгиз портларига чиққини таъминловчи автомобиль йўллари ва темир йўллар курилишини тугаллаш тадбирлари амалга оширилмоқда. Туркманистан ва Ўзбекистонни Афғонистон орқали Қарочи ва Гвадар портлари билан бирлаштирувчи транзит йўлларга алоҳида эътибор берилмоқда. Термиз-Ҳирот-Қандаҳор-Чаман темир йўли ва унинг Ҳирот-Кушка, Керман - Зоҳидон, Астара (Озарбайжон) - Решт-

ЎЗБЕКИСТОН ЖАХОН ИНТЕГРАЦИЯ АПОҚАПАРИ ТИЗИМИДА

Казвин тармоқлари билан, шунингдек Ван қўли атрофини айланиб ўтвичи темир йўлини тугаллаш мақсадида уларга ҳам устувор аҳамият берилиши мумкин.

Минтақада газ ва нефть ўтказиш тармоқларини ривожлантириш режалари ишлаб чиқилди ва маъқулланди. Бунда Туркманистандан Эрон ва Туркия орқали Европага, Афғонистон орқали Покистонга, шунингдек Эрондан Покистонга ўтадиган газ қувурлари курилиши алоҳидати эътиборда турибди. ИҲТ аъзоси бўлган Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатлар ҳам бу газ қувурларидан фойдаланишлари мумкин.

ИҲТ аъзоси бўлган мамлакатлар ўргасидаги савдони янада ривожлантириш мақсадида бошқа минтақалардаги ва жаҳон савдо муҳитидаги тажрибани ҳисобга олган ҳолда Эркин савдо минтақаси (ЭКОФТА) тузишга аста-секин ўтиш кўзда тутилмоқда. ИҲТ минтақадаги мамлакатларнинг Ташкии иқтисодий алоқаларини ривожлантиришда ва уларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштиришда тобора қўпроқ роль ўйнамоқда.

Марказий Осиё ягона иқтисодий макони. 1994 йилда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ягона иқтисодий майдон вужудга келтириш ҳақида шартнома туздилар. Бу шартноманинг аҳамияти ниҳоятда катта. У интеграция жараёнларини музокаралар соҳасидан амалий ҳаракатлар йўлига ўтказишни бошлади, аниқ интеграция режаларини босқич-ма-босқич амалга ошириш, биргаликда бозор инфратузилимсини вужудга келтириш ва қабул қилинган қарорлар ижросини таъсиричан назорат қилиш мақсадида хўжалик-хуқуқий ҳамда ташкилий тусдаги омилларни ишлаб чиқишига киришиш имконини берди.

Шартномага имзо чеккан давлатлар қўйидагилар ҳақида келишиб олишиб:

- иқтисодий, ижтимоий, маданий, ҳуқуқий, ҳарбий ва бошқа соҳаларда мустаҳкам ҳамкорлик қилиш;
- атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий оғатлар ва фалокатлар оқибатларини тугатиш ишида куч-гайратларни

ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ИНТЕГРАЦИЯ АПОҚАПАРИ ТИЗИМИДА

бирлаштириш, Орол дengизи ҳавзасида ва Орол бўйида экологик вазиятни яхшилаш юзасидан қўшишча тадбирларни кўриш;

- ташқи сиёсат фаолияти соҳасида минтақа ва ҳалқаро даражаларда келишилган мавқеларда туриб ҳаракат қилиш.

Мазкур мақсадларни амалга ошириш ҳамда иқтисодий, сиёсий, мудофаа ва инсонпарварлик жиҳатларида куч-ғайратларни мувофиқлаштириш учун тузилган Давлатлараро кенгаш Бosh вазирлар кенгашини, Ташқи ишлар вазирлари кенгашини, Мудофаа вазирлари кенгашини ўз ичига олади. Уларнинг ишчи органи сифатида доимий ишловчи борувчи ижроия қўмитаси тузилган.

Ижроия қўмита зиммасига юклатилган вазифалар ва фаолиятларга мувофиқ асосий эътибор қўйидашларга қаратиди:

- минтақа аҳамиятига эга бўлган энг муҳим инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш ва қатнашчи давлатларнинг етакчи тармоқларида келишилган сиёсат ўтказиш;

- ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантиришини қўйлаб-қувватлаш, қўйша корхоналар, молия-саноат гуруҳлари, давлатлараро бирлашмалар тараққиётига кўмаклашиши омилларини ишлаб чиқши;

- транспорт, алоқа, коммуникация, ёқилиги-энергетика мажмусида ягона сиёсат ўтказиш;

- Давлатлараро кенгаш, унинг муассасалари қабул қилган давлатлараро ва ҳукуматлараро шартномалар ва битилилар қандай бажарилгаётганини назорат қилиши;

- уларнинг бажарилишини ҳамда учта давлат интеграциясига оид бошқа масалалар ҳал этилишини таъминлаш юзасидан тавсиялар тайёрлаш.

Шартнома имзоланганидан кейин оқ божхона тартиботи ихчамлаштирилди, бу эса Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг юкларини божхона кўригидан ўтказишини бекор қилиш имконини берди, қурол-яроғ, гиёҳвандлик ва психотропик воситалар, валюта ва маданий бойликлар олиб кети-

◆ БОЗОР ВА ОЧИҚ ИҚТИСОДИЁТ ◆

ЎЗБЕКИСТОНДА МАДАНИЯТ АЛОҚАЛАРДА ТАШКИЛТИКА

лаёттганлиги хусусида шубҳа учун етарли асос бўлган ҳоллар бундан мустаснодир.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРИ ГАЛИКИ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИГИ

Ташки Иқтисодий фаолиятни давлатларнинг савдо, иқтисодиёт, техника, маданият, сайёхлик соҳаларида бошқа давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантиришидан иборат деб мумкин. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан кейингина ҳалқаро иқтисодий алоқалар субъектига айланди. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Олий Конғаши қабул қўлган давлат мустақиллиги ҳақидаги баёнотда таъкидланганидек, “Ўзбекистон Республикаси Ҳалқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳукуқи аъзоси бўлиб, ҳалқаро муносабатларда суверен давлат, ҳалқаро ҳукуқ субъекти сифатида амал қиласди”.

Бундай ҳамкорликнинг асосий ҳукуқий шакли ҳалқаро шартномалар, хусусан мазкур соҳаларда давлатлар ўзаро ҳамкорлигининг энг муҳим тамоилилари ва йўналишини белгиловчи кўп томонлама шартномалардир. МДҲ қатнашчиси бўлган давлатларнинг ташки иқтисодий фаолият соҳасидаги ҳамкорлиги тўғрисида 1992 йил 15 майда имзоланган Битим бунга мисол бўла олади.

Бирор аниқ соҳада ҳамкорликни амалга ошириш ҳам кўп томонлама асосда бўлиши мумкин. Масалан, ССР Итифоқининг собиқ республикаларининг машинасозлик соҳасидаги 1993 йил 24 сентябрь битимида, жумладан, бир-бирларига маҳсулот етказиб бериш учун тегишли улушлар ажратиш ва рухсатномалар бериш, машинасозлик маҳсулотларини ўзаро етказиб беришда божхона божи олишдан озод қилиш кўзда тутилади.

Кўп томонлама шартномалардан ташқари аниқ масалалар юзасидан икки томонлама муносабатларни тартибга солишга қаратилган икки томонлама шартномалар тузилади. Улар иқтисодий ва бошқа хилдаги ҳамкорликда муҳим роль

◆ БОЗОР ВА ОЧИҚ ИҚТИСОДИЁТ ◆

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАШҚАРИ ДАВЛАТЛАРНИНГ ИМЗОЛАНМАСИ

ўйнайди, чунки томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилабгина қолмай, балки ўзаро ҳамкорликнинг аниқ жиҳатлари ҳамда тартибга солиниши керак бўлган муаммоларни ҳам белгилайди. Бундан ташқари, аввало савдо соҳасидаги икки томонлама шартномалар, ташқи савдода машғул бўлган шахслар учун имтиёзли тартиб жорий этади. Бундай оадатда энг қулай шароит яратиш кўзла тутиладики, бунинг маъноси аҳдлашувчи давлатларнинг жисмоний ва юридик шахсларига учинчи давлатларнинг ана шундай шахсларниги нисбатан кам бўлмаган қулай ҳуқуқлар берилишини билдиради.

Давлат энг қулай тартибдан ташқари бошқача **имтиёзли тартиб** ўрнатиши мумкин. Масалан, қулай инвестиция иқтисодининг яратилиши манфаатдор хорижий мамлакатлар билан инвестицияларни ўзаро ҳимоя қилиш ҳақида ҳукумат битимларини тузишни зарур қилиб қўядики, бу нарса чет эл иқтисодиётининг хусусий тармоғи вакилларига инвестиция олувчи мамлакатларда турли лойиҳаларга бехавотир маблағ сарфлаш имконини туғдиради.

Ўзбекистон ўз ташқи иқтисодий стратегиясини амалга ошириш учун ана шу шаклдан унумли фойдаланмоқда. Дунёдаги энг катта мамлакатлар билан товарлар ва хизматлар экспортини енгиллаштирувчи, чет эл инвестицияларини жалб қилишга ёрдам берувчи шартномалар имзоланди. Бир неча мисол келтирамиз:

АҚШ

1992 йил октябринда Америка чет элларга хусусий инвестиция берувчи корпорацияси (**ОПИК**) билан инвестицияларга кўмаклашиш ҳақида битим имзоланди, бу битим Америка компанияларини Ўзбекистонда сармоя сарфлашларида нотижорат таваккалчилиги бўйича кафолатлар билан таъминлаши керак.

1993 йил ноябринда Ўзбекистон Республикаси билан **АҚШ** ўртасидаги савдо муносабатлари ҳақида имзоланган ҳукуматларро Битим томонларнинг бир-бирига энг қулай шароит яра-

ЎЗБЕКИСТОН ЖАХОН ИНТЕГРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИ ТИЗИМИДА

Маълумот учун материал

20-йилларнинг бошларида ёқ Бухоро ва Хоразм ҳалқ совет республикалари РСФСР билан бир қатор шартномалар асосида ўзлари учун ташки бозорга мустақил ва келишилган ҳолда чиқишини таъминлаган эди. Шу шартномалар негизидан Хоразм республикаси чет эллардаги РСФСР савдо ваколатхоналари ҳузурда савдо ишлари бўйича ўз доимий ваколатхоналарини ёки Хоразм савдо ваколатхоналарини таъсис этган эди. РСФСР билан Бухоро республикаси ўргасида ҳам ана шундай битим тузиленган эди. Ана шу асосида Ўрга Осиё республикалари Афғонистон, Эрон, Фарбий Хитойда кеңг кўламда ташки савдо операцияларини амалга ошириди. Шу йилларда Ўзбекистон муйян мамлакатлар билан бошқа шаклларда иқтисодий алоқаларда иштирок этди.

Лекин шундан кейинги бошқарувнинг марказлаштирилган тартиби мобайнида барча қолган иттифоқчи республикалар сингари Ўзбекистон ҳам мусахабатни асосий ҳукуқларидан, яъни ҳалқаро муносабатларда иштирок этиши билан боғлиқ барча ҳуқуқларга эта бўлиш ва амалга оширишдан иборат ҳукуқий қобилиятдан фойдаланиш имкониятидан астасекин маҳрум этилиди ва аслида ташки иқтисодий фаолиятнинг бўйсунган субъектига айланди. Илгари, суверенитет ҳақидаги декларация ўзлон қўлинигунча Ўзбекистон Республикаси конституциясида унинг ҳалқаро ҳуқуқий субъект эканлигин қайд қўлинигун бўлсада, республика асосий қонунишини ушбу меъёри қисман бажариларди, асосан ССР Иттифоқининг ҳалқаро шартномалари ва битимларини амалга оширишда иштирок этарди. Ташки иқтисодий алоқаларни ривожлантириш юзасидан тармоқ, аслида эса марказлашган қарорлар устун бўлган шароитда республика ҳалқаро меҳнат тақсимотига иштирок этишининг ўз дастурларини амалга ошириш имкониятига эга эмас эди.

УЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ИНТЕГРАЦИЯ АПОҚАЛАРИ ТИЗИМИДА

Маълумот учун материал

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати иштирокида тузилган икки томондама комиссиялар ва қўмиталар.

Давлатлар тузган комиссиялар ва қўмиталар улар ўргасидаги икки томондама муносабатларни ривоҷлантириша гоят катта роль ўйнайди.

Ўзбекистон амалда яхши натижалар берган бу тажрибадан кенг фойдаланмоқда. Республика ҳукумати ана шундай муассасалардан бир қанчасини тузган.

Европа мамлакатлари билан:

1. Германия Федератив Республикаси билан ҳамкорлик масалалари бўйича идоралараро комиссия.

2. Швейцария Конфедерацияси билан савдо-иктисодий ҳамкорлик бўйича идоралараро кенгаши.

3. Буюк Британия билан савдо-иктисодий ҳамкорлик бўйича идоралараро кенгаши.

4. Савдо-иктисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Финляндия идоралараро комиссияси.

5. Франция билан ҳамкорлик масалалари бўйича идоралараро комиссия.

6. Польша Республикаси билан савдо-иктисодий ҳамкорлик бўйича идоралараро кенгаши.

Тинч Океан минтақаси ва Узоқ Шарқ мамлакатлари билан:

1. Иктисодий ҳамкорлик ва савдо бўйича Ўзбекистон-Корея қўмитаси.

2. Савдо-иктисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Хитой ҳукуматларaro комиссияси.

3. Иктисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон - Япония ва Япония-Ўзбекистон ҳукуматларaro қўмиталари.

Осёй ва Африка мамлакатлари билан:

1. Савдо-иктисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Миср ҳукуматларaro комиссияси.

2. Савдо-иктисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Эрон ҳукуматларaro қўшма комиссияси.

3. Савдо-иктисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Хиндистон ҳукуматларaro комиссияси.

4. Савдо-иктисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Покистон ҳукуматларaro комиссияси.

АҚШ:

1. Америка-Ўзбекистон савдо палатаси.

Бошқа қўмиталар, комиссиялар:

1. Европа Иттифоқи (ЕИ) билан савдо-иктисодий муносабатлар бўйича идоралараро кенгаши.

2. Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлани бўйича идоралараро комиссия.

Келтирилган рўйхатдан кўриниб турибдики, Ўзбекистон дунёдаги кўпина мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик қўлмоқда.

◆ БОЗОР ВА ОЧИҚ ИКТИСОДИЁТ ◆

ЎЗБЕКИСТОН ЖАХОН ИНТЕГРАЦИЯ АПОҚАЛАРИ ТИЗИМИДА

тишларини кўзда тутади. Ушбу битим қоидаларини бажарши йўлида 1994 йил августида АҚШ конгресси Ўзбекистонга божхона имтиёзларини белгилаш мақомини берди. Республика бир қатор товарларни божсиз экспорт қилиш хуқуқини олди.

1994 йил марта икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида ҳамжиҳатлик (дипломатлар ва эксперталар учун рухсатнома тартибини енгиллаштириш) тўғрисида Меморандум, ёрдам кўрсатиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро Битим имзоланди.

1994 йилда Вашингтонда Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат делегацияси инвестицияларни рафбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида битим имзолади, бу битимга биноан томонлар мазкур битимда истисно қилинмаган фаолият соҳаларида инвесторлар учун энг қулай шароит яратиш ҳақида кафолат беради. Ҳужжатда сармоялар ва фойдаларни эркин ва тўсиқсиз ўтказиш, инвестицияларни ҳимоя қилиш соҳасида халқаро арбитражта ва умум тан олган бошқа стандартларга мурожаат қилиш кўзда тутилади.

1995 йил 20 июнда Вашингтонда ҳукуматлараро ҳужжат - ҳар иккала давлат ҳудудларида фуқароларининг эркин ҳаракат қилишлари тўғрисида шартномага эришиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси билан АҚШ ўргасида ҳамжиҳатлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Республикадаги иккита катта лойиҳани: Зарафшонда “Ньюмонт Майнинг” компанияси томонидан таркибида олтин бўлган маъдан конини ишаш ҳамда Тошкентда “Интернэшнл Телсет, Инк.” компанияси “Камалак-ТВ” кўчма корхонаси билан биргаликда кабелли телевидение шохобчаларини тузиш ва бошқариш лойиҳаларини суфурта қитувчи чет эллардаги хусусий инвестицияларни ҳимоя қилиш корпорацияси (ОПИК) Ўзбекистонда Америка компаниялари фаолиятини кўллаб-куvvatлашда фаол мадад кўрсатмоқда.

Ҳамкорликнинг дастлабки босқичида, 1992 йилдан 1994 йилгача ҳамкорлик қилиш бўйича Америка компаниялари томонидан таклифларнинг асосий қисми маъдан ресурслари

УЗБЕКИСТОН ЖАХОН ИНТЕГРАЦИЯ АПОҚАЛАРИ ТИЗИМИДА

(“Ньюмонт Майнинг”, Эф-Эм-Си ва ҳоказоларнинг лойиҳалари), ёқилғи қазиб чиқариш, йирик лойиҳаларга банк креeditи бериш, республикага турли ускуналар етказиб бериш сингари соҳаларни ўз ичига олар эди.

1994 йилдан бошлаб ҳамкорлик тузилмаси анча кенгайди.

“Варентс-Груп” фирмаси хусусийлашириш жараёнига чет эл сармоясини жалб қилиш соҳасида муваффақиятли ишлайтириш.

1995 йил октябринда “Ўзкимёсаноат” уюшмаси билан Эм-Си-Ай компаниясининг портловчи моддалар ишлаб чиқарувчи қўшма корхонаси рўйхатта олинди.

“Дрессер” компаниясининг ёрдамчи фирмаси - “Келлог” фирмаси Кўқдумалоқ кони учун компрессор станцияси қурилишининг лойиҳаси бўйича пудратчирик. Ди-Эй-Ай (Девелопмент Альтернативс, Инк.) корпорацияси Бухоро вилоятидаги ерлар ирригацияси ва дренажи бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиши юзасидан давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан фаол ҳамкорлик қилмоқда.

1995 йил октябринда узоқ муддат давомида маблаб билан таъминлаш шарти асосида “Боинг” компанияси ишлаб чиқарган 3 та самолетни сотиб олиш ҳақида шартнома имзоланди.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси “ИЛ-86” авиалайнерида Американинг машҳур “Женерал Электрик” концерни двигателларидан фойдаланиш ҳақида музокаралар олиб бормоқда. “Энрон Ойл энд Гэз” компанияси, “Ўзбекнефтгаз” Миллий корпорацияси ва Россия Газ саноат ташкилоти иштирокида Кандим (Бухоро вилояти) ва Гажак (Қашқадарё вилояти) газ конларини биргаликда ўзлашириш юзасидан қўшма корхона тузиш масаласи фаол мухокама қилинмоқда.

Корея Республикаси. Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўргасида 16 та давлатлараво ва хукуматлараро хужжатлар имзоланган.

Савдо-иқтисодий муносабатлар даражаси куйидаги

УЗБЕКИСТАНДЫҢ ЖАҚОҚ АНТЕРРАЛИИ АЛОҚАЛАРИ ТИЗЛМЕДА

күрсаткичларда намоён бўлмоқда: 1994 йилда товар обороти 66,5 млн. АҚШ долларини, шу жумладан экспорт 40,1 млн. АҚШ долларини, импорт 26,4 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. 1995 йилда товар обороти 576,4 млн. АҚШ долларини, жумладан экспорт 146,8 млн. АҚШ долларини, импорт эса 429,6 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Ўзбекистон Республикаси учун Корея Республикасининг энг йирик банклари: “Корея Эксчейндж Банк”, “Ханил Банк”, “Корея Эксимбанки”, “Корея тижорат банки”, “Корея Ферст Банк” билан вакиллик муносабатларини ўрнатди. “Ферст-Банк” билан биргаликда “ДЭУ Корпорейшн” компаниясининг ўзбекистонлик шериклар билан қўшма корхоналари контрактларига хизмат кўрсатилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида 6 та корейс компанияси: “ДЭУ Корпорейшн”, “Самсунг Корпорейшн”, “Кэбул Текстайлз”, “ДЭУ Хеви Индастриз”, “ДЭУ Телеком ЛТД” ваколатхоналари ва “Дан сунг” госпитал бирлашмасининг ваколатхонаси жойлашган.

Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари сифатида 45 та қўшма Ўзбекистон-Корея корхоналари рўйхатга олинган бўлиб, улар фаолиятининг асосий турлари қўйидагилардир:

- қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етишишиш ва қайта ишиш;
- ҳалқ истебъомли моллари ишилаб чиқариш;
- паҳта чиқитларини қайта ишиш;
- радиоэлектрон маҳсулот ишилаб чиқариш;
- енгил автомобиллар ва уларнинг бутловчи қисмларини сотиш.

“ЎзДЭУавто” (“Нексия” ва “Тико” автомобиллари, “Дамас” микроавтобуслари ишилаб чиқариш) ва “ЎзДЭУэлектроникс” (рангли телевизорлар, видеомагнитофонлар, дазмоллар ишилаб чиқариш) энг катта қўшма корхоналар бўлиб қолди.

Германия. Давлатлар ўртасидаги савдонинг мавжуд ту-

зилмаси ўзаро иқтисодий манфаатлар борлигини тасдиқлады. Ўзбекистон Германияга саноат ишлаб чиқариши учун кимматбаҳо металлар, пахта, рангли металлар ва улардан ясалган маҳсулотлар, қайта ишланган қишлоқ хўжалик максудотларини экспорт қиласди. ГФР мамлакатимизга становк ва ускуналар (33,8%), транспорт воситалари (16,8%), озиқ-овқат (22,5%) экспорт қиласди. Умуман ҳар иккала мамлакат ўргасида товар обороти ҳажмининг ўсиши икки томонлама ҳамкорлик ривожланаётганидан ва истиқболли эканлигининг энг муҳим кўрсаткичидир. Товар обороти 1992 йилда 150 млн. немис маркасини ташкил қиласа, 1995 йилда у, Германия статистика муассасаларининг маълумотларига кўра, 805 млн. немис маркасига етди, шу жумладан Ўзбекистоннинг ГФРга экспорти 270 млн. немис маркаси, импорт 535 млн. немис маркасини ташкил қиласди.

Мамлакатлар ўргасида товар обороти кўпайиши билан бир пайтда Германиянинг Ўзбекистонга молиявий ёрдами ошиб бормоқда. (1993 йилга нисбатан 1995 йилда уч бара-вардан зиёдроқ ошиди).

Тижорат банклари билан бир қаторда банклар ва кредит-молия муассасаларининг давлат-хусусий бирлашмаси (АКА), Германия кредит-молия жамияти - КФВ банки, германиялик тадбиркорларни Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармоқларига бевосита инвестицияларни ва янги технологияларни жалб қилишга даъват этаётган ДЕГ инвестиция жамияти ҳам молиявий ҳамкорликка рагбатлантириш юзасидан катта ҳаждада иш олиб бормоқдалар.

Умуман Германия томонидан “Гермес” суғурга жамияти кафолати остида умумий миқдори 1 млрд. немис маркасидан кўпроқ бўлган КФВ ва АКА кредит линиялари очилди.

Германия республикага немис эксперлари томонидан маслаҳат хизматлари кўрсатиш, республикадаги ислоҳотларнинг қонуучилик базасини такомиллаштириш, шунингдек кадрлар тайёрлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишга қартилган семинарлар ва конференциялар ўтказиши тарзидан ма-

ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ИНТЕГРАЦИЯ АПОҚАЛАРИ ТИЗИМИДА

лакага оид катта ёрдам кўрсатмоқда. Немис техника ёрдами дастурини амалга оширувчи асосий муассаса Германия техника кўмаги жамияти - ГТИдир.

Бу йўналишда К.Аденauer фонди фаол иш олиб бормоқда, у Тошкентда ўз ваколатхонасини очган. Ҳозирги вақтда машҳур Эберт фонди ҳам Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очиши тарааддунила.

5.4. ҲАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ОИДИТИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон турли ҳалқаро ташкилотлар фаолиятида фаол қатнашмаса, жаҳон хўжалиги интеграциясига қўшилишини тасаввур этиш ҳам мумкин эмас. Улар билан ҳамкорлик ўтиш даври муаммоларини ҳал этишни ҳамда ижтимоий йўналтирилган бозор хўжалигини пакллантиришни енгиллаширади. Бу нарса кредитлар олишда, бевосита инвестицияларни жалб қилишда, маҳсулотни жаҳон бозорлариға чиқаришда катта ёрдам беради. Бундай ташкилотлардан бири БМТдир. БМТ турли муассасалари доирасида жаҳон тараққиёти муаммоларини ҳал этишида ноёб жамоа тажрибаси тўпланган, турли ижтимоий, иқтисодий, сиёсий йўналишлардаги мамлагатлар тажрибасини таълил қилишга асосланган ўзаро ёрдам кўрсатишнинг самарали воситалари ишлаб чиқилган. Ўзбекистонда амалга оширилаётган БМТ лойиҳалари иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, фан соҳаларини қамраб олади.

Бу лойиҳалар орасида - вазирликлар ва идораларга маслаҳат ёрдами кўрсатиш, кичик ва ўртача бизнесни кўллаб-куватлаш, бухгалтерлик ҳисоб-китоби ва аудитнинг ҳалқаро андозаларини ва ҳоказоларни ишлаб чиқиб, жорий этишида кўмаклашиш, чет элларга танишиш ва ўқиш мақсадида сафарлар уюштириш сингари тадбирлар бор.

1996 йил апрелида Париждаги ЮНЕСКО қароргоҳида Амир Темур юбилейининг байрам қилиниши Ўзбекистон тарихида катта воқеа бўлди. ЮНЕСКО бош директори Феде-

ДАСКАЛАРДА МАКСАРЛАШУВ

рико Майор билан учрашув Ўзбекистоннинг мазкур нуфузли халқаро ташкилот билан ҳамкорлиги учун тамомија янги асос яратди. Тошкентда ЮНЕСКО ваколатхонасини очиш ҳақида битим имзоланди.

Халқаро минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорликни чукурлашириш Ўзбекистон ташқи сиёсатида устувор йўналишлардан биридир. Ўзбекистон ана шу тамойилга асосланиб, Қозоғистон ва Қирғизистон билан биргаликда БМТ бош котибиға Марказий Осиё тинчлик батальони БМТ заҳира кучлари тизимиға киритилганини расмий равиша хабар қилди.

1996 йилда Тошкентда БМТнинг гиёхванд моддаларни назорат қилиш дастури (ЮНДКП) доирасида Марказий Осиёда гиёхванд моддаларнинг файриқонуний айланишини назорат қилиш юзасидан халқаро конференция бўлиб ўтди. 21 давлатдан келган эксперталар конференцияда қабул қилинган бу соҳада ЮНДКП билан Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлиги дастурини муҳокама қилишда қатнашди.

Европа Иттифоқи (ЕИ) билан ҳамкорлик. Фоят катта табиий, маъдан-хомашиб ва интеллектуал имкониятга эга бўлган Ўзбекистон эндилиқда Европа Иттифоқига аъзо бўлган кўпина мамлакатларнинг муҳим иқтисодий ва савдо ширикларидан биридир.

Марказий Осиёнинг қоқ ўртасида жойлашган Ўзбекистон умумевропа жараёнининг фаол қатнашчиси бўлиб қолди. Бунинг тасдиғини шундан кўриш мумкинки, ЕХХТ давлатимиз пойтахти айни Тошкентни Хельсинки бояларини мустаҳкамлаш учун минтақавий марказ сифатида танлади. НАТОнинг “Тинчлик йўлида шериклик” дастурида мамлакатимиз иштироки кенгайб бормоқда.

Хозирги дунёда Марказий Осиё иқтисодий ва сиёсий аҳамиятининг ортиб бораётганлиги бизга савдо-иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларимиз порлоқ истиқболига ишонч билан қараш имконини берибгина қолмай, балки Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш имкониятини ҳам яратади.

УЗБЕКИСТОН ЖАХОН ИНТЕГРАЦИЯ АПОҚАЛАРИ ТИЗИМИДА

Ўзбекистонда халқ турмушининг муносиб шароитларини таъминловчи эркин бозор иқтисодиётига эга бўлган демократик очиқ давлатни шакллантириш ва қарор топширишда Европа Иттифоқи ҳамда Европа мамлакатлари катта ёрдам кўрсатмоқда.

Хусусий соҳани ва тадбиркорликни мустаҳкамлаш, кичик ва ўртача бизнесни ривожлантириш, биз учун янги бўлган мулкдорлар синфини қарор топшириш, ҳаётимиизга замонавий меъёrlар ва андозаларни жорий этиш учун кўрсатилаётган ёрдам ғоят муҳимdir.

Бу жиҳатдан республика ТАСИС ластурига биноан Европа Иттифоқидан олаётган мадад бебаҳодир. Буюк Ипак йўли ўтган Европа билан Марказий Осиё ўргасидаги транспорт йўлагини қайта тиклаш ва ривожлантиришга қаратилган Евротифоқнинг ривожлантириш лойиҳаси - ТРАСЕКА ғоят катта аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон бир қатор манфаатдор давлатлар билан биргаликда мазкур лойиҳани амалга ошириш юзасидан амалий тадбирларни кўрмоқда.

Ўзаро ҳамкорлик Ўзбекистон учун Европада, Европа учун эса Марказий Осиё минтақасида катта имкониятлар очиши мумкин. Бу ҳамжиҳатликдан кўзланган мақсад битга - у ҳам бўлса, Европа ва Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, эркин бозор муносабатларини кенгайтириш, демократик қадриятларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатини таъминлаш, ўз фуқароларига муносиб турмуш шароитларини яратишdir.

1996 йил июнида Флоренцияда Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон Республикаси ўргасида имзоланган **Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим** ўзаро муносабатларда янги босқич бўлди.

Бу муносабатларга Ўзбекистон халқаро ҳамжамият ва жаҳон ҳўяжалигига кўшилишга мўлжалланган ташқи сиёсанинг устувор йўналиши деб қарамоқда.

Айни вақтда мазкур ҳужоатнинг имзоланиши Ўзбекис-

ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ИНТЕГРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИ ТИЗИМИДА

тон мустақиллиги ва суверенитетининг сиёсий қўллаб-кувватланиши бўлди.

Бу нарса Ўзбекистоннинг суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигига Европа Иттифоқи нақадар катта аҳамият берадиганининг далили ҳамдир. Ниҳоят, бу мамлакатимизга икки йўналиш: демократияни чукурлашириш ва иқтисодиётни замонавийлаштириш йўлидаги интилишларига Европа Иттифоқи ёрдам беришга аҳд қўрганлигини таъкидлайди.

Битим тадбиркорларимиз ва сиёсий муассасаларимиз ўргасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш учун қулай шароит яратади. Бу жараён барча учун фойдалидир. Битим Марказий Осиёда мустаҳкам барқарорликни қўллаб-кувватлашга қаратилган биргаликдаги куч-ғайратларнинг янги қўламларини белгилайди.

Битимнинг айrim жиҳатлари айниқса муҳимдир. Битим аввало сиёсий музокараларимиз учун мустаҳкам замин яратади. Бу эса бизга барча даражаларда фаол фикрлашиш имконини беради.

Сўнгра, бу савдони ривожлантириш ва ҳозирча анча қуйи даражада бўлган инвестициялар ҳажмини кўпайтириш учун қулай ҳуқуқий асос вужудга келтиради. Жаҳон иқтисодиётининг ўзаро боғлиқлиги кучайиб бораётган даврда бу жараёнга ёрдам бериб, ундан энг кўп фойда олиш мантиқан тўғри ишдир. Бундай жараёнлар иқтисодий соҳадагина эмас, сиёсат борасида ҳам ижобий натижаларга олиб келади, чунки бу жараёнда, Европа Иттифоқининг тажрибаси тасдиқлаганидек, сиёсий барқарорлик ва тинчлик мустаҳкамланаб боради.

Ниҳоят, битим ҳамкорликнинг катта истиқболини очиб, иқтисодиётнинг турли соҳаларидағи алоқаларни чукурлашириш имконини беради. Бу эса биргаликда ишлашнинг муҳим йўналиши бўлиб, ҳамкорликни кенгайтиради ва унга хилма-хил тус беради.

ЕИ билан Ўзбекистон ўртасида шериклик ва ҳамкор-

◆ БОЗОР ВА ОЧИҚ ИҚТИСОДИЁТ ◆

ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ИНТЕГРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИ ТИЗИМИДА

лик тўғрисида битим имзоланиши Франсия давлат ва жамоат арбоблари, шунингдек етакчи тадбиркорларига ижобий таъсир кўрсатди. Хусусан, француз тадбиркорлари Миллий кенгашининг вице-президенти Ф. Жискар Д'Эстен бундай деди: "Шу қадар юқори даражада битимнинг имзоланиши Президент И. Каримов тўғри иқтисодий сиёsat ўтказаёттаглигининг далиллайдир. Бу эса ҳозирги кунда Ўзбекистон Европа тадбиркорлари учун энг ишончли шерик эканлигини яна бир бор кўрсатади".

Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки билан Ўзбекистоннинг ҳамкорлиги ташки иқтисодий алоқаларни ривожлантириш нуқтаги назаридан ниҳоятда муҳим аҳамиятта эга. 1992 йил сентябрдан бери Ўзбекистон Республикаси Халқаро валюта фондининг тўла хукукли аъзосидир. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 2 июлдаги 622-XII сонли қарори билан "Ўзбекистон Республикасининг Халқаро валюта фондига, Халқаро реконструкция ва ривожланиш банкига, Халқаро тараққиёт уюшмасига, Халқаро молия корпорациясига, Инвестициялар кафолатининг кўп томонламали агентлигига аъзолиги тўғрисида"ги Қонуни амалга киритилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 сентябрдаги 404-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 27 мартағи 93-Ф сонли фармойишига биноан ХВФ заҳираларига аъзолик бадаллари: валюта қисмига 46.816.000 СДР (1 СДР 1,5 АҚШ долларига тенг) бир кунлик фоизсиз қарз операцияси орқали; рубль қисмига - Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги ХВФ ҳисобварағига 152.684.000 СДР тўланиб, у фоизсиз векселга айирбошлиди.

Ўзбекистон хукумати тизимли қайта қурилишларни маблағ билан таъминлаш (СТФ) механизми бўйича битимга ишора имзо чекди, 1995 йил 25 январда ХВФ директорлар кенгаши 1995 йилда Ўзбекистон тизимли ва макроиктисодий сиёсати соҳасидаги тадбирларни кўллаб-куватлаш учун СТФ Дастурини маъқуллади.

1995 йил 30 январда МФСПнинг дастлабки транши

◆ БОЗОР ВА ОЧИҚ ИҚТИСОДИЁТ ◆

УЗБЕКИСТОН ЖАХОН ИНТЕГРАШИЯ АПОҚАЛАРИ ТИЗИМНИДА

хисобидан 72.184.196 АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ҳарид қилинди. Қарз 4,5 йилдан кейин узилиши мүмкін ва ҳар бир хариддан кейин 10 йил ўтгач туталланади. Фоиз ставкаси сузувчан (хозир 4,1% атрофида).

1995 йыл 18 декабрида ХВФнинг ижрочи директорлар кенгашы СТФнинг иккинчи траншини ажратиш ва Ўзбекистонга “стэнд-бай” механизми доирасида жами 187 млн. АҚШ доллари (124,7 млн. СДР) беринш ҳақида бир оғиздан қарор қабул қилди, бу суммани ХВФ 15 мобайнида босқычма-босқыч тұлайды.

Кредит 1996-1997 йиллардаги иқтисодий ислоҳотлар давлат дастурини құллаб-қувватлаш мақсалида берилмоқда. Қарор қабул қилингач, ХВФ дархол Ўзбекистонга СТФ иккинчи траншии доирасида салқам 72 млн. АҚШ доллари ва “стэнд-бай” кредитининг дастлабки траншии доирасида 8,9 млн. АҚШ доллари берди. “Стэнд-бай” кредити бүйічі қолған маблағ илгариги чорак охирида белгиланған мезонлар бажарылған тақдирда 1996 йилнинг февраль, май, август ва ноябрь ойларыда ҳамда 1997 йилнинг февралыда 23,7 млн. СДРдан иборат бешта баравар улушларда бериліши керак эди. Қарз уч йилу уч ойдан кейин узила боштайди ва ҳар бир хариддан кейин 5 йил ўтгач туталланади. Фоиз ставкаси СТФ маблағларини узиш шартларига монандыр.

Шу тарзда, 1996-1997 йиллардаги республикани макроиктисодий барқарорлаштырыш дастури ХВФ томонидан салқам 259 млн. АҚШ доллари миқдорида мадад олды. Бу маблаглар валютани тартибға солиши механизми орқали милий валютани құллаб-қувватлашпа сарфланади.

Келишилған дастурда 2000 йилгача бўлған ўртacha муддатли истиқболда бюджет тақчиллигини 2,6 фоиз, ЯИМ йиллик ўсишини 5 фоиз, инфляция даражасининг пасайишини йилига 10 фоиз даражасига тушириш кўзда тутилган. Ҳукумат иқтисодий дастурининг асосий мақсадлари - йиллик инфляцияни 30-34 фоиз доирасида сақлаш ва ЯИМ пасайишини 1 фоиз доирасида чеклаштириш.

Жаҳон банки ташкилотлари - Халқаро реконструкция

ХУДОЖНИК МАКОН ИНТЕГРАЦИЯ АЛОҚАЛАРЫ ТІЗІМІДА

а ривожланиш банки (ХРРБ) ва Халқаро ривожланиш уюшаси (ХРУ) билан ҳамкорлик катта ақамиятта эга. Уларни итта марказий масала: ривожланаёттан мамлакатларда мәжіят унумдорлигини ошириш ва халқаро турмуш шароитини хишаң йўли билан уларда иқтисодий ва ижтимоий та-ақиётта ёрдам бериш вазифаси бирлаштиради. Бутун дүн-аги хусусий инвесторлар билан яқындан ҳамкорлик қылу-чи ва ривожланаёттан мамлакатларнинг тижорат корхона-арига маблағ ажратувчи халқаро молия корпорацияси (ХМК), шунингдек нотижорат тавакалчилікка қарши капитал маб-ағларни суғурта қилиш йўли билан ривожланаёттан мамла-атларга бевосита чет эл инвестицияларини жалб қилиш мақ-адидаги тузилган Инвестицияларни кафолатлаш халқаро аген-лиги (ИКХА) ҳам ана шу мақсадни кўзлайди. ХРРБ, ХМК, ИКХА ва ХРУ биргалашиб Жаҳон банки Гуруҳини ташкил илади.

Ана шу тўргутта ташкилотдан энг каттаси ва эскиси 1945 илда тузилган ХРРБдир. ХРРБ унинг сармоясига обуна ўлган 178 та мамлакат ҳукуматининг мулкидир. ХРРБ Би-ими моддаларига кўра Халқаро валюта фонди (ХВФ) аъзоси ўлган мамлакатларгина унга аъзо бўлиш ҳуқуқига эга. ХРРБ армояси улушкига обуна мазкур банкка аъзо бўлган мамла-атлар ўргасида ХВФ ҳар бир аъзосининг муайян мамлакат-инг нисбий иқтисодий қувватини акс эттирувчи ҳиссаси сосида тақсимланади. ХРРБ қарзни узишга қодир бўлган-аргагина қарз беради, мамлакат иқтисодиёти учун фойда-инг юқори аниқ меёрини таъминловчи истиқболли лойиҳ-ларгагина маблағ ажратади. ХРРБ ўз ички қоидаларига би-юан мамлакатларнинг қарз узиш муддатларини қайта кўриб икмайди ва берган қарзлари юзасидан ҳеч қачон зарар кўрга-ши йўқ. 1948 йилдан бери ХРРБ ҳар йил соф даромад олиб келмоқда.

ХРРБ ресурсларнинг катта қисмини Европа, Япония ва АҚШ сармоя бозорларидан ўттacha ва узоқ муддатли қарз олиш ҳисобидан жалб қиласиди. Маблағлар шунингдек марка-

зий банклардан ва ҳукуматнинг бошқа муассасаларидан бозор фоиз ставкалари бўйича ҳам жалб қилинади. ХРРБнинг бозорлардаги мустаҳкам маъқеи кредит беришнинг консерватив сисёсати, аъзо мамлакатлар томонидан қудратли молиявий мадад, шунингдек оқилона молиявий бошқарув сингари омиллар мажмуаси билан таъминланади.

Ресурсларни жалб қилишдан ташқари устав фонди, тақсимланмаган фойда ва берилган қарзларнинг ўз вақтида ундирилиши ҳисобидан ҳам катта маблағ тушиди.

ХРРБ йўли билан Ўзбекистонга, хусусан, селекция тадбирлари воситасида пахта етишириш усулларини замонавийлаштириб, унинг жаҳон бозорига чиқишига кўмаклашиш ва унумдорликни ошириш учун база яратиш мақсадида 66 млн. доллар бериляпти. Бундан ташқари, муассасаларни ислоҳ қилишини давом эттириш учун 120 млн. доллар ажратиш мўлжалланмоқда.

Халқаро ривожланиши уюпмаси 1960 йилда камбағал ривожланаётган мамлакатларга тўлов баланси ҳолатига ХРРБ қарз бериш шартларига қараганда камроқ даражада таъсир ўтказувчи шартлар асосида ёрдам бериши мақсадида тузилди. ХРУ ёрдами асосан ялпи ички маҳсулоти жон бошига йилига 690 АҚШ долларидан ошмайдиган (1993 йилти нархларда) энг камбағал мамлакатларга берилади. Ана шундай мезон асосида 60 га яқин мамлакат шу гуруҳга киради.

ХРРБ барча аъзолари учун ХРУ аъзолиги очиқ ва 158 мамлакат унинг аъзосидир. ХРУ кредит ресурслари одатда бадавлатроқ аъзо мамлакатларнинг бадалларидан шаклланади, лекин айрим ривожланаётган мамлакатлар ҳам ХРУга ўз бадалларини кўшади. ХРУ ресурслари ХРРБ соғ даромадидан мунтазам ажратмалар ҳисобидан ҳам тўлдириб турилади.

ХРУ факат ҳукуматларга қарз беради. Қарзни узиш муддати 30 йилдан 40 йилгacha. Бундай қарзлар бўйича фоизлар олинмайди, лекин кредитга хизмат қилиш учун қарзнинг жойлаштирилган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида ҳар йили йигим олинади. ХРУ ҳукуқий ва молиявий жиҳатдан

УЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ИНТЕГРАЦИЯ АНОҚАПАРИ ТИЗИМИДА

мустақил ташкилот бўлса-да, у ХРРБ билан ходимларнинг умумий штатига эга, ХРУ амалга ошираётган лойиҳалар эса ХРРБ қўллаб-куватлаётган лойиҳа мезонларга жавоб бериппли керак.

Банк фаолиятининг мувоффақияти қарз олувчиликнинг ишончига боғлиқ, бу ишонч эса банк ривожланаётган аъзо мамлакатлар билан иш олиб борган йилларда намойиш қилиган тажрибага ва техника малакалари дараҷасига боғлиқдир.

Битим моддаларига биноан Банк ўз фаолиятида аъзо мамлакатлардаги сиёсий вазиятга амал қилиш ҳуқуқига эга эмас: фақат иқтисодий мулоҳазалар аҳамиятлидир. Банк шунингдек ривожланаётган мамлакатлар қарзга олган маблағлардан энг кўп самарали фойдаланишиларига интилади. Шу сабабли Банк ёрдами боғлиқлик тусга эга эмас, яъни ундан ҳар қандай бошқа аъзо мамлакатдан товарлар ва хизматлар харид қилиш учун фойдаланиш мумкин.

ХМК 1956 йилда тузилган ва унинг вазифаси хусусий соҳада иқтисодий ўсишини рағбатлантириш ҳамда бу мақсадлар учун ички ва хорижий сармояларни сафарбар этипда ёрдам бериш йўли билан ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётини мустаҳкамлашада кўмаклашишдан иборат. 165 мамлакат аъзо бўлган ХМК ва Жаҳон банки ҳуқуқий ва молиявий жиҳатдан мустақия ташкилотлардир. ХМК оператив ходимлар ва ҳуқуқ маслаҳатчиларида иборат ўз штатига эга, лекин Банкнинг маъмурий ва бошқа хизматларидан фойдаланади.

Лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш билан бирга ХМК компанияларга қарз беради ва уларнинг устав сармоясига маблағ инвестиция қилиди. Кўптомонлама аксарият муассасалардан фарқли ўлароқ ХМК маблағ ажратадиганида ҳукумат кафолатини қабул қилмайди. Бошқа хусусий молия муассасалари сингари ХМК ўз молиявий ва бошқа хизматларини жалб қилинган ўз маблағлари қийматини акс эттирувчи ва операцияларнинг фойдали бўлишини таъминловчи бозор нархларида таклиф қилишга интилади. ХМК лойиҳаларни

◆ БОЗОР ВА ОЧИҚ ИҚТИСОДИЁТ ◆

ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ИНТЕГРАЦИЯ АПОҚАЛАРИ ТИЗИМИДА

амалга ошириш билан боғлиқ бутун таваккалчилликни ўз шериклари билан баҳам кўради.

Халқаро молия корпорацияси (ХМК)нинг лойиҳалари Ўзбекистонда

ХМКнинг лойиҳаларни амалга оширишдаги роли асосан лойиҳадан олдинги тадқиқотларни ўтказишдан, техника-иқтисодий асосларни тайёрлашса қатнашишдан ва чет эллик шерикларни жалб қилишдан иборат. ХМКнинг молиявий иштироки улча катта эмас, лекин корпорациянинг лойиҳада “иштироки” лойиҳанинг рентабеллиги хусусида инвестор учун ўзига хос кафолат бўлиб хизмат қиласди.

ХМК Ўзбекистонда қуидаги лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этмоқда:

1. “Омонтов гольфилдз” олтин конларини ўрганиш ва қазиб олиш лойиҳаси. Устав фонди 133 млн. АҚШ доллари: Геология давлат қўмитаси - 28,5%, НГКМ - 28,5%, Британиянинг “Лонро” компанияси - 35,0%, ХМК - 8,0%.

2. Мейбанк (35%), Ўзмиллийбанк (35%), ХМК (15%) ва ЕТТБ (15%) билан биргаликда устав фонди 4 млн. АҚШ доллари бўлган лизинг компаниясини тузиш лойиҳаси. Бундан ташқари корпорация лизинг компаниясига 5 млн. АҚШ долларида кредит ажратди.

3. Голландиянинг АБН-АМРО Банки (51%), Ўзмиллийбанк (29%), ХМК (10%), ЕТТБ (10%) билан биргаликда устав фонди 10 млн. АҚШ доллари бўлган қўшма тижорат банкини тузиш лойиҳаси.

“Омонтов гольфилдз” АЖ таркибида Британиянинг “АйСиАй Эксплоузивс” компанияси иштирокида портловчи моддалар ишлаб чиқариш қўшма корхонаси лойиҳасида қатнашишга ХМКни жалб қилиш режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари ХМКнинг қимматли қоғозларни бoshкариш бўйича қўшма компаниялар ҳамда қурилиш материаллари ва ўров материаллари ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар лойиҳаларида иштирок этиш имкониятлари қилирилмоқда.

◆ БОЗОР ВА ОЧИҚ ИҚТИСОДИЁТ ◆

УЗБЕКИСТАНДА ИКТИСОДИЁТ

АПОКАЛІПСИ ТАВАДІЛДЕСІ

ХМК хузуридаги чет эл инвестициялари бүйічә Маслаҗат хизматы экспертерлари 1996 йил май ойіда Ўзбекистондаги инвестиция иқдіміні таҳдил қылдилар.

ИКХА - Жаңон банки Гурұхыда 1988 йилдагина түзилған әнг янги түзилмадыр. ИКХАнинг асосий вазифаси нотижорат таваккалчылықдан келиб чиқыши мүмкін бўлган зарарларда инвесторларга бериладиган кафолат ҳисобига, шунингдек сармоя оқимини йўналтирувчи ва рафбатлантирувчи қулай инвестиция мұжитини ва ахборот базасини яратишида кўмаклашувчи аъзо мамлакатларга маслаҗат хизмати кўрсатиш йўли билан ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётини мустаҳкамлаш мақсадиди инвестициялар оқимига ёрдам беришдир.

ИКХА ҳам Жаңон банкidan мустақил ташкилотдир. ХМК сингари у аператив ходимлар ва ҳуқуқ маслаҗатчылардан иборат ўз штатига эга, лекин Банкнинг маъмурий ва бошқа хизматларидан фойдаланади. Ҳозир 128 мамлакат ИКХА аъзосидир.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий стратегиясини амалга ошириша Европа таъмирлари ва тараққиёт банки (ЕТТБ) мұхим роль ўйнайды. У 1991 йилда Франция Президенти Ф.Миттеран ташаббуси билан түзилған бўлиб, қароргоҳи Лондондадир. Банкни таъсис этиш тўғрисидаги Битимга биноан банк фаолиятининг мақсади Марказий ва Шарқий Европадаги демократия ва бозор иқтисодиёти тамойилларні майил бўлган мамлакатларда бозорга йўналтирилган очиқ иқтисодиётга ўтишида, хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда ёрдам беришдан иборат. Банк ўз аъзоларига тузилма ва тармоқ иқтисодий ислоҳотларини амалга оширишида, шу жумладан монополияни ва марказлашырынини бартараф этиш, давлат тасарруфидан чиқариши ва хусусийлашырышда ёрдам бериб, бу билан мазкур мамлакатларнинг жаңон иқтисодий ҳамжамияттига тезроқ интеграциялашувига кўмаклашади.

Жак Аттали банкнинг биринчи президенти қилиб сайланған эди. 1993 йилдан унинг ўрнига илгари Халқаро валюта

ЎЗБЕКИСТОНДА БАНКЛАРДА АЛГОРИТМӢ ҲИДАЯЕЛАР

фонди директорини бошқарувчи, сўнгра Франция банки президенти лавозимларини эгаллаган Жак де Ларозьер сайланди.

Ўзбекистон 1992 йил бошларида ЕТТБ аъзоси бўлди. 1993 йилданоқ ўзбекистон Республикасида ЕТТБ нинг бир қатор лойиҳалари амалга оширила бошлади.

1994 йил 10 январда ЕТТБ директорлар Кенгаши Ўзбекистон Республикаси учун Банк маблағи билан таъминланадиган инвестиция лойиҳаларига нисбатан салбий гаров шартларини бекор қилиш ҳақида қарор қабул қиласди. Бу қарорнинг қабул қилиниши республикада ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларга юксак баҳо берилганини, стратегия асосланган ва самарадор эканлиги тан олинганини, улар изчил ва босқичма-босқич амалга оширилаётганини билдиради. 26 собық социалистик мамлакат орасида Ўзбекистон ЕТТБ билан кредит битимлари бўйича салбий гаров бекор қилинишига эришган биринчи мамлакат бўлди.

ЕТТБнинг Ўзбекистонга бераётган молиявий ва техникий ёрдами устувор соҳалар - молия, маъдан-хомаде конларини ўзлашибирлиш ва саноат йўли билан қайта ишлаш, энергетика мажмуаси, агробизнес, пахтани чуқур қайта иглаш, сайдехлик, транспорт ва алоқа, атроф муҳитни муҳофаза қилиш кабиларга сарфланмоқда.

ЕТТБнинг Ўзбекистондаги фаолияти. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда амалга оширилаётган умумий қиймати 536 млн. АҚШ долларига тен 9 та лойиҳада ЕТТБ ишпирокининг улуши 253,1 млн. АҚШ долларини ташкил қиласди. Яна 1116,5 млн. АҚШ доллари сарфланадиган 10 та лойиҳа кўриб чиқилмоқда.

ЕТТБ кредитлари асосида қуйидаги мамлакатлардан инвестициялар жсалб қилингган ҳолда ишлаб чиқариш ва молия фаолияти билан шугулланувчи дастлабки қўйима корхоналар тузишган:

АҚШ - “Ньюмонт Майнинг” (олтин қазиб олиш);

Германия - “Саламандер” (пайабзал ишлаб чиқариш); Германия - “Сенаско” (қишилоқ хўжалик ускуналари ишлаб чиқариш);

ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ИНТЕГРАЦИЯ АПОКАЛАРИ ГИЗИМИДА

Япония - “Марубени”, “Канебо” (пилла чиқитларини қайта ишлаш);

Канада - “Варта Индастриз Корпорэйшн” (чорвачилик учун озиқа қўшимчалари);

Испания - “Ревинза” (вино ва шарбат ишлаб чиқариш ва тетрапакетларга қўшиш);

Голландия - “АБН-Амро-Ўзбекистон Миллий банки” (қўшима банк);

Малайзия - “Ўзбеклизинг Интернейшнал” (қўшима лизинг компанияси).

Молия соҳасининг қарор топиш жараёнини анча тезлаштирувчи муассасавий лойиҳалар мамлакатимиз учун алоҳидла аҳамиятга эга.

1995 йилда ЕТТБ савдоға ёрдам дастури доирасида Ташки иқтисодий фаолият Миллий банки билан мамлакатимиз банкларининг маҳсус танланган гуруҳи учун таъсис этилган 39 милиён ЭҚЮ миқдорида ўзининг дастлабки битимини имзолади. Дастур Ўзбекистон билан унинг асосий савдо-сотиқ шериклари ўргасидаги оборотни маблағ билан таъминлаш соҳасида бу банклар имкониятларини кенгайтиради.

Савдо-сотиққа кўмаклашиш дастури икки йилга мўлжалланган. ЕТТБ бу механизм доирасида иштирок этаётган Ўзбекистон банкларининг савдо-сотиқ билан боғлиқ молиявий омилларга мувофиқ бунда қатнашувчи чет эл вакил банклари олишидаги мажбуриятларининг кафили бўлади. Бунда ЕТТБ келишилмаган сумманинг катта қисмига кафолат беради, банклар ва уларнинг вакиллари эса кафолатланмаган ҳисса бўйича таъминлаш зарурлиги ҳақидаги масалани музокаралар йўли билан ҳал этади.

Халқаро тажриба шуни кўрсатдики, молия билан таъминлашнинг лизинг шакллари тузилиши хусусий соҳага жуда катта фойда келтириб, мақбул шартлар асосида ускуналар ва хизматлар харид қилиш имконини беради. ЕТТБ Ўзбекистондаги дастлабки лизинг компанияси - “Ўзбеклизинг Интернейшнал АЖ” тузилишида иштирок этди. ЕТТБ дас-

ЎЗБЕКИСТОНДА БАНКЛАРДАРДА РЕГУЛЯЦИЯ

АЛОҚАЛАРДАР ДІВІЗИОНДА

табки сарфлаган сармояси компания акциядорлик сармоясининг ўн беш фоизини ташкил қилади, бу компаниянинг муассислари Халқаро молия корпорацияси, Малайзия Матбанды ва Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкидир.

Банк директорлар кенгагчи 1996 йилда яна умумий суммаси бир миллиард америка долларидан ортиқ бўлган саккизта лойиҳани кўриб чиқиши мўлжаллаб қўйди, бу эса ЕТТБнинг Ўзбекистон билан узоқ муддатли ҳамкорлиги кенгайиб бораётганлигидан далолат беради.

Осиё мамлакатларининг шаклланыётган бозорига Ўзбекистоннинг бирлашуви учун Осиё Ривожланиш Банки (Asian Development + Bank) билан ҳамкорлик катта аҳамиятга эга, Ўзбекистон мустақилликка эришгач шу банк аъзоси бўлди.

Осиё Ривожланиш Банки - молияни ривожлантиришиш муассаси - Осиё ва Тинч океан минтақаларида иқтисодий ва ижтимоий тараққиётта кўмаклашиб мақсадида тузишган.

Банк 1966 декабрида ишлай бошлади. ОРБ қароргоҳи Филиппиннинг Манила шаҳрида жойлашган. ОРБ 28 ийлиллик фаолияти давомида ҳозирги кунда дунёнинг энг кўп аҳоли яшайдиган ва тез ривожланыётган минтақасини ривожлантиришга рағбатлантирувчи асосий омил бўлиб қолди.

ОРБ 55 аъзосини бирлашириди; уларнинг 39 таси минтақадан ва 16 таси минтақанинг ташқарисидан. Аъзолар таркибида минтақадаги 36 ривожланыётган мамлакат ва учта тараққий этган мамлакат, шунингдек Фарбий Европа ва Шимолий Америкадаги индустрисал ривожланган ва асосий сармоя экспорт қиласидаган 16 та мамлакат бор.

ОРБ қарзлар, инвестициялар ва техника ёрдами бериш билан бир қаторда бешта ўргача муддатли стратегик мақсадларни белгилайди. Банк фаолияти иқтисодий ривожлантиришга, камбағалик даражасини пасайтиришга, хотин-қизлар мақомини оширишга, меҳнат ресурсларини ривожлантиришга (аҳоли сонини режалаштириш ҳам шу жумлагага киради) ҳамда табиий

ЎЗБЕКИСТОН ИМАДОТ НИНГРАСИДА АПОҚАЛАРИ ТИЗИМИДА

ресурслар ва атроф мұхитни бошқаришда оқилюна қоидатардан фойдаланишица ёрдам беріштә қаралыпты.

Банк қатнашчы мамлакаттарда ва бүтун минтақада иқтисодий ва ижтимоий фаоліткінің құллаб-куватлаш учун қарзлар беради ва инвестиция қылады, минтақа консалтинг хизметларини ривожлантириш лойіхшалари ва дастурларини тайёрлаш ҳамда уларни амалға оцириш учун техника ёрдамини таъминтайты, тараққиёт учун жамоат ва хусусий сармоя инвестиция қылтинишига күмеклашады, қатнашчы мамлакаттар ривожланишининг сиёсати ва режаларни мувоффиқлаштиришта ёрдам күрсатып хусусидаги талабларға жавоб беради.

ОРБ кичик ва камроқ ривожланған мамлакатларнинг муаммоларига алоқыда эътиборни қарасып, минтақаның үйғун иқтисодий үсішігінде ёрдам берувчи минтақавий, кішік минтақавий ва міллий лойіхшалар ҳамда дастурларни устувор күйди.

Минтақавий ривожланиши банки сифатида бу банк минтақа ичидеги құшымча ресурсларни сафарбар этиш ва чет зеллардан инвестицияларни жалб қылышша күмектастады. У мавжуд міллий ва халқаро молия мұассасаларига умуман молия билан таъминланмайдын еки қысман таъминланадын лойіхшаларға маблағ ажратышпа қодир. Банк шунингдек иқтисодий тараққиёттің минтақавий ва кішік минтақавий чизмалари амал қылышша ҳамда минтақавий ҳамкорликда ёрдам беради.

Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ-ГАТТ) билан ҳамкорлығы ривожланмоқда. Бу ташкилот 1947 йилдан шешіл келаётган тарифлар ва савдо ҳақындағы Башбилим (күпинча инглиз ёзувишінде бириңчы ҳарфлар билан ГАТТ деб аталады) базасыда тузылған. ГАТТта халқаро савдонинг күп асрлық тарихида вужудта келген **ұтта қоюда** асос қылыш олинған:

* ГАТТ қатнашчысі бүлған барча мамлакаттар бир-бirlарига нисбатан экспорт ва импортни тартибға солишша бир хил тадбирларни күралды, бир еки бир неча мамлакатнинг бошқаларға нисбатан камситилишига йўл қўймайди.

• барча мамлакаттар ўзларининг нисбий устуњликлари-

УЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ИНТЕГРАЦИЯ АПОҚАЛАРИ ТИЗИМИДА

дан тўлароқ фойдаланиш учун йўл очиш ҳамда ҳалқа-ро оқилона меҳнат тақсимотига эришиш мақсадиша божхона божларини камайтиришга интилади;

- ГАТТ қатнашчиси бўлган мамлакатларлар ўз бозорларини ҳимоя қилишининг энг қўпол шаклидан - импорт квоталаридан воз кечадилар.
- Ҳозир бу битимга 100 дан ортиқ мамлакат имзо чеккан. АҚШда божхона божларининг камайтирилганилиги унинг самарадор эканлиги ҳақида мулоҳаза юритиш имконини беради. 1947 йилда Америка божхоналари таҳминан 25-27 фоиз даражасида (1930 йилдаги 60 фоиз ўрнига) бож олган бўлсалар, ҳозир уларнинг миқдори 5-7 фоизгача камайтирилди.

Муҳокама учун саволлар

Бешинчи бўлимни ўқиб чиқинг ва қўйидағи саволларга жавоб беринг:

- 1** Саноати ривожланган мамлакатларнинг интеграцияга интилиши нимага асосланади?
- 2** Сизнинг фикрингизча, Фарбий Европа давлатларининг интеграция жараёни ўз ривожланишининг 40 йилидан кейингина сиёсий-иқтисодий иттифоқ шаклини олганлигининг сабаби нима? Интеграциянинг ана шу шакли орқали интеграция жараёнларини дарҳол амалга ошириш мумкин эдими?
- 3** Қандай шароитларда Божхона иттифоқига киришдан олинган фойда заардан ортиқ бўлади?
- 4** Нима учун миллий хўжалик тараққиёт даражаси, иқтисодий тизими ва иқтисодий сиёсатининг тарзи бир-

◆ **БОЗОР ВА ОЧИК ИҚТИСОДИЁТ** ◆

ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ИНТЕГРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИ ТИЗИМИДА

бирига яқин бўлган мамлакатларгина чинакам тенгхук-уқдилик асосида интеграцияга кириша оладилар?

- 5 Ўзбекистоннинг МДҲ да иштироки унга қандай мухим вазифаларни ҳал этиш имконини бермоқда.
- 6 Сизнинг фикрингизча, Ўзбекистон нима учун МДҲнинг миллатларга ҳукмронлик қилувчи тузилмага айлантирилишига қарши чиқмоқда?
- 7 Ўзбекистон Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотига аъзоликдан қандай манфаат олади?
- 8 Марказий Осиё давлатлари интеграция жараёнлари са-марадорлигини ошириш имконини берадиган шарт-широитларни таърифланг.
- 9 Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларда қатнашуви ташки иқтисодий фаолиятни ривожлантириш учун қандай роль ўйнайди?
- 10 Ўзбекистоннинг Халқаро валюта фондига аъзолиги ташки иқтисодий алоқалар учун қандай роль ўйнайди?

Глоссарий

Савдо тўсиги - одатда тарифлар, чеклашлар ёки валюта назорати тарзида мамлакатлар ўргасида товарлар ва хизматлар эркин алмашинувининг сунъий чекланиши.

Европа “валюта парраси” - Фарбий Европа иқтисодий ва валюта интеграцияси жараёнини рағбатлантириш мақсадида ЕИ мамлакатлари жорий этган биргалиқда ўзгариб турувчи валюта курслари тартиби.

Эркин савдо ҳудуди - катнашчи мамлакатлар ўзаро савдо тўсикларини бартараф этадиган, лекин учинчи мамлакатларга нишбатан ўз савдо тўсикларини сақлаб қоладиган шароитдаги интеграция шакли.

АПОҚАЛАРИ ТИЗИМИДА

Интеграция - ташкилот мақсадларига эришиш учун турли кичик тизимлар (кичик бўлинмалар) куч-тыйратларини бирлаштириш жараёни.

Иқтисодий интеграция - иккى ёки кўпроқ мамлакат миллий хўжаликларининг ягона хўжалик механизмини яратиш йўлида ўзаро бирлишиб ва яқинлашиб кетиши.

Халқаро валюта-кредит ташкилотлари - валюта ва молия муносабатларини тартибга солиш мақсадида давлатлараро битимлар асосида тузилган халқаро иқтисодий ташкилотлар.

Халқаро валюта резервлари - мамлакат тўлов баланси дефицитини қоплаш учун фойдаланиши мумкин бўлган чет эл валюталари ёки бошқа активлар, масалан олтин.

Халқаро реконструкция ва ривожланниш банки (ХРРБ) - хукуматлараро кредит-молия ташкилоти бўлиб, унинг асосий вазифалари аъзо мамлакатлар иқтисодий ривожланнишини рафбатлантириш, халқаро савдони ривожлантиришга ёрдам бериши ва тўлов балансларини қўллаб-куvvatлаштан иборат.

Халқаро валюта фонди (ХВФ) - халқаро валюта ва молия ташкилоти бўлиб, валюта курсларини тартибга солиш ва уларга риоя қилининшини назорат этиши мезъёрларини белгилаш, шунингдек тўлов балансларининг бекарорлиги муносабати билан валюта қўйинчилликлиари вужудга келганида ўз аъзоларига валюта ресурсларидан берилиш йўли билан халқаро савдо ва валюта ҳамкорлигини ривожлантиришга ёрдам беради.

Умумлий бозор - қатнашчилар савдо эркинлигидан ташкари ишлаб чиқаришнинг барча омилиларини эркин кўчиришдан (ишги кучи ва сармоя миграциясидан) фойдаланадиган шароитдаги интеграция шакли.

Божхона иштифоқи - қатнашчи мамлакатлар ўзаро савдо-даги барча чеклаштарни бартаграф этибигина қолмай, ташки савдо тўсикчарининг ягона тизимини таъсис этиб, бу билан ички чегараларда божхона хизматларини сақлаш зарурати қолмайдиган шароитдаги интеграция шакли.

Иқтисодий иштифоқ - интеграциянинг олий формаси бўлиб, бунда қатнашчи мамлакатлар ўз иқтисодий сиёсатларини, шу жумладан пул, солиқ ва ижтимоий сиёсатларини, шунингдек савдоға ҳамда ишги кучи ва сармоя кўчуб юришига нисбатан сиёсатни мувоффиклаштирадилар.

КОРХОНА КИ ЎЗИГЧИ ЗИР ФАОЛИЯТ СУБЪЕКТИ

6-бўлим

6.0. Экспорт ва импорт

Корхона пул, товарлар, хизматлар, сармоя (капитал), технологияларни хорижга чиқарса ва шуларни чет элдан ўз мамлакатига олиб келса, бундай фаолият корхона учун **тасдиқотисодий фаолият**, деб ҳисобланади.

Шу тушунчага кўра, чет элга товарлар, хизматлар, сармоялар чиқараётган корхона **экспортчи** ва аксинча буларни мамлакатига олиб келаётган корхона **импортчи** бўлади. Ҳаётда эса, одатда, корхоналар сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун, айни пайтда, экспортчи ва импортчи бўладилар, чунки маҳсулотни экспорт қилиш учун четдан сифатли бутловчи материалларни олиб келиш шарт бўлиб қолади.

Экспорт-импорт операцияларидан кўзда тутилган мақсад. Ҳар бир корхона, четдан нима сотиб олмоқчи-ю четта нима сотмоқчи, шуни аниқ билиб олмоғи керак. Бунинг учун мақсад “даражти”ни чизиб чиққин фойдалидир.

Ҳар бир корхона учун, унинг ўзига хослигини ҳисобга олиб, мақсад “даражти”нинг таркибий тузилиши шаклланиши керак. Аммо барча корхоналар учун муштарак кўпгина омилилар бўлгани туфайли намунали схема чизиш мумкин. Маҳсулот экспорт қилинаёттанида, валюта ресурсларини бунёд

ФАСИЛІТІТ СҮБЕДІЛІКІ

Этиши лозим, бу ресурслардан эңг янги ускуна ва технологиялар харид қилиш, патентлар, лицензиялар, ноу-хау сотиб олиш, материаллар ва бутловчы қисмларни алмаштириш, біншікә давлатлар банкларида кредит линиялари очиш учун фойдаланылади.

Халқаро бозорларни ўзлаштириш мосланувчан маркеттингни тақазо этади, зарур ахборот ҳажмини күпайтириб боришини, корпоратив алоқаларни көнгайтиришни, ўзига жағдай құлупчы жи尔ва яратышни талаб этади. Экспортни ривожлантиришдан пировард мақсад - фойда олишdir, бу фойданы эса ишлаб чыкарушни замонавийлаштириш ва көнгайтиришга, ходимларнинг маошини оширишга, улар мәжнат шароитини яхшилашта, инфрагузилма объектларини қуышта, кадрлар малакасини оширишга сарфлаш мүмкін.

Маҳсулот экспортты мақсадлари "Дарахты"



КОРХОНА ИМПОРТ ИКТИСОДИЙЛ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ

Ишлаб чиқарувчи корхонанинг импорт операцияларидан мақсади ноу-хау, янги технология, материаллар, хом ашё сотиб олиш эвазига ишлаб чиқариши замонавийлаштиришилди. Янги технология ва ускуналарни четдан харид қилиши ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг юқори сифатини таъминлайди, ишлаб чиқариш чиқимларини қисқартиради, маҳсулотнинг рақобатбардошлигини кўтариади, маҳсулотга материал сарфини камайтиради, ёнилғи-энергетика ресурслари тежалади, маҳсулотнинг ички бозори кенгайяди. Агар корхона импорт операциялари натижасида маҳсулотнинг янги турларини ўзлаштирса, у ҳолда ишлаб чиқариши ҳажмлари ўсади, корхона бир маромда ишлайди. Янги иш ўринлари вужудга келади, экспортта маҳсулот чиқариш ортади.



Маҳсулот импорти мақсадлари “Дарахти”

САДОРИНГ САМАЛДАР

Корхонанинг экспорт сиёсатини батафсилоқ кўриб чиқайлик. Маҳсулотни экспорт қилиш масаласи барқарор ишламоқчи бўлган ҳар бир корхонанинг мақсадидир. Бу вазифа ўтиш иқтисодиёти шароитида, айниқса долзарбдир. Мамлакат валюта захираларини яратишда қийналаётганда, маҳаллий валюта конвертацияси (эркин муомалада бўлиши) исталган миқёсга чиқмаганида, тайёрланган маҳсулотни экспорт қилиш ўз валюта маблағларини топишнинг асосий усули бўлиб қолади.

Назарий жиҳатдан қараганимизда, ҳар бир буюмни сотиш мумкин. Аммо амалда кимга ва қандай нархда сотиш керак, деган савол кўндаланг бўлади. Бозорни билиш ва ўрганиш, яъни маркетинг бу ўринда алоҳида аҳамият касб этади.

Шунинг учун ҳам маҳсулотни экспорт қўймоқчи бўлган корхона ўзининг маркетинг хизматига эга бўймоғи лозим.

Агар бунга қурби етмаса, воситачиларга, ултуржи савдо билан шуғулланадиган маҳсус фирмаларга мурожаат қилтан маъқул. Ислоҳотнинг дастлабки босқичларида Тащқи иқтисодий фаолият вазирлигининг фирмалари роят самарали ишлади. Республикада бозор муносабатлари такомиллашиб боргани сайин корафталик билан ишлайдиган хусусий идоралар ва малякали мутахассислар кўпаймоқда.

Корхона ўзининг экспорт имконияти ва импорт эҳтиёжини баҳолай олиши даркор. Маркетинг амалиётида кўп нарса ўзига ўзи холис баҳо бера олишга боғлиқдир. Экспорт имкониятлари охир-оқибатда бозор аниқлаб берадиган рақобат-бардошлиқка боғлиқ. Бинобарин корхона рақобатбардошлиқка дастлабки баҳони бераётганида, бозорнинг талаби ва бу талабнинг нечоғли тез ўсиб бораётганини, мазкур бозор истиқболини, эҳтиёжларни, ўзининг молиявий-иқтисодий салоҳиятини, моддий-техника базасини (ресурслар билан нёчоғли таъминланганини) таҳдил қиласди, ўз товар ассортиментини баҳолайди. Айни пайтда, бозорда шундай товарларни сотаётган рақобатчи фирмаларнинг тегиши кўрсаткич-

◆ БОЗОР ВА ОЧИҚ ИҚТИСОДИЁТ ◆

КОРХОНА - ТАШҚИ ИҚТІСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ

тарига баҳо берилади. Бундай таҳдидан мақсад - корхона-нинг кучли ва заиф томонларини аниқлаш, корхона фаолиятини тақомиллаштириш йўлларини топишдири.

Агар экспортчи бозорни кучли ва заиф жиҳатларини аниқлаш мақсадида ўрганса, импортчи эса "аксингча" тадқиқ этади, яъни у ўзининг эҳтимол тутилган мол етказиб берувчиликарининг кучли ва заиф томонларини билб олмоқчи бўлаши: чунки у ўзи учун энг муносаб шерик топиш умидида-тири.

Бундан ташқари импортчи бир муаммони ҳал этиши лозим: миллий ишлаб чиқаришни йўлга қўйган маъкутми ёки импорт қўлганми? Агар импортга эҳтиёж исботланган бўлса, у ҳолда импорт имкониятларига баҳо бериш керак, яъни етказиб бериладиган маҳсулот учун ҳисоб-китоб манбаларини топиш лозим.

Ташқи савдо операциясига киришидан илгари товар олиб чиқиб кетилиши мўлжалланаётган давлатнинг ташқи иқтисодий сиёсатига ва айни пайтда мол олиб келиниши назарда тутилаётган давлатнинг ҳам ташқи иқтисодий фаолиятига баҳо бериш лозимки, бундан мақсад фирма манфатларини мувофиқлаштиришидир.

Экспортчи ўз имкониятларини чамалаб ва ташқи иқтисодий муҳитни ўрганиб молни фақат бир мартагина экспорт қўлмоқчими ёки ташқи бозорда "иддиз отмоқчими"? - нуу муаммони ҳал қилиб олиши керак. Агар у ташқи бозор билан жиҳдий шугулланмоқчи бўлса, унда ташқи бозорнинг маркетинг таҳлили зарур, бу аслида ички бозор маркетинги таҳдилидан фарқ қўлмайди.

Нарх сиёсати. Бу сиёсат корхонанинг катта-кичиклигига, унинг молиявий аҳволига, бозордаги рақобатга ва конъюнктура (таклиф билан талабнинг нисбати)га боғлиқ. Ушбу омиллар таъсири остида корхона муайян нарх сиёсатини танлаб олади; яъни нарх пешқадами, қайси пешқадамга эрганиш, бозорга шиддат билан кириш, "қаймоги"ни олиш, нуфузли нархлар, боғланган нархлар ва ҳоказоларни танлаб олади.

КОРХОНА - ТАШКИ ИКТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ СУБЪЕКТИ

Бозор омилларининг нисбати ва қабул қилинган нарх сиёсати асосида ташки иқтисодий фаолиятдаги нарх белгилаш стратегияси аниқланади; ушбу стратегия андоza ва ўзгариб турадиган нархларга, нарх линияси амалиётига ва бошқатарга асосланниши мумкин.

Нарх сиёсати воситасида мазкур стратегияни рўёбга чиқариш жорий ишни ифодалайди. Айни пайтда нарх пайдо қилувчи омилларнинг ўзгариши ва бу омилларнинг янгича жойлашувига қараб, стратегияга ҳам, сиёсатга ҳам тузатишлар киритилиши керак.

Шундай қилиб, корхонанинг ташки иқтисодий фаолият соҳасидаги нарх сиёсати бир марталик тадбирлар (алоҳида шартномалар тайёрлаш ва тузиш) билангина чекланмайди. Бу узлуксиз давом этадиган фаолият бўлиб, у факат ўз чиқимлари ва даромадлилиги даражаси ҳақида ахборотни муттасил йигиб бориш ҳамда янгилашиб туришдан ташкил топмай, балки жаҳон бозорига чиқарилаётган ана шундай маҳсулотнинг нархи, товарларни ташиши ва ортишнинг фрахтли ставкалари, тарифлари, сугурта, халқаро миқёсда товар жўнатиш билан боғлиқ харажат турлари кабилар хусусида ҳам маълумотларни йигиб, янгилашиб туришини тақазо этади. Мазкур маълумотлардан турли нархларни белгилаш ва шу хусусда томонлар билан келишища фойдаланиш зарур.

Ташки бозорни ўзлаштираётган корхоналарда нархга оид кенг қўламли ишни бажармоқ учун шу корхонада экспорт ёки импорт қилишга мўлжаланаётган товарлар номенклатураси ва тури бўйича халқаро бозорлардаги конъюнктура ҳамда нарх белгилаш тадқиқ этиувчи маҳсус бўлимлар ва гуруҳларни тузиши талаб этилади. Мамлакат экспортчисига, айниқса кичик ва хусусий бизнес намояндаларига баъзан бошқа мамлакатларнинг ички бозорларидаги нарх белгилаш жараёнини уқиб олиш осон эмас (ўз бозоримизда ҳам бу иш ўнгай эмас). Тажрибали экспортчи экспорт ҳужжатларини тайёрлаш ва импорт солиқларининг ўзгариб турадиган шкаласи билан боғлиқ эҳтимол тутилган қўшимча чиқимларни ҳам ҳисобга

КОРХОНА - ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ СУБЪЕКТИ

олади. Импортчи-тақсимловчи, одатда, ички бозордаги ултүржи савдо ходимларыга нисбатан күп фойда олади, чунки улар сотиш билан боғлиқ қўшимча ишларни ҳам бажаради. Шунинг оқибатида, экспорт нархлар эскалацияси (ўсиши) каби феномен вужудга келди.

Нархлар шкаласи анча тез кўтариладиган пайтлар ҳам бўлади (бу корхона маҳсулотининг айрим экспорт бозорларида рақобатга қодир эмаслиги аломатидир). Бундай ҳолларда янги стратегияни белгилаш зарурати туғилади; биринчидан, юкни қисмларга бўлиб экспорт қилиш керак, бу ташиб харажатлари ва импорт солиги миқдорини камайтириш мумкин; иккинчидан, товарнинг экспорт нархини камайтириш, бу нархнинг кўтарилиши жараёнини сусайтиради; учинчидан, фрахта ва солиқ даражасини ўзгартириш, бу эса ҳаражатларнинг умуман камайишига олиб келади; тўртингидан, товарни ишлаб чиқариш (йигиш)ни бевосита экспорт бозорида амалга ошириш, бу экспорт операцияларини ихчамлаштиради.

Баъзан экспортчи чет эл бозорида ўз товарини дастлабки нархига нисбатан арzonроқ сотишига тўғри келади. Фабрика нархида товарни экспорт қилиш билан боғлиқ бевосита, шунингдек қўшимча ҳаражатлар хусусан рекламага сарфланган ҳаражатларнинг ўрнини қоплаши, маъмурий масалаларни ҳал этишга кеталиган сарфлар, юк йўлланмаси (накладной) раённийштириш билан боғлиқ тасодифий ҳолатлар ҳаражатлари ҳисобга олинади. Нарх белгилашни шу таҳлилда ҳал этиш товар экспорти учун истиқболли бўлади. .

Ички нархларга нисбатан анча арzon экспорт нархини белгилаш демпинг тактикасидир. Аммо бундай ёндашув саноати тараққий этган бир қантча мамлакатлар (АҚШ, Буюк Британия, Канада, Франция, ГФР, Италия, Япония) қонучилтигига зид бўлиши мумкин. Антидемпинг қонунлари товар нархининг ички бозордагидан арzon бўлмаслигини талаубилади.

Агар импортчи ўз мамлакати валютаси курсининг ўзгар-

КОРХОНА - ТАШҚИ ИҚТІСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ

ишини (пасайишни) олдиндан күра билса экспортчи мамлакат валютасидаги нархлар котировкасина афзал күриши мүмкін. Бундай қарордан мақсад - чайқовчилік билан топпиладиган даромаддан воз кешиш ва ўзи учун фойдали бўлган нарх котировкасига еришишилар. Бундан ташқари, импортчи кўпинча, ўз мамлакати миллий валютаси курсига мувофиқ нархларда харид қилишни маъкул кўради. Экспортчи эса олди-сотди ҳажмини кўпайтириш учун шундай йўл тутиши мумкин.

Импортчи мамлакат валютасидаги нархлар котировкаси таваккалчилек юкини экспортчи "елка"сига юқлаб кўяди. Бундай котировка импортчига энг мақбул фойда кўришдан умид боғлашга имкон беради ва сотувнинг янги нархларини ўз вақтида белгилашга кўмаклашади; айни вақтда импортчи экспорт билан машгул бўлган рақобатчи мамлакатлардан олинган котировкаларни, албатта солиширади.

Тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятига ёрдамлашиш яна бир қанча тадбирларни амалга ошириш, яъни божхона ва солиқ йўли билан тартибга солиш, хорижий сармояларни, шу жумладан давлат корхоналари хусусийлаштирилаётганида шу сармояларни жалб этишни та-комиллаштиришни назарда тутади.

6.1 Корхоналар ташқи иқтисодий этишнинг турларни

Компенсацион савдо. Савдо-сармоя ва маблағларни жалб этишнинг жуда кенғ тарқалган усулидир. Худди ана шу савдо туфайли ўзаро алоқалар бопланади, шериклар ишончи мустаҳкамланади, теран иқтисодий ҳамкорлик ва интеграция илдиз отади. Иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатлар айниқса улар ислоҳот ва қайта куришни бошидан кечираётган даврда, нақд пулсиз савдонинг турли шаклларини қилирадилар. Шундай савдонинг асосий турларини кўриб чиқайлик:

Мавоза (бартер). Хорижий инвесторлар сармоясини жалб этишнинг қанчалик қулай шароитлари бўлмасин, лекин ри-

КОРХОНА - ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОППЯТ СУБЪЕКТИ

вожланыёттан мамлакатларга хос жуда күчли түсиқ бор: бу валютанинг тўла-тўкис эркин муамалада бўла олмаслигидир.

Аввало ижтимоий дастурларни амалга ошириш учун жуда зарур бўлган “қаттиқ” валютанинг тақчиллиги туфайли инвесторларнинг бундай “остона”ни, “хатлаб” ўтишга юраги дов бермайди.

Тор маънода мавоза (**бартер**) - одатда, икки давлат ўртасида одатда, икки давлат ўртасида бевосита товар айрибошлишадир, гарчи баъзан бу айрибошлишда бир нечта мамлакат иштирок этиши мумкин. (Масалан, “учбурчак” тарзидаги бартер).

Бартер битимларининг асосий хоссаларини санаб ўтиш мумкин:

а) бартер битимлари икки томонлама негизда амалга оширилади ва битта келишув асосида бажарилади. Бу ўз-узидан оддийдир, чунки, одатда, экспорт унсурлари ва ўзаро мол етказиб беришнинг бўлинишига катта ҳамият берилади, шунингдек булар алоҳида битимларда қайд этилади.

б) Товарларнинг сони ва сифати келишиб олинади, баъзан уларнинг нархи контрактга киритилмайди. Товарнинг баҳоси ҳақидаги қонун-қоиданинг йўқлиги сабабли жиiddий муаммолар пайдо бўлади: агар бир томон на сифати, на сонига кўра контракт шартларига мос келмайдиган товар етказиб берса, пул билан зарарнинг ўринини қоплашни ҳисоб-китоб қилиш қийин, чунки мазкур номувофиқлик туфайли иккинчи томонга етказилган зарар ҳажмини аниқлаш учун негиз (база) йўқ.

в) Битим тўла-тўкис мол етказиб берииш юзасидан ўзаро мажбуриятлар олиш асосида амалга оширилади; пул ўтказиш усулидан фойдаланилмайди. Айрибошлиш учун мўлжалланган товарлар қийматини пул билан ўлчаб бўлмагани туфайли, бу қийматни қатъий солиштириш имкони бўлиши лозим. Бунинг учун битим тузилаётган вақтда уларнинг сони ва сифати қатъий келишиб олинини шарт. Бу бажарилиши қийин, кўтингча умуман бажариб бўлмайдиган талабдир;

г) Мол икки томондан одатда, бир вақтнинг ўзида ет-

КОРХОНА - ТАШҚИ ИҚТІСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ

казиб берилади. Соғ бартердаги асосий қийинчилік қайси томоннинг биринчи бўлиб мол етказиб беришни аниқлашдир. Биринчи бўлиб мол етказиб берган томон иккинчи томон ўз мажбуриятларини бажармаса ёки тўла бажармаса, зарар кўриб қолиши мумкин. Мол пул билан баҳоланмагани учун аҳвол мураккаблашади; аккредитив сингари механизmlардан фойдаланиши қийинлашади, ҳолбуки аккредитивлардан ҳалқаро савдода томонлар ўзаро мажбуриятларини бажарилишини таъминлашда кенг фойдаланилади.

Компенсация битимлари. Муқобил контрактлар тузиш компенсацион савдонинг жуда кенг тарқалган шаклидир. Бундай контрактлар туфайли бир мамлакат фирмасининг иккинчи мамлакат фирмасига кредит беришига ҳожат қолмайди. Компенсация битимлари - паллиотив битимлардир, ташқи савдода ва чет эл валютаси бозорида аҳвол беқарор бўлганида бундай битимлар тузилади.

Етказиб берилган товарларнинг ўзаро ўрнини қоплаш тўла ва қисман бўлиши мумкин.

Тўла компенсация - бартер сингари товарларни 100 фоиз айирбошлини назарда тутади. Аммо етказиб берилган молга, бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳақ тўланади. Битимнинг бартер шакли гарблиқ экспортчининг ўзи етказиб берган мол қийматига тенг миқдорда товарлар сотиб олиш мажбуриятини олишида ифодаланади. Аммо айни пайтда бу экспортчи ўз мажбуриятини учинчи бир томониа ўтказиш ҳуқуқига ҳам эга, бу томон эса унга субсидияси чегирилган экспорт қийматини тўлайди.

Шарқий Европадаги бу операцияда қатнашаётган корхоналар ҳисоб-китобларни ўзаро тартибга солиб туради.

Битимларда қисман компенсация назарда тутилганида, экспортчи тўловни қисман нақд пул, қолганини эса товарлар билан олади.

Одатда, бу ҳолда воситачилар бўлмагани сабабли қисман компенсациянинг жиддий камчилиги бор: Гарблиқ экспортчи ўзи етказиб берган товарнинг бир қисми учунги-

КОРХОНА - ТАШҚИ ИҚТІСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ

на бевосита түловни олади. Сумманинг бошқа қисмини эса, компенсация товарларига харидор топтимагунча ололмайди.

Илгари қайд этилганидек, экспортчи импортчи мамлакат товарлари ва хизматларини сотиб олиш мажбуриятини олиш билан бир вақтда импортчи уларни реализация қилиш ҳамда сотиш мажбуриятини олади. Иккала контракт бир вақтда амал қиласы: лекин уларнинг юридик мөхияти турличадыр: бир контракт экспортни, иккинчиси эса муқобил сотиб олиш битимини назарла тутади. Түлов шартлари ҳам алоҳида-алоҳида ва кўпинча ҳар хилдир: экспортчи импортчи мамлакатта кредитлар олишини таъминлаши мумкин, аммо шунга қарамай, муқобил товар айирбошлиш йўли билан товарлар сотишига нақд пул талаб қилиши мумкин. Муқобил сотиб олиш қиймати дастлабки экспорт буюртмасига нисбатан 10-100% атрофида (хатто бундай ҳам кўпроқ) бўлиши мумкин. Экспортчининг мажбурияти ҳам мақсад хусусидаги умумий баёнотдан контракт тузилгунича ўзгариб туриши мумкин, контрактда етказиб берилиши мўлжаланаётган товарлар ва хизматларнинг батафсил рўйхати, улар сотиладиган бозорлар, шунингдек мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда кўриладиган жазо чоралари ҳам акс этади.

Жарималар ва бурдсизлик тўлови ҳақидағи масала битим тузиш тўғрисидаги музокаараларда муҳим ўрин тутади, биз буни кейинроқ кўриб чиқамиз. аммо иккита алоҳида контракт бўлишининг афзаллиги ҳам бор: хусусан, бу афзаллик шунда намоён бўладики, кредит ташкилотлари бу ҳолда экспорт кредитлари беришга ва сиёсий таваккаллик муносабати билан сугурта беришга анча шай бўлиб турадилар, лекин бу - шундай кредитларни олиш “хамирдан қил суғургандек” осон кўчади деган гап эмас.

Эҳтиёж бўлганида, экспортчи, муқобил савдо бўйича ўз мажбуриятларини бажармоқ учун воситачи савдо фирмаси хизматидан фойдаланиши мумкин. Иккинчи жиҳатдан эса, ташқи савдо ташкилоти орқали (бу ташкилот билан экспортчи битим тузган импортчи-мамлакат ўша ташкилот их-

КОРХОНА - ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ

тиёрида бўлган турли давлат корхоналари ўртасида буортмани ички қайта тақсимлаши мумкин.

Фарбда муқобил савдо битимларида иштирок этувчи айрим фирмаларгина (масалан, Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари билан савдо қилувчилар) муқобил битимлар мажбуриятларини бажармоқ учун ўз резервларига эгадирлар.

Аксарият экспортчилар учун эса учинчи шахсларнинг ёрдамига кўз тутишдан бошқа илож йўқ. Бундай битимлар бўйича мажбуриятларни ўтказипнинг энг жўн усули - бирор бир савдо фирмаси ёки воситачининг хизматидан фойдаланишидир.

Бундай ҳолда, клиринг механизми ҳаракатга келадики, у қушидаги операцияларни бажариши мумкин:

экспортчи муқобил харид бўйича мажбуриятларини савдо фирмасига беради;

импортчи - ташки иқтисодий ташкилотлар орқали ички бозорда қайта тақсимлаиди.

Баъзан учинчи шахсларнинг иштироки муқобил харид ҳақидаги битимда кўзда тутилади, лекин кўпингча импортчи-мамлакат экспортчи билан бевосита алоқаларни таъаб этади. Экспортчи мажбуриятларини савдо фирмасига берганидан кейин, муқобил савдо тўғрисидаги битимни бажарища қатнашмаслиги мумкин, лекин шуни таъкидлаш керакки, мажбуриятларни шу таҳлилда бериш, одатда, экспортчининг ички ишидир. Хукукий нуқтаи-назардан, экспортчи ўз мажбуриятларини бажаритиши учун жавобгар бўлиб қолаверади, шундай қилиб, у таваккал қилган бўлади, чунки тегишли фирма мажбуриятларни бажармай қолиши мумкин. Бундан ташқари, бирор бир мажбурият бажарилмаса, жарима ва бурдсизлик тўловига экспортчи жавобгар. Кўпингча муқобил савдо бўйича савдо фирмасининг мажбуриятлари “ҳамма куч-ғайрат шунга қаралисин” қабилида ифодаланади. Айни пайдада экспортчи жазо бўйича фақат қисман тўлиқ жавобгар бўлади; ҳар қандай ҳолда ҳам субсидиялар, воситачилик ва бошқа тўловларни қайтариб бериш лозим. Демак, унга анчагина таваккаллик қилишга тўғри келади.

КОРХОНА - ТАШҚИ ИҚТІСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ

Мұқобил савдо халқаро амалиётта тез учраб турадын ўзаро ҳисоб-китобларнинг **бошқа механизми** импортчи мамлакатларга хосдир. Айрим ривожланаётган мамлакаттарда мұқобил савдо күпинча муайян идоралар ва давлат ташқи савдо фирмалари юрисдикциясига қарашлы корхоналарда тайёрланаётган маҳсулотлар билан чекланған. Аниқ ташқи савдо ташкилотлари таъсир доирасидан чиқиши туғайли мұқобил савдо юзасидан битимлар учун товарлар номенклатурасини көнгайтириш имконияти товарларни көнгрөқ миқёсда танлаб олишга шароит туғдирауди. Аммо ҳукумат идоралари “қаттық” валюта олиш имкониятини қўлдан чиқармасликка ҳаракат қилишаётган мамлакатларда мұқобил савдо операцияларидан тушаётган чет эл ва-лютасини бошқа вазирликлар, ташқи савдо ташкилотлари ёки маҳаллий ҳокимиятлар ўргасида тақсимлашга қарши турғанлар кўп. Лекин шунга қарамай, фарблик экспортчилар мұқобил савдо юзасидан битимлар доирасида кўпроқ товардан танлаб олишга ҳаракат қиласидар. Бирмунча чекланған танлов ва суст рақобатбардош товарларга нисбатан товарларни танлаш эркинлиги чекланмаган шароитда савдо ёки воситачи фирмаларни субсидиялаш миқдори анча кам бўлиши мумкин.

Компенсация битимларининг асосий камчилиги шундаки, одатда компенсация учун товарларга харидор тошиш қўйин бўлади. Фарблик экспортчи мамлакатида ёки “қаттық” валютали бошқа мамлакатларда таклиф этилаётган товар кўпинча бозор эҳтиёжларига мувофиқ бўлмайди. Бундан ташқари, уларни сотишда минтақавий ёки бошқа чеклашлар кўйилиши мумкин.

“Параллел” битимлар. Бундай битимда фарблик экспортчи Шарқий Европа товарларини, ўзи етказиб берган мол қийматининг муайян фоизига тўғри келадиган суммага сотиб олиш мажбуриятини олади. Аммо анъанавий компенсация битимиға қарама қарши ўлароқ, у мол етказиб бериши биланоқ тўловни олади ва натижада ўзининг шерикчилик

КОРХОНА - ТАШҚИ ИҚТІСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ

мажбуриятларини бажариш учун мос түшадиган товарни қидиришігә өткізу етілген.

Айни пайтда у Шарқий Еуропалық мол етказиб берувчига хариди учун тұловнан бевосита беради. Шундай қылыш, иккі контракт тайёрланады: биттаси - экспорт ва унга ҳақ тұлаш; иккінчи контрактта хариди ва унга ҳақ тұлаш. Агар ғарблық шерік үз мажбуриятларини бажара олмаса, жарима тұлаши шарт.

“Богланған” биттимлар. Булар мұқобил савдонинг бир хилдиң, кейинги даврда кам учрамоқда. Бирор-бир ғарблық импортчи, яғни одатда, үртада туралынан мөндеу мүмкін болған жағдайда өткізу мүмкін. Биттимлардың мүнисипалитеттерінде ғарблық импортчиның мажбуриятларынан арызасынан мөндеу мүмкін болады. Биттимлардың мүнисипалитеттерінде ғарблық импортчиның мажбуриятларынан арызасынан мөндеу мүмкін болады.

“Оффсет” биттимлары. “Оффсет” (инглизча “қоплаш” сүзидан) биттимлардың мүнисипалитеттерінде ғарблық импортчиның мажбуриятларынан арызасынан мөндеу мүмкін болады. Биттимлардың мүнисипалитеттерінде ғарблық импортчиның мажбуриятларынан арызасынан мөндеу мүмкін болады. Биттимлардың мүнисипалитеттерінде ғарблық импортчиның мажбуриятларынан арызасынан мөндеу мүмкін болады.

“Оффсет”ни құллаш соҳаси анча үзігінде мүнисипалитеттерінде ғарблық импортчиның мажбуриятларынан арызасынан мөндеу мүмкін болады. Биттимлардың мүнисипалитеттерінде ғарблық импортчиның мажбуриятларынан арызасынан мөндеу мүмкін болады.

КОРХОНА - ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ

давлат дастурларига алоқадордир, булар қисман мұқобил ха-ридан тушиёттән маблағ билан таъминланади.

Кооперация. Түлов баланси камомади бўлган мамлакат-ларда иккى томонлама битимларни тузишга бўлган эҳтиёж кооперацияни назарда тутади. “Кооперация” атамаси кўпинчча тор маънодаги тиккорат битими амал қилаёттанидагина қўллан-илади. Айни вақтда “компенсация” атамаси баъзан йирик операцияларга нисбатан (масалан, трубопроводлар курилиши) қўлланилади, буни ишлаб чиқариш соҳасидаги кооперация, деб аташ тўғрироқ бўлади. Терминологиядаги чалкашликлар битимларнинг моҳиятига дикъат-эътибор билан қарашни тақа-зо этади. Компенсация тор маънода товарлар айирбошлиш демакдир. Бу товарларнинг бир-бирига алоқаси йўқ, маса-лан, гарбдан тўқимачилик ускунаси етказиб берилса, шарқ-дан ўрнига хом ашё юборилади. Кооперация эса баъзан бир-бири билан боғлиқ бўлган товарларни айирбошлашни ҳам англатади. Масалан, тўқимачилик ускунаси учун тўлов шу ус-куналарда ишлаб чиқарилган тўқимачилик материаллари орқа-ли амалга оширилади. Бундан ташқари, лицензия қийматини тўлаш ўрнига тўловлар лицензия товарлари шаклида тўланади.

Шундай қилиб, мұқобил мол етказиб бериш шаклида-ги компенсация битимлари кооперацияга эквивалент (баро-бар) бўлиши мумкин.

Саноат соҳасидаги ҳамкорликнинг бир қисми бўлган мұқобил мол етказиб бериш бевосита ишлаб чиқариш дара-жасидаги халқаро алоқаларга хизмат қиласи ва **мұқобил сав-донинг** алоҳида турига айланади.

Энди саноат соҳасидаги ҳамкорликда воситачи бўлган мұқобил савдонинг амалиётда тез-тез учраб турадиган шак-ларини кўриб чиқайлик.

Компенсацияга асосланган ҳамкорлик доирасидаги савдо (компенсация лойиҳалари, шерикдан маҳсулот ҳарид қилиш би-тимлари - “байбек”). Бундай битимларда қуйидагилар кўзда тутилади: хорижий шерикка кредит шартларида ишлаб чиқ-ариш воситалари, асосан - ускуна, корхоналар комплектла-

КОРХОНА - ТАШҚИ ИҚТІСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ

ри, инжинииринг хизматлары етказиб бериші ва келажақда берилған кредитлар учун мазкур корхоналар маңсулотини муқобил етказиб беришдан түшгән маблағ билан ҳақ тұлаш.

Компенсация асосида ҳамкорлық түғрискідеги битимларға күра, ўзаро мол етказиб беришнің жами муддати ишлаб чиқарыш объектини қуирик битказиш муддатига ва кредитни тұлаш муддатига боғлиқ ва одатда 5-8 йыл бўлади. Алоҳида йирик битимлар доирасида муқобил товар етказиб бериш даври, масалан, табиий газ қазиб олиш ва узатиш (жўнатиш) соҳасидаги ҳамкорлик даври XX асрдан кейин ҳам давом этиши мумкин.

Ишлаб чиқарыш кооперацияси доирасидеги муқобил мол етказиб бериш ёрдамчи пурдат шаклидаги шартноманинг оқибати бўлиши мумкин, бу ҳолда экспортгич унинг ихтисоси бўйича тайёрланган товарларни сотиб олишга рози бўлади. Бу ҳолда у ўз шеригига технологияни бериши, бундай буюмларни тайёрлаш учун материаллар ва ускуна етказиб бериши мумкин. Ҳамкорликнинг яна ҳам юқорироқ босқичида муқобил мол етказиб бериши - ишлаб чиқарыш соҳасидаги кооперация түғрискідеги битимнинг бир қисми бўлиши мумкин, бу битим доирасида шериклар биргаликда сотиладиган тайёр буюмнинг муйайян қисмлари ва деталларини тайёрлашда улуш қўшиб қатнашиш ҳақида келишиб оладилар. Бу ўринда саноат соҳасидаги ҳамкорлик билан бир қаторда маркетинг соҳасида ҳам ҳамкорлик қилинади.

Яна бир вариант бўлиши мумкин. Бунда томонлар бир-бирларига батамом бир хил бўлмаган, аммо ўшааш деталларни (масалан, автомобилларнинг турли моделлари учун деталларни) ишлаб чиқарышга ихтисослашиб етказиб берадилар, аммо ҳар бир шерик буларни ўзининг савдо тамғаси билан мустақил сотади.

Муқобил мол етказиб бериши асосидаги кооперациянинг асосий унсурларини санаб ўтиши мумкин.

- ишлаб чиқарыш жараёни асосида мол етказиб беришида мустаҳкам ўзаро алоқанинг борлиги;

КОРХОНА - ТАШҚИ ИҚТІСОДИЙ ФАОЛІЯТ СУБЪЕКТИ

- битимлар ягона базавиі валютта асосида амалга оширилады;
- мұқобиғ мол етказиб бериш бир неча ой ёки бир неча йил давом этады;
- кредитдан кеңг фойдаланыш;
- Шеріктан мол сотиб олиш баъзан корхона қийматининг 100% идан ортиб кетиши мүмкін.

Бир томонлама ва икки томонлама мол етказиб бериш ишлаб чиқариш жараёни асосида бир-бири билан боғланган бўлиши керак. Битимнинг муайян турида кўзда тутилган товарлар одатда, гарб экспортчиси етказиб берган ускунада ёки корхонада тайёрланади. Баъзан ускуналарни ўрнатиш ва ишлаб чиқаришни созлаш узоқ вақт давом этгани учун импортчи-мамлакат ўзининг мавжуд корхоналаридан айни ўша товарларни етказиб бериши, унинг ўринини босадиганларни жўнатиши ёхуд янги корхона тўла-тўқис ишга тушмагунча айни ўша товарларни етказиб бериб туриши мумкин.

Кооперация битимларининг яна бир тури “қарз суршаш негизи”даги битимлар, яъни қарзни узиш учун мол етказиб беришлар. Бундай битимларнинг жуда кең тарқалган турлари (бу соҳада етакчи бўлиб турган АҚШ экспорт компанияларининг тажрибаси катта) қўйилагилардир;

- **Кўшма ишлаб чиқариш** - одатда, битимлар ҳукуматларо шартномага асосланади; бундай шартнома хорижий давлатга ёки чет эълик ишлаб чиқарувчиларга экспортчи мамлакат тайёрлаган мудофаа маҳсулотини тўла ёки қисман ишлаб чиқариш учун зарур бўлган техника ахборотини олишга имкон беради;
- **Лицензия ишлаб чиқариш**. Бу ҳолда ҳарбий маҳсулотни чет элда ишлаб чиқариш экспортчи мамлакат ишлаб чиқарувчиси ва хорижий ҳукумат ёки хорижий ишлаб чиқарувчилар ўтрасидаги савдо битимларига биноан техника ахборотини беришга асосланади;
- **Ёрдамчи шудрат (субшудрат)** асосидаги ишлаб чиқариш. Бу ўринда ҳам чет элда ишлаб чиқариш мўлжал-

КОРХОНА - ТАШҚИ ИҚТІСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ

ланади, лекин техника ахборотини бериш шарт әмас. Одатда, экспортчи мамлакат ишлаб чиқарувчиси билан хориждаги мол етказиб берувчи ўртасида бевосита савдо шартномаси түзилади.

- Чет эл инвестициялари (бу ўринде гап битимда құзда тутилған, бирор бир хорижий мамлакатда филиални ёки құшма корхонани бунёд этиш учун сармоя сарфлаш ҳақыда бормоқда).
- Технологияни, күпинча хорижда ўтказилған илмий-тәдқиқот ва тажриба-конструкторлик ишпланмаларини “қарз суришиш” асосида түзилған битимга биноан, бунёд этилған филиалга ёки құшма корхонага техничавий ёрдам сифатида берилади.

6.2. Ташқи иқтисодий фаолиятни амалға опырыпда құлланыладын ҳисоб-китобларнинг асосий шақллары.

Ҳисоб-китоб шақллары деганимизда, етказиб берилған товар (маңсулот), күрсатылған хизмат, бажарылған иш ва шу қабилар учун ҳақ түлашнинг ҳалқаро тижорат муюмаласида, шу жумладан банк амалийтіда таркиб топған, усуулари тушунылади. Очилған ҳисобварақ банк ўтказмаси, инкассо ва аккредитив, одатда, шундай шақллар жумласига киради. Ҳисоб-китоблар факат банк орқали нақд пул ёки кредитта қылнади.

Нақд пул билан ҳисоб-китобда товарларнинг ёки товар тақсимловчи ҳужжатларнинг харидор тасарруфига ўтиш вактида ёхуд етиб келишигі қадар товарнинг тұла қиймати тұлағынади.

Кредитта ҳисоб-китоблар - тижорат кредити бўлиб, бунда экспортчи томонидан импортчига кредит берилиши ёки импортччи томонидан экспортчига бўнак берилиши тушунылади.

Ҳалқаро тижорат муюмаласида ҳисоб-китоблар, одатда, эркин муюмладаги валютада амалға оширилади. Айни вақт-

КОРХОНА - ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ

да контрактларда товарнинг нархи ва қиймати эркин муомаладаги валиутада белгиланиб, тўлов эса ҳақ тўланаётган кунда мавжуд бўлган алмаштиришнинг мислий курсига биноан бажарилади.

Экспортчи импортчининг тўловга қодирлигига ишонган ҳолларда очик ҳисобварагдан фойдаланилади. Ушбу шаклининг моҳияти - харидор номига товарни ва товар тақсимлаш ҳужжатларини бевосита юборишиладир, буларга ҳақни контрактда кўрсатилган муддатда тўлаш лозим. Халқаро тижорат муомаласида ҳисоб-китобларнинг бу шаклидан онда-сонда фойдаланилмоқда.

Банк ўтказмаси, асосан бўнак беришда, кредитларни тўлашда ва шу кабиларда кўлланилади. Унинг моҳияти шундаки, бир банк иккинчи банкдан маблаг олувчига контрактда кўзда тутилган тегишли суммани беришни топширади. Айни вақтда вакил банклар кўрсатилади. Экспортчи банк импортчи банкдан тўлов топшириқномасини олиши билан экспортчи ҳисобварагига унга тегишли суммани ўтказади. Етказиб берилган товар учун экспортчига ҳақ тўланмаслиги хавфи борлиги сабабли бу шаклдан ҳам жуда кам фойдаланилади.

Инкассо - Халқаро иқтисодий муомалада жуда машҳур. Бу ҳисоб-китобларнинг шундай шаклини, унда экспортчи банкка тақдим этилган товар тақсимлаш ҳужжатларига кўра, етказиб берилган товар учун импортчидан тўлов суммасини олишини топширади ва бу суммани экспортчига ўтказишни сўрайди. Инкассо бўйича ҳисоб-китоб ҳужжатлар тақдим этилиши билан боғлиқ бўлгани сабабли улар ҳужжатли инкассо деб аталади. Инкассо ҳисоб-китоблари ўтказишнинг ягона қоидалари бор, булар 1978 йилда Халқаро савдо палатаси томонидан ишлаб чиқилган ва “Инкассонинг унификация қоидалари” деб аталади.

Халқаро иқтисодий муомалада ҳисоб-китобларнинг жуда кенг тарқалган яна бир шакли ҳужжатли аккредитивлар. Бу банкнинг топшириқнома бўйича ва импортчи ҳисобидан экс-

КОРХОНА - ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ

портчига, ҳужжатларда кўзда тутилганига кўра, ҳамда аккредитивнинг барча шартларига риоя этиб тўлов ўтказиш юзасидан пул мажбуриятидир. 1983 йили халқаро савдо палатаси "Ҳужжатни аккредитивнинг унификация қилинган қоидалари ва одатлари"ни нашр қилган, бу ҳужжат Ўзбекистонда ҳам амал қилимоқда. Ҳозирги кунда бу қоидалар 1993 йилги таҳтирида тайёрланган.

Ҳужжатли аккредитив ҳисоб-китоб шакли сифатида экспортчи ва импортчининг манфаатларини ҳимоя қиласи, бу ўринда ана шу шакл импортчига камроқ фойдали эканини ҳам айтиб ўтиш керак. Жумладан, у аккредитив очиш харажатларини кўтаради, бу иш учун инкассо операциясига қараганда кўпроқ воситачилик суммаси олинади. Бундан ташқари, аккредитивга қўйилган пул маблағлари аккредитив амалда бўлган муддатда муомаладан чиқарип қўйилади.

"Ҳужжатли" аккредитивларнинг унификация қилинган қоидалари ва одатлари"да аккредитивларнинг қўйидаги турлари назарда тутилган:

- қайтариб олинадиган ва қайтариб олинмайдиган;
- тасдиқланган ва тасдиқланмаган;
- резервдаги;
- тикланадиган (револьвер);
- ҳали жўнатилмаган товарга ҳак тўлаш учун "қизил тамға"ли аккредитивлар;
- компенсацияли;
- ўтувчи (трансферабелли);
- бўлинадиган ва бўлинмайдиган.

Кейинги йилларда лизингли молиялаш ва ҳисоб-китоблар катта аҳамият касб этмоқда. Ташқи иқтисодий фаолият билан шугуланаётган корхоналарда ўз айланма маблағлари сира етишмайтган бир пайтда сармоя қўйишнинг бу шакли муаммони ҳал этмоқда.

Лизинг - вақтинча бўш турган ёки жалб этилган молиявий маблағлар эвазига сармоя қўйишдир, бунда лизинг беरувчи муайян сотувчидан шартномада кўзда тутилган мулк-

КОРХОНА - ТАШКИ ИҚТІСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ

ни сотиб олиб, унинг эгаси бўлади ва бу мулкни лизинг олувчига ҳақ олиб, вақтинча фойдаланишга беради. Сармоя қўйишнинг бошқа усулларига қараганда лизингнинг асосий афзалиги шундаки, тадбиркор асосий фондларни сотиб олиш учун зарур бўлган молиявий маблағларнинг бир қисмигагина эга бўлиб туриб, ишини бошлайверади. Бу ўринда корхонага пул ресурслари эмас, ишлаб чиқариш воситалари берилади.

Бундай опсрацияларнинг икки асосий тури бор: ижарага олинаётган асосий фондлар тўла қопланадиган лизинг ва тўла қопланмайдиган лизинг.

Асосий воситалар тўла қопланмайдиган лизинг оператив лизинг деб аталади. Бу ҳолда лизинг берувчининг ускуна сотиб олиш ва унинг қарови билан боғлиқ харажатлари лизинг муддати мобайнида тўла қопланмайди, чунки шартноманинг амал қилиш пайти ускуна иштаси норматив муддатидан қисқадир. Ҳамонки, лизинг берувчи объектни вақтинча фойдаланишга бир неча марта берар экан, шунга мувофиқ тарзда талаб бўлмаганида унинг қолдиқ қийматини қоплашдаги товаккалчилик бир неча бор ортади. Оператив лизингда ускунанинг техникавий қарови, тузатиш, сугурта мажбурияти лизинг берувчи зиммасига тушади.

Ижарага берилган асосий воситалар тўлиқ қопланадиган лизинг молиявий лизинг деб аталади. Ускунани вақтинча фойдаланишга берилаетган муддати шу ускуна қийматининг тўла ёки катта қисми ишлатилиши ва ейилиши (амортизация) муддатига яқинлашиб қолади. Шартнома муддати мобайнида лизинг берувчи тўловлар ҳисобидан мулкининг бутун қийматини қайтариб олади. Молиявий лизингда, одатда, ускунанинг техникавий қарови, тузатиш, сугурта мажбурияти лизинг олувчи зиммасидадир.

Лизинг опсрациялари ўтаётган бозор секторига қараб лизинг қуйидагича бўлинади:

- ички лизинг (битимнинг барча қатнашчилари бир мамлакат вакилларидир);

◆ БОЗОР ВА ОЧИҚ ИҚТІСОДИЁТ ◆

КОРХОНА - ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ

- ташқи ёки халқаро лизинг (лизинг берувчи ва лизинг олувчи турли мамлакаттарнинг вакиллариридир).

Ҳаракатдаги ҳар бир мулк лизинг объекти бўлиши мумкин, бозорда эркин сотиш тақиқланган мулк бундан мустаснодир.

Лизинг битимида одатда бир нечта субъект иштирок этади:

- мулкни сотувчи (ускуна чиқараётган завод ёки унинг дилери ёхуд дистрибутер);

- лизинг берувчи (мамлакатдаги ёки хориждаги лизинг компанияси);

- лизинг олувчи (тадбиркорлик ишлари учун ускуна керак бўлган ҳуқуқий ёки жисмоний шахс);

- лизинг компаниясининг ускуна сотиб олиши учун уни маблағ билан тавсиялаётган банк (ёки бошқа кредит мұассасаси);

- лизинг берувчининг мулкини сугурта қилувчи, шунингдек ускуна сотиб олиш учун лизинг берувчига бериллаётган кредитларни әктинал тутылган ҳақ тўламаслик таваккалчилигидан сугурта қилувчи сугурта компанияси.

Одатда лизинг битимишинг поғоналари мана бундай. Биринчи босқында, лизинг олувчи лизинг компаниясига зарур ускуна етказиб беришни сўраб мурожаат қиласди ва у билан лизинг шартномасини тузади. Иккинчи босқында лизинг берувчи лизинг олувчига ўз пулига ва қарзга олган пулига мулк сотувчидан харид қилинган ускунани тоғлиради.

Лизингда мол олувчи ўз-ўзидан бир қанча устунашкларга эга бўйшиб қолади:

- корхона мулкига солиқ миқдори камаяди, чунки лизинг обьектлари қиймати лизинг шартномаси муддати тугаб, мулк унинг иштиёрига ўтганидан кейингина лизинг олувчи баланси активида акс этади. Бунгача ўша қиймат лизинг берувчининг балансида туради;

- фойда солиги миқдори камаяди, чунки лизинг тўловлари маҳсулот таннархига кирадиган харажатдир.

Бундан ташқари, лизинг олувчидиа бухгалтерия ҳисоби

КОРХОНА - ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ

соддалашади, чунки асосий воситалар, амортизацияни ҳисоблаш, солиқнинг бир қисмини тўлаш ва қарзни бошқаришини лизинг компанияси ҳисоб қўлиб боради. Ниҳоят, лизинг шартномасида қарзни тўлашнинг кулагай, маъқулроқ йўлини назарда тутиш мумкин.

Лизинг мулкини сотувчи эса, лизинг операцияларидаги қатнашар экан, маҳсулот ишлаб чиқаришини қайтадан бошлашга, ҳатто уни кенгайтириш имкониятига эга бўлади ҳамда маҳсулот сотишдан ва лизинг ускунасига эҳтиёт қисмлар сотишдан, бу ускунага сервис хизмати кўрсатишдан ва уни замонавийлаштиришдан даромади орталди.

Корхоналар лизинг фаолиятини мураккаблаштирадиган қўйидаги ҳолатларни ҳам ҳисобга олишлари керак:

- лизинг компаниясини очиши учун каттагина дастлабки сармоянинг зарурлиги, чунки у ускунани тайёрловчидан тўла қўйматига сотиб олади;
- ички лизингни амалга оширишда қўшилган қўйматга ишки ҳисса солиқ солиниши;
- лизинг бозори инфратузилмасининг ривожланмаганилиги, ҳолбуки бу бозорга лизинг компаниялари тармоғи, маҳсус консалтинг фирмалари ва лизинг хизмати тақлифлари тўғрисидаги ахборот таъминотининг тегишини тизими киради;
- лизинг компаниялари умун малакали кадрларнинг етиши-маётгани.

6.3. Муқобил савдолинг молиявий механизми

Иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган мамлакатлар муқобил савдо билан шугууланаиди. Бу хусусият экспортчи корхоналарга ҳам, фақат савдо билан шугууланаидиган корхоналарга ҳам хосдир.

Бу савдо турининг ўзига хос жиҳати молиявий механизмининг мураккаблиги ва банкларнинг ролидалир.

Жуда жўн мавоза битимлари ҳам томонлар ўргасида ҳисоб-китоб механизмини келишиб олмасдан рўёбга чиқ-

КОРХСНА - ТАШКИ ИҚТІСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ

майди, чунки, тенг қийматли товарлар түпнининг турли йўналишда бир вақтнинг ўзида чегарадан ўтишини таъминлаб бўлмайди. Баъзилари, албатта, илгари сотилади, айримлари кечроқ, томонлардан бири, оз вақтга бўлса ҳам, бошқасининг қарздори бўлиб қолади. Томонлар бир-бирига кредит бериш механизмига эга бўлиши керак, ушбу механизм банкларнинг анъанавий ҳисоб-молия механизми билан таъминланади.

Ҳамонки, муқобил савдо, одатда, халқаро иқтисодий алоқалар шакларининг комбинацияси экан, уни амалга оширишда оддий халқаро амалиётда бўлганидек, контрактларни молиявий таъминлашнинг усулуари кўлланилади. Аммо муқобил битимларнинг ўзига хос жиҳатлари айрим маҳсус молиявий воситалар ва алоҳида банк фаолиятини вужудга келтирди.

Банклар муқобил савдо тўғрисидаги кўшгина турли-туман битимлар бўйича ҳисоб-китоб қилишнинг зарур бўғинидир, масалан, муқобил харидда баъзан товар оқимилири ўргасида анчагина узилиш бўлиши мумкин. “Жавоб” тариқасида келаётган мол сотилганидан кейингина, экспортчи ўз маҳсулотига ҳақ олиши мумкин, деб ёзиб қўйилган битимларда яна ўша экспортчи, аввало, “қарши” дан келаётган товарни сотиши лозимлиги, кейин ўз молини жўнатиши зарурлиги кўзда тутилган. Аммо, ҳарқалай, экспортчи ўзи етказиб берган молга тезроқ пул олишдан манфаатдорлир. Томонлар ўргасидаги барча ҳисоб-китоблар “шартли депонент” маҳсус ҳисобвараги орқали бўлади, бу ҳисобвараққа муқобил маҳсулотни сотишдан тушган маблаг ўтказилади. Битимда кўзда тутилган барча мажбуриятлар бажарилганидан кейингина экспортчи тегишли ҳужжатлардан ташқари “шартли ҳисобварақ”дан ҳам (одатда бунга ўз муқобил мажбуриятларини тўлиқ бажарилгани ҳақидаги гувоҳнома ҳам киради) маблаг олиши мумкин:

I) экспортчи мамлакат муқобил тарзда етказиб берилган товарларни қабул қилиши ва сотиши шарт;

КОРХОНА - ТАШҚИ ИҚТІСОДИЙ ФАОЛІЯТ СУБЪЕКТИ

- 2) түшгән маблағ импортчи билан келишиб олинган банкнинг "шартли ҳисобварағы"га ўтказылади;
- 3) экспортчи молини импортчи күрсатган жойга етказиб беради.
- 4) Келишиб олинган ҳужжатлардан ташқари, экспортчи "шартли ҳисобварақ"дан ҳам маблағ олади.

Бундай вазиятта маблагларни "шартли депонентлаш"-ни амалта ошираётган молия муассасининг ишончлилитиги алоҳида аҳамият касб этиши кўриниб турибди. Экспортчи контрактда ёзib қўйилган қатъий кафолатларга эга бўлганида муқобил харид мажбуриятларини бажартганидан кейин унинг контрагенти дастлабки буюргма берилган маҳсулотдан воз кечада олмайди ва олинган маблағларни бошқа мақсадларга сарфламайди. Бундай ҳисобварақни очиш шартлари, ҳисобварақ очилаёттан молиявий муассасанинг қайси мамлакатга мансублиги ва бошқа омиллар муқобил савдо тўғрисида битимлар ишлаб чиқишида катта аҳамиятта моликдир ва кўпинча уларнинг амал қилиши ёки амал қилмаслигини белгилаб беради. Жаҳон амалиётида "шартли ҳисобварақлар"дан олинган маблағларни шартлашилганидан бошқа мақсадларга ишлатиб юборилганини кўрсатувчи мисоллар мавжуд. Ҳолбукки уларни "озод" қилишдан мурод худди ўша мақсад учун ишлатиш эди.

Шериклар узоқ муддатни кўзлаб, бир-бирларига товарлар етказиб бериш тўғрисидаги битимларни бажаришаётганида кредит-ҳисоб-китоб бўғини сифатида банкларнинг иштироки зарур. Ана шундай битимларда айрим товар айрибошлиш келишувлари мутаносиб бўлмайди, шунда муайян вақт учун (одатда, бир йил) ўзаро мол етказиб бериш қийматининг тенглиги ва муайян нисбати назарда тутилади. Муқобил савдонинг ана шу шаклида ҳисоб-китобларни таъминламоқ учун очиқ ҳисобварақлар қўлланилади, буларга икки томоннинг экспорт-импорт операцияларидан келаётган тушумлари ёзилади, бу тушумлар йил охирида товарлар етказиб берип эвазига сумма тафовутига қараб ёки нақд пул

КОРХОНА - ТАШҚИ ИҚТІСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ

тұлаш йұлы билан балансга келтириләди. Бундай ҳисобварақтар битим қатнашысі бүлгап бир томоннинг банкіда очишлиши мүмкін. Иккінчи ҳолда эса шартнома давринининг охирда ҳисоб-китоб искала мамлакат хукуматларининг топшириғи билан бажарилади.

Одатда, очиқ ҳисобварақтарни тижорат алоқалари аңчадан бери давом этиб келаёттан ва савдо номенклатураси миқёсі кең бўлган томонлар қўллашади. Фарбдаги компаниялар кўпинча ривожланаётган мамлакатлар банкларида ҳисобварақтар очиб, бу ерда улар бир нечта ташқи савдо ташкилотлари билан савдо-сотик қиласидилар. Бу эса барча импорт операцияларини экспортги олдидаги муқобил мажбуриятларни бажариш ҳисобига ёзиг қўйишга имкон беради, бир марталик харид қилиш учун товар қидириб юришдан холи этади ва умуман бозордаги улдабуронликни оширади.

Муқобил савдонинг баъзи бошқа турларida, айниқса томонлар ўтасидаги иқтисодий алоқалар нуқтаи назаридан мураккаб бўлганида (ишлаб чиқариш рақобати унсурлари бўлган компенсация лойиҳалари ёки битимлари), банкларнинг иштироки ўрга муддатли ва узоқ муддатли кредитлар беришдан иборатдир. Уларнинг бундай анъанавий фаолиятида айрим ўзгаришлар бўлади: бундай битимлар амалга оширилаётганида банк илгаригидек мижознинг тўловга нечоғли қодирлитини чамалаб, замоннинг ишончлигига баҳо бермасдан, балки умуман лойиҳани амалга ошириш қанчалик самарали бўлишини ва муқобил мол етказиб бериш нечоғли унум беришини режалайди, чунки шу самарадорлик негизида фойда ҳамда қарзнинг ўрнини қоплаш учун маблағ бор. Банклар ўзлари маблағ билан таъминлаётган битимларнинг товар таъминотидан ноанъанавий кўрсаткичларни таҳлил этишига мажбур бўлган эканлар, бунинг асосий сабаби шундаки, анчагина мамлакатлар тўловга қодир бўлмай қолди ёки банкротлик ёқасига келиб қолди. Шу тариқа “қарз тантлиги” содир бўлди. Муқобил етказиб беришлар тўловга лаёқатлилик кафили сифатида банкларга ўз мижозларига экспорт операцияларни

КОРХОНА - ТАШКИ ИҚТІСОДЫҢ ФАОЛНЯТ СУБЪЕКТИ

молиялаш бүйічча хизмат күрсатыпни давом эттириш имконини беради.

Банкларни мұқобил савдо түғрисидеги битимларни мабдаб болан таъминлашта жалб этишининг бир қанча мураккаб икслари борки, бу уларнинг кредит мұассасалар сифатидаги осий фаолияти вужудға көлтирган объектив зиддиятлардан болғандар. Күп ҳолларда мұқобил савдодан фойдаланған ривожланыпстан мамлакатлар чет эл банкларидан қардирлар ва ўз қарзларини фақат экспортдан келдиган дам эвазига узишлари мүмкін. Экспортни импорт болан ғоғылаб қўйиш, одатда, бундай эркин тушумларнинг камайишига олиб келади. Яъни, мамлакат қанча күп товарни валютағасиз негизда айирбопласа, валюта олиш учун товар шунгача кам қолади, бу валюта эса банкнинг илгариги кредитлари ва бу кредитлар бүйічча фоизларни тұлаш учун зарурдир.

Банклар фаол ва йирик миқёсда қатнашган биринчи мұқобил савдо ҳақидеги битимлар мавоза битимлари бўлган эди, ушанда томонлардан бирни иккинчисига нисбатан узоқ муддатга катта пулни кредиттга беради.

Саксонинчи ишларга келиб, банкларнинг мұқобил саводаги иштироки ташкилий тарзда уч турда расмийлаштирилди:

- кўпинча кичикроқ, аммо етакчи банкларнинг ҳомийлигига ҳаракат құлуғын иштисослашган банклар;
- аксарият йирик трансмиллий банклардаги мұқобил савдо бўлимлари;
- банкларга қарашли бўлган иштисослашган шўба компаниялар.

Сўнгги йилларгача Америка компаниялари Фарбий Европа ёки Япония компанияларига нисбатан мұқобил савдога камроқ эътибор берди, бинобарин Япониянинг савдо компаниялари ўз савдоларини бир қадар бошқачароқ тарзда маблағ болан таъминтайди, бу ҳақда кейинроқ тўхталиб ўтамиз. Фарбий Европа банклари бу соҳада анча катта тажриба тўплаган. Бу банклар кўпчилигининг қароргоҳлари Вена шаҳри-

КОРХОНА - ТАШКИ ИҚТИСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ

ладир. Кейинги йилларда Лондоннинг мавқеи ортиб, аньнага кўра бу ерда товар биржалари ва товар ҳом ашёни бошқа савдо марказлари ишлаб турибди, ҳамда ана шу хо ашё муқобил мол етказиб бериш учун кўп марталаб такли этилмоқда.

Муқобил савдони маблағ билан таъминлаши жуда мавфакиятли қатнашаётган банклардан бири Венад “Центр-банк”дир, бундан ўн беш йил муқаддам тузилга банк улуш асосида Англиянинг “Клейнворт Бенсон” баға, Италиянинг “Банкоди Суилло” банкига, Польша “Банк Хандлови Варшави” банкига ва Австрияниг “Еорюор арбайт унд виртшафт” банкига тегишли бўлиб, ул акцияларининг асосий эгаси бўлган “Клейнворт Бенсон” руҳига мансуб эди.

Банкларнинг муқобил савдода шитпроцессинг худди а шундай **тапкилий ташки** ҳозиргача ҳам кенг тарқалганди. Бунда мавжуд тизим доира Компенсацион савдосида маҳсус бўлинма тузилади ёки шу соҳага жавобгар ижрочи директор тайинланади. Бунга АҚШдаги банкларнинг 1982 йилга қадар савдо компанияларига эгалик қилиш ва уларни очиш ҳуқуқига эга эмаслиги; Фарбий Германия банкларининг ҳозиргача ҳам бундай ҳуқуққа эга эмаслиги ҳақидаги маълумотлар имконият түғдирди. Шунинг учун ҳам бу банклар кўпчилгининг муқобил савдодаги биринчи қадамлари воситачиликдан ҳамда ўзининг молия билан таъминлагчи ахборот ва экспорт шохобчасидан битимларни ташкил этиш учун фойдаланишдан иборат бўлди.

Банклардан кейин муқобил савдога сугурта компаниялари ҳам кўшила бошлади. Бу ҳол контрактларни ўзаро мувофиқлаштиргунча уларнинг бажарилишини узилиши, бузилиши ва кечикишлари имкониятининг икки ҳисса ортишига олиб келишидан у ёки бу томоннинг тегишли йўқотишлари билан боғлиқ, одатда ривожланган иқтисодиётли мамлакат экспорчилари мурожаат этадиган кўпчилик ҳукумат сугурта дастурлари эса мавоза ҳамда бошқа муқобил савдо

КОРХОНА - ТАШКИ ИҚТІСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ

Инсурлари мавжуд талайтина битимларга татбиқ этилмаган. Мабодо, жавоб мажбуриятлари ҳақида, яни экспорт ва импорт учун алоҳида контрактларда эслатма бўлмаса, битиминг экспорт қисми, одатда сууругта қилиниши мумкин. Хуссий сууругта компаниялари муқобил савдо битимларидаги тақдим этиши мумкин, бироқ айни пайтда улар анча сууругта ҳақи олади.

Сўнгти йилларда “сиёсий таваккалчилик”дан ҳимояни иммасига олишга тайёр турган сууругта компаниялари анча байди (“сиёсий таваккалчилик” терминида муқобил савдо-таги битимларга хос бўлган “таваккалчилик комплекси” олашади. Бу таваккалчилик оддий савододаги тижорат ташкотчилиги доирасидан чиқиб кетади). Муқобил савдо-таг турли шаклларида юз берини мумкин бўлган ўзаро мувофиқлашган экспорт-импорт контрактларни тузиш шароитидаги катта фарқ сууругта ҳақи даражасининг контракт қийматидан 0,125 дан 12 фойзигача етишига олиб келади. Сууртанинг бошқа шартлари одатда, анъянавий тижорат тажрибасида қабул қилинганига ўхшашидир.

6.4. Корхона ва чет эл инвестори

Ўзбекистонда ўтказилаётган иқтисодий сиёсат жаҳон иқтиеодий ҳамжамиятига интеграция жараёнини фақат давлат таркибий тузилиши бўйича эмас, балки хусусий сектор даражасида ҳам жадаллаштиришни назарда тутади. Очиқ бозорнинг фоалият кўрсатиши учун яратилиёттан шароит Фарб ва Шарқ ишбизилармонларининг мамлакатимизга барқарор қизиқишини таъминланмоқда. Бу яна шунинг учун мухимки, бизнинг тадбиркоримиз ҳам чет эл инвесторини ҳамкорликка жалб этиш имконияти ҳақида тез-тез бош қотирмоқда.

Ҳозирги даврда қўшма корхоналар (ҚҚ) очишни таҳлил этиш қуйидаги **асосий босқичларни** ажратиб кўрсатишга имкон беради: қўшма корхона очиш сабаблари; шерик тан-

КОРХОНА - ТАШКИ ИҚТІСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ

Халқаро құшма корхоналар очиши сабаблары

Ички сабаблар

Инвестиция мүхити устунылкандаридан фойдаланиси

- Тавакқалтылықни тақсимлаш
- Фирманиң дебиторлық имконияттарини тұлдириш
- учун молиялаш**
 - Ишлаб чыкаруш миқсесіда тежаш
 - Тарқатып жүйларини бирлаштырыш вз маъмурий харжаттарға тақсимлаш
 - Энг күлай тартибға эришиш
 - Илмий ишпланнамаларга харжаттарни тақсимлаш
 - Бошқарувынға янғындықтарини ўрганиш
 - Чет зерттеуден бозорига киришни теззаптириш
 - Маҳаллай ишчи күчи ресурсларидан фойдаланиси
 - көнгейтириш**
 - Маданият, иқтисод ва сиёсат түрлеридеги билімларни көнгейтириш
 - Алохіда олганда унча қыйматлы бўлмаган ресурсларни бирлаштыриш
 - Ходимларни ўқитишини уюштириш
 - Контракт харжаттарини камайтириш

Ташқи сабаблар

- Жаҳон бозорига чыкыш
- Пешқадамнинг устунылғы туфайли рақобаттинг пасайинши
- Сиёсий кескинлікнинг юмшаси
- Маҳаллай ҳукуматнинг талаблари
- Янада самаралироқ рақобатни вужудга келтириш

Стратегик сабаблар

- Барқарор хом ашё базасига эта бўлиш
- Келажакда мамлакатда иш юритиш имконияти
- Технологиялар трансферти
- Ишлаб чыкаруш диверсификацияси

КОРХОНА - ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ

ш; кўнгма корхона очиш ҳақида қарор қабул қилиш; кўнгма корхона очиш ва фаолиятни режалаштириш; ишни чамалаш.

Кўнгма корхона очиш сабаблари. Кўнгма корхонани оркиб топтириш сабабларининг уч туркумини ажратиб кўрсанаш мумкин: ички, ташқи ва стратегик. **Ички сабаблар** (бозалар орасида) таваккалчилик ва харажатларни биргалик-кўтаришни, инновация учун қулий тартиб бунёд этишини мда хом ашё ресурсларидан фойдаланиши осонлаштириши кўзда туғади. **Ташқи сабаблар** - сиёсий кескинликни юмшатиш ҳамда трансмиллий рақобатга қарши кураш. Бундан ташқари, кўнгма корхоналар компанияларнинг стратегик вазифаларини ҳал қилишда воситачи ҳам бўлиши мумкин, масалан, диверсификацияни кенгайтириш. Жадвалда кўнгма корхонани ташкил топтириш сабабларининг батафсил рўйхати берилган.

Шуни назарда туғиши керакки, санаб ўтилган сабаблардан бироргаси ҳам кўнгма корхона очиш учун ягона ва етарли шарт бўла олмайди. Чет эл бизнесининг мақбул модели сифатида уни очишининг амалдаги, одатда, бир нечта омилларининг уйғунлашуви асос бўлади. Кўнгма корхона очиш таваккалчиликни камайтириш усули сифатида, айниқса, самарали бўлиши мумкин, чунки бу ҳолда таваккалчилик шериклар (икки ва ундан ортиқ) ўргасида тақсимланади. Яна шуниси муҳимки, раҳбарлар тажрибали ходимларни кўпроқ жалб этишлари мумкин. Ниҳоят, ҳамонки бир қанча мамлакатларда 100% лик чет эл сармояси билан фирма очишига ижозат берилмаган экан, бир қатор ҳолларда кўнгма корхона чет элларда бевосита инвестициянинг ягона имконият воситаси бўлиши мумкин.

Таваккалчилик, кўпингча, ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига ёки технологияда катта ўзгаришлар юз берадиган тармоқларга хос. Бунда кўнгма корхоналар - айни мудда-дир, чунки шу таҳлилда таваккалчиликниң салбий оқибатлари камаяди. Мамлакатда қулий инвестиция муҳити мавжуд бўлса, жалб этилган шерикнинг таваккалчилиги камаяди.

КОРХОНА - ТАШҚИ ИҚТІСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ

Шерик танлашга таъсир этадиган омиллар

- Турлы дүнёқарапшаги шериклар ишилдеги қыйынчиліктер
- Шериклар улушининг асимметрияси мұаммоси
- Асосий сармояда улуси кам бұлған шерик мұаммоси
- Күшма корхона жотыдан ҳақыздатан ҳам мағфатдор бұлған шерикни танлаш
 - Ишонч бұлған ёки ишонч пайдо бўладиган шерикни танлаб олиш
 - Күшма корхонанинг қисқа муддатты жотуғи учунгина эмас, балки келажакда ҳам зарур бўладиган шерикни танлаш.

КОРХОНА - ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ СУБЪЕКТИ

Қўшма корхона очиш учун **шерик танлашида** пайдо бўлалиган муаммоларни, албатта, ҳисобга олиш керак.

Шерикларнинг иш устида қийинчилликларга дуч келиши ҳақида кўп ёзилган. Дарҳақиқат, уларнинг дунёқаралиши тубдан фарқ қиласидиган турли маданий шароитларда шаклланган бу муаммони ҳал этишнинг ҳар хил йўллари мағжуд. Улушнинг асимметрияси (нотекислиги) хусусида ҳам келишмовчилликлар бор. Асосий сармоянинг катта қисмини қўшишга қодир бўлган шерикни жалб этиш айни муддаодир, чунки ҳар бир шерикнинг қўшма корхонада меҳнат билан иштироки кўп жиҳатдан уларнинг улушига bogдик. Шундай шерикларни тоциш керакки, у ҳақиқатан ҳам зарур ва иш натижасидан манфаатдор бўлсин. Шерикни танлашга кетадиган вақт ҳам аҳамиятга молик, яхши шерикнинг фазилатлари ҳам узоқ вақтга татийдиган бўлиши зарур

Шерикнинг ишга садоқати, маданий савиаси, субути, муносабатлардаги ишонч даражаси- буларнинг ҳаммаси мухим омиллар бўлиб, шерик танлашида ҳисобга олиниши зарур

Мустақилларнинг биринчи йилларида республикамизда давлат мулкининг устуворлиги Ўзбекистон билан бирга ликда фаолият бошлаш ҳақида қарор қабул қилинча ўзига хос салбий омил бўлди. Хорижий шериклар ўзининг шахсий сармоясини таваккалчиликка қўймай, давлат корхонасиномидан иш кўраётган кишиларга ишонмас эдилар. Шу боисдан ҳам давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасида қатъий тадбирлар кўрилди, хусусий мулк ва унинг эгаларини вужудга келтириш учун ҳам катта чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Таъсирчан ислоҳотлар натижасида хусусий мулк субъектлари анча кўпайди ва бунинг оқибатида қўшма корхона очиш қалтис иш бўлиб қолди.

Қўшма корхона очиш ҳақида қарор қабул қилинши - бу босқичда музокаралар фавқулодда мухим аҳамият касб этади. Музокаралар чоғида кўпроқ эътибор бериш лозим бўлган асосий омиллар қуйидагилар:

КОРХОНА - ТАШКИ ИҚТІСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ

Халқаро құшма корхона очиш

- Рұйхатдан үтиш учун хужжатлар тайёрлаш
- Назорат, назорат механизмлари
- Устас сармоясқындығы устун улуш
- Зарур ресурсларға зәг бўлиш
- Ходимлар тайёрлаш
- Алоқа ҳақида ахборот
- Алоҳида келишувлар
- Норасмий механизмлар
- "Юмшоқ" назорат афзаликлари
- Назоратни бўлиш
- Назоратнинг йўналиши

Боніца мұхым омиллар

- Маҳаллий бошқарувчилардан фойдаланиш
- Мұлкнинг бир улушини бош директорга сотиши
- Шерикка мұлқа төнгіма-төнг ёки камроқ улуш құшиш ҳақидағы талабни қўйиш
- Биргаликда қарор қабул қилиш
- Муносабатларни күллаш учун маблаг сарфлаш
- Билимдон бош директор ва директорлар кенгацини тайинлаш
- Құшма корхона ишига аралашмаслик
- Корпоративаро алоқаларни йўлга қўйиш
- Маданий тафовутларни ҳисобга олиш
- Мугахассисларни жалб этиш
- Маҳаллий аҳолини жалб этиш
- Турли алоқа йўлпарини ишлатиш
- Құшма корхонага эътибор
- Құшма корхонага етарли маблаг бериш

КОРХОНА ТАШКУ ИКТИСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ

- музокараларда бошқарув ўрта бўғинининг иштироки;
- ёрдам ва маслаҳат;
- музокара вакъти омилининг аҳамияти;
- узоқ муддатга мўлжалланган вазифаларга эътибор.

Бошқарув ўрта бўғини вакилларининг музокараларда қатнашуви ишлаб чиқариш жараёнининг барча нозик жиҳатларини эҳтимол тутилган шериккка тушунтириб бериш имконини беради, чунки ҳатто раҳбарлар ҳам буларни билавермайди.

Музокаралар хуқуқий тўсиқларга дуч келганида, ёки қонунлар ҳар хил талқин этилганида, яхши юрист (хуқуқшунос) бўғиқ музокара жараёнини равон йўлга солиб юборади.

Музокараларни қисқа муддатда ўтказиш фавқулодда аҳамиятга моликдир, чунки узоқ гапдоңлик билан вакът ўтказиш, самолётдан самолётга чиқиб, ортиқча чиқимдор бўлиш, албатта эҳтимол тутилган шерикларни рағбатлантирумайди.

Ниҳоят, шерик эътиборини узоқ муддатли ҳамкорликка, демакки, очилажак истиқболга тортиш кўпинча қўшма корхона очиш тўғрисида узил-кесил қарорга келишада белгиловчи аҳамиятга эга.

Кўшма корхона очиш, одатда, унинг фаолиятини режалаштириш билан боғлиқдир.

Ўзбекистонда қўшма корхона очишида таъсис шартномаси, корхона устави бўлиши ва агар ўзбек шерик давлат мулки билан қўшма корхонага кираётган бўлса, давлат мулк қўмитасининг розилиги даркор.

Кўшма корхона фаолияти устидан назорат хусусида ҳам келишиб олиш мухимдир. Лекин назоратнинг ҳам чегараси бўлади. У қўшма корхонанинг “Ота” (асосий) фирмалар олдиаги мажбуриятини бажаришга кўмаклашади. Биринчи қарашда, бундай таъриф тўлиқмасдай туюлади, бинобарин, қўшма корхона муассислар манфаатига хизмат қилиши керак. Лекин “бала бола-да”, бу ўринда қўшма корхона (бала!) ҳамиша ҳам “оталар”нинг раъйтига қарайди. Мабодо қўшма корхона таъ-

КОРХОНА – ТАШКИ ИҚТІСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ

сисчи фирмадан эмас, балки бошқа мол етказиб берувчидан арзонроққа хом ашё сотиб олиши мүмкін бўлиб қолса, унинг раҳбари нима қилиши керак? “Ота” фирмага ёрдам берсінми ёки ўз равнақини ўйлаб, пулни тежаб қолсинми?

Агар таъсисчиларнинг корхона иши устидан назорати етарлича таъсирчан бўлмаса, бошқарувнинг самараси хусусида муаммо пайдо бўлиши мүмкін. Бу ўринда уч жиҳат мухим: назорат механизмни, чегаралари ва йўналиши.

Кўпинча қўшма корхона фаолияти устидан назорат устав фондига қўшилган улушнинг кўплиги туфайли олинган ҳуқуқдан фойдаланиб, рўёбга чиқади. Улуши камроқ бўлган муассислар ёки муассис хом ашё захираларини тасарруф этиш, ноу-хаудан, бошқарув усусларини кўллаш, раҳбарларни тайинлаш ҳуқуқларидан фойдаланиб, қўшма корхонага таъсир ўтказишлари мүмкін.

Биргаликдаги фаолиятнинг туб мухим жиҳатларининг режаси таъсис шартномасида, уставда ёки қўшимча битимларда акс этади. Устав фондидағи улушларни тақсимлаш ва кўрилажак фойда миқдорларини бўлишдан ташқари, муассислар корхона раҳбарларини тайинлаш тартибини, инвестиция миқдорларини келишиб олади.

Бизнинг шароитимизда режалаштириш ва келишиб олишда - ресурс базаси ишилаб чиқилаётганида экология талаблари, маҳаллий меҳнат ресурсларидан тўлароқ фойдаланиш, мутахассисларни чет эл фирмаларида ўқитиш, жаҳон бозорида маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган технологияларни кўллаш катта аҳамиятга эга.

Очилган қўшма корхонанинг ишига баҳо беришда кўнидаги омиллардан фойдаланилади:

- холис кўрсаткичлар;
- молия;
- барқарорлик;
- ишининг давомийлиги;
- турғунлик;
- субъектив омиллар.

КОРХОНА - ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ

Муассисларнинг талабига кўра, корхона фаолиятига турли усулларни қўллаб баҳо бериш мумкин. Кўпинча, бу муассисларни қизиқтираётган холис (объектив) кўрсаткичлардир. Корхона ишига молиявий кўрсаткичларга қараб баҳо беришни кўпчилик афзал кўради. Фаолиятга баҳо беришда, гёё, шундай тўғри ёндошув, яъни яхши молиявий кўрсаткичларга қараб баҳолаш кўпинча шунга олиб келадики, бошқарувчилар шунга эришаман, ҳеб инвестицияларга, реновация харажатларига, тадқиқот ва қидирив ишларига путур етказадилар, оқибатда фақатгина қисқа муддатли самара кўрадилар. Шу боисдан қўшма корхона ишига баҳо бериш мезонлари орасида мушкуллашиб бораётган шароитларга чидам ёки бардош кўрсаткичлари қўлланила бошлади. Баъзи мутахассислар корхона ишига баҳо беришда ишнинг барқарорлиги кўрсаткичидан фойдаланадилар.

Муайян босқичларда қўшма корхона фаолиятига субъектив кўрсаткичларга қараб баҳо берилади. Масалан, баъзан муассислар учун энг кўп фойда кўриш эмас, фаолият доирасини кентгайтириш суръатлари, товар соғиш бозорига шиддат билан кириш муҳимдир.

Республика раҳбарияти кўраётган тадбирлар Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлашга, хорижий инвестицияларни кўпайтиришга самарали таъсир этмоқда. Ўзбекистонда “ДЭУ Корпорейшн” (Корея республикаси), “РЭНК Ксерекс” (Буюк Британия), “Бурсел” (Туркия), “Буллер” (Швейцария), “Нью-монт” (АҚШ), “Мерседес-Бенс” (ГФР) “Кока-кола” ва “Пепси-кола” (АҚШ) сингари жаҳонга машҳур фирмалар билан биргаликда қўшма корхоналар рўйҳатга олинган.

Ўзаро фойдани асосламоқ учун хорижий инвесторга ишончли ҳисоб-китобларни тақдим этиш лозим. Бу ҳолда энг объектив кўрсаткич - маҳсулот таннархидир. Айтайлик, унинг мамлакатида тайёрланадиган маҳсулот

КОРХОНА - ТАШҚИ ИҚТІСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ

тәннархи S_1 , га тенг бўлсин. Уни асосий таркибий қисмларга ёйиб чиқайлик.

$$S_1 = M_1 + Z_1 + \Theta_1 + T_1 + \Pi_1, \text{ бу ерда:}$$

(1)

M_1 - ишлаб чиқаришга мөддий харажатлар, Z_1 - ишҳақи, Θ_1 - ишплатиш харажатлари, T_1 - транспорт харажатлари, Π_1 - боплаҳа харажатлар.

Бу кўрсаткичлар чет эллик инвестор мамлакатида ишлаб чиқарилган маҳсулот тәннархи унсурларини таърифлайди. Харажатлар ана шу турларининг ҳар бирин тәннархнинг муайян қисмидир. Шу боисдан тәннархнинг таркибий қисмларини қўйидаги кўринишда ёзиш мумкин.

$$M_1 = n_1 \cdot S_1$$

$$Z_1 = n_2 \cdot S_1$$

$$\Theta_1 = n_3 \cdot S_1$$

$$T_1 = n_4 \cdot S_1$$

$$\Pi_1 = n_5 \cdot S_1$$

Ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги тәннархининг доимий харажатлари асосий унсурларини солиширип қийин эмас ва шу маҳсулот Ўзбекистонда тайёрланганида тегишли корреляция коэффициентини олиш мумкин. Унда:

$$M_i = K_1 \cdot M_1 = K_1 \cdot n_1 \cdot S_1$$

$$Z_i = K_2 \cdot Z_1 = K_2 \cdot n_2 \cdot S_1$$

$$\Theta_i = K_3 \cdot \Theta_1 = K_3 \cdot n_3 \cdot S_1$$

КОРХОНА - ТАШҚИ ИҚТІСОДИЙ ФАОЛИЯТ СУБЪЕКТИ

$$T_2 = K_4 \cdot n_4 \cdot S_1$$

$$\Pi_2 = K_5 \cdot n_5 \cdot S_1$$

Ўзбекистонда харажатлар таннархи S_1 қуйидагича:

$$\begin{aligned} S_2 &= M_2 + Z_2 + \Theta_2 + T_2 + \Pi_2 = \\ &= K_1 \cdot n_1 \cdot S_1 + K_2 \cdot n_2 \cdot S_1 + K_3 \cdot n_3 \cdot S_1 + K_4 \cdot n_4 \cdot \\ &\quad \cdot S_1 + K_5 \cdot n_5 \cdot S_1 = (K_1 \cdot n_1 + K_2 \cdot n_2 + K_3 \cdot n_3 + K_4 \cdot \\ &\quad \cdot n_4 + K_5 \cdot n_5) \cdot S_1. \end{aligned} \tag{2}$$

Тасаввур этиб $K_1 \cdot n_1 + K_2 \cdot n_2 + K_3 \cdot n_3 + K_4 \cdot n_4 + K_5 \cdot n_5 = K_6$, оламиз

$$S_2 = K_6 \cdot S_1$$

(3) формула осон ҳисоблаб чиқилади, яни n_1, n_2, n_3, n_4, n_5 коэффициентлар аслида S_1 - таннарх учун доимийдир K_1, K_2, K_3, K_4, K_5 коэффициентлари эса янги ишлаб чиқариш жойидаги реал харажатлар билан белгиланади.

Ўзбекистонда ишилаётган машинасозлик корхоналари учун тайёрланыётган маҳсулот таннархи S қуйидагича таржыб топади:

- Моддий ҳаражатлар $n_1 = 0,3S$.
- Иш ҳақи $n_2 = 0,1S$.
- Ишлатиш ҳаражатлари $n_3 = 0,1S$.
- Транспорт ҳаражатлари $n_4 = 0,1S$.
- Бошқа ҳаражатлар $n_5 = 0,1S$.

Агар n_3, n_4, n_5 Хорижий ишлаб чиқариш ҳаражатлари билан таққосланадиган ҳаражатлар бўлса, ва буларга бирга (1) тенг бўлган K_3, K_4, K_5 коэффициент кўллаш мумкин бўлса, моддий ҳаражатлар коэффициенти $K_1 = 0,9$ га, иш ҳақи бўйича $K_2 = 0,2$ га баробар бўлади. К ва n коэффициентларининг миқдорини (2) формулага қўйиб, янгидан очиляётган қўшма корхонанинг бўлажак маҳсулот таннархини

◆ БОЗОР ВА ОЧИҚ ИҚТІСОДИЁТ ◆

КОРХОНА - ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ

осонгина ҳисоблаб чиқиш мүмкін. Одатда харажатларнинг шу турлари бўйича маҳсулот танинрхи чет эл фирмаларида-гидан қарийб икки баробар камроқдир; демак, сифат кўрсат-кичларига риоя этилса, жаҳон бозорида рақобатта бардошли бўлади.

6.5. Корхонанинг ташқи иқтисодий шартномаси

Шартнома ҳукуқий шакл бўлиб, у томонлар битими ту-сини олади, унда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оғи-ришдаги ҳукуқ ва бурчлар акс этади.

Ташқи иқтисодий фаолиятга доир шартномалар ҳар хил ном билан аталиши мүмкін: контракт, битим ва ниҳоят шарт-нома. Халқаро қоидалар шундан далолат бермоқдаки, кўпин-ча “контракт” атамаси ишлатилиди. Турли номлар юридик аҳамиятга эга эмас, барча битимлар аслида шартномалардир.

Ҳозирги ҳукуқий тизимлар, жумладан Ўзбекистондаги ана шундай тизимлар ташқи иқтисодий фаолият катнашчила-рига ўзаро ҳукуқ ва мажбуриятларини белгилаб олишида катта имкониятлар беради. Айни вақтда томонлар ҳукуқ ва мажбу-риятларини белгилаб олишгаётганида қонун қоидаларидан ҳам илгарилаб кетиши мүмкін. Бундай белгилаб олиш учун фақ-ат Қонун қоидаларигина чекловчи доира бўлиши мүмкін.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг хусусиятларини инобат-га олиб (унинг қатнашчилари турли давлатларнинг ҳукуқий тизимларига мансубдирлар ва тегишли давлатнинг қонун-қо-идаларини батафсил билмасликлари мүмкін), шунингдек жа-дал иқтисодий муомалани назарда тутиб, тузилаётган шартно-маларга ўзаро ҳукуқ ва бурчларни белгилаш мақсадида му-фассал шартларни киритиш керакки, токи бу шартлар эҳти-мол тутилган ҳар қандай ҳаракатни ва унинг оқибатларини белгилаб ва тартибга солиб турсин. Томонлар ўргасида ке-лишмовчиликлар пайдо бўлганида, арбитраж органдари, авва-ло, томонларнинг ҳукуқлари ва бурчлари белгилаб кўйилган ҳукуқий ҳужжат ҳисобланадиган шартномага мурожаат қил-алилар. Мабодо, агар шартномада томонларнинг ҳукуқлари ва бурчлари аниқ-равшан ифодаланмаган, шу ҳукуқ ва бурчлар-

КОРЖСНА - ТАШҚИ ИҚТІСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ

ни амалға оширишнинг батағсіл шартлари баён этилмаган бўлсагина, арбитраж органлари қонун ҳужжатларига мурожаат қиласи. Шундай қилиб, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари ўргасидаги муносабатларни тартибга солиб турувчи шартноманинг маъсуллиятли роли ҳалқаро тусдаги ана шу фюзиятнинг хусусиятлари билан белгиланган.

Конунчиликда ташқи иқтисодий битимларни ёзма расмийлаштириш кўзда тутилган. Акс ҳолда битим бекор қилинади. Шартнома, томонлар имзолаган битта ҳужжат сифатида ҳам, ҳатлар, телетайп дастурлар, телеграммалар, телефонограммалар тарзида ҳам тузилиши мумкин, кейинги ҳолда ҳужжатларни юборган томон уларга имзо чекади.

Қонунда кўзда тутилмагани учун томонлар шартнома тузиладиган тилни унинг таркибий тузилиши ва мазмунини ҳамда шу кабиларни ўзлари белгилайди. Томонлар шартномага ким имзо чекишини - тасис ҳужжатлари бўлгани учун мансабдор шахсми ёки ишоғчнома билан вакил қилинган шахсми - буни ҳам ўзлари белгилайдилар.

Шартномалар (контрактлар)нинг намунавий шаклларидан кеңг фойдаланилмоқда, булар, хусусан, тадбиркорларнинг турли ҳалқаро ташкилотлари ва уюшмалари томонидан ишлаб чиқилган, масалан, булар дон етказиб бериш (олди-сотди), ускуна, жўнатишга, пурратга оил контрактлардан, кемаларни пулратга ҳамда ижарага олиш шартномаларидан иборат бўлиши мумкин.

Ташқи иқтисодий фаолиятда шартноманинг қўйидаги турлари жуда кең тарқалган: олди-сотди (мол етказиб бериш), пуррат шартномалари, рухсатнома олиш, вакиллик қилиш, юқ ташиш шартномалари. Ҳалқаро иқтисодий муомаланинг аксарият қисми товарлар (маҳсулот) олди-сотдисига тўғри келади. Шу сабабли бу соҳада муносабатларни тартибга солишда **олди-сотди шартнома (контракт)ларнинг аҳамияти катта**. Бу шартномаларда, хусусан, шартнома мавзуси, нарх, ҳисоб-китоб шакли ва шу кабилар батағсіл баён этилиши билан бир қаторда мол етказиб беришнинг базис шартлари ҳам ёзилади. Базис деганда, ҳалқаро иқтисодий муомалада таркиб топган мол етказиб бериш (сотиш) шарт-шароитлари тушунилади. Бу шарт-шароитлар, асосан мол етказиб берила-

КОРХОНА - ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ

диган жой ва етказиб бериш вақтига, юкни ташиш, товар нобуд бўлганида ёки айнитанида зарарни биргаликда қоплаш масалаларида даҳлордир. Бу шарт-шароитлар турли мамлакатларда ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари ўртасида узоқ вақт қўлланилганидан кейин ишлаб чиқилган бўлиб, халқаро амалиётда кенг қўлланилмоқда, бу шарт-шароитлар “савдо терминлари” деган ном билан машхур.

Бундай терминларнинг тўпламлари мунтазам, халқаро савдо палатаси томонидан нашр этилади. Ташқи иқтисодий амалиётда шу терминларни бир хил тушуниш ва қўллаш учун Халқаро савдо палатаси талқин қоидаларини унификация қилиш юзасидан доимий иш олиб боради. Натижада палата “терминларни талқин қилишининг халқаро қоидалари” (Инкотермс) тўпламларини чиқармокда. Ҳозир ҳам амалда бўлган ана шу қоидаларнинг сўнгти таҳрири 1990 йилда нашр этилди. Контрактларда тегишли қоила қўйидагича ифодаланади: “Товарлар Инкотермс - 1990 йил таҳриридаги шартларда (терминнинг номи ёзилади) етказиб берилади”.

Савдо терминларидан фойдаланишига мисол сифатида ФОБ ва СИФ шартларида товар етказиб беришнинг асосий қоидаларини кўрсатиш мумкин.

ФОБ (кема бортида эркни) - **юк тушириш портининг номи**. Сотувчининг асосий бурчлари қаторига товарни ўз ҳисобидан кема бортига ортиш ва бундан харидорни хабардор қилиш, харидорга далил сифатида юк ортилгани ҳақида оддий транспорт хужжатларини етказиб бериш (бу ҳақида томонлар илгари келишиб олишан бўлади), кема тўсигидан ўтгунга қадар товарнинг йўқолиши ёки зарарланишига оид барча зарарни кўтариш, товарни олиб чиқиб кетилиши билан боғлиқ бўлган божхонадаги барча қоидаларга риоя этиши киради.

Харидорнинг асосий бурчлари қўйидагилардан иборат: ўз ҳисобидан ташиш шартномаси тузиш; кеманинг номи ҳақида сотувчини хабардор қилиш, ортиш жойи ва товарни етказиб беришнинг зарур вақти ҳақида сотувчига хабар бериш, товар кема тўсигидан ўтанидан кейин унинг йўқолиши ёки шикастланиши хусусидаги барча зарарларни кўтариш, шартномада кўзда тутишанидек, тақдим этилган транспорт хужжатларига қараб товарга ҳақ тўлаш.

КОРХОНА - ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ

СИФ (қиймат, сугурта, фрахт) - товар етиб борадиган порт. Сотувчининг асосий бурчлари қўйидагилар: ўз ҳисобидан шартлашиб олинган келиш портигача ташин шартномасини тузиш, ортиш портида кема бортига белгиланган муддатда товарни юқлаш, кема тўсигидан ўтишига қадар товарнинг йўқолиши ёки шикастланиши билан боғлиқ бўлган барча зарарни қоплаш, харидор фойдасига товарни ўз ҳисобидан сугурта қилиш ва унга сугурта полисини (гувоҳномасини) ёки сугурта шартномаси тузилганини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни бериш, харилорга шартномада кўзда тутилган транспорт ҳужжатларини тақдим этиш.

Харидорнинг асосий бурчлари қўйидагича: сотувчи томонидан тақдим этилган транспорт ҳужжатларига кўра товарга ҳақ тўлаш, келиш портида товарни қабул қилиб олиш ва товарни тушириш харажатларини кўтариш (агар бу харажатлар ташиш шартномасига киритилмаган бўлса), ортиш портида товар кема тўсигидан ўтганигача унинг йўқолиши ва шикастланиши билан боғлиқ бўлган барча зарарларни қоплаш.

Агар шартнома (контракт)да "Инкотермс - 1990 йил" қоидлари тилга олинган бўлса, бу ҳолда шу қоидлар кўзланилади. Шуни назарда тутиш керакки, "Инкотермс 1990 й." да мулк ҳуқуқлари сотувчидан харидорга ўтиши масалалари тилга олинмаган. Шунинг учун ҳам томонлар шартнома тузилаётганида, бундай ҳуқуқ контракт тузилиши билан ўтадими ёки харидор товарни олиши биланоқ ўтадими ёхуд бошқа бир фурсатда ўтадими, деган масалани ҳын этиб олишлари керак. Бу масала ҳын этилаётганида миллӣ ҳуқуқ меъёллари ҳисобга олинини лозим.

Олди-сотди (мол етказиб бериш) шартномасида ҳисобкитоб шаклини назарда тутиш керак. Халқаро иқтисодий муомалада ҳисоб-китобларнинг аккредитив шаклидан фойдаланиш кенг расм бўлган.

Арбитраж битими шартноманинг мұхим қоидасидир, бунга кўра, томонлар ўртасидаги келишмовчилликлар арбитражда ҳал этилиши мумкин. Айни вақтда томонлар аниқ арбитраж органини кўрсатиш ҳуқуқига эга.

Арбитраж органлари келишмовчилликларни ҳал этишаёттанида, аввало, тузилган шартнома қоидларига асосланади. Мазкур шартнома билан беъзи бир масалалар ҳал этилмаганида, арбитраж

КОРХОНА - ЎАДДИЧА ТАРТИФИЛДИРИЛГАН ФАОЛИЯТ СУБЪЕКТИ

органи олдила: қайси давлатнинг ҳуқуқи негизида келишмовчиликни ҳал этиш муаммоси вужудга келади. Ташқи иқтисодий фоалиятни амалга ошираётган субъектлар ўртасидаги муносабатлар, кўпинчча, турли давлатларнинг ҳуқуқий тизимлари таъсирида бўлади. Шу муносабат билан шартнома (контракт)да келишмовчилик кўриб чиқилаётганида, қайси давлатнинг ҳуқуқи қўлланилиши олдиндан кўрсатиб қўйилиши керак. Агар шартномада қайси давлат ҳуқуқларини қўлташ ҳақида айтилмаган бўлса, бу ҳолда арбитраж органни олди-сотди шартномасида сотувчи ёки комиссия шартномаси-га комиссционер ёхуд таъсиш шартномасида ташувчи бўлган томон таъсис этилган, яшаётган ёки асосий фоалиятни амалга ошираётган давлат ҳуқуқини қўллайди.

Олди-сотди шартномасида шартнома бажарилмагани ёки тўқис бажарилмагани учун жавобгарлик чоралари, шунингдек томонларни жавобгарликдан холи этадиган ҳолатлар ҳам кўзда тутилади. Жавобгарлик чоралари белгиланаётганида уни чеклаш зарурлигини ҳисобга олиш керак, акс ҳолда зарарларни қоплаш ҳамда жарима (бурдисзлик тўлови) тўлаш ҳақида талаблар кўйилиши мумкинки, буларнинг суммаси товар қўйматидан жуда юқори бўлади.

Шартномаларга тилга олинган қоидалардан ташқари етказиб бериш мuddати, товарнинг сони, сифати, идиш, ўрашва шу кабилар ҳақида ҳам моддалар киритилади.

Ташқи иқтисодий фоалият субъектлари шартнома тузар эканлар, шуни ҳисобга олишлари керакки, Ўзбекистоннинг халқаро шартномалари республика ҳуқуқий тизимининг таркиби қисмидир. Шунинг учун ҳам ҳўжатлик юритувчи субъектлар республика ва бошқа давлатлар қонунчилигига риоя этишибнига қолмасдан, давлатимиз қатнашчиси бўлган ҳалқаро шартномаларга ҳам амал қылганлари зарур. Масалан, БМТнинг 1980 йилдаги халқаро токир олди-сотдиси шартномалари тўғрисида и Конвенциясида оффертга ва акспект усулида айирбошлиш йўли билан шартномалар тузини, зарар, жавобгарликдан холи қитини, шартномани бекор қилиши тўғрисида ва шу каби моддалар бор.

Шуни назарда тутиш керакки, бошқа халқаро шартномалар қатори мазкур Конвенция моддалари қўлланилимоғи учун контрактда ушбу конвенциясида ҳал этилган масалалар хусусида моддалар бўлмаслиги керак.

КОРХОНА - ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛПЯТ СУБЪЕКТИ

Маҳсулот сотиши ҳақидағи қар қандай контрактта бўлганидек, экспорт-импорт операциялари контрактида ҳам товарлар нархлари ҳақида кўрсатма бўлади. Одатда, товарлар бир ёки бир неча йилда харид қилинади. Фарб компанияси харид қилишига мўлжалланган бу товарлар, кўпинча, контрактда батағсил ёзилмайди. Бундай ҳолда контрактда қатий нарх ўрнига нарх ҳисоблаб чиқиш формуласи кўрсатилади. Бу формула, одатда, битим тузилган пайтда маҳсулотнинг бозорда сотилишини таъминлайдиган ўрга бозор нархлари асосида тузилган. Одатда, бу формула қўйидағича ифодаланади: “битим тузилаётган вақтда жаҳон бозорида мақбул бўлган нарх” ёки “харидор мамлакати бозоридаги товар ўргача нархидан 10 фоиз арzon нарх”. Узоқ муддатли контрактлар тузилаётган бўлса, Фарб компанияси муайян имтиёзлар олишга ҳаракат қилиши керак, бу имтиёзлар битимда қайд этилиши лозим, акс ҳолда мазкур компания ўша мамлакатнинг ўзидан яна ҳам арzonроқ товарлар бозорни тўлдириб юборгани сабабли сотиб олинган товарни сотища бой бериб қўйиши мумкин. Битимга шундай банд қўшиш тавсия этиладики, токи вақти-вақти билан нархларни қайтадан кўриб чиқиш мумкин бўлсин.

Сифатнинг объектив андозаларини белгилаш ва буларга риоя этилишини таъминлаш алоҳида муҳим муаммодир. Муқобил харид учун мўлжалланган маҳсулот олдиндан маълум бўлса, сифатга талаб аниқ-тиник, барча эътироф этган терминаларда баён этилиши керак. Агар бунинг имконияти бўлмаса ёки сотову учун мўлжалланган аниқ товар битим тузилаётган вақтда номаъдум бўлса (бу кўпроқ учрайдиган ҳолдир), контрактда маҳсулот “Экспорт андозалари”га жавоб бериши керак, деган банд бўлиши даркор. Бу ўринда сифат Фарбда рақобат қилаётган товарлар билан таққосланадиган терминаларда ифодаланиши мумкин. Терминалар, кўпинча, ҳар хил тушунилаёттани сабабли, компания жўнатиши олдидан товарларнинг сифатини текцириб кўриш учун мустақил экспертиза тайинлашдан иборат ўз ҳуқуқини алоҳида таъкидлаб қўйишига итилиши керак. Бундай экспертилар дунёнинг барча йириқ портларида фаолият кўрсатмоқда.

Тижорат ташкилоти контракт тузা олмоғи учун, мазкур

◆ БОЗОР ВА ОЧИҚ ИҚТИСОДИЁТ ◆

КОРХОНА - ТАШҚИ ИҚТІСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ

ташкилот мол етказиб бериш вақтини аниқ күрсатмоги ёки мол етказиб бериладиган аниқ даврни күрсатмоги шарт (агар харид вақти-вақти билан бўлса). Кўпинча контрактга қўши-мча тасодифий ҳолатлар тўғрисидаги моддани (шартни) қўшишга тўғри келади, шунга биноан муайян давр мобайнида мол етказиб бериш шартларини бажармаслик бутун контрактнинг бузилиши, деб тасаввур этилади. Бунинг натижасида компания битим доирасидаги барча мажбуриятларидан тўла-тўкис ва писандасиз холи бўлиш имкониятини кўлга киритади.

Муҳокама учун саволлар

Олтинчи бўлимни ўқиб чиқинг ва қуийдаги саволларга жавоб беринг:

- 1** Ҳозирги шароитда корхона ўз маҳсулотини ташқи бозорларга чиқармаса, ютуғи қўп бўлмайди. Корхона учун қай бири афзал, - ташқи бозорларга мустақил чиқишга уринишми ёки ихтисослашган ташқи савдо фирмаси воситачилигига чиқиши?
- 2** Корхоналарнинг ташқи савдо фаолияти амалиётида кўпинча шундай вазиятлар учрайдики, бунда маҳсулот экспортидан келган валюта тушуми расмий курс билан миллий пул бирлигига айлантириб ҳисоблаганда, ҳатто ишлаб чиқариш чиқимларини ҳам қопламайди. Бундан мазкур корхона экспорт-импорт операциялари билан шуғулланмаслиги керак, деган холосани чиқарса бўладими?
- 3** Бартер компенсация савдоси доирасида битимларнинг асосий турларидандир. Ўтиш иқтисодиёти босқичидағи мамлакатларда бартер операциялари кенг тарқалишининг сабабларини айтиб беринг. Ташқи савдода бартердан фойдаланишдан миллий иқтисод нимани ютади ва нимани ютқазади?

◆ БОЗОР ВА ОЧИҚ ИҚТИСОДИЁТ ◆

КОРХОНА – ТАШҚИ ИҚТІСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ

- ◆ Битимлар ва молиявий ҳисоб-китобларнинг қайси шакллари экспортчини ноинсоф харидордан тузукроқ мухофаза қилади?
- ◆ Күшма корхона очишга ўз маблагини сарфлаёттган хорижий инвесторнинг қандай нияти бор?
- ◆ Күшма корхонага шерик танлаётганды, қандай омилларни ҳисобга олиш керак?
- ◆ Қайси ҳолларда хорижли шерик қўшима корхона устав фондидаги улушкига нисбатан кўпроқ фойда улушкига даъво қилишга ҳақли?
- ◆ Халқаро савдо соҳасида контрактлар тузиш учун “Терминларни талқин этишининг халқаро қоидалари” (“Инкотермс”)нинг аҳамияти қандай?
- ◆ Ташқи иқтисодий фаолият билан машғул бўлган субъектлар ўргасидаги муносабатлар, кўпинча, турли давлатлар ҳуқуқий тизими таъсирида бўлади. Мабодо, шартномада қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқ тўғрисида модда бўлмаса, келишмовчилликни кўриб чиқишида қайси давлатнинг ҳуқуқи қўлланилиши керак?

Глоссарий

Бартер - мавоза, пул-молия ҳисоб-китоблари механизмидан фойдаланмай, бевосита товарлар айрибошлиш.

Банк ўтказмаси - бир банкнинг иккинчи банкка олувишга ўзига тегишли суммани тўлаш тўғрисидаги топширифи.

Муқобил битим - Бу шундай битимки, сотувчи харидорга оддий тижорат шартларида товар етказиб беради, айни пайтда у (сотувчи) харидордан сумманинг муайян фоизи

КОРХОНА - ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОПИЯТ СУБЪЕКТИ

миқдорида муқобил товар сотиб олиш мажбуриятини олади. Ҳужжатли аккредитив - импортчининг топшириги билан ва унинг ҳисобидан кўзда тутилган ҳужжатларга кўра ва аккредитивнинг барча шартларига риоя қилиб, экспортчига тўлов тўлаш тўғрисида банкнинг пулли мажбурияти.

Инкассо - ҳисоб-китоблар шакли, бунда экспертчи импортчидан етказиб берилган товар учун, тақдим этилган товар тақсимлаш ҳужжатларига кўра тўлов суммасини олишни ва бу суммани экспертчи ҳисобига ўтказишни банкка топширади.

Компенсация битимиш - ўзаро мол етказиб бериш ёки бошқа исталган шаклда контрагентларнинг манфаатларини ўзаро қондириш.

Консигнация - воситачиларнинг консигнация омборлари орқали товар сотиши шакли, бунда воситачи омборига тушган товар харидорга сотилгунинг қадар экспортчининг ҳукукий мулки бўлиб қолаверади.

Лизинг - вақтингча бўш турган ёки жалб этилган маблағларни инвестициялаш, бунда лизинг берувчи муайян соствуидан шартномада келишиб олинган мулкни сотиб олиш мажбуриятини олади ва лизинг одувчига шу мулкни ҳақ олиб вақтингча фойдаланишга беришни ўз зиммасига олади.

Очиқ ҳисобварақ - ҳисоб-китоб шакли, бунда харидор адресига товар ва товар тақсимлаш ҳужжатлари юборилади, контрактда кўрсатилган муддатда бу товарлар ҳақини тўлаш керак. Кредитга ҳисоб-китоб - тижорат кредити, экспортчининг импортчига берадиган кредити ёки импортчининг экспортчига берадиган бўнаги.

Ҳисоб-китоблар шакли - Халқаро тижорат ҳисоб-китоблар муомаласида, жумладан, банк амалиётида таркиб топган етказиб берилган товар (маҳсулот), кўрсатилган хизмат, бажарилган иш ва шу кабилар учун ҳақ тўлаш усуллари.

Мундарижа

| | |
|--|-----|
| Сўз боши | 5 |
| <i>1-бўлим Очиқ иқтисодий тизимнинг аҳамияти ва афзалиги</i> | 9 |
| 1.0. Халқаро савдонинг иқтисодий асоси..... | 9 |
| 1.1. Миллӣ хўжаликни ривожлантиришда ташқи иқтисодий алоқаларнинг роли | 24 |
| 1.2. Очиқ иқтисодиёт сари ҳаракат босқичлари | 31 |
| 1.3. Ташқи иқтисодий алоқалар самарадорлигининг кўрсаткичлари | 40 |
| Муҳокама учун саволлар..... | |
| Гиоссарий..... | 53 |
| <i>2-бўлим Давлат ташқи иқтисодий фаолият субъекти сифатида</i> | 55 |
| 2.0. Ташқи иқтиносдий фаолиятни давлат йўли билан бошқариш | 55 |
| 2.1. Давлат ташқи иқтисодий стратегиясининг турлари ... | 62 |
| 2.2. Ташқи иқтисодий фаолиятга давлат таъсирининг воситаси | 69 |
| 2.3. Рифожланётган иқтисодиёт ташқи иқтисодий стратегиясининг ўзига хос хусусиятлари | 80 |
| 2.4. Ҳом ашё ресурсларини экспорт қилиш соҳасидаги сиёсат | 92 |
| 2.5. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ташқи савдосининг хусусиятлари | 96 |
| Муҳокама учун саволлар | 104 |
| Гиоссарий..... | 105 |
| <i>3-бўлим Ташқи иқтисодий стратегиянинг валюта-мониторинг жиҳатлари</i> | 107 |
| 3.0. Валюта бозори | 107 |

Мундарижа

| | |
|---|------------|
| 3.1. Миллий валютта тизими | 120 |
| 3.2. Халқаро валюта тизими ва унинг эволюцияси | 131 |
| 3.3. Халқаро банк иши ва халқаро ҳисоб-китоблар | 139 |
| Муҳокама учун саволлар | 146 |
| Глоссарий..... | 148 |
| 4-бўлим Халқаро инвестицияларни жалб қилиш стратегияси ва усулиари..... | 149 |
| 4.0. Халқаро капитал бозорлари | 149 |
| 4.1. Халқаро кўшма корхоналар | 161 |
| 4.2. Ўзбекистонда чет эл сармоясидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари | 165 |
| 4.3. Чет эл сармоясини қимматли қоғозлар бозори орқали жалб этиш | 168 |
| 4.4. Чет эл инвестициялари ва кўчмас мулк | 174 |
| 4.5. Инвестиция муҳити | 178 |
| Муҳокама учун саволлар..... | 336 |
| Глоссарий..... | 337 |
| 5-бўлим Ўзбекистон жаҳон интеграция алоқалари тизимида..... | 199 |
| 5.0. Интеграция жараёнлари ва ташқи иқтисодий алоқалар | 199 |
| 5.1. Европа Иттифоқи | 205 |
| 5.2. Ўзбекистоннинг интеграция тузилмаларидағи иштироки | 217 |
| 5.3. Ўзбекистоннинг халқаро шартномалари ва ташқи иқтисодий ҳамкорлиги | 225 |
| 5.4. Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик | 233 |
| Муҳокама учун саволлар..... | 248 |
| Глоссарий..... | 249 |

Мундарижа

| | |
|--|-----|
| <i>6-бўлим Корхона - ташқи иқтисодий фаолият субъекти</i> | 251 |
| 6.0. Экспорт ва импорт | 251 |
| 6.1. Корхоналар ташқи иқтисодий битимларининг турлари | 258 |
| 6.2. Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда қўлланиладиган ҳисоб-китобларнинг асосий шакллари | 268 |
| 6.3. Муқобил савдоning молиявий механизми | 273 |
| 6.4. Корхона ва чет эл инвестори | 279 |
| 6.5. Корхонанинг ташқи иқтисодий шартномаси | 290 |
| <i>Муҳокама учун саволлар</i> | 296 |
| <i>Глоссарий</i> | 297 |
| <i>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</i> | 302 |

ФОНДАЦИЯНИДАН АЛДИНГИ ЙАК РУИХАТИ

И.А.Каримов. Ўзбекистон: иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, "Ўзбекистан", 1995.

И.А. Каримов. "Год экономического подъема нашей страны". Выступление на заседании Кабинета Министров 25 июля 1996 г., "Правда Востока", 1996 г.

Т.В.Кобушко. С.А.Пономарев. Встречная торговля: прошлое или будущее? Москва, "Международные отношения", 1989.

П.Х.Линдерт. Экономика мирохозяйственных связей. Москва, "Прогресс", 1992.

О.М.Миримская. Компенсационные сделки. Москва, АгроАрго, 1992.

В.Н.Огородник. Работа внешнеторговой фирмы предприятия. Москва, Экономика, 1991.

Основы внешнеэкономических знаний. Словарь-справочник. Москва, "Высшая школа", 1990.

Основы предпринимательского дела. Москва, "Издательство МГУ", 1993.

Основы предпринимательской деятельности. Москва, "Финансы и статистика", 1995.

И.Липсиц. Экономика без тайн. Москва, "Дело", 1993.

А.Б.Терехов. Свобода торговли. Анализ зарубежного опыта. Москва, "Экономика", 1991.

Язык бизнеса. Термины. Ташкент, "Бизнес каталог", 1995.

МАВЗУЛАР БҮЙИЧА СЕМИНАРЛАР



◆ БОЗОР ВА ОЧИҚ ИКТИСОДИЁТ ◆

“БОЗОР ВА ОЧИҚ ИҚТИСОДИЁТ”

Мухаррир -
Файзиева Д.
Масъул мухаррирлар -
Павловская О.
Азимов Б.

Компьютерда сахифаловчи ва дизайн -
Шагаров А.

Босишига руҳсат этилди 1996 йил 14 ноябрь.
Формат 84x108 1/32.
19 нашр ҳисоб табоғи. Нусхаси 5000
Буюртма № Ҳ-7631 Баҳоси келишилган нарҳда.

Китоб рус тилидан таржима килинди
Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот
кўмитасининг
Тошполиграфкомбинати
Манзил: Тошкент ш., Навоий қўчаси, 30-йй. 1996